


КОМИЛ ИКРОМОВ



САНКИЗ КУНЛИК САРГУЗАШТ


Қисса

Русчадан
ЭРКИН МИРОБИДОВ
таржимаси

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қомитети
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти
Тошкент — 1980

Комил Икромовнинг ушбу қиссаси мантиқан ва мазмунан сизларга яхши таниш бўлган «Ўқчи кўчаси» қиссасининг давоми. Унда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва синфий душманларимиз, босмачиларнинг қолган-қутган тўдаларини тугатиш йўлида олиб борилган кураш тасвирланади. Уша кунларда ўқчилик болалар бошдан кечирган ажойиб-гаройиб саргузаштлар қиссада жонли ва ширали тил билан ҳикоя қилинади.

Ў32
Н 37



И 70303 — 168
8:6 (04) — 80 90—80 4702:7 000

© Из-во «Ёш гвардия», 1974

© «Ёш гвардия» нашриёти, 1980, таржима

1

Содиқ аслида шунақа шубҳачи ўзи.

— Аниқ биласанми ўзинг?

— Аниқ.

— Бир сўм йигирма тийин-а?

Қудрат жазоб бермади. У илгари кўршапалак ини ва ўргимчак тўрлари қоплаб ётадиган шифтга тикилди хит бўлиб. Ҳозир улар кўршапалак инини бузиб ташлашган, ўргимчак тўрлари ҳам тутам-тутам бўлиб осилиб ётарди.

— Тўхта, тўхта,— деди Зокир,— нимага ҳамма сотиб олмайди бўлмаса? Оддийси саккиз сўм-у, шунақанги пишиги бир сўм йигирма тийин тураркан-да?

— Справка билан-да,— деди Қудрат худди ўшандай хуноблик билан.

— Қанақасига?— ишонинқирамай, лекин муроса-созлик оҳангида сўради Содиқ.

— Справка билан бўлса ҳаммаси арзон туради. Уша ерда ёзиб қўйишибди—корхона ва ташкилотларга, деб.

— Гапингга қараганда, справка бўлса бир сўм йигирма тийин экан-да. Борди-ю справкасиз бўлсачи?— бўш келмасди Содиқ.

— Ишонмасанглар, Азиздан сўранглар,— деди Қудрат.

Бу—гап тамом-вассалом деган маънони англатарди. Негаки болохонада ўтирган болалардан ҳеч қайсилари Азиздан ҳеч нимани сўролмасди; бу ҳар битталари учун ўзини ерга уриш билан баробар эди. Азиз

улардан каттароқ, еттинчини битирган ва отаси—Ўктамбек Тожибеков бухгалтерлик қиладиган аллақайси идорада хат ташувчи, дастёр бўлиб ишларди. Азиз узун йўл-йўл шим, «Скороход» фабрикасида тикилган ботинка кийиб юрар ва болалар билан менсимай гаплашарди.

— Азиздан сўранглар,— такрорлади Қудрат.

— Бўпти, бўпти, ишсиздик,— деди Содиқ тан бергандай.— Пулимиз олти сўм. Олти юзни бир юз йигирмага бўлсак—бешта. Беш жуфт бутси олсак бўларкан. Справка-чи, уни қаёқдан оламиз?

— Ўзим ёзаман,— деди Қудрат.

— Тўппа-тўғри!— сўзниб кетди Зокир.— Справка ёзишни билади у. Ёз ўша справкангни.

Содиқ бўйрадан туриб, шийпончага чиқди.

Бу кенгаш икки йилдан бери одам турмайдиган ҳовлининг болохонасида бораётган эди. Уйнинг собиқ эгаси темирчи Саттор ака оламдан ўтган, ўғли бўлса Москвада ўқир ва отасини дафн қилган кунларидан кейин Тошкентга бирон мартаям келмаганди. Кўча эшик ва бошқа ҳамма эшикларда қулф осиглиқ, темирчилик устахонаси ҳам қулфлоглиқ, болохонага эса болалар бир куни Зокирларнинг тоmidан ўтишганди. Бу воқеа эрта баҳорда содир бўлганди, ёзга келиб бўлса болохона батамом ўзлаштириб, эгаллаб олинган эди. Улар бу ерга бўйра тўшаб, деворлари тагига китоб ва брошюралар солинган яшикларни териб қўйишганди. Биттаю битта токчада латтага ўроғлиқ қўл тўпи турарди. Зокирнинг отаси болалар қўшнининг болохонасини забт этишларига парво ҳам қилмади, ҳатто маҳалла комиссиясининг раиси ҳам гиринг деб эътироз билдирмади.

Вақт пешинга яқинлаб қолганди.

Пастда бўм-бўш ҳовли, деворнинг нариёғи бўлса жинкўча, ундан қоп-қоп юк ортилган арава ўтиб боряпти. Деворда ўт ўсган, чошгоҳ жазирамасида, енгилгина пабадада икки лолақизғалдоқ оҳиста чайқалиб турибди.

— Бизлар қанақасига корхона бўламиз?— сўради Содиқ ўгирилиб.

— Биз ташкилотмиз,— чанг ва қоронғи болохонанинг ичкарасидан жавоб берди Қудрат.— Биз беш кишимиз. Доим биргамиз, бирга футбол ўйнаймиз. Биз

ҳатто оддий ташкилот эмас, кўнгиллилар ташкилоти-миз. Артелга ўхшаган.

«Эҳтимол биз ростдан ҳам ташкилотдирмиз,— ўйлади Содиқ.— Худди артелга ўхшаган». Ўша заҳотиёқ кулиб қўйди: футболчилар артели. Бунақасини у сира эшитмаганди.

Бултур улар биринчи марта «Пищевик» стадионига киришган ва футболни қандай ўйнаётганларини кўришган эди. Кейин иккита дўппини олиб, ичига латта-путта тиқиб, икковини оғзини-оғзига қилиб тикишганди. Бу коптокларини майдонда суришгани-суришганди. Бун кўриб катталарнинг роса жаҳллари чиқарди.

— Уят-э!— деганди бир кун бухгалтер Тожибеков.— Кап-катта йигитлар калта иштонда югуриб юрсаларинг, ота-оналарингга иснод-ку бу. Ахир мусулмон фарзандларисанлар-а. Ё самарискамисанлар?

Бухгалтер Тожибеков ҳамма билан ҳам гаплашавермасди. Ўзининг аралашуви жудаям зарур деб билган чоғларидагина маҳалла ҳаётига аралашарди. Афтидан, футбол тўғрисидаги фикрини чойхонада ҳаёт айтган кўринади, нега деганда ҳеч қанча вақт ўтмай болаларни кўзларини очирмай қўйишди.

Чойхоначи ота уларга:

— Худо беҳабарлар, имом Ҳасан-имом Ҳусанларнинг бошини тепиб юрибсанлар-а! Ҳали кўрасанлар, бу дунёда мана шу дўппиларни қандоқ тепиб юрган бўлсаларинг, у дунёда шайтону иблислар сенларнинг қовоқ бошларингни ҳам шундоқ тепкилашади.

Маҳалла комиссиясининг раиси Маҳкам ака болаларга жуда яхши муомала қилар, ҳатто қаёқдандир волейбол тўпини келтириб берганди, ана шундай одам ҳам (гарчи ҳувиллаб ётган яланг майдонда уларни камдан-кам одам кўрса ҳам), кап-катта йигитчаларнинг калта иштонда чошиб юриши яхши эмас, деди.

— Урф-одатларимизни ҳурмат қилиш керак,— деди у.— Биз аёлларни озодликка чиқариш учун курашяпмиз, аммо-лекин ҳали-ҳозирча хотин кишининг паранжи-чачвонсиз кўчага чиқиши қандоқ ножўя кўринса, ўғил болаларнинг калта иштонда юриши ўшандоқ адабсизлик бўлиб туюлади. Турган гап, яқин орада аёллар паранжи-чачвонсиз юрса бўладиган пайтлар келади. Бундай вақт албатта келади. Илло калта

иштонда юриш — бу қуйишқондан чиқиб кетиш. Имоминим комилки, ҳатто ўрис футболчилариям охир-оқибатда футболни узун иштон кийиб ўйнайдиган бўлишади ҳали. Хўш, бунинг нимаси ёмон?

Маҳкам ака бу ҳақда бир неча маротаба гапирди, лекин тўпни ҳар қалай унинг ўзи келтириб берди. Бўлмаса болалар ҳанузгача дўппи коптокларини тепиб юришган бўларди.

Қудрат билан Зокир икковлари ниҳоят справкани ёзиб битиришди.

СПРАВКА

Берилди ушбу магазинга шул ҳақда-ким, Уқчи кўчасидаги футболчилар ташкилотига футбол ўйнаш ва мактабга қатнаш учун беш жуфт бутси — пишиқ ботинка керак, йўқса бунақанги пишиқ ботинкаларни бошқа йўл билан сотиб олишнинг иложи йўқ.

— Хўш, қалай? — сўради Қудрат гердайиб.

— Силлиқ чиқибди, — деди Содик ҳайрон қолиб.

Унга айтилган бўлганини: «Берилди ушбу магазинга...» дейилган жойи ёқди.

— Маҳкам акамлар қўлларига яра чиққанида бир неча кун справка ёзиб бериб турганман, — мақтанди Қудрат, гарчи бу бутун маҳаллага аллақачонлароқ аён бўлса ҳам.

Зокир Қудратнинг ёнида оғзи қулоғига етиб турарди. У ҳар қандай қўлга киритилган ютуқдан ўзида йўқ суюниб кетарди.

— Бошқаларга ҳам хабар қилиш керак, — деди Зокир, — қотириб ёзганимизни. Раҳимга айтиш керак, иннайкейин Эсон каллаварамгаям. Магазинга ҳаммамиз биргалашиб борамиз.

Қани энди ҳаммаларида бутси бўлса, қойилмақом иш бўларди-да. Шу бутуноқ боришлари керак, унда кечқурун майдонда биринчи машқни ўтказишади. Ана ундан кейин Бешёғочга бориб, катта болалар билан ўйнашса ҳам бўлади.

Содиқ шу гапларни хаёлидан ўтказди, кейин ўзини зўрлаб бўлса ҳам сўради:

— Муҳр босилмаган справкани қабул қилишармикни?

Зокирнинг шу заҳотиёқ тарғузи қўлтиғидан тушиб кетди, Қудрат бўлса пинағини ҳам бузмади.

— Ёш боламисан дейман? Муҳр босилмаса магазин албатта олмайди-да. Муҳрни мен тоғаман. Унинг қаердалигини биламан. Маҳкам аканинг ҳамма ишларидан хабардорман.

— Йўқ,— деди Содиқ,— бунақаси кетмайди. Уларни алдаш яхшимас. Агар ўзлари муҳр босиб берсалар бошқа гап.

— Албатта босиб берадилар,— деди Қудрат.

— Борди-ю босиб бермасалар-чи?— сўради Зокир.

— Унда ялангоёқ ўйнайверамиз,— деди Содиқ қатъий.

Башарти Содиқ шундай дедими, тамом, у билан тортишиб ўтириш бефойда эканини болалар яхши билишарди. Қудрат ҳозироқ маҳалла комиссияси идорасига бориб, раисдан муҳр босиб беришини илтимос қиладиган бўлди, шунга қарор беришди. У албатта рози бўлади—ахир справкада бор гап ёзилган-ку. Тушдан кейин бешалалари Карл Маркс кўчасига, спорт моллари магазинига боришади.

Содиқ Зокирдан ёрдамлашиб юборишни сўради, собиқ кўршапалак инидан тугунчани олди-да, пулни бошқатдан санади. Олти сўму ўн тўрт тийин экан.

Маҳкам ака маҳалла комиссиясига бир неча йилдан бери раислик қилади. Бу бугдойранг, кўккўз, ҳатто узоқдан кўзга ташланиб турадиган қоп-қоратикрайма мўйловли жиккаккина, паст бўйли чол. Маҳалла комиссияси ҳеч қачон унинг давридагидек обрў топмаганди. Маҳкам ака маҳалла-кўй ва ҳатто ҳар бир хонадондаги воқеа-ҳодисалардан хабардор, одамлар шиква-шикоятлари билан унинг ҳузурига тез-тез келиб туришади.

Вақт эса жуда оғир эди. Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти эндигина тугатилганди. Янги қонунга биноан талайгина бойлар ўз ерларидан, камбағалларга сувни сотиш ҳуқуқидан маҳрум бўлгандилар.

Улардан бир хиллари босмачиларга қўшилган, бир хиллари қимматбаҳо бойликларини олиб, бошқа шаҳарларга қочгандилар. Бунинг оқибатида Тошкентда ҳам ана шунақанги одамлардан анча-мунчаси йиғилиб қолганди. Улар қариндош-уруглари ва таниш-билишларини ҳора тортиб келишарди. Ҳовли-жой сотиб олиб, ишга жойлашишарди. Бу ишларнинг бари маҳалла комиссиясисиз битмасди, шу боисдан ҳам Маҳкам аканинг ҳар хил ташвишлари кўпайиб кетганди. Ғанимлари ҳам пайдо бўлган, бу эса камдан-кам одамнинг ҳаёлига келарди.

Кунлардан бир куни Маҳкам аканинг олдига марҳум Усмон баззознинг қариндоши, найнов Саидмурод (одатда уни Саидмурод гумашта дейишарди) кириб келиб, ўзига ишчи ва ишчи оиласидан чиққан деб справка беришини илтимос қилди. Справка унга совет савдо ходимлари курсларига кириши учун керак экан.

— Бизга ҳалол сотувчилар керак,— деди Маҳкам ака.— Нега энди сен ишни қаллобликдан бошламоқчисан?

Шунда у Маҳкам акага юз сўм пора бермоқчи бўлди. Балки буни ҳеч ким билмаслиги ҳам мумкин эди, лекин Маҳкам ака Саидмуродни тепки билан шунақанги сийладик, у эшикдан ташқарига учиб чиқиб, мўнди-кўзаларни ортиб бозорга кетаётган эшакка урилиб ағанатиб юборди.

Тўғри, Маҳкам ака жуда унақанги бақувват эмасди. Ахир ёши аллақачонлар олтмишдан ошиб кетганди. Қисқаси, Усмонбойнинг жияни столга пулни қўйганида Маҳкам ака уни шартта олиб, остонага қараб улоқтирди, шунда Саидмурод жонҳолатда ташланиб, пулни йиғиштиришга тушди, ҳаммасини йиғиштириб бўлиши билан, энгашиб турган пайтидаёқ Маҳкам ака унинг дўмпайиб турган жойига тепиб қолди холос.

Кўза-мўндилардан анчаси чил-чил бўлди. Яхшиямки бахти қаро Саидмуроднинг пули қўлида экан. Кулол, эшакнинг эгаси бозорга ҳам бормай, орқасига қайтиб қўя қолди.

Маҳалла раиси бўлса идорасининг остонасида турарди, бойнинг жияни кулолга ҳақини тўлаб бўлгач, у тўпланиб қолганларга тушунтирди:

— Бир кун келиб, ҳамма-ҳамма инсофли, ҳалол бўлади, ана ўшанда ҳеч ким справка-мисправка сўраб

ўтирмайди. Айниқсанги қалбаки справкани. Имоним комилки, шунақанги кун келади. Хўш, бунинг нимаси ёмон?

Маҳкам ака батартиб одам бўлиб, истаб келувчиларга ниҳоятда ғамхўрлик билан қарарди. Шу сабабдан у ҳамиша идорага эрталаб роппа-роса тўққизда келар, бирда дам олгани кетар, учдан кечқурун тўққизгача эса идорада ёки идора остонасида ўтирарди. Борди-ю бирор ёққа кетадиган бўлса, ойнали эшикка, дарпарадан баландроққа :

| «Уйга кетдим» | ёки | «Ижроқўмга кетдим» | , ёки
| «Тезда қайтаман» |

деган ёзувни илиб кетарди. Бунақанги ёзувли қоғоз бешта бўлиб, уларниям бутун кўчадаги ёзуви энг чиройли ўша Қудрат ёзиб-бежаб берган. Одатда Қудрат идора олдидан ўтиб кетаётганида бу ёзувларга ғурурланиб кўз қирини ташлаб қўярди. Айниқса унга : «Ижроқўмга кетдим» деган ёзув ёқарди, негаки у ижроқўм сўзини зеру забарларини ўрнига қўйиб, қотириб бежаб-бежаб ёзганди-да ўзиям.

Лекин бугун ойнали эшикка яқинлашаркан, қошқовоги осилди. Чунки ҳозир худди ўша ёзув осиглиқ турганди. Ижроқўмга кетдим—демак, қачон келиши номаълум.

Қудрат справкани ушлаганча эшик олдида бирпас қаққайиб турди, кейин югурганича уйга жўнади. Ҳаммадан бурун справкани уйга ташлаб чиқиши керак, тагин ғижимланиб кетмасин.

У шундай қилди ҳам. Ўн дақиқалар ўтгач у калтагина тахтани қўлтиқлаб кенг ариқ томондан маҳалла комиссияси идорасининг ҳовлиси девори ёнига келди, тахтани деворга тираб қўйди, кейин устига чиқиб, деворни тепасидан ушлади-да, ичкарига ошиб тушди. Ўзи ўйлаганидай ҳовлига чиқиладиган эшик очиқ экан. Маҳкам ака уни ёзда сира бекитмасди.

Қудрат ичкарига кирди. Бу ерда унга ҳамма нарсатаниш эди. Тахмонда каттакон қулфли пўлат сандиқ турибди, столда—чинни чойнак-пиёла. Пиёлани дераза рафига олиб қўйиб, энглар ишқаланавериб ярқираб

кетган стол тахтасини сал кўтарди-да, оёғи тепасидаги чуқурчадан муҳрни олди. Бу хуфия жойни Қудратга Маҳкам аканинг ўзи айтганди. У боланинг бу сирин огзидан гуллаб қўймаслигини биларди. Ўшанда у нимага бундай қилишини тушунтирганди:

«Пўлат сандиқ оғир бўлсаям уни ўғрилар кўтариб кетиши мумкин, шу ерда турса ҳеч ким тополмайди, хаёлига ҳам келмайди. Ҳам йўқолмайди, ҳам қуп-қуруқ жой. Хўш, буни нимаси ёмон?»

Қудрат яна битта сирдан хабардор эди. Пўлат сандиқнинг калити ҳам столнинг бошқа оёғи тепасидаги худди ўшанақанги чуқурчада турарди.

У калит турибдими-йўқми деб текшириб кўрди-да, муҳрни қўйнига солиб, чойнак-пиёлани олдинги жойига олиб қўйди, ҳеч қанча вақт ўтмай калта тахтани қўлтиқлаб, шошилмай уйига қараб кетиб борарди.

Остона ҳатлаб ҳовлига кирмасиданоқ онаси сўраб қолди:

— Турп олиб келдингми?

Турган гапки, у турп олиб келмаганди. Эсидан чиқиб кетибди. Турп олиб келишига тўғри келди, албатта. Кейин овқатингни е дейишди. Овқатланиб бўлиб, кўчага чиққанида уни болалар кутиб туришарди. Паст бўйли, думалоқ Содиқ, олакўз Зокир, Эсон калла—у найнов, ингичка узун бўйни чўзилиб бориб чўзинчоқ қовун бошга айланганга ўхшарди худди. Эсонни қулоғи супрадай катта бўлгани учун илгари уни Шалпангқулоқ дейишарди, лекин кейинги пайтларда лақамини ўзгартиришди, чунки Эсон зўр бериб калла қилишни машқ қилиб, қойилмақом каллачи бўлиб қолганди. У пешонасини шунақанги пишитиб, шунақанги тўғри мўлжалга оладиган бўлдики, асти қўяверасиз, масалан, ёнғоқни икки бармоғи орасида ушлаб, уни симёғочга қўйиб туриб, бир калла қилишда чақиб ташларди. Эсон яқингинадан футбол ўйнай бошлаган, уч ойдан бери оёғи оғриётгани учун дарвозабонлик қилаётган укаси Раҳимни бошлаб келганди.

— Мана,— деди Қудрат болаларга справкани кўрсатиб. Унга муҳр жуда тиниқ тушган, ҳамма ҳарфлари аппа-аниқ эди.

— Кетдик,— деди Содиқ,— магазинни ёпиб қўйишади бўлмаса.

— Ёпишмайди,— деди Қудрат,— то қоронғи тушгунча ишлайди.

— Йўқ, қоронғи тушгуничаямас,— деди Содиқ.— Магазин соат олтигача ишлайди.

— Ҳали уч бўлгани йўг-у,— деди Қудрат. Болалардан, айниқса, Содиқдан амаллаб қутулиб, комиссия раиси ижроқўмдан қайтгунича муҳрни жойига элтиб қўйиши учун ярим соат ёнги йигирма минут вақт керак эди.— Мен ҳозир боролмайман,— деди Қудрат.— Ойим тайинлаганлар, бир жойга пул обориб беришим керак. Бирпас кута турунглари, ҳозир келаман.

— Йўқ,— деди Содиқ,— ҳаммамиз бирга борамиз. Шундоқ ҳам сени роса пойладик.

— Ўша пулни қайтишда обориб берсанг бўлмайди-ми?— сўради Зокир.— Тагин бирдан бутсиларни бошқа ташкилотлар олиб кетиб қолишса-чи.

— Қайтишда бўлса қайтишда-да,— деди Қудрат. У қўйнидаги муҳрни билдирмайгина пайпаслаб қўйди-да, Маҳкам ака ижроқўмдан қайтмасидан олдинроқ келармиз янги шаҳардан, деган қарорга келди.

Улар бешовлон гангир-гунгир гаплашганча бутун кўча энини эгаллаб кетиб боришарди. Маҳалла комиссиясининг идораси ёнидан ўтишгаётганида: «Ижроқўмга кетдим» деган ёзувга кўзлари тушди.

— Қачон муҳр бостира қолдинг дарров?— сўради Содиқ.

— Кўчада учратиб қолдим, йўлакай босиб бердилар,— алдади Қудрат ва, бу Содиқ ҳаммасини билиши керак, ёлгон ҳам гапириб бўлмайди сира, деб жаҳли чиқди.

Трамвай бекатида Азизни кўриб қолишди улар. У рўпараларидан келаётганди. Оёғида пишиқ ботинка, эғнида йўл-йўл шим, бошида каттакон саватда йирик-йирик, олтиндек сап-сариқ ўрик. У ўнг қўли билан саватни ушлаб, чап қўлида сабзи солинган пақирни кўтариб келяпти.

— Ҳей, қаёққа кетяпсанлар?— сўради у, чиндан ҳам қизиққанидан эмас, балки ўзига болаларнинг диққатини тортиш учунгина гап отганди.

Болалар қаёққа ва нимага кетаётганларини унга тушутириб ўтиришармиди...

— Янги шаҳарга,— жавоб берди Содиқ.

— Уйнагани,— деди Қудрат.

— Уйнагани? Вой мирзақуруқлар-эй. Чўнтакларингда бир пақирларинг йўғ-у, қанақасига ўйнаб келаркансанлар?

Унга пуллари кўрсатиб ўтиришармиди денг...

— Ундан кўра бизникига паловга келларинг,— давом эттирди гапини Азиз,— узоқдан меҳмонлар келишган. Илитма паловни яхши кўрасанларми ўзи?

Бу ҳазилни Содиқ ҳам, Қудрат ҳам яхши билишарди. Шунинг учун индашмади.

— Кечагидан қолган паловни сен яхши кўрасанми?— деб сўради Азиз яна кичкина Раҳимдан.

— Яхши кўрганда қандоқ,— жавоб берди у.

— Бўлмаса эртага боргин... балки қолар.

Азиз лақиллатиб ниятига етганидан ҳиҳилаб кулди. Бошидаги саватни ушлаганича қайрилиб ҳам қарамай жўнаб қолди.

Спорт магазинини бутси ва копток ҳиди тутиб кетганди. Эҳтимол, шунчаки чарм билан резинанинг ҳиди келаётгандир. Магазинда ҳеч ким йўқ, магазинчи пашша қўриб ўтирарди. Ойнали пештахта олдида биттагина харидор — малла сочли, калта чийдухоба камзул кийган ёш йигит турибди. Пештахта ойнасининг тагида катта қилиб кўрсатадиган шишалар, аллақандай қутичалар, устида «Ред стар» деган ёзуви бор қоғоз дасталари турибди. Ўша жойда худди гармончага ўхшаган жудаям чиройли кичикроқ фотоаппарат ҳам бор, фотоаппаратнинг ёзуви русчаяммас, ўзбекчаяммас.

Бутсилар токчаларда турибди. Улар қоп-қора, ипи бўлса оппоқ, ёғоч илгакларга кийдирилган оқ ва қизил ип футболкалар, қошиясига кўм-кўк мато тутилган спортчиларнинг оқ трусилари, худди тўр беланчакка ўхшаган волейбол тўрлари осиглиқ турибди, қандайдир арқон ўрамлари ётибди. Токчалар оралигида бўлса боксчиларнинг қўлқоплари жуфт-жуфт қилиб қатор осиб қўйилибди. Энг тепадаги токчада ярқироқ ёғоч шишалар—кеглилар саф қилиб териб қўйилибди. Уларни ҳеч ким олмас, фақат магазиннинг кўрки бўлиб турарди.

— Бизга беш жуфт бутси керак,— деди Содиқ ва пештахтага ғижимлоглиқ қоғоз пул билан танга-чақаларни чиқариб қўйди. У роппа-роса олти сўм эди. Ўн тўрт тийинни уйга ташлаб келишганди.

— Беш жуфт бутси қирқ сўм бўлади,— деди сотувчи.— У пулга ҳатто қиё ҳам боқмади.

— Биз справка бўйича олмоқчимиз,— деди Қудрат.

— Хўш, нима бўпти?— эътироз билдирди сотувчи.

— Биз — ташкилотмиз,— тушунтирди Қудрат.

— Пул ўтказиш орқалими?

— Қанақа пул ўтказиш?

Қудрат сотувчининг олдига справкани қўйди.

— Мана справка. Биз ташкилотмиз. Бизга беш жуфт бутси керак.

— Марҳамат, менга деса юз жуфт олинглар—саккиз сўмдан.

— Анави ёқда ташкилотларга берилади деб ёзиб қўйилибди. Нархиниям кўрганман. «Ташкилотларга» деб ёзиб қўйилган жойда, бутсиларни ёнида: бир сўм йигирма тийин, деб ёзиб қўйилган-ку.

— Сен ниманидир чалкаштиряпсан,— шубҳага тушиб қолди сотувчи.

— Анави ёқда, кўча томонда,— деди Қудрат.

— Қани, чиқиб кўрайлик-чи,— деди сотувчи.

Ҳаммалари ташқарига чиқишди.

— Мана, кўринг,— кўрсатди Қудрат.— Бу ерда: ташкилот ва корхоналарга деб ёзиб қўйилибди. Мана-ви ерда бўлса, мана, бир сўм йигирма тийин деб ёзилган-ку.

— Вой саводхонликларидан ўргилдим-у!..— жаҳли чиқди сотувчининг.— Шахмат тахтаси бир сўм йигирма тийин туради.

— Кечиринг бизни,— деди Содиқ.— Биз шунчаки... янглишган эканмиз-да.

Эсонга алам қилди:

— Доим шунақа бир нарсани чалкаштириб юрасан-да ўзи, Қудрат!

Зокирнинг жаҳли чиқди:

— Қўлингдан фақат справка ёзиш келади, холос! Кириб сўраб чиқиш шунчалик қийинмиди?

Содиқ бўлса кулиб юборди. Йўқ, Қудратдан эмас, шунчаки ўзи.

— Болалар, бутсини нима кераги бор ўзи бизга? Ҳеч қайси кўчадаги ҳеч қайси болада бутси йўқ, ҳамма ялангоёқ ўйнайди-ку. Агар биз бутси кийиб ўйнайди-

ган бўлсак уларнинг абжағини чиқариб, коптокни дабдала қиламиз.

— Рост-а, бутсини бошимизга урамизми! Раҳим дарвозабон, у қўли билан ўйнайди, Эсон калла— боши билан...

Улар магазин кўргазмаси олдида худди шу хилда гаплашиб туришарди.

Болалар маслаҳатлашиб олишиб, яна магазинга киришди. Энди улар магазинда нимаики бўлса, ҳаммасини диққат билан кўздан кечира бошлашди. У ерда эса бутсидан бошқа олам-жаҳон нарсалар бор эди...

Чийдухоба камзулли йигит ҳануз пештахта олдида турганди.

— Болалар,— деди у тўсатдан,— қанча пулларинг бор?

— Олти сўм,— деди Зокир.

— Биласизларми?— деди чийдухоба камзулли йигит.— Сизларга битта таклифим бор. Фотоаппарат олмайсизларми?

— Шуними?— сўради Зокир.

Фотоаппаратнинг нархи йигирма беш сўм эканини ҳаммалари кўриб туришарди.

— Буниямас,— деди йигит.— Буни ўзим олмоқчиман. Уйда фотоаппаратим бор. У бундан кўра мундайроғ-у, лекин яхши. Сизларга беш сўмга бераман. Фотопластинкалар ҳам бериб тураман. Кейин суратларингни ҳам чиқариб бериб тураман. Сурат олишнинг ўргатаман. Ҳозир менга беш сўм беринглар, кейин фотоаппаратни олгани уйимга борасизлар. Борди-ю ёқмаса, мен яна шу пулга қайтариб оламан уни.

— Фотоаппаратни нима қиламиз?— сўради Қудрат, энди кераги бўлмай қолган справкани қўйнига яшираркан.— Биз футбол командасимиз-ку ахир.

— «Нима қиламиз» деганинг нимаси?— деди йигит.— Суратга тушиш учун. Ҳаммаларинг бирга тушасизлар. Эсдаликка.

Фотоаппарат олиш ҳеч қайсиларининг хаёлларига ҳам келмаганди, аниқроғи шу пайтгача, шунинг учун ҳам ҳеч бирлари ўз режаларини бунчалик тез ўзгартишга ботинолмаслиги турган гап эди. Лекин Содиқ:

— Менимча, фотоаппаратни олсак бўлади,— деди.

— Албатта, олиш керак,— суюниб кетди йигит.— Қани, ўзларинг айтингларчи, бирорта танишларингда

ёки танишларингни танишларининг бирортасида фотоаппарат борми? Бирортасида йўқ! Сизларда эса ҳақиқий фотоаппарат бўлади. Устига кучук ҳам қўшиб бераман. Ўзи доберман-пинчер.

— Йўқ,— деди Содиқ,— бизга кучук керагамас. Кўчамизда шундоқ ҳам кучук кўп ўзи.

— Болалар,— деди йигит,— бошқа гапни чўзиб ўтирмайман, фақат уйимга бориб, қанақанги фотоаппаратлигини кўрсанглар бўлгани. Ёқса—оласизлар, ёқмаса— йўқ. Борасизларми?

— Йўқ,— деди Эсон.

— Узоқдами?— сўради Зокир.— Раҳимнинг оёғи оғрияпти, узоққа боролмайди.

— Узоқдамас, узоқдамас!— унатмоқчи бўларди уларпи йигит.— Воскресенский бозорининг олдида.

Бу уйларига қайтишда йўл устида эди.

— Юринглар,— деди Содиқ,— бориб кўрамиз.

Иван Кустов,— чийдухоба камзулли йигитнинг исми-шарифи шундай эди—кўм-кўк дарахтлар билан қопланган каттакон ҳовлининг ичкари томонида турарди. Бу ҳовли панжара, бута ихоталари билан кичик-кичик ҳовличаларга бўлинган эди. Ҳар бир мўъжазгина ҳовличада ўзининг шапалоқдеккина гулзори билан бир-икки туп токи бўлиб, фақат Иваннинг уйи эпиғи олдида на боғча, на гулзор кўринарди, аммо-лекин азим туп сершоҳ дарахт соя ташлаб турарди.

Иваннинг хонаси бўм-бўш эди. У ерда устига кулранг адёл ёпиғлиқ темир каравот, хонанинг ўртасида — курси, бурчакдаги фанер яшикда — примус, деворда гитара осиглиқ турибди.

Йигит каравот остидан каттакон сандиқни тортиб чиқарди-да, қопқоғини очиб, деди:

— Мана кўринглар...

Сандиқнинг ярмини усти ялтираган яшик эгаллаб турибди. Йигит яшикни олиб, сандиқни ёпди-да:

— Мана шу фотоаппарат. Деярли камера-обскура¹. Ростини айтсам, ўн сўм туради, ҳар нарсаман. Агар пул керак бўлмаганида ҳеч қачон сотмасдим-а. Жуда яхши олади суратни. Манзарали қилиб, кейин кўплашиб тушиладиган суратларни бемалол олаверади. Иш-

¹ Ка м е р а - о б с к у р а — фотоаппарат, учоёққа ўрнатиладиган тури.

латилишиям жуда ўнғай. Қаранглар, манавиниси объективи. У қопқоқча билан бекитилади.

Йигит ниҳоятда ҳаяжонланарди. Болалар ҳам. Тошкентдағи фотографларда худди шунақа фотоаппаратларни кўришганди улар. Катта-катта амакилар бошларига қора нарсани ёпиб олишиб, узоқ мўлжаллаб туришарди-да, ахийри: «Буёққа қаранглар, ҳозир бу ердан қушча учиб чиқади», дейишарди. Шундай деб қопқоқчани олишарди. Турган гапки, ҳеч қанақанги қушча учиб чиқмасди. Бир ҳафтадан кейин эса суратни олиб кетгани келса бўларди.

Ҳа, худди ўшанақанги, кичкина эмас, каттакси ялтироқ яшик.

— Кўрдингларми, болалар,— деди йигит,— бор-йўғи беш сўмгина. Иннайкейин, пластинкаси билан кас-сета ҳам бераман. Яна-тағин хоҳлаган пайтингларда уйимга келавринглар, сизларга сурат олишни ўргатаман. Хоҳласанглар мен ўзим бораман олдиларингга... Атиги беш сўмгина холос. Келишдикми?

— Билмадим,— деди Содиқ.— Нима дейсизлар, болалар?

— Қанақа қилиб кўтаради бунини?— сўради Зокир.

— Мана, банди бор,— деди йигит.

Ҳақиқатан ҳам фотоаппаратнинг тепасида худди чамадонникига ўхшаган банди бор экан.

— Кучук-чи, қани у?— сўради Раҳим.

— Э-ҳа, кучук...— деди Иван Кустов.— Кучук ҳам ҳозир муҳайё бўлади.— У эшикни очиқ қолдириб чопганча чиқиб кетди хонадан.

Болалар фотоаппаратнинг олдида қолишган ва маслаҳатлашишларига имкон туғилганди.

Йигит тўғри айтганди. Кўчаларида, ҳатто қўшни кўчаю маҳаллаларда ҳам ҳеч кимда фотоаппарат йўғийди. Агар бор бўлса улар аллақачон билишган бўлишарди. Тағин атиги беш сўмга беради. Бир сўмлари ортиб ҳам қолади.

Йигит бир итни етаклаб келди. Бунини ҳам деб бўлмас, кучук бола деса ҳам бўлади. Думи йўқ, жунни ялтироқ-тақир, чоғроққина кучукча.

— Кўчамизда бунақа кучук йўқ,— деб қўйди Раҳим.

— Тўғри,— деди йигит.— Бир йўла ҳам кучукли, ҳам фотоаппаратли бўласизлар. Энди қаранглар, су-


ратга қандай олинишини кўрсатаман. Ҳамманглар турасизлар-да, аппаратни тўғрилайсизлар... Буёққа кел, фотоаппаратни қандай тўғрилашни кўрсатиб қўяман сенга... Буни учоёққа ўрнатса ҳам бўлади, лекин менда йўқ у. Шуни-чун уни баландроқ жойга ёки курсига, ёки деворга қўйиб қўл билан ушлаб турса ҳам бўлади. Мана бундоқ қилиб тўғрилаш керак, кейин кассетанинг қопқоғи тортилади, манавини,— кўрсатди йигит,—кейин: «Диққат!» дейилади-да, қопқоқча олинади. Ўнгача санаб, қопқоқча ёпилади. Бор-йўғи шу. Ана ундан кейин менинг олдимга келсанглар, пластинкани дорига солиб чиқариб, кассетага янги пластинка жойлаб бераман. Хоҳлаган вақтда келаверинглар, ёрдам бериб тураман.

2

Маҳкам ака ижроқўмдан намозгар пайтида қайтди. У столи ёнига ўтириб, чойнакдаги яхна чойдан пиёлага қуйди-да, хаёлга толди. Бугун ижроқўмда унга яқинда Самарқанд атрофларида қўлга олинган қароқчилар тўдаси турмадан қочганини гапириб беришди. Қандайдир маълумотларга қараганда ўша қароқчиларнинг бир қисми, эҳтимол ҳаммасидир, ҳозир Тошкентда эмиш. Тўдага Кўр Султон деган одам бошлиқмиш. Икки ой муқаддам Кўр Султоннинг газандалари Самарқанд яқинида темир йўлни бузибди-да, поезд издан чиқиб кетганида почта вагонига ҳужум қилиб, тўрт проводникни ўлдиришибди, анча-мунча пул ва қимматли нарсаларни олиб кетишибди. Жиноятчилар бошлигини ҳеч ким аниқ тасвирлаб беролмасди, шунинг учун, ғалай ёки бир кўз бўлгани учун оти Кўр Султон бўлса керак, деб тахмин қилишга тўғри келибди.

Маҳалла комиссиялари раисларига янги келганларнинг ҳаммасини эътибор билан кузатишни ва шубҳали кишилар тўғрисида милицияга хабар қилишни тайинлашди.

Шу кунгача Маҳкам ака маҳаллада бирор шубҳали одамни учратмаганди. Тўғри, икки кун бурун бухгалтер Тожибековникига Хўжанддан қариндошлари келишган эди. Бу қариндошлар остона ҳатлаб ташқари чиқишгани, маҳаллада ҳеч ким билан суҳбат қур-



гаклари йўқ, бу эса шубҳа тугдирарди. Лекин Тожибековникида ҳамюрти милиционер Иса вақтинча яшаб турибди, борди-ю Иса бирор шубҳали нарсани пайқаса, турган гапки, маҳалла комиссияси раисига айтган бўларди. Ҳалиги... Бу Иса ғалати одам-да ўзи. У билан эртагаёқ гаплашиб олиши керак.

Маҳкам ака столнинг тахтасини сал кўтариб, оёғи тепасидаги чуқурчадан пўлат сандиқнинг калитини олди-да (муҳрнинг жойида турганига эса заррача шубҳаланмасди), пўлат сандиқни очди, ундаги маҳалла ахлининг рўйхати номма-ном ёзилган дафтарни ва-рақлаб қараркан, Ўқчи маҳалласида ҳеч қанақанги шубҳали одам бўлиши мумкин эмас, деб ўйлади. Кейин чойнак-пиёлани пўлат сандиққа қўйиб, уни қулфлади-да, калитни яна хуфия жойга яширди.

Кун ботиб, қош қорайиб қолганди. Нимагадир келувчилардан дарак бўлмади. Маҳкам ака ташқари эшикни очаркан, ижроқўмдан келганидан кейин ёзувни олиб қўйишни унутганини кўрди-ю, нега ҳеч ким келмаганини тушунди.

Бухгалтер Тожибековга кўзи тушганида у идорасининг остонасида ўтирарди. Бухгалтернинг ёнида икки нотаниш одам ҳам бор эди, афтидан, меҳмонлар бўлишса керак.

— Ассаломуалайкум, раис!— салом берди бухгалтер Тожибеков.— Ҳузурингизга келаётгандик.

— Ваалайкум ассалом!— алик олди Маҳкам ака, шу аснода беихтиёр иш ўнгидан келгани, бирпас гаплашиб ҳаммасини билиб олиши ва милиционер Исадан суриштириб ўтиришга ҳожат қолмаслиги хаёлидан ўтди.— Келинглار, келинглар...

Тожибеков биринчи бўлиб ичкарига кирди. Меҳмонлардан бири, сал-пал чўтир, баланд бўйлиси эшикни зичлаб ёпди.

— Қадрдон Маҳкам ака,— деди бухгалтер.— Булар менинг хешларим, жуда мўътабар одамлар. Бу киши аммамнинг ўғиллари бўлади,— дея у новча, чўтирроқ кишини кўрсатди,— бу киши бўлса тоғаваччалари. Каминаникида меҳмон бўлиб туришибди, сизни эртага бир чўқимгина ошга таклиф қилиб келгандик.

«Бировни маломат қилиш қанчалик чакки иш-а,— деб ўйлади Маҳкам ака ичида.— Ахир бу Тожибековни бирон ножўя иш қилганини билмайман-ку. Совет

идорасида ишлайди, хушмуомала одам. Яхши ният билан келибди. Нега энди гапига ишонмаслигим керак?» Маҳкам ака шундай деб ўйлади-ю, сиполик билан деди:

— Иложини топсам албатта кираман. Илло, билсангиз, шу кунларда ишим кўп жуда... Қалай, бизни жойлар ёқдимиз сизларга?— меҳмонларга мурожаат қилди у.— Кўпга келдингларми? Йўлда қийналмадингларми?

Бу гапларни Маҳкам ака қизиқишдан кўра кўпроқ одоб юзасидан сўраётганди, шу боисдан у новча чўтир кишининг ниҳоятда жиддий жавоб берганидан таажжубланди.

— Сафаримиз машаққатли бўлди,— деди у.— Шаҳрингиз ёқди. Буёғини яна кўрармиз.— У қандайдир сезилар-сезилмас ишора қилган эди, индамас шериги эшикнинг иллагини солиб қўйди.— Фикри ожизимча,— сўзини давом эттирди чўтир ва у дераза томонга ўгирилиб, маҳалла комиссияси раисига тик боқаркан, Маҳкам ака унинг чап кўзида оқи бор эканини кўрди,— фикри ожизимча, мени камроқ сўроққа тутганингиз маъқул... Менга шу ерда туради деган бир нечта справка, гувоҳнома керак. Думалоқ муҳри ва сизнинг имзонгиз бўлса бас. Уёғини ўзим ёзиб оламан. Ёки дўстимиз Ўктамбек эплаштиради.

Маҳкам ака кимлар билан гаплашаётганини тушунди. Негаки кўзига оқ тушган одамни ҳам лақаби кўр бўлиши мумкин-ку, ахир.

Бир нечта справка — булар шериклари учун, албатта. Ким билан сўзлашаётганини фаҳмлагани сабабли Маҳкам ака ҳаммасига шу заҳоти тушунди-ю:

— Бош устига, Ўктамбекнинг қариндошларидан справка айлансин-а, лекин, таассуфки бугун беролмаيمان-да. Нега десангиз, бланка — справка ёзиладиган қоғозим йўғийди. Тугаб қолибди.

Бу рост гап эди. Маҳкам ака қоғозларни кўздан кечираётиб шу ерда турганлик ҳақида ёзиб бериладиган справканинг бланкалари чиндан ҳам тугаганини кўрганди.

— Бизга ўшанақанги қоғозсиз ҳам бўлаверади,— деди кўзида оқи бор киши,— бизга думалоқ муҳри бўлса бас. Инонамани, думалоқ муҳр тугаб қолмагандир?

— Думалоқ муҳр...— деди Маҳкам ака.— Э-ҳа, думалоқ муҳр денг?— ҳайрон бўлди гўё, лекин ҳайрати ясама чиққанини ўзи ҳам пайқади шу топдаёқ.— Муҳр ижроқўмда қолибди. Бугун тасодифан ўша ерда қолдириб келибман.

Айни дамда бундан яхшироқ баҳонани ўйлаб тополмасди ҳам.

— Биз ҳазиллашаётганимиз йўқ, Маҳкам ака, ўйлайманки, сиз ҳам шундай. Токи бизга муҳрни бермагунингизча бу ердан остона ҳатлаб чиқолмайсиз.

— Айтдим-ку ахир, ҳозир бу ерда эмас деб. Эртага...

— Шу ерда у,— шартта гапини бўлди кўзида оқи бор киши.

— Агар шу ердалигини бунчалик яхши биладиган бўлсангиз, ана, қидириб кўринглар,— деди Маҳкам ака. Муҳрни икки дунёда тополмасликларини жуда яхши биларди у.

— Биз излаб ўтирмаймиз,— деди кўзида оқи бор киши.— Токи сен ҳаёт экансан, биз излаб ўтирмаймиз. Муҳрни берадиган бўлсанг, унда бизга шерик бўласан, буни тушин, чол. Агар ўз қўлинг билан берсанг. Ахир сен унда ўзингни ўзинг бориб сотмайсан-ку. Борди-ю муҳрни тортиб оладиган бўлсак, бизни чақишинг мумкин. Шу учун, чол, агар муҳрни ўз қўлинг билан бермайдиган бўлсанг, ўлдирамиз сени.

— Тушунаман,— деди Маҳкам ака,— тушунаман. Агар муҳрни берсам ўлдирмайсизлар. Ҳозирча. Илло бошқаларнинг жонига қасд қиласизлар. Борди-ю муҳрни бермасам, мени ўлдирасизлар. Бошқаларни ўлдириш эса мушкулроқ бўлади сизларга. Тўгри фаҳмлабманми?

— Дунёга бир марта келасизми ёки икки мартами?— деб сўради бухгалтер Тожибеков.— Наҳотки бу бахти қаро бечораларнинг бошқа шаҳарга кетишлари учун имконият бериш шунчалик қийин бўлса... Ахир улар бу ерда туришмайди-ку. Ҳужжатларни олиб, жўнаб кетишади.

— Беҳужжат кетаверишсин,— деди Маҳкам ака.— Мабодо бунга улгура олишса. Улгура олишмаса керагов. Башарти сени, Кўр Султон, менки таниган эканман, демак, бошқалар ҳам таниб олишади.

Кўзида оқи бор киши мийигида кулиб, чопони ба-

рини очди. Белида пичоқ ўрнида тўппонча осифлиқ турарди.

— Ана, кўрдингизми,— деди у бухгалтер Тожибековга,— сиз бўлсангиз, бу чолни бефаҳм деб юрибсиз, сизнинг гапингизга ишониб бу ерга келиб ўтирибман. Мени таниганинг чакки бўлди,— деди кўзига оқ тушган киши,— бир кўришдаёқ таниб чакки қилдинг, чол. Имоним комилки, иккинчи бор кўрмайсан мени.

Маҳкам ака сўнгги, ҳал қилувчи дақиқа етганини тушунди. Одамни дабдурустдан ўлдириш ниҳоятда мушкул эканини жуда яхши биларди у. Ҳа, мана шу тариқа гаплашиб туриб, шартта ўлдириш қийин. Одатда қотиллик жанжалнинг бошланишида эмас, балки охирида содир бўлади. Яна бир неча оғиз, вақтни чўзиш учун буларга яна бир неча оғиз гапириш керак, хаёлидан ўтказди у. Эҳтимол биров кириб қолар, биров халал бериб қолар. Шу топда эшикда «Ижроқўмга кетдим» деган ёзув осифлиқ тургани хаёлидан тамоман кўтарилиб кетган экан. Ҳовлига югуриб чиқиб, «ўлдиришяпти!» деб дод солиш керак. Лекин ким ҳам эшитарди? Бир томонда катта ариқ, иккинчи томондаги деворнинг орқаси милиционер Исанинг ҳовлиси. Лекин у ҳеч қачон бўлмайди ҳовлисида: ҳовли бор-у, ҳали уй солинмаган. Айтмоқчи, ижроқўмда маҳалла комиссия раисларининг йиғилиши тугаганидан кейин у ерда участка милиционерларини йўл-йўриқ кўрсатгани олиб қолишганди. «Бақирадиган бўлсам шу заҳотиёқ ўлдиришади». Ёрдамга чақириб туриб ўлгиси келмади сира, шу боисдан у:

— Кўр Султон, яхшиликча, тинчгина йўлингга кетавер. Шу топдаёқ Тошкентдан жўнаб қол. Тегишли жойга хабар қилишга улгурмасин деб илтижо қил. Оёғимни камқувватлигига шукур қил, сеникидан кўра секинроқ қимирлайди у,— деди.

Бу маҳалла комиссияси раисининг охирги сўзлари бўлди. Кўр Султон ханжарини чопони енгги ичига қилиб турган эди. У ғарчча ханжар санчди. Чол қулади ва ётган жойида ўнг қўли билан босмачининг чопони этагини чангаллаб олди. Кўр Султон энгашиб, тағин бир марта ханжар урди.

— Ўктамбек,— деди у бухгалтерга,— бизлар пўлат сандиқни олиб, милиционернинг ҳовлисига ошиб

мушамиз. Муҳр ўшанда бўлиши керак, албатта. Сиз бўлса кўчадан борасиз.

Кўр Султон одим ташлади, бироқ нимадир ушлаб қолди уни. Чопони этагини чолнинг қўли чангаллаб ётарди ҳануз. У панжасини ёзишга уринди-ю, аммо удасидан чиқолмади. Шунда у шошилмай ханжар билан панжа пайларини қирқди, чангал ёзилди. Кўр Султон иккинчи босмачи билан икковлашиб пўлат сандиқни кўтаришди. Ичида алланима тарақлаб думалади.

— У чойнагини солиб қўярди бунинг ичига,— деди Тожибеков.

Бир неча дақиқадан сўнг Кўр Султон ва унинг ҳамтовоқлари Иса милиционернинг ҳовлисида туришарди, Тожибеков бўлса парда четидан мўралаб, кўча бўшлигини кўриб, идорадан лип этиб чиқиб олди.

«Ижроқўмга кетдим»,— деб ўқиди у ёзувни ва илжайиб қўйиб, кўчадан аста нари кетаверди. Муюлишда орқага ўгирилиб қаради. Кўчанинг нариги бошида бир даста қилиб боғланган китобни кўтариб олган одамга кўзи тушди. Бу Содиқнинг отаси, Қосим муаллим эди. «Кўрдимикин, кўрмадимикин?»— хаёлидан кечди бухгалтернинг.

3

Иван Кустов фотоаппаратни ҳовлига олиб чиқиб, болаларга тўғрилаш ва кассета тортқичини қандай тортишни ўргатди, ҳаммалари пластинкага сиғишлари учун фотоаппарат қаршисида қандай туришни тушунтираркан, аппаратдан қанчалик узоқда турилса шунчалик кўп одам суратга тушади, деди. Агар яқин турилса фақат битта одамни олса бўларкан. Агар йигирма қадам нарида турилса — ўн кишини, борди-ю, ўн қадам бўлса беш кишини суратга олиш мумкин экан.

— Юз қадам бўлса-чи?— деб сўради Содиқ.

— Агар юз қадам бўлса икки юз кишини тушириш мумкин,— деди Иван.— Бунча кўлини нима кераги бор?

Фотоаппаратни навбатма-навбат кўтариб боришарди. Ҳар қайсисининг назарида, худди уни ўзи яхши-

роқ кўтарадигандек туюларди. Кўтариб бораётган бола чарчаганида яшик унинг оёғига урила бошларди. Лекин ҳаммалари бараварига: «Оёғингни дўқиллатиб теккизаверма унга, бузилиб қолади», дейишарди.

Депрли йўл бўйи индамай келишди. Ҳар замон-ҳар замонда бир: «Менимча жуда қойил-а у», деб қўярди бирорталари. Шунда бошқа бирлари: «Албатта қойил-да. Беш сўмга ёмонини сотишармиди!»—деб унинг гапини маъқулларди. «Менимча бўлса, сакий амаки экан», дерди яна битталари. Шунда тагин бошқа битталари: «Тўппа-тўғри, у бизга ҳаммасини тушунтирди, ҳаммасини кўрсатди, келиб туринглар, деди. Тагин у, аппарат ўзи ўн сўм туради, сизларга беш сўмга беряпман, деди»,—дея жавоб қиларди.

— Камера-обескура,— деди Содиқ,— Отиям чиройли экан...

— Ҳозир ҳаммамиз бирга суратга тушмаймизми? Тўғри майдонга борамизда, биргалашиб суратга тушамиз.

Яхшики майдонда ҳеч ким йўқ экан.

— Бундоқ қиламиз,— деди Содиқ,— Фотоаппаратни ерга қўяман, ҳамманглар анави жойга бориб тури-сизлар, мен уни тўғрилайман, кейин қопқоғини оламан-у, чопиб бориб ёнларингга туриб оламан.

— Ўшанда сен ўзинг ҳам тушасанми суратга?— сўради Зокир.

— Тушганда қандоқ. У ўнгача санаш керак ёки ҳатто ўн бешгача санаса ҳам бўлади,— деди-ку.

Содиқ аппаратни тўғрилаб ўрнаштиргунича роса овора бўлди, тагига тошу кесак қўйди, мўлжалга олди, хира ойнасида мўралади — бунинг учун ерга ётишга тўғри келди, ахийри:

— Бўлмайди, бунақада иш чиқмайди,— деди.— Бирортамиз тўртоёқлаб туришимиз керак, аппаратни бўлса ўшанинг устига қўямиз.

— Ким турарди?— деди Эсон.— Аппаратнинг тагида турган одам суратга тушмай қолади-ку.

— Бўлмаса бугун суратга тушмаймиз,— деди Содиқ.— Ҳозир қоронги тушиб қолади.

— Бугун! Бугун!— дея шовқинлашишди ҳаммалари, ҳаммадан кўра кўпроқ Зокир чугурлади: у коп-токни кўтариб олган ва жуда-жуда суратга тушгиси келаётган эди.

— Албатта бугун тушамиз,— деди Эсон.— Чўп бекитамиз.

Энг калта чўп Эсонга тушди.

— Балки Раҳим тургани яхшироқдир?— деди Эсон. У доимо укасини рўпара қилиб, ўзи қутулиб қоларди.

— Ҳеч нима қилмайди! Янги пластинка олиб келганимизда копток ушлаб тушарсан,— тасалли берди Содиқ.— Қани, тўртоёқла-чи.

Эсон тарадудланиб қолди.

— Яхшиси мен тура қолай,— рози бўлди Раҳим.— Кейинги гал тушарман, битта ўзим, копток билан.

— Йўқ, ўзим,— эътироз билдирди Эсон.

— Талашманглар,— деди Содиқ,— қоронғи тушиб қолди. Тезроқ тура қолсанг-чи... У, ана энди бошқа гап!— Содиқ хира ойнадан мўралаб, аппаратни болалар бор бўйлари билан тушадиган қилиб тўғрилади. Унг томондан ўзига жой қолдирди.

— Ҳей, бошингни пастроқ тушир, ҳаммани тўсиб қўйяпсан-ку!— деди у Эсонга.— Пастроқ тушир деяпман сенга!.. Энди қимирлама, шундоқ тур.— Содиқ хира ойнани олиб, қопқоқча билан объективни бекитди, кассетани қўйиб, бекитгични сурди.— Қимирламangлар!— буюрди у, кейин объектив қопқоқчасини олди-ю, уч сакрашда болаларнинг ёнига келиб турди.— Бир, икки...— санашга тушди у. Содиқ тўғри бўлсин учун ўн бешгача санашга аҳд қилганди.

Бир пайт у Эсоннинг бошини кўтариб, тўрт ўртоғига қизиқсиниб тикилаётганини кўриб қолди.

— Бошингни тушир! Тушир бошингни деяпман!— алаmidан йиғламоқдан бери бўлиб бақирди Содиқ.— Ҳаммани тўсиб қўйдинг-ку! Пастроқ, тағин!

— Нима?— сўради Эсон.

— Қаллангни пастроқ тушир!— дея Қудрат Эсонга муштини кўрсатди.

— Қимирлама,— деди Содиқ Қудратга,— муштумингни ўқталиб тушиб қоласан.

Ниҳоят Эсон нима гаплигини тушунди ёки пўписа таъсир қилди — у бошини эгди. Содиқ ана шундан кейингина Эсоннинг бутун гавдаси билан бирга кўтарилганини пайқади. «Эҳ, тўғрилаган мўлжалимни расво қилди-да!— хаёлидан ўтказди Содиқ, бироқ болаларга ҳеч нима демади: таъбиларини тирриқ қилгиси келма-

ди.— Турган гап, оёғимиз тушмади, лекин юзимиз тушар-ов. Биринчи галга шунисиям чаккиямас».

У Эсоннинг олдига чошиб борди-да, мушти билан гарданига секингина тушириб қўйиб, объектив билан кассетани ёпди.

— Кетдик уйга! Менимча, бир нави чиқар-ов.

Янги шаҳарга кетаётганларида ҳам, спорт буюмлари магазинида ҳам, Иван Кустовнинг ҳовлисида ҳам Қудрат муҳрни сира эсидан чиқаргани йўқ, мабодо эсидан чиқиб қолганида ҳам эсига тушган заҳоти ўтакаси ёрилиб, қўйини пайпасларди. Майдонда ҳам Қудрат муҳрни унутмади.

Фотоаппаратни болохонага элтиб қўйишди, маҳалла комиссиясининг идораси олдидан ўтиб боришаётганида фақат Қудратгина «Ижроқўмга кетдим» деган ёзувга эътибор берди. «Наҳотки шу маҳалгача келмаган бўлсалар?— ўйлади у.— Буниси зўр бўпти. Демак, муҳрни қараб ҳам кўрмаганлар».

4

Хуфтон пайтларида ариқ ёқалаб келаётган боланинг қораси кўзга ташланди. Бу Қудрат эди. Қимгадир бошқа бировга бу кун эҳтимол омадли бўлгандир-у, лекин унинг учун ҳаддан ташқари ташвишли ва дил ранжитар кун бўлди. Бутси саккиз сўм бўлиб чиқди, кейин муҳр масаласи, фотопластинка бузилди, мана энди — қўлга тушиб қолиш хавфи. Кеча сутдай ойдин, ҳаммаёқ кундузгидай яхши кўриниб турибди. Қудрат девордан ошиб тушиб, идорага урди ўзини. Ичкари қоп-қоронғи эди. Қудрат столни пайпаслаб топиб, тахтасини хиёл кўтарди-да, муҳрни жойига қўйди.

Зичлаб беркитилмаган эшик тўсатдан гийқиллаб очила бошлади. Бу гийқиллаган овоз боланинг ўтакасини ёриб юбораёзди. У ўтирилиб қаради-ю, бирдан эшик тирқишидан тушиб тобора кўпроқ жойни эгаллаб бораётган сутдек ойдинда таниш одамнинг жасадини кўриб қолди. Уй саҳнидаги ойдинда қорайиб турган қон ҳалқоби устида Маҳкам ака аганаб ётарди...

Қудрат тунн билан мижжа қоқмади. «Наҳотки бу Маҳкам ака бўлса? Ким ўлдирганийкин уни? Нимага ўлдиришганийкин уни? Балки бу Маҳкам акамасдир? Балки, умуман, кўзига шундай кўрингандир?» Қудрат шундай ўй-хаёл билан тонг оттирди, қимир этмай, нафасини чиқармай ётди.

Ўқчида осудалик ҳукм сурарди. Бироқ яна бир хонадонда ўша кечани бедор ўтказдилар.

Бухгалтер Тожибековнинг ҳовлисидаги уйлардан бирида беш киши ўтиришибди: уй эгаси, Кўр Султон — кўзида оқи бор киши, унинг ёрдамчиси Барот ва Иса милиционер. Бурчакда бундан бир ойча муқаддам Маҳкам акадан қойилмақом қилиб дўнгалак еган, катта савдогар Усмонбойнинг қариндоши Саидмурод гумашта узун қоқ суяк оёқларини тарвақайлатганича тер тўкиб ётибди. У зўр бериб пўлат сандиқнинг қулфини аралаяпти. Қўлидаги темир қирқадиган арра эски, тишлари ейилиб кетган, ҳар тортганда асабга тегиб ғийқиллар, чийилларди. Тожибеков ҳар замонда бир Саидмуродга ўгирилиб қараб қўярди. Шунда у арралашни бас қилиб, терини артар ва саволмуз тикиларди уй эгасига.

— Бўп қолдими? — сўрарди Тожибеков.

— Ярмига бориб қолди.

— Ғайрат қил, бўла қол, кейин дам оларсан, — дерди Кўр Султон. — Йўқсилчасига қўлингни қадоқ қилиб ол-чи бир.

— Таажжуб, калитни тополмаганингиз таажжубли ҳар қалай, — деди Тожибеков Кўр Султонга. — Тузукроқ қарамабсиз-да.

— Бўлмаса бориб бошқатдан қидириб кўра қолинг ўзингиз. — Кўр Султон оқ тушган кўзини қадади унга.

Бухгалтер индамай қўя қолди.

— Мени икки нарса ташвишлантиряпти, — деди у пича сукутдан кейин. — Биринчидан, эртага қанақанги ваҳима, тўс-тўполон кўтариларкин, иккинчидан, у ердан чиқаётганимни Қосим муаллим кўрганмикин ёки йўқми?

— Эртага эрта билан, — деди Кўр Султон, — дўстимиз Иса у ерга биринчи бўлиб киради-ю, қандайдир босқинчилар раисларингни ўлдириб кетишганини кўради. У ҳеч қанақанги из-пизини тополмайди. Айниқса, ўзининг ҳовлисига қараб кетган изларни. Бу —

бирламчиси. Иккиламчидан эса, борди-ю Қосим муаллим сизнинг у ердан чиқиб келаётганингизни ҳатто кўрди ҳам дейлик, унда сиз чиққан маҳаллингизда раис ҳали тирик эканига далил бўлади бу. Ҳар ҳолда...

— У ерга ёлғиз ўзим бормаيمان,— деди Иса милиционер.— Уликдан жудаям қўрқаман.

— Борасан,— деди Кўр Султон.— Кейин худди телбадай кўчага отилиб чиқасан-у: «Ўлдиришибди! Ўлдиришибди!» деб дод соласан.

— Уликлардан жудаям қўрқаман ахир,— деди Иса милиционер.

— Мендан-чи, мендан қўрқмайсанми?— деди Кўр Султон.— Бундан-чи, бундан ҳам қўрқмайсанми?— дея индамас ёрдамчиси томонга ишора қилганди, шериғи тавозе билан илжайди раҳнамосига.

Иса ростдан ҳам бу одамдан қўрқарди. У бунинг исми Барот эканини, Кўр Султон билан бирга келганини биларди. Мана неча кундирки Барот билан бирга-ю, аммо ундан бирон оғиз сўз эшитгани йўқ.

— Мезбонимиздан ҳам қўрқмассан ҳали?— сўзни давом эттирди Кўр Султон.

— Саҳарда бориб, бирон изимиз қолган-қолмаганини текширасан, шундан кейин: «Ўлдиришибди! Ўлдиришибди!» деб маҳаллани бошга кўтарасан,— деди Тожибеков.— Оломон тўпланади, ана ундан кейин биронта исковуч ҳам у ердан из топиб бўпти. Сал дадилроқ бўл, Иса. Ўзимизни қутқазиб қоладиган биттаю битта чорамиз шу энди. Уликлардан эмас, тириклардан қўрқиш керак.

— Айни ҳикмат бу!— деди Кўр Султон.— Шундаймасми, Барот? Тўғри айтяпманми?

Индамас ёрдамчи илжайиб, бош ирғаб қўйди.

— Арралайвер, бўла қол,— деди Кўр Султон Саидмурод ўтирган бурчакка ўгирилиб қараркан,— ишчилик тажрибасини орттиравер.

Саидмурод яна пўлат сандиқ узра эгилди.

— Энг муҳими, ҳамма ҳайратга тушсин,— мулоҳаза юритарди Кўр Султон.— Ҳамма ёқа ушлаб, ғазабга келиши керак. Ғазаб қўзиб, жаҳл чиқса, ўзларингга маълумки... Сиз, Ўқтамбек Тожибек ўғли, ҳалол совет хизматчиси, ҳурматга лойиқ бухгалтер сифатида дарҳол жамики ишни ўз қўлингизга олмоғингиз лозим.

Ўқимишли одамсиз, ўрисчани ҳам дурустгина биласиз, сиз марҳум раиснинг ўрнини эгаллашингиз керак.

Худди шу аснода Саидмурод ўтирган бурчакдан қарс этган овоз эшитилди.

— Тайёрни? — сўради бухгалтер Тожибеков.

— Арра синиб қолди, — деди Саидмурод Кўр Султонга гуноҳқорона термилиб.

Иккинчи кун

1

Қудрат тонг оқара бошлаганда ухлаб қолди ва шунинг учун ҳам жуда кеч уйғонди. Бошида кечаси билан уйқу бермаган ўйлар қануз гужғон ўйнарди. Энди нима бўлади, у нима қилсин? Айтсинмикин ёки айтмасинмикин? Иннайкейин, нимага бунақа бўлдийкин? Маҳкам акани ким ва нимага ўлдирдийкин?

Бошида, ёстиғи остида жафокаш справка ётибди. «Ушбу магазинга шул ҳақда берилдиким...» Ростакими эмас, ёлғондаками бу, ўйлади Қудрат. У турганидан кейин нима қилишини билмаганидан қанузгача ўрнида чўзилиб ётганди.

Ховлига аллаким кириб келди, гўнғир-гўнғир овозларга қулоқ солиб ётган Қудрат кимнидир ўлдириб кетишгани тўғрисида гаплашаётганларини тушунди. Кимни ўлдириб кетишганини бўлса билиш қийин эмасди. Қудрат ўридан туриб, ҳеч кимга сездирмасликка ҳаракат қилиб, липпа кўча эшикдан чиқиб кетди. У болаларнинг олдиларига югурди.

Кўчада, маҳалла комиссияси идораси олдида тумонат одам тўдалашиб туришарди.

— Бу бизни маҳалладагиларнинг ишиямас, — дейишарди одамлар.

— Маҳалламизда бунақанги ваҳший палидлар йўқ, — дейишарди бошқалар.

Кўриниб турибдики, Маҳкам аканинг жасадини аллақачон олиб кетишган, одамлар бўлса томоша қилгани эмас, балки содир бўлган фалокатни муҳокама қилгани тўпланишган эди.

Идоранинг эшиги олдида бухгалтер Тожибеков билан Иса милиционерлар туришибди.

— Бу ишни шундоқ қолдирмаймиз биз,— деб оғиз кўпиртирарди Тожибеков.— Қотиллар қаттиқ жазоланадилар.

Иса ҳаммадан тарқалишни илтимос қилди, негаки керакли жойга хабар берилганмиш, қотилларни тезда топишармиш.

Бошқа пайт бўлганида-ку Қудрат оломон билан то схиригача турарди-я, лекин ҳозир у болаларнинг ёнига шошилди. Нимага шошилаётганини ўзиям билмасди. Нега деганингизда у кеча хуфтонда кўрганларини гапириб беролмасди-да ўртоқларига.

Зокирнинг ойиси ўғли Содиқ билан бирга саҳарлаб янги шаҳарга сут-қатиқ сотгани кетганини айтди. Қудрат болсхонага чиқди. У ерда фақат кичкина Раҳимгина бор эди. У кучук билан ўйнашиб ўтирарди.

— Менга қара,— деди у Қудратга,— анави рус бизни алдаганга ўхшайди. У кучукни жудаям ақлли деганди, бу бўлса ҳеч нимани тушунмас экан. Бу шунчаки битта кучук экан, фақат думи йўқ. Бир марта тишлаб ҳам олди мени. Думидан ушлаб кўрмоқчи бўлсам, тишлаб олди.

— Ақлли ит экан,— деди Қудрат,— ҳар битта учраган аҳмоқ думидан ушлаб кўрадиган бўлса...

— Мен унга кулча бериб ўтирибман тагин,— деди Раҳим.

— Сув-чи, сув бердингми ўзи?— сўради Қудрат.

— Эсимдан чиқиб қолибди...— деди Раҳим.

Зокир, Қудрат, Раҳим — ҳаммаларининг сигири бор эди. Шунинг учун ҳам болалар навбати билан янги шаҳарга сут-қатиқ сотгани боришарди. Бугун Қудрат билан Содиқ икковлари бирга боришлари керак эди, аммо Қудрат ухлаб қолганди, шу сабабли ўртоқларининг усиз кетганларига ажабланмади. Албатта, усиз ишларини мазаси бўлмайди. Турган гап, иккаласини ҳам бир пақирга бир стакандан сув қўшишга юраклари бетламайди, аммо-лекин уларнинг ўртадаги пуллари ана шу икки стакандан сув қўшиш ҳисобига тўпланганди-да, ахир. Ана ўша икки стакан сувнинг шарофати билан фотоаппаратли бўлишган эди. Ундан олдинроқ машҳур изқувар Дик Портернинг саргузаштлари тўғрисидаги бир даста китобни сотиб олишган эди. Қудрат

уддаламаса, бу ишларни эплаштириш уларга йўл бўлсин эди!

Қудратнинг Раҳим билан гаплашадиган гапи йўқ эди, ундан бирон маънилироқ нарсани эшитмайди барибир.

— Кисля-пресний малякё!.. Кисля-пресний малякё!.. — шаҳарнинг янги, руслар турадиган қисмида ўзбек сут-қатиқ сотувчилари эскитдан ана шундай қичқиб-чорлашади.

Улар бу сўзларни шундай бир куйга солиб айтишадикки, худди ашула хиргойи қилинаётгандек ва гўё бу ашула узлуксиз «ако, ако, ако-о!» лардан иборатдек туюлади. Бу ашулани эшитиб, ҳар қайси қўраю ҳовлилардан уй бекалари, ташкилотлардан хизматчилар зингиллаганча чиқиб келишади-да, стакан, кружка, бидончаларда сут ё қатиқ олишади.

Сут-қатиқ обкашда, битта пақирда сут, биттасида қатиқ олиб юрилади.

Содиқ ҳам, Зокир ҳам русчалаб бемалол: «Қатиқ ва сут сотамиз!» дея олардилар. Лекин бундай қичқаришнинг қизиғи йўқ, устига устак, бундай қичқирилганда ҳеч зог чиқмаслиги ҳам мумкин эди. Шу боисдан улар ҳам ҳамма сутчилар қатори ашула қилиб хиргойи қилишарди. Содиқ обкашни елкасига қўйиб олганди, Зокир бўлса нақ томоғи йиртилгудек ашула қиларди:

— Кисля-пре-е-сний малякёё!

Ҳар қандай сутчи кўпроқ оладиган, кўтара савдо қиладиган харидорни яхши кўради. Ана шунақанги кўтара савдо қиладиган мижозлар Касьянов кўчасидаги эмлаш пунктидагилар эди. Болалар бу ерда қутуришга қарши эмлашларини билардилар. Лекин қандай ва нима билан эмлашади — бунга қизиқишмасди улар. Муҳими, бу ерда бир йўла ҳамма хизматчилар учун бир челақ сут ёки қатиқ олишади. Оқ халат кийган эркагу аёллар чиқишиб, ўзаро маслаҳатлашишади-да, қараб-сизки зумда челақ бўшайди-қолади. Кўпроқ қатиқни яхши кўришади улар.

Бугун болалар эмлаш пунктига сал бўшашиброқ яқинлашишди, негаки ўтган гал йўғон мугуз бандли кўзойнақ тақадиган амаки, сутларингни мазаси қочиб қолди, деганди, унингча сутга сув қўшилаётганмиш.

Болалар буни ичиб кўриб билиш мумкин эканига унчалик ишонишмаганди. Олинг-а, бир пақирга бир стакан сув урвоқ ҳам бўлмас! Балки бугун ҳам у сув қўшиб-санлар дер!

Болалар янглишишганди: йўғон мугуз бандли кўзойнак таққан амаки татиб кўриб, таъмини аниқ билди.

— Мана бугунгиси яхши,— деди у.— Лекигин, болалар, сизларга битта илтимосим бор... Менга инона-сизларми? Бугун кредитга берсанглар. Кредит дегани — насияга дегани. Маошимиз эртага берилади, эртагаёқ ҳисоб-китоб қиламиз. Бугун бўлса овқатга олиб келган пулини, билсанглар, ҳамма ишлатиб қўйди. Бугун «Хива» кинотеатрида «Уч миллион юзасидан суд» деган фильм қўйилади. Бунинг устига бугун футбол бор. Эртага келганларингда бир мирисига-ча қолдирмай, ҳаммасини берамиз. Маъқулми?

— Албатта-да,— деди Содиқ.— Индинга бўлса ҳам майли.

— Эртага маъқулроқ,— деди мугуз бандли кўзойнакли амаки.— Эртага маош куни.

2

Офтоб ҳали тиклаб улгурмасиданоқ болалар сут-қатиқларидан қутулиб олишди. Зокир бўш пақирларни, Содиқ обкашни кўтариб олганди. «Пишчевик» стадионига яқинлашганларида бугун «Динамо» (Тошкент) ва «Спартак» (Тошкент) командалари ўртасида қайта — «Уч олиш» ўйини бўлишини билдирувчи эълонга кўзлари тушди. Билет йигирма тийин туради.

Билет олиш тўғрисида-ю сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди. Кинога билет олиш бошқа гап, чунки кинога билетсиз кириб бўбсан, стадионга эса баъзан бунинг иложи бўлиб қолади. Бундан ташқари, стадионнинг теварагида нима кўп — терак кўп, гарчи энг боп теракларни жамикисини яқин-атрофдаги болалар эгаллаб олишса ҳамки, ҳар қалай мундайроғининг булоқларига ёпишиб, танасини қучоқлаганча, йигирма дақиқачадан чидаб томоша қилса бўлади. Бир хиллар ҳатто ўзларини теракка боғлаб ҳам олишади.

Улар эълон ёнида турганча мулоҳаза юритишарди: борди-ю узун арқон топсаг-у, қўл ва оёғимизни тикидиган сиртмоқчалар тугсак-чи, ана унда бешаламиз осиб

либ кўраверардик. Улар ўтган сафарги футбол ўйини пайтида, 1 майда худди шундай қилишди ҳам. Ушанда улар ўйинни охиригача кўришганди, бироқ теракдан тушишса, пастда уларни милиционер кутиб турибди-да, у арқонларини олиб қўйди. Бугун ўшанақанги пишиқ беш кишини кўтарадиган арқонни топиш маҳол.

Болалар уйга қараб жўнашди. Пиёнбозорга етаёзганларида сип-силлиқ симёгочга чиқиб кетаётган бир одам диққатларини тортди. У ҳатто кўтарилаётгани ҳам йўқ, симёгочдан секин юриб чиқиб кетяпти тепага. Бир қўли билан симёгочни сал-пал ушлаб боряпти, иккинчи қўлида бўлса гардиш қилиб ўралган сим. Болалар яқинроққа боришиб, тепага қарашди. Ҳалиги одамнинг оёғида ботинка, ботинканинг тумшугида эса учи қайрилган, тишлари бор илгак. Ана ўша илгакнинг тишлари симёгочни гарчча тишлаб, силжитмай ушлаб тураркан. Тепага чиқаётган одам навбатма-навбат бир оёғини илгаги билан қўшиб силтаб чиқарарди-да, иккинчисидан баландроққа қўярди, шу тахлитда симёгочнинг тепасига кўтарилиб борарди.

— Бу монтер,— деди Содиқ.— Қани энди бизда ҳам мана шунақанги илгак бўлса! Стадионнинг атрофида симёгочлар тиқилиб ётибди.

— Қанийди-я...— деди Зокир.— Менга қара, оёқланг ҳам тақса бўлармикин буни?

— Буни ўйлаб кўриш керак,— деди Содиқ.

Симёгочдаги одам нимадир қилаётганди, нима қилаётганига эса болаларнинг ақллари етмасди. Иннайки улар монтернинг афтини ҳам кўришмаётганди.

— Менга қара, мана шунақа битта илгак билан чиқиб бўлармикин тепага?— сўради Зокир.

— Менимча, чиқиб бўлар-ов,— деди Содиқ.

— Унда, ҳаммамизга атиги бешта илгак етиб-ортаркан-да?

— Ҳисобгаям устаси фарангсан-да,— деди Содиқ.— Бухгалтер Тожибеков бўп кет-э!

Афтидан, монтер ишини тугатганди, нега деганингизда, болаларнинг ёнига сим ўрами тап этиб тушди-да, ботинкасида илгаги бор одам шошилмай пастлай бошлади. Ерга тушишига бир ёки бир ярим қадамча қолганида монтер ботинкаларини илгакдан бўшатиб, пастга сакради, сим ўрамини олди, иккала илгакни елкасига ташлади-ю, нари кетишга шайланди. Чамаси у жамики





Ўғил болаларнинг ўзига қизиқиб, ҳавас билан тикилишларига ўрганиб кетган кўринади, шу сабабли Зокир билан Содиққа ҳатто қиё ҳам боқмади. Лекин болалар ундан кўзларини узишолмасди. Бу шубҳасиз кеча уларга фотоаппарат сотган одам эди.

Уни таниш осон эмасди ҳозир, албатта. Кеча у чий-духоба камзул билан оқ кўйлак, кўк галифе билан брезент этикда эди, бугун бўлса худди кечаги этигининг матосига ўхшаш газламадан тикилган кенг брезент иштон, энли қора белбоғли худди ўшанақа брезент камзул кийиб олганди. Кеча қадди-қомати келишган кўринган бўлса, бугун пақанароқ, япаски кўринар, эгнидаги кийими ҳам гўё шалдирарди.

— Бу бизмиз,— деди Зокир.

— Хўш, нима бўпти?— сўради монтёр.

— Салом!— деди Содиқ.

— Салом,— жавоб қайтарди монтёр.

— Биз кеча сиздан фотоаппарат сотиб олгандик,— дея гап бошлади Зокир.

— Камера-обескура,— деди Содиқ.

— Э-э, яхшимисанлар!— деди монтёр шўхчан.— Сотилган буюм қайтариб олинмайди ҳам, алмаштириб ҳам берилмайди. Мен «Кодак» сотиб олдим. Йигирма беш сўлкавойга... Лекинига, болалар, бекор қиялпсизлар, сизларга ёмон аппаратни сотмагандим.

— Жуда қойилини!— деди Зокир.

— Биз кеча суратга тушиб ҳам улгурдик,— деди Содиқ.

— Унда нимага келдинглар?

— Биз атайлаб келганимиз йўқ,— деди Содиқ,— шундоқ ўтиб кетаётгандик, қарасак, сиз симёғочга чиқиб кетаётган экансиз. Анави илгак жуда ёқиб қолди бизга.

— Манави кошкаларми? Буни кошка дейилади. Монтёрнинг энг асосий қуроли бўлади бу.

— Жудаям зўр экан-да ўзиям,— тан берди Зокир.

— Нима, монтёр бўлмоқчимисан дейман-а?

— Йўқ,— деди Зокир,— умуман, шунчаки...ҳалигиндай...

Стадион тўғрисида эса гапиришга ийманди.

— Яхши нарса бу,— деди Иван Кустов.— Мана, масалан, футбол кўргим келиб қолди дейлик, симёғочга чиқаман-у, бемалол кўравераман. Иннайкейин, бор-

ди-ю унчалик йўгон бўлмаса, теракка ҳам чиқса бўлади.— Иван ғалати қилиб кулиб гапирар, бундан белалар хижолат тортишарди.— Доберман қалай, ўрганиб қолай дедими?

— Биз кеча суратга тушиб ҳам бўлдик,— деди Зокир.

— Доберман-чи? Мен кучукни айтяпман. Унинг зоти — доберман-пинчер... Тагин уни хафа қилиб юрманглар-а. Нарса ташишни ўрганган у.

— Нарса ташишни? — сўради Содиқ.

— Ҳа-да. Масалан, таёқ ёки кепкани иргитиб юбораман-да: «Ол!» дейман, у чопқиллаб бориб, олиб келади. Фақат қўлга бергиси келинқирамай туради. Ҳозирча, тортиб олиш керак.

— Кеча суратга тушаётганимизда,— деди Содиқ,— аппаратни Эсоннинг устига қўйгандим, у бўлса жим турмади, сал қаддини кўтариб юборди, сурат чиқадими ё йўқми, шунисини билмай турибмиз.

— Нимани устига қўйдим дединг?

— Эсонни устига,— деди Зокир.

— Чўп бекитдик, фотоаппаратни устида кўтариб туриш учун.

— Ўша Эсон ким ўзи?

— Каллачи,— тушунтирди Зокир.— Ёнғоқни дарахтга қўйиб туриб боши билан чақа олади у.

— Бўлди-бўлди,— деди Содиқ.— Қаёқдаги гапларни валдираяпсан, буларга қизиғи йўқ бунақа гапларингни. Худди ёш болага ўхшайсан-а... Биласизми,— деди Содиқ Иван Кустовга,— Эсонни устидан бошқа аппаратни қўйса бўладиган ҳеч нарса йўғийди.— Шундай деб Содиқ тўртоёқлаб турди-да, аппарат қаерда турганини ва Эсоннинг айнан қимир этмай турадиган хонасида қаддини қандай кўтариб юборганини кўрсатди.

— Ҳечқиси йўқ, балки бирон нима чиқар,— деди Иван.— Айтайлик, оёқларинг тушмаган бўлсаям, бошларинг тушгандир. Умуман олганда, бир ҳафталардан кейин олдимга келинглари, дорига солиб чиқариб кўрамиз. Ҳозир фиксажим¹ йўқ. Дорида чиқаришга-ку чиқараман-а, лекин уни қотириш керак-да, ахир.

¹ Ф и к с а ж — олинган расм яхши ўрнашиб қолсин учук фотонегатив юнладиган махсус химик эритма.

Фотография — яхши ҳунар. Фотоаппарат тўғрисида ёлгон гапирганим йўқ. Нархи бир червондан кам эмас сираям.

Болалар Иванни иккинчи симёгочгача кузатиб боришди, унинг тепага қандай чиққанини томоша қилиб туришди-да, пастдан «хайр» дейишиб, уйларига жўнашди.

3

Содиқнинг отаси Қосим муаллим бухгалтер Тожибековнинг маҳалла комиссиясининг идорасидан чиқаётганини мутлақо кўрмаганди, борди-ю кўрганида ҳам бунга заррача эътибор бермаган бўларди. У Тожибековни ёқтирмасди, нимага ёқтирмаслигини эса ўйлаб ҳам кўрмасди.

Болаликларида битта мактабда, Қосимнинг отаси, яъни Содиқнинг бувасининг мактабида таҳсил кўришганди. У ниҳоятда саводхон одам эди. Тожибековнинг отаси бўлса чаласавод одам бўлиб, бир нечта газлама дўконин бўлар, улгуржи кўн савдоси билан ҳам шуғулланар эди. Ҳозирги бухгалтернинг отаси ҳам, ҳозирги муаллимнинг отаси ҳам бадавлат ва бообрў кишилар ҳисобланардилар. Уларнинг ўғиллари бир хилда ёки, ҳар қалай, деярли бир хилда бошланғич маълумот олдилар-у, бироқ ораларидаги тафовут ер билан осмонча эди. Қосим муаллим Тожибековни ҳаётда киришимли—устаси фаранглиги ва ўзига фақат манфаати тегадиганлардан ошна-оғайни орттириши учун ёмон кўрарди. Тожибеков бўлса Қосим муаллимни, менга ҳасад қилади, деб ҳисоблагани сабабли жини суймасди. Ўзига ҳамманинг ҳасад қилиши, кўролмаслигига имони комил эди унинг. Аммо, сирасини айтганда, бу кунларда Содиқнинг отасининг Тожибековни ўйлашга фурсати ҳам, хоҳиши ҳам йўқ эди. У Содиқнинг ташвишини чекарди. У ўғлини жуда яхши кўрарди ва тўсатдан боланинг сут-қатиқ сотиб юриб, сутга сув қўшишини (муаллим ўғлининг сут-қатиқ сотишига умуман қарши эди), қаёқдандир унда пул пайдо бўлаётганини ва у мазмуни-ғояси мутлақо шубҳали китоблар сотиб олаётганини пайқаб қолганди.

Содиқнинг отаси ҳали қирққа ҳам бормаганди-ю, лекин ёшига қараганда кексароқ кўринарди, сабабни

жуда эрта сочи тўкила бошлаган ва нафас сиқиш дардига мубтало бўлиб қолганди. У ўзбек мактабида математикадан дарс берар ва ўз ишини жуда севарди. Ўзи, оилали йигирма яшар йигит минг машаққатлар билан қадимги китоблардан излаб топган билимлари, кексалар билан узундан-узоқ ҳамда изтиробли суҳбатлар жараёнида олган сабоқларини ҳозирги шогирдлари осонлик билан эгаллаётганларидан гоётада қувонарди. Рост, у ҳеч қачон болаларга бу ҳақда оғиз очмас, ўзи чеккан машаққатларни писанда қилмасди, негаки — бунақанги ибрату мисоллар ёшларни ишонтириб, қаноатлантиролмаслигини биларди. Ўзига эп кўрадиган бирдан-бир нарсаси, шунда ҳам аҳён-аҳёнда бир, Қадимги Шарқ адабиёти, санъати ва илм олами классикларининг асарларидан мисоллар келтирар ва ҳамиша Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон»идан бир-икки оғиз сўзлаб, ўқиб берарди:

Ҳ и к о я т

«Искандар Румий жаҳонгирлик даврида ҳийла билан бир қалъани забт этиб эрди, уни вайрон қилишга фармон берди. Искандарга:

— У ерда ҳаким бор, жуда билимдон, ҳар қандай мушкул унинг олдида осон, — дедилар.

Искандар уни олиб чиқишни буюрди. Кўрдиким, афти хунук, бедаво, кишининг кўнгли айнийдиган бир бало. Таъби хира бўлиб, деди:

— Бу қандай хунук сурату қандай совуқ қомат?!

Ҳаким бу сўзларни эшитиб куйиб-ёниб кетди ва қизишиб, қаҳ-қаҳ уриб, деди:

Таъна қилма хунук юзимга қараб,
Эй ақлу инсофдин беҳабар киши.
Тап қиндир, аммо жон — қиндаги қилч,
Уткирлик, кесмоқлик қиличнинг иши.

Яна демиш: «Кимнинг хулқи халқи билан яхши бўлмаса, унинг баданидаги териси ўз зиндонидир, чунки ўз вужудидан танглигу оҳ-воҳдир, зиндон унинг олдида оромгоҳдир».

Ҳамиша ғуссаю ғам ўрар дилни печакдек,
Ҳар кимки барча бирлан бадхулқлик этса зоҳир.
Зиндонбегига айтиб, зиндон қилмоқ на ҳолат?
Ўз териси ўзига зиндон эмасми охир!

Қосим муаллимнинг инсон боласи китобдан оладиган жамики билими: адабиёт ҳам, тарих ҳам, география ҳам, ҳатто математикаю физика ҳам — жамики-си одамни яхшилаши, ҳалолу инсофли, бегараз қилиб тарбиялашига имони комил эди. Бирор киши тўғрисида гапирганида: «Илмли одам», — деб қўяр ва бу унинг энг катта мақтови эди. «Илмли одам, — дерди у, масалан, Саттор темирчининг ўгли Толиб ҳақида гапирганида. — Унинг ақли билан юраги ҳамиша аҳил-тотув иш тутади». Қосим муаллим илмли одам деганида нафақат бировнинг илм-фандан бохабарлигинигина эмас, балки ушбу одамнинг қалби гўзал эканини ҳам назарда тутарди. Мабодо аслида бундай бўлиб чиқмаса, муаллим ҳайратга тушиб, ёқасини ушларди.

Бундан бир неча йил бурун эски мактабдош ўртоғи Ўктамбек Тожибековга ҳам худди ана шундай ҳайрсиз қолганди. Йўқ-йўқ, у Тожибековнинг бирон ножўя қилмиши ёки ҳатто бирон ноўрин қилиғини пайқагани йўқ. У ўртоғида чинакамига яхшилик ва олижанобликдан далолат бергувчи бирон-бир ҳаракату қилмишини кўрмаганидан ҳайрон бўларди. Ўктамбек Тожибеков қабиҳлик ё инсофсизлик қилмасди, ақалли ошкора тарзда, лекин ҳеч қачон, сира-сира ўзинга зиёни тегадиган ишга қўл урмасди. Башартики адолатли ишни ҳимоя қиладиган бўлса, фақат куч адолат томонда бўлсагина ҳимоякашликка ўтган. Мабодо у ноҳақликка қарши тиг кўтарган бўлса ноҳақ кимса устига-устак кучсизу ожиз бўлган ҳоллардагина жазм этган бунга. Бошқаларнинг ана шу нарсани пайқамаётганлари, пайқашни истамаётганлари ёки бунга аҳамият бермаётганлари Қосим муаллимга ниҳоятда галати туюларди.

Эрталаб, Маҳкам аканинг сирли ўлими Ўқчи аҳлига маълум бўлган бир пайтда Содиқнинг дадаси ўзи кеча кечқурун зиёрат қилиб келган кекса китобдорни-кига бориши керак эди. У Қосим муаллимга хаттотлар қўлда битган, ниҳоятда нодир бир кўҳна китобни ваъда қилганди. Машъум қотиллик ҳақидаги хабар оз бўлмаса унинг режасини ўзгартиб юбораёзди. У идора олдида уймалашаётган оломонга яқинлашди, ичида, балки ёрдамим керак бўлар, маслаҳатим зарур бўлиб қолар, деб ўйлади. Бироқ Ўктамбек бухгалтерга кўзи тушиб, яқинроқ боришга шошилмади, унинг ва-

жоҳат билан бош-қошчилик қилаётгани ва қаттиқ-қаттиқ, дадил гапираётганини кўриб-эшитгач эса ўз ёўлига кетаверди.

У уйига яна бир даста китобни қўлтиқлаб қайтди. Бу китоблар орасида айниқса бебаҳоси — Умар Хайёмнинг рубойилари куллиёти ҳам бор эди. У меҳмонхонага кириб (ҳовлисидаги энг салқин хона эди бу), қадимий хаттот ва мусаввир безаб, оро берган саҳифаларни авайлабгина варақлай бошлади. Зарғалдоқ тусли товуслар, қирмизи чехрали сулувларнинг суратлари мураккаб нақшу нафис безаклар жимжимадор араб алифбоси билан битилган пурмаёною доҳиёна рубойилар ила уйғунлашиб кетганди.

Бир пайт тақиллатмай-нетмай, рухсат ҳам сўрамай, худди ўз уйидек, тўғри Уктамбек Тожибеков кириб келди. Муаллим номатлуб меҳмоннинг кириб келишидан норизолигини яширишга ҳаракат қилди. Ҳар қалай у хушмуомалалик билан меҳмонни кўрпачага таклиф қилиб, пиёлада совуброқ қолган чойдан қуйиб узатди.

— Қосимжон, — деди Уктамбек бухгалтер, — эрталаб оломон орасида кўзим тушганди сенга. Олдимга келарсан деб ўйлагандим, зотан мусибат одамларни яқинлаштиради, дўсту душман бошга иш тушганида билинади, сен билан биз бўлсак эски дўстлармиз. Локин сен ёнимга бормадинг ҳам.

— Шошиб тургандим, — деди муаллим, — биров кутаётганди мени.

— Локин бунақанги оғир мусибат... Ахир, маҳалламизда энг ҳурматли, энг баобрў отахонларимиздан бирини ўлдириб кетишибди-я!..

— Тўғри, оғир мусибат бўлди бу, — деди Қосим муаллим. У ростдан ҳам қариянинг ўлимига ачинаётган, бугун уззукун шу ўй хаёлидан нари кетмаган бўлса ҳам, қандайдир галати бир туйғудан қутула олмаётган эди. Негадир фикр-ўйи ҳадеб Уктамбек Тожибековга бориб тақалар, нимагадир унинг қулоғи остида нуқул дадил, буйруғона овози жаранглаб турарди. Балки шунинг учун ҳам ҳозир Умар Хайёмнинг китобини қўлига олган, шунинг учун ҳам аксарияти ўзига ёд бўлган рубойиларни кўздан кечира бошлагандир.

Эй онгсиз, билмайсан, бу олам ҳечдир,
Негизинг шамолдир бир тутам, ҳечдир.

«...Негизинг шамолдир бир тутам, ҳечдир...»

— Сенинг бунақанги бепарволигингга ҳайронман,— деди бухгалтер.— Маслаҳатларинг жудаям асқотиши мумкиниди. Ўзинг софдил одамсан.

— Биласанми,— иложи борица босиқлик билан деди Содиқнинг дадаси,— сенинг теран ақлинг бор жойда менинг покиза дилим чикора.

— Нима, сенга ишонамайман, демоқчимисан? Умримда ёлгон гапирмаганман-а сенга. Жуда ғалати бўлди-ку буёғи. Башартики мен, сенинг маслаҳатингга муҳтож эдик деган эканман, сенинг фикр-мулоҳазаларингга нафти тегиши мумкин эди бизга, рост айтяпман.

— Мендан тузукроқ изқувар чиқмайди,— деди Қосим муаллим.— Сенга ёрдам беришга доим тайёрман, Маҳкам акаминини ўлдирган разилларни истаб топишни дил-дилимдан истардим-а. Лекин бугун эрталаб, «қотиллар албатта топилади», деб айтдинг-ку ўз оғзинг билан. Илоё айтганинг келсин.

— Хўш, сенингча қандай? Қотилларни топа олармиканмиз?

— Ростки сен шундай деган экансан...

— Хўш, сен-чи, сен ўзинг нима деб ўйлайсан?

— Мен сенинг гапларингга ишонаман,— дея жавоб берди Содиқнинг дадаси бу кўнгилсиз суҳбатга чек қўйиш истагида.

Бироқ бухгалтернинг суҳбатни давом эттиргиси бор эди.

— Мени ўзимга, менга ишонасанми ўзинг?

— Сўзларингга ишонганимни ўзиям кифоя бўлса кераг-ов,— қуруққина деди муаллим.

— Кўзингга қараб иш қил, ошна... Халқ сенга боласини тарбия қилишни ишониб топшириб қўйибди, сени бўлса фикр-ўйинг сал бошқачароқ кўринади. Ё дилингда кекинг борми дейман, ёки бирон нимани биласан-у, индамаяпсан...

Бухгалтернинг кеча кечқурун ўзи идорадан чиқаётганини муаллим кўрган ёки кўрмаганини бирон шамма билан бўлса-да сездиришини жуда-жуда билгиси келаётган эди. Шу сабабли гапни аччиқичакдек чўзаётган эди.

— Бирон шубҳа-мубҳанг борми ё?— сўради Тожибеков.

— Айтдим-ку сенга, мен изқувар эмасман деб.

— Эйўқ, қадрдон, бизнингчасига эмас, ётларчасига мулоҳаза қилипсан...

— Мен ҳеч қачон сенчасига мулоҳаза қилмайман ҳам,— деди муаллим тўнини тескари кийиб.

— Ат-танг деб қоласан ҳали!— деди Тожибеков ҳижжалаб.— Оталаримиз қадрдон бўлишган. Менинг отам бадавлат одам эди. Уни қулоқ қилишди, ҳалол, пок бўлиб ўтди оламдан. Сенинг отанг бўлса мафкуравий жиҳатдан ёт, фикр-ўйлари зарарли одам эди. Таасуфки, фикр-мафкурави қулоқ қилиб бўлмайди, шунинг учун ҳам ўша мафкуравий жиҳатдан ётлигича ўлди. Мана, сен ҳам ўшанақасан. Ўзингниям ўйлагин мундоқ. Ўйлаганда ҳам яхшилаб ўйлаб кўр.

Муаллим индамади. Бир оздан кейин шундай бир хотиржамлик билан (бундан ўзи ҳам ҳайрон қолди), афтидан, анчадан бери, беихтиёр дилида тўпланиб келётган сўзларни айтди:

— Ўзим ҳақимда ўйлайман, ҳатто сен тўғрингда ҳам ўйлаб қоламан гоҳо-гоҳо. Иннайкейин, кундан-кунга сен ҳақингда тобора ёмон ҳаёлларга боряпман.

— Хайр,— деди бухгалтер ва пиёлани ушлаганича ўрнидан қўзғалди.

— Саломат бўл,— жавоб берди муаллим.

Бухгалтер пиёлани қаерга қўйсамикин деб кўзлари билан жой излаб, уни энсизгина дераза рафига қўйди-да, эшикни тарақлатиб ёпганча чиқиб кетди.

Пиёла пастга тушиб кетди-ю, лекин синмади.

...Тожибековнинг муаллимникига борганини эшитиб Кўр Султоннинг жон-пони чиқиб кетди.

— Уникига бора кўрманг деб тайинлагандим-ку ахир сизга. Нимага бордингиз?

Тожибеков довдираб қолди. Унга ҳеч ким ҳеч қачон бунақанги ўшқирмаганди.

— Чамамда, сираям бунақа демагандингиз чоғи.

— Унда, айтмоқчи бўлганман буни. Иккисиям бир гўр. Орага ортиқча одамларни аралаштиришнинг нима кераги бор? Ўзгани диққатини тортишнинг нима ҳожати бор? Ана энди у сиз тўғрингизда ўйлай бошлайди. Ишқилиб, у билан айтишиб қолмагандирсиз ахир?

— Йўғ-э!— ёлгон гапирди Тожибеков.— Шунчаки ўтириб, уёқ-буёқдан суҳбатлашдик... Тўғри, биз бир-биримизни ёқтирмаймиз...

— Сиз шу нарсани тушунингки,— деди Кўр Султон,— токи қўлимизда муҳр йўқ экан, токи ҳужжатларни қўлга кирита олмас эканмиз, кундузи кўчага чиқолмаймиз, Тошкентдан жўнаб кетолмаймиз. Тоғдаги дўстларимни ҳам ҳар кун, ҳар дақиқада жонларини хавфу хатар остида турибди. Муҳрни бўлса қорасини ҳам кўрганимиз йўқ! Ҳатто нусха қогоз ҳам йўқ. Саидмурод оппоқ тонггача арралади — чойнакни синигини топлик холос.

— Таъйин қилманг, қўйинг,— Тожибеков Кўр Султонни тинчлантирди.— Эртадан эътиборан камина маҳалла комиссияси раиси вазифасини адо этишга киришаман. Мендан бўлак ҳеч зотга ишонишмайди. Қосим муаллим ярамайди, у ёт унсур, умуман... комиссиянинг бошқа икки аъзоси саводсиз, бири канал қурилишга кетган. Шундоқ экан, раис мен бўламан. Янги муҳр оламиз, нусха қогозлар ҳам бўлади.

4

— Оти Доберман экан,— деди Зокир Содиқ икковлари янги шаҳардан қайтишгач.— Нарса отсанг олиб келаркан.

Болалардан ҳеч қайсиси доберман итнинг лақаби эмас, зоти шундай деб аталишини тушунмасди, зотан Ўқчида итларнинг насл-зоти тўғрисида ҳатто катталар ҳам тузук-қуруқ билишмасди. Овчаркалар, бўрибосарлар бор эди. Бу итлар ўз кўчаларида эмасди-ю, лекин уларни ҳар ким ҳам биларди, бошқа жамики ит шунчаки ит эди, холос. Лайча, кўппак, қора, оқ, олапар, жуни ўсиқ ё сип-силлиқ — жамикиси оддийгина ит эди, вассалом.

— «Доберман!» — русчасига «думсиз» деганидир балки,— деди Раҳим кичкина.

— Агар «доберман» «думсиз» дегани бўлса унга шундоқ ҳам Думсиз деб от қўйиб қўя қолишарди. Доберман бўлса худди фамилияга ўхшайди, шунақа ёзувли лавҳани ўзим кўрганман,— деди Содиқ.

Бунинг устида тортишиб ўтиришмади.

Ёзлик ўчоқнинг устига фанерни ёпиб, Доберманга

уйча қилишди, олдига синиқ товоқчада сув қўйишди-да, итни болохонадан бутунлайига ҳовлига кўчириб тушишди.

Илгари бўш ҳовлининг уларга кераги йўқ эди, ма-на энди қушларига яраб қолди жудалим. Бир йўла ҳам болсохонали. ҳам ҳовлили, бунинг устига яна итли бў-лиш ёмон эмас экан.

Эълонда ёзилганидек, футбол бўйича қайта учра-шув кечки соат бешда бошланди. Болалар қирқ минут-ча аввалроқ келишди.

Баланд девор билан ўралган чотроқгина стадион контролёрга билет ва аллақандай дафтарчаларни кўр-сатиб ўтаётган одамларга тез тўла борди. На билети, на ҳалигиндақанги дафтарчаси бўлмаганлар кираве-ришда тўдалашиб, мўъжиза содир бўлишини кутишар-ди. Уйин бошланиши билан тепага чиқиб, шох-бутоқ-ларга жойлашиш ниятида, яқин-атрофдаги кўчалар-нинг болалари энг яхши дарахтларнинг теварагида тўдалашиб туришибди. Фақат битта терак — ингичка, сип-силлиқ, тепасидагина ўсган шохлари танасига ёпишинқираган тераккина ҳали-ҳозирча банд қилин-маганди. Унинг устига биттагина одам чиқса бўларди. Шунга келишишди: теракка навбатма-навбат чиқади-ган бўлишди, тенадаги бола пастдагиларга футбол майдонида нималар бўлаётганини айтиб туради.

Навбатни аниқлаш учун чек ташлашди. Биринчи навбат Раҳимга тегди, аммо Эсон укасини ўз навбати-ни унга беришга мажбур қилди.

— Бу ҳафтафаҳм-ку, ниманиям гапириб беролар-ди...

Қудрат иккинчи бўлди, учинчи — Зокир, тўртинчи тагин ўша Эсон — бу унинг қонуний навбати эди, Со-диқ бешинчи бўлди.

Стадионда оркестр тушни чала бошлаши билан Эсон теракка чиқди.

— Оркестр чаляпти,— хабар қилди у.

Болалар буни усиз ҳам билиб туришарди.

— Ҳозир футболчилар чиқишади,— деди Эсон.

Болалар индашмади.

Футболчиларнинг майдонга чиқиб келишганини бўлса Эсон айтмади, у стадионда бўлаётган манзарага

батамом берилиб кетганди. Лекин унинг бу ахборотиға муҳтож ҳам эмасди болалар — улар қарсақлар ва қич-қириқлардан нима бўлаётганини тушуниб олишган эди аллақачон. Кейин болалар судьянинг ҳуштагини эшитиб, ўйин бошланганини тушунишди. Эсон бамисоли балиқдай миқ этмасди. Фақат аҳён-аҳёнда у шокда ўтирган жойида бир чайқалиб:

— Роса боплаяпти-да! — деб қўярди.

— Нима бўляпти уёқда? Нима бўляпти? — деб сўрашарди пастдан болалар.

— Вуй, боплаб тепди-ку! — жавоб берарди Эсон.

Болалар «Динамо»га, айниқса динамо ҳужумчиси Паканага муҳлис эдилар. Утган гал, 1 майда, Пакана ўйнамаганди, динамочилар шунинг учун ютқазишди, деб важ-корсон қилишганди.

— Алдаб ўтди! Алдади! — сўзсиз-содосиз анчагача чўзилган пишмиллашдан сўнг янграб қолди тепада.

— Паканами? — бараварига сўрашди пастдагилар.

— Йў-ўқ, — деди Эсон.

— Бўлмаса ким? Ким ахир? — билишга тиришишарди пастдаги шўрликлар тепага қараб.

— Ана, олиб қўйишди! — деди Эсон.

— Кимдан? — бақирдишди болалар.

Эсон жавоб бермади, фақат ўтирган шохида силкинарди ҳадеб.

Стадионда гол киритилиб, болалар ўз шарҳловчиларидан кимнинг дарвозасига тўп киритилгани ва ким киритганини билишолмагач, теракка Қудрат чиқди. Икки оғизгина пичирлашиб олишди-да (нима ҳақда келишилгани шундоқ ҳам тушунарли эди), Қудрат Эсонни оёғидан тортиб туширди теракдан. Эсон калла қилмасқчи бўлганди, эпломмади — теракнинг танаси халал берди.

Қудрат теракка чиқиб, ўрнашиб ўтириб олмаданоқ булбулигўё бўлиб сайрай кетди:

— Шоти (спартакчиларнинг ҳужумчисини шундай деб аташарди) тўпни «Динамо»нинг дарвозаси томонга суриб кетяпти. Яқин қолди, яна яқин, якаям... Лекин учинчи рақамли ҳимоячи тўпни олиб қўйиб, ҳужумчиларга оширди, тўп Паканада. Мана у тўпни олдинга суриб кетди, яна илгарилаб боряпти, янаям, биттасини алдаб ўтди, иккинчисини ҳам, мана у жарима майдончасида... Ур!

Қудрат Пакана гол киритганини ҳатто айтмаса ҳам бўларди. Стадионда кўтарилган ўкиригу ҳайқириқлар ва олқишлар чиройли гол урилганини тасдиқлаб турарди.

— Ўйин майдон ўртасидан бошланди...

Ўйин давом этгани сайин шарҳловчи ҳам тобора қизишиб борарди. Шу сабабли теракка чиқиш навбати етганида Зокирни ушлаб қолишди болалар. Ўйинни Қудратдан бошқа бирорталари қойиллатиб гапириб беролмасликларига ҳеч қайсиларининг шубҳалари йўқ эди. Ҳатто танаффусдан кейин ҳам, иккинчи таймда ҳам ўйинни у гапириб бериб турди. У ошириш борми, тўпни калла билан уриш борми, биттасиниям қолдирмай айтиб тураркан, Пакана ўнг оёғи билан тепган тўп тепа тўсинга тегиб, қоқ иккига бўлиб синдириб юборганини хабар қилганда пастдаги тингловчилар ҳайратдан қийқириб юборишди. Стадионда шу топда шунақанги ҳайқириқ янградики, буни эшитган болалар чиппа-чин ишонишди.

«Қасос» матчи динамочиларнинг катта ғалабаси билан — 5: 2 ҳисобида тугади. Қайтишда болалар йўлакай, Пакана бемалол Совет Иттифоқи терма командасида ўйнай олади, деб исботлаб келишди.

— Ҳатто бутун дунё командасида ҳам! — деди Зокир.

— Э-э, — деди Содиқ, — унақада жаҳон терма командаси ким билан ўйнайди?

— Мен эшитгандим, — деди Эсон, — Москвада битта футболчи бор экан, ана ўшанга ўнг оёғи билан тўп тепишни ман этишганакан, нега деганда, тўп билан дарвозабонни ўлдириб қўйиши мумкин экан.

— Мени эшитишимча бўлса, — деди Қудрат, — Америкада битта футболчини иккала оёғига ҳам икки пудлик тош боғлаб қўйишаркан, ўзиям жуда учқур экан-да.

— Борди-ю бизнинг Эсонни бошига қадоқтош боғлаб қўйилса борми, — деди Содиқ, — у тақачиликда бемалол болғаловчи бўлиб ишлай олади.

Эсон хафа бўлмади ва болалар Пиёнбозорнинг муйилишида бир дўппи ёнғоқ сотиб олишганда ҳамма ёнғоқни боши билан яқин орадаги симёғочда биттасини ҳам қолдирмай чақиб берди.

Уй-уйларига тарқалгилари келмади, шундан кейин

коптокларини олиб, ўз майдонларига жўнашди. Қудрат Пакана тўсинни қандай қилиб тепиб синдирганини кўрсатмоқчи бўлиб уввало уринди-ю, бироқ амалда кўрсатолмади, негаки уларнинг дарвозаларида тўсин уёқда турсин, ёнидаги устунларининг ўзи ҳам йўқ эди таги-тугида.

Аста-секин ўйинга берилиб кетишди улар. Тасодифанми, ё жўрттагами, ишқилиб Содиқ тепган копток икки марта Эсоннинг қулоғига тегди.

5

Болалар тўсатдан серрайганча туриб қолишди. Майдонда уч киши пайдо бўлиб, уларга қараб келаверишди. Олдинда Иса милиционер. Орқасида кепкасини нақ кўзигача бостириб олган, галифе шим билан хром этик кийган аллақандай нотаниш рус киши келяпти. Тез юришига халақит бераётгани кўриниб турганига қарамай, у қўлини чуқур чўнтагига тиқиб олганди.

— Изқувар,— деди Қудрат.

— Жиноят қидирув бўлимидан бўлса керак,— деди Содиқ.

Кейинда келаётган учинчиси эса Саидмурод эди.

Учовлари футбол майдонини қияламасига кесиб ўтиб, жарликка қараб кетишди.

Болалар тўпни қўлтиқлаганларича уларнинг орқасидан югуришди.

Жарга ахлат тўкиларди. Пастга тушишгач, Иса милиционер этиги тумшуғи билан битта саватни хиёл кўтариб, кепкали кишига ниманидир кўрсатди.

Болалар шундоқ яқингиналарига боришди.

Эски титилган сават тагида, латта-лутталар остида Маҳкам аканинг пўлат сандиги ётарди.

— Буни шу ердан топдим,— деди Иса милиционер кепкали кишига.

— Шундоқ денг...— дея жим қолди у, кейин ўнг чўнтагидан қалам, чап чўнтагидан ёндафтарча чиқарди-да, бир нималарни ёзди.

— Энди ҳаммаси ойдин,— деди Иса милиционер.— Улар пўлат сандиқни ўгирлаб, қулфини бузишган-у, ҳужжатларни, муҳрни олиб, жуфтакни ростлашган. Лекигин имоним комил, уларни албатта топишади!

— Эҳтимол шундайдир,— деди кепкали киши.
— Иса ака,— сўради Қудрат милиционердан,—
борди-ю ичида муҳр бўлмаса-чи?

— Бемаъни гапни гапирма!— деб жеркиб берди
Иса.

Саидмурод бўлса Қудратга ғалати қилиб қараб
қўйди.

— Нима деяпти у?— деб сўради рус киши.

— Бемаъни гапни галдираяпти,— жавоб берди
Иса милиционер.

— Олиб боринглар буни,— буюрди кепкали киши.

Милиционер билан Саидмурод икковлари пўлат
сандиқни кўтаришди. Кепкали киши чсрраҳага қараб
юрди. Болалар бўлишса то улар муқолишдан бурилиб
кетгунларича кузатиб туришди.

Энди ўйинни давом эттиргилари келмай қолганди.

— Юринглар, болохонага кетдик,— деди Зокир.

— Сизлар бора туринглар, Содиқ иккаламиз бир-
пасдан кейин борамиз,— деди Қудрат.— Боринглар,
икковимиз жиндак гаплашиб олишимиз керак.

Улар жар лабига ўтиришди. Қуёш олисдаги терак-
лар, деворлар, уйлар орқасига яширинган эди.

Мовий Тошкент оқшоми чўка бошлаган, у шунча-
лик кўкиш эдики, гўё уни атайлаб бўяб қўйгандай
эди. Узоқдаги тоғларнинг акси шуъласиданми, Тош-
кентни қуршаган даштлардан кўкка бўйлаган ҳаво-
нинг таъсириданми, ёки бошқа бирон нарса сабаб-
лими, ҳайтовур, оқшом мовий, ҳатто бинафша тусига
мойилроқ эди.

— Нуқул ёлғон гапириб ётибман-у, сизлар бўлса
ишониб ўтирибсизлар,— деди Қудрат.

— Нимани ёлғон гапиргандинг?— сўради Содиқ.

— Кўп нарсани.

— Бўлмаса ёлғон гапирмагин-да.

— Бари бир ҳаммасига ишонаверганларингдан ке-
йин ёлғон гапирмай ҳам бўларканми? Мана масалан,
дарвоза тўсини тўғрисида алдадим боя, сизлар бўлса
ишониб ўтирибсизлар. У лоақал тўсинга теккизганиям
йўқ, дарвозадан ўн метрча баланддан ўтиб кетди-ёв.

— Бу ўзи сенга теккан касал бўлса керак,— деди
Содиқ.

— Йўқ, касаламас,— хўрсинди Қудрат.— Бунақа касални сираям эшитганамасман.

— Унда яхшиямас бу,— деди Содиқ.

— Мана ҳосир,— деди Қудрат,— Иса милиционер — ҳужжатларни, муҳрни ўғирлаб қочиб қолишган, лекигин уларни топишади, деди.

— Албатта топишади,— деди Содиқ.— Жиноятчиларни ҳамишам топишади. Агар изқуварлар уста бўлишса. Ўзинг ўқигансан-ку, Дик Портер...

— Э, мен буни гапирётганим йўқ.

— Бўлмаса нимани?

— Ичида муҳр йўғийди. Тушуняксанми, муҳр пўлат сандиқдаямас.

— Бўлмаса қаёқда?

— Буни айтолмайман. Маҳкам ака фақат менга ишснардилар. Ҳеч зотга айтмаслигимни билардилар. Ишқилиб, у пўлат сандиқдаямас.

Содиқ Қудратга ғалати қараш қилди. У бўлса индамай қолди.

— Бўлмаса, ўғрилар шу ерда экан ҳалиям,— деди Содиқ,— ё бўлмаса яқин атрофда.

— Нимага энди?— ҳайрон бўлди Қудрат.

— Уни пўлат сандиқдаямаслигини аниқ биласанми ўзинг?

— Аниқ биламан.

— Пўлат сандиқдамасмиди?

— Унга қўйилган ҳам эмас.

— Агар уларга муҳр керак бўлса-ю, уни топишолмаган бўлишса,— деди Содиқ,— хўш, нима қилишади ўғрилар?

— Мен қаёқдан биламан...— деди Қудрат.

— Унда муҳрни қидиришади. То муҳрни топмагунларича бу ердан кетишмайди.

— Орамизда энг донойимизсан-да,— деди Қудрат,— сен ҳатто мендан ҳам ақллироқсан.

Содиқ эътироз билдириб ўтирмади, негаки унинг ўзи ҳам шу фикрда эди.

— Кетдик,— деди у.

— Шошма бирпас, яна битта сирни айтаман. Справкага муҳрни ўзим босиб олгандим. Ичкарига сенинггина кириб, муҳрни олдим-да, кейин уйга борганимда справкага босдим, кейин энди жойига элтиб қўяман деб турганимда ўзларинг келиб қолиб: «Юр,

юр»... деб шоширдиларинг. Шундоқ қилиб боролмадим. Фақат кечаси боролдим. Кечаси у ерга кирганимда бўлса Маҳкам ака ўлиб ётган экан.

Содиқ чурқ этмасди. Анча маҳалгача, чамаси бир йил бўлиб кетди-ёв, миқ этмади.

— Нимага индамайсан? Ахир справкада ёзилганини ҳаммаси тўғрийдик-ку. Бари бир уни ҳеч кимга бермадик-ку. Ҳалигача уйимизда турибди.

Содиқ индамасди.

— Э, гапирсанг-чи, оғзингга толқон соливолганми-сан!

— Бунақада уни сен ўлдирган бўлиб чиқасан.

— Кимни?!— сўради Қудрат.

— Маҳкам акани...— жавоб берди Содиқ.— Агар муҳр жойида бўлганида ўғрилар уни олиб, жўнаб қолишарди. Маҳкам аканинг ўзлари уни қўлларига тутқазардилар, шу билан гап тамомийди. Яна билмадим-у, албатта, шунақа бўлиши ҳам мумкин эди-да.

Энди Қудратнинг нафаси ичига тушиб кетди хийла маҳалгача. Эти қунишди. Яланг оёқларини тагига босиб, тиззаларини қучоқлаганича узоқ ўтириб қолди.

— Менимча, болаларга ҳозирча ҳеч нима демаслик керак,— деди Содиқ.— Кейин айтамиз.

— Энди сираям ёлғон гапирмаганим бўлсин...— деди Қудрат.

...Болалар ҳовлида кучук билан ўйнашишаётган эди. Улар навбати билан эски тўпларини (орасига латта-лутта солиб тикилган иккита дўппи) ҳовлининг нариги бошига отишар ва навбат билан: «Ол!»— деб буюришарди. Доберман астойдил ўша ёққа отилиб, тўпни тишлаб оларди-да, кейин ҳовли теграси бўйлаб айланар ва уни ҳеч кимга бермасди.

— У ҳали овозимизни танимайди,— дерди Раҳим тусмол қилиб.

Содиқ билан Қудратнинг қош-қовоқлари солиқ, ташвишли қиёфада кириб келишганини кўриб улар ҳам безовталаниб қолишди. Ҳаммалари болохонага чиқишганида Қудрат бундай деди:

— Болалар, олдин мен сизларга жуда кўп ёлғон гапирардим.

— Нима бўпти?— деди Раҳим.— Манави Эсон бўлса доим алдайди мени.

— Мен бўлсам энди сираям бундай қилмайман,—

деди Қудрат.— Мана бугун ҳам Пакана дарвоза тўсинини синдириб юборди деб алдагандим. Уни синдиргани йўқ, анча баланддан ошириб тепганди. Умуман бугун жудаям қўп ёлгон гапирдим.

— Нимага ёлгон гапиргандинг?— деб сўради Зокир.

— Қизикроқ чиқсин деб-да,— деди Қудрат бошини қўйи солиб.

— Ёлгонниям роса қотирасан-да!— деди Эсон.— Дарахтдан тушириб юборишмасин деб ёлгон гапиргансан.

— Қани энди монтерча «тирноқ» топсак, ҳаммамиз ўз кўзимиз билан кўрардиг-а,— деди Зокир.— Лекин ўзинг ҳам қотириб гапириб турдинг-да. Жуда қизик чиқди.

Қудратнинг бу гапни нима мақсадда қўзғашини Содиқдан бўлак ҳеч қайсилари тушунишмади.

Бухгалтер Тожибековнинг ҳайҳотдай ҳовлисининг энг ичкаридаги хонасида палов тепасида яна ўша эски танишларимиз ўтиршибди: хонадон соҳибининг ўнг қўлида — Кўр Султон, чап томонида — индамас Барот, унинг ёнида Иса милиционер, бир чеккада — Саидмурод.

— Ҳаммаси жойида бўлди, хамирдан қил суғургандай ўтди,— дерди Иса Кўр Султонга.— Ўзи ёш, рус, тилимизни билмайди. Нуқул бош ирғайди, нуқул ёзади десангиз.

— Мени анави боланинг гапи хавотирга солиб турибди-да пича,— гап қистирди Тожибеков.— Нега энди у шундай деб сўрадийкин?

— Ёш бола нарса нималарни деб валдирамайди,— деди Иса.

— Балким бу шунчаки тасодифдир, эҳтимол, мутлақо тасодифан эмасдир,— ташвишланиб эътироз билдирди бухгалтер.

— Бугун болалар кўчада кетишаётганда,— деди Саидмурод,— муаллимни ўғли ҳам, чамамда, муҳр тўғрисида алланима дегандай бўлувди. Ё қўлогимга шундай чалиндими.

— Ёш болалар нималар деб валақлашишмайди,— деди Иса тагин.

— Ёш болалар...— деди Кўр Султон.— Мен бир вусқеани биламан... Бир болакайни деб Барот ана шу нақанги индамас бўлиб қолган, ҳозир бола уёқда турсин катта одам ҳам бир сғиз сўзни суғуриб ололмайди бўғзидан...

— Қани, Иса, такрорла-чи, бола нима деб сўради.

— У: «Борди-ю ичида муҳр бўлмаса-чи?» деб сўради.

— Муаллимнинг ўғлиниди ўша?— деб сўради Тожобеков.

— Йўқ, бошқаси, Қудрат эди шекилли.

— Мен бўлсам бугун, улар жар томондан, тор кўчадан келишаётганда гапларини эшитиб қолдим,— деди Саидмурод.— Муаллимни ўғли муҳр тўғрисида гапираётганди. У анавинисига, бошқасига: «Муҳр тўғрисида ҳеч ким билмасин...» деди. Кейин улар болохонага чиқиб кетишди. Билмадим-ов, болохонада ўзларига мачит очиб олишганми деймак. Ҳар куни эрталаб ҳам, кечқурун ҳам ўша ерда йиғилишади.

— У ерда нималарни гаплашишларини билсак чакки бўлмасди,— деди Кўр Султон.— Чиқиб бўладими ўша ерга?

— Ён томондан ўтса бўлади,— деди Саидмурод.— Эшик томондан эмас, тақачилик дўкони томондан.

— Бўлмаса, ўзинг бир чиқиб кўрасан,— деди Тожобеков.

— Бугун-а?— ҳайрон бўлди Саидмурод.— Аллақачон кетиб бўлишгандир, тун кирди-ю.

— Кетишган бўлса, яна яхши,— деди Тожобеков.— Болохонага чиқасан-да, ҳаммаёқни тинтиб кўрасан. Балким муҳр ўша ердадир.

— Ақлли гап,— луқма ташлади Кўр Султон.— Бунга унчалик ишонмасам ҳам, ҳар қалай маъқул гап.

Тақачилик дўкони томондаги девор пастаккина эди. Тун кириб қолганди, шу бонс бундай пайтда ўзини биров кўрмаслигидан фойдаланиб, Саидмурод бир вақтлар темирчи Саттор турган ҳовлига осонгина ошиб тушди. Болохонадан гўнғир-гўнғир овозлар эшитиларди. Қия очиқ эшикдан хирагина ой нури тушиб турарди. «Демак, улар ҳалиям шу ерда экан,— ўйлади Саидмурод.— Қайтавга шуниси яхши, эшитайлик-чи, нималарни гаплашишаётганимкин». Бироқ

болохонадагиларнинг гапини англаш мушкул эди. Шунда Саидмурод қандайдир дўнгроқ бир ниманинг устига чиқди-ю (бу, афтидан, илгари ёзлик ўчоқ бўлган), данг қотиб қолди.

— «Лондон шаҳрининг қоронғи чорраҳаларидан чироқлари ўчиқ бежирим қоп-қора лимузин ниҳоятда катта тезликда учиб борапти. Уни ҳайдаб бораётган одам ҳашамдор кўчага етганда тезликни пасайтирди...»

— «Ҳашамдор» дегани нима?— деб сўради болохонадагилардан кимдир.

— Билмайман, халақит берма... «Башанг кийинган, ўрта ёшлардаги жентльмен зулукдай қоп-қора лимузиндан тушиб, ортида зодагонлардай хотиржамлик билан ором олаётган, тартиб билан қирқиб-тарошланган боғчани қўшаб турган жимжимадор панжара устунларидан биридаги махфий тугмачани босди. Темир дарвоза бамисоли сەҳрли таёқчани силкитгандай ўз-ўзидан очилди. Лимузиннинг қандай кириб, ҳашамдор бино зинаси олдида тўхтаганини ёлғиз тош шерларгина кўриб турдилар. Жентльмен эшикни ўзининг калити билан очди-да, эшиклари бири-бирига қараган қатор хобгоҳларни тезгина босиб ўтиб, кабинетга кирди. У тўғри барқут пардалар билан тўсилган каттакон пўлат сандиққа қараб юрди. Мана, калит жаранглаб бир марта буралди, тагин бир марта буралди-ю, пўлат сандиқнинг қопқаси ланг очилди. Жентльмен қўлидаги юпқа ил қўлқопини ечмади. У шу нарсани жуда яхши билардики...»

— Оти шунақайканми?

— Халақит берма! «...У шу нарсани жуда яхши билардики, бармоқларининг изларидан Скотланд-ярд...» Сенга айтдим-ку, ахир, халақит берма деб! «...уни дарров топиб олади. Аммо у пўлат сандиқни очган айни дақиқада машҳур изҳувар Дик Портернинг кабинетида қўнғироқ жиринглаганидан беҳабар эди».

«Қизиқ,— хаёлидан кечирди Саидмурод,— сипсиллиқ қилиб гапириб берапти-ку. Китоб ўқиётган бўлишса керак,— фаҳмига етиб қолди у.— Муштумдай бўлиб ўрисчани шигиллатишларини қаранг».

Ҳамон бояги овоз ўқишни давом эттирарди:

— «Қора лимузин орқаси билан юриб, кўчага чиқ-

ди. У бурилиб олди-ю, зумда муюлишдан ўтиб гойиб бўлди...»

— Давомини ўқи!— бараварига қистаган бир неча овоз эшитилди болохонадан.

— Давоми келгуси сонда,— жавоб берди ҳозиргина ўқиб турган овоз эгаси.

«Турган гап, мабодо машинамиз бўлганида, бизниям ишимиз анча енгил кўчган бўларди. У ердагиларга, Лондондагиларга маза»,— ўйлади Саидмурод.

Болохонада эса бирпаслик жимликдан сўнг биринчи бўлиб Эсон гап бошлади.

— Эҳ,— деди у хўрсиниб,— агар ўша «тирноқ»ни тополганимизда ҳаммамизгаям маза бўларди-да.

Саидмурод қулоғини динг қилди. «Аллақанақанги тирноқни гапиряпти. Буниси қизиқ».

Зокир бўлса — керосин чироқ ёнига ўтириб олиб, китоб ўқиб бераётган ўша эди,— шунақанги гапни айтдики, бу нарса Саидмуроднинг бешбаттар диққатини тортди:

— Балки «тирноқ»ниям муҳр босилган справкага беришар?

— Агар шу тўғрида тагин бир марта огзингни очадиган бўлсанг...— деди Қудрат.

Саидмурод тош қотиб, вужуди қулоққа айланди.

— ... агар тагин бир марта...

Худди шу пайт Саидмуроднинг ўнг оёғи тагида алланима қирс этди-ю, ўзи ҳам аллақайга қулай бошлади. Айнан ўша лаҳзада вангиллаган овоз эшитилди-ю, Доберманнинг ўткир, бақувват тишлари гарчча унинг болдирига қадалди. Қўрққанидан эсхонаси чиқиб кетган Саидмурод жон аччиғида девордан ошиб кетди.

Болалар болохонадан нақ ўқдай отилиб тушишди. Итнинг уяси устига ёпиб қўйилган фанернинг синганини, девордаги лолақисгалдоқларнинг банди синиб шалпайиб ётганини кўриб, бу ерга бегона одам кирганини тушунишди.

— Ўғрилар бўлса керак,— деди Эсон қўрққанидан даг-даг қалтираб.

— Маҳалламизда ўғрилар нима қилади?— қаршилик билдирди Зокир.

— Балки анавилардир?— деди кичкина Раҳим.

Содиқ билан Қудрат индашмади.

— Кеч бўп қолди, уй-уйимизга кетдик,— деди Содиқ.

— Эртага янги шаҳарга борасанми?— сўради Зокир.— Пулни беришади сенга, кириб, янги сонини ол, бунисини уч галдан бери ўқиймиз-а.

Учинчи кун

1

Шундай шаҳарлар борки, улар кундузи айниқса чиройли, шундай шаҳарлар борки, кунботарда ниҳоятда сўлим бўлади, шундайлари ҳам борки, уларнинг тунда чиройи очилиб кетади. Илло эрталабки Тошкентнинг олдида тушадиган шаҳар йўқ. Жазирама қуёш ҳарорати забтидан тунда дам олган дов-дарахтларнинг барглари янада яшиллашади, хиёбону гулзорлардаги илк қуёш нурларини эма бошлаган гулу чечаклар кўча-кўйга таратаётган муаттар ҳидлар саҳардан кўрага терилган кабобларнинг исига омухта бўлиб кетади. Дарахтларнинг бутоқларида, деворлару бўғотларда мусичалар ғув-ғувлашади. Ариқларда муздек сувлар чулдиллаб оқади.

Ана шундай эрталарнинг бирида Содиқ Касьянов кўчасидан кетиб боряпти. У қутуришга қарши эмлаш пункти эшигига яқинлашди, кеча бу ердагилар насияга сут олишганди. У пиллапоя зиналаридан бир-бир кўтарилиб, ичкарига кирди. Кўк халат кийган фаррош аёл қўлидаги латтани пақирга сувини сиқаётган экан.

— Нима қилиб юрибсан саҳарлаб?— сўради у.— Бизникилар яна бир соатдан кейин келишади. Нима бўлди, ит қоғиб олдимми?

Содиқ вақтни ўтказгани шаҳар марказига қараб юрди. Йўлида учраган ҳамма эълону лавҳаларни битта-битта ўқир, ҳали берк магазинларнинг ойналари олдида узоқ-узоқ туриб қоларди, ниҳоят бир қаватли узундан-узон бино олдида тўхтади, бинонинг эшиги тепасида ойнабанд ёзув осиглиқ турар ва ундаги ёзув бу бинода Тошкент шаҳар прокуратураси жойлашганидан далолат берарди. Прокуратуранинг ёнгинаси-

да, яқиндагина сув сепилган йўлда скамейка бўлиб, унда оёқларини чалиштирганча бир милиционер ўтирарди.

— Нима қилиб сандироқлаб юрибсан?— деб сўради у.— Ундан кўра ўқишингга бор.

— Ҳозир таътилдамиз,— жавоб берди Содиқ унга.

— «Таътилдамиз»миш-а,— тўнгиллади милиционер.— Саводхон бўлиб кетганларини қара-я!..

Содиқ нари кетди. Бир киши тўлатиб гул ортилган аравагани билдириб борарди. Аравача тош кўчада силкиниб бораркан, гулбаргларида томчилар йилтиллаб турган бир дона атиргул ерга тушиб кетди. Содиқ уни олиб, жойига қўйиб қўймоқчи бўлди.

— Ўзинг ола қол,— дея жилмайди аравачанинг эгаси.

Содиқ атиргулни дўпписи остига, чаккасига қистирди-да, орқага, Касьянов кўчаси томонга қайтди.

У ўқидан чиққанидан бери ҳар битта қадамни бир жуфт кўз диққат ва хавотирлик билан кузатиб юрганини хаёлига ҳам келтирмаганди. Билсаларнинг бурчаги, ҳар бир бутаю ҳар бир дарахтни паналаб, Содиқ билан изма-из Сандмурод ҳам келаётган эди.

Эмлаш пунктида иш бошланиб кетибди. Оппоқ халат кийган қизлар узун йўлакдан уёқ-буёққа қатнаб туришибди — бирининг қўлида қоғоз, бири пробирка, бошқаси колба кўтариб олган. Содиқ ўзи қидираётган киши қаерда бўлишини биларди. Йўғон мугуз бандли кўзойнак таққан киши ойнавон эшикли хонада ўтирган эди.

— Кечаги сутинг жуда яхшийкан,— деди у саломлашиш ўрнига.— Мама пулинг, бундан буён худди шунақасидан олиб келгин.

Содиққа бериладиган пул олдиндан тайёрлаб қўйилганди. Уни дорихонада кукун дориларни қандоқ ўрашса, шундоқ қилиб ўраб қўйишганди қоғозга.

— Раҳмат, амаки,— деди Содиқ.

— Марҳамат... Айтмоқчи, бугун пешинда олиб келасанми?

— Бугун мени навбатиммас,— деди Содиқ ва ичида бугун сут-қатиқни сотиш Қудрат билан Эсоннинг гали эканидан суюниб қўйди. «Қудрат бугун сув қўшмаса кераг-ов»,— дея кўнглидан ўтказди.

У эмлаш пунктдан чиқиб, изқувар Дик Портер

Содиқнинг милиционер билан гаплашгани Саидмуродни хавотирга солиб қўйди, у олисда бўлгани сабабли ораларидаги гапни эшитмаганди. «Бу болакай бу ерга нега энди икки марта кирдийкин? Эмлаш пункти қанақа жойикин ўзи?» Бунни аниқлаш Саидмуродга жуда муҳим туюлди-ю, Содиқнинг кетида эргашди, унинг муъолишдан ўтиб кетишини кутиб турди-да, у ҳам бико ичкарисига кирди. Йўлакда ҳариб турган, ойнавон эшиклар ортида ўтирган оқ халатли одамларнинг кўриниши хиёл саросимага солиб қўйди уни. «Болакай бу ерда нима қилдийкин? Умуман бу ерда нима қилишади ўзи?»

Йўлакнинг деворларида расмлари ва ҳар икки тилда ёзувлари бор катта-катта жадваллар осиглиқ турибди. Саидмурод ўшалардан бирининг олдида тўхтади. У ўқни бошлади.

«Қўйидаги ҳолларда албатта қутуришга қаршн эмлаш зарур:

1. Қутургани очиқдан-очиқ кўриниб турган ёхуд қутурган деб шубҳа қилинган ҳайвон тишласа (саёқ ва уй ҳайвонлари, бойловда турмайдиган, ўтган ярим йил мобайнида бирорта ҳайвон тишлаган ёки тишлагандан кейин ўн тўрт кун ўтмасдан ғойиб бўлган итлар ва ҳоказолар қутуришда шубҳа қилинган жониворлар ҳисобланадилар)».

«Сафсата»,— ўйлади Саидмурод. Лекин давомини ўқни бошлади.

«2. Тишлаган ҳайвон жароҳат етказганидан кейин ўн тўрт кун мобайнида ўлган ёки ўлдирилган бўлса.

3. Соғлом ҳайвонлар тана ва оёқ-қўлни кўп марта-лаб тишласа, шунингдек, бош, бет ва бўйинни тишласа».

Нимагалигини билмайди-ю, худди шу аснода Саидмуроднинг оёғида оғриқ турди. Яна денг худди кеча итнинг уясига тушиб кетган оёғи.

«Ўша ит бойлоғлиқмиди ёки ечиқми?»— негадир Саидмуроднинг хаёлига шу гап келди.

«4. Қутурган ёхуд қутуришда шубҳа қилинган ҳай-

вонларнинг сўлакайи шиллиқ пардага ёхуд оёқнинг шикастланган жойига тегса, шунингдек, шундай ҳайвонларнинг сўлакайи теккан жисм жароҳатласа».

Саидмурод бошқа жадвалнинг ёнига борди. Каттакон суратда кўзи шокосасидан чиқиб кетаёзган, огзи қийшайиб қолган одамнинг расми тасвирланган экан. Суратнинг тагида ёзуви ҳам бор:

«Атоқли рус олими Данило Самойлович XVIII асрдаёқ шундай деган: «Қутурган ит қоғиби заҳарланган одамни бир кўргандаёқ инсон зоти кун-бакун изтироб чекаётган беҳисоб дардлар орасидан бундан кўра даҳшатлироқ, бундан кўра аянчлироқ дардни излаб топиш амримаҳол». Давомида яна бундай деб ёзилган: «Антон Павлович Чехов қутуриш дардига чалинган одамни биринчи дафъа кўрганида бундай деб ёзган: «Қутуришдан кўра изтиробли ва даҳшатли касалликнинг ўзи йўқ. Қутурган одамни биринчи бора кўрганимдан кейин беш кунгача телбанамо бўлиб юрдим ва бутун дунёдаги итвозу жамики итларга нафрат билан қарадим».

Саидмурод тиззалари титраётганини пайқади. Биринчи марта ўйга толди: «Тагин мени тишлаган ит қутурган бўлса-я... Балки қутургандир? Бўлмаса, нимага индамай ётиб-ётиб, кейин тишлади?»

Бундан буёғига ўқиганлари унинг гумонини тасдиқлади-қўйди.

«Касал ҳайвон сўлакайидаги қутуриш вируси тишлаган пайтда жароҳатланган жойга тушади. Шу нарсани ёдда тутиш зарурки, вирус майда-чуйда, баъзан аранг билинадиган тери жароҳатлари (тилинган, шилинган жой) га ҳам осонгина ўрнашиб олади. Ҳайвон ҳамла қилганида кўзга кўринарли жароҳат етмаган одам кўпинча тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилмайди ва бунинг оқибати касалланиш ёхуд ўлимга олиб боради».

«Чаккиямас-ку!...» — хаёлидан кечди Саидмуроднинг.

«Одам танасига кириб олган вирус асаб томир-толалари бўйлаб ҳайвон тишлаган ер ёки сўлакайи теккан жойдан марказий асаб системаси томон қаратланади».

Саидмурод уёғини ўқиёлмади. Тоза ҳаводан нафас олгани ниллапояга чиқди. Бир оз ўйлаб турди-да, қўл

силкиб қўйиб, нари кетди. Муюлишдаги ариқнинг бўйига ўтириб олиб, иштони почасини ҳимариб қараса, ит боплаб тишлаган экан, шундоқ тишларининг ўрни тушиб қолибди. Бундан ташқари, оёғини фанер тилиб юборган экан.

«Унчалигамасдир-ов,— ўйлади у.— Умримда биринчи марта ит тишлаши-ю, шундайм дарров қутурган ит тишларканми. Ҳечам бунақамас-да. Ўйга бора қолай энди».

У ўрнидан турди, турган жойида пича тайсалланиб қолди-да... уйига эмас, аксинча орқасига, эмлаш пунктига қараб юрди.

«Мушукларда қутуриш жараёни одатда шиддаткор кўринишда ўтади...» Мушуклар уни қизиқтирмасди. «Отларда қутуриш жараёни ошкора шиддатли кўринишда кечади...» Буниси ҳам тўғри келмайди.

Мана одамлар тўғрисидагиси. «Касалликдан дарак берувчи аломатлар даври қўзғалиш даври билан алмашинади, бу даврнинг айниқса ўзига хос характерли белгиси шундаки, сув ичмоқчи бўлганда ва ҳатто уни кўрганда ёхуд уни хаёлга келтирганнинг ўзидаёқ ютиниш ҳамда нафас олиш аъзолари мушакларида оғритувчи тортишиш — акашаклик ҳолати юз беради».

Саидмурод тупугини ютди. Ҳеч нима бўлмади, ўтиб кетди томогидан.

«Қўзғалиш даврида бемор тез-тез ўрнидан туриб кетади, югуриб-елади, додлаб, уст-бошини, кўрпатўшакни йиртиб тилкалайди. Башарти бемор бу босқичда ўлмаса, унда қўзғалиш даври қоқшоллик босқичи билан алмашинади ва юрак фалажи рўй бериши оқибатида ўлим содир бўлади».

Саидмурод кўзи шокосасидан ўйнаб чиққан ва оғзи қийшайиб кетган одамга тикиларкан, ўтакаси ёрилаёзди.

Шу пайт мугуз кўзойнакли ходим йўлакка мўра-лаб қолди.

— Бизга келганмидингиз, ўртоқ?— деб сўради у Саидмуроддан. Саидмурод дудуқланиб қолди.

— Йўқ, мен шунчаки, ўзим...

— Шунчаки келмайдилар бу ерга,— деди мугуз кўзойнакли киши Саидмуродга шубҳа билан тикилиб.— Ростини айтинг, сизни нима тишлади?

— Кучук...— деди Саидмурод довдираб қолиб.
— Қутурганми?
— Билмадим,— деди Саидмурод.
— Ўша итни биласизми ўзи? Илгари кўрганмисиз уни?

— Ҳечам кўрмаганман. Кечаси тишлаб олди.
— Қани, биттама-битта гапириб беринг-чи. Ҳовлида тишладими ё кўчадами?

— Кўчада,— дея ёлгон айтди Саидмурод. Аллақандай болакайларнинг гапларига яширинча қулоқ соламан деб бировнинг ҳовлисига ошиб тушганини айтиб бўлмайди-ку, ахир.

— Ўша итнинг кўриниши-чи? Кўриниши қанақа эди? Думи қандоқ турганига кўзингиз тушмаганмиди?

— Йўқ, эътибор бермабман. Қоронғийди, иннай-кейин, шошиб турувдим,— тушунтирди Саидмурод.

— Сизга маслаҳатим шуки,— жиддий деди мугуз гардишли кўзойнакли киши,— дарҳол эмлашни бошлаш керак. Луи Пастернинг буюк кашфиётини писанд қилмайдиган ношуд кишилар ўзларини қандайин хавфу хатар остига қўйишларини тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Орадан ўн дақиқалар ўтар-ўтмас, Саидмурод тўрт томонида ойнавон жавонлар тизилган хонада турарди. Спирт лампа устида каттакон шиша шприц солинган узунчоқ маъдан тоғорадаги сув шақиллаб қайнардди. Мугуз гардишли кўзойнак таққан киши исми, отасининг исми ва турар жойини ёзиб олди. Саидмурод эътиёткорликдан ҳаммасини нотўғри айтди.

— Бошла, Рита.

— Кўйлагингизни кўтаринг,— деди буғдойранг қиз.

Қиз пахта билан қорнини артди, кейин астагини нинаси учига бир томчи суюқлик липиллаб турган шприцни Саидмуродга яқинлаштириб, терисини қатқат қилиб сидирди-да, бор кучи билан нинани ғарчча санчди. Саидмурод додлаб юборди Ҳамшира мугуз гардишли кўзойнак таққан кишига гуноҳкорона қараб қўйганди, у:

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, ўрганиб оласан ҳали...— деди.— Биринчиси шунақа бўлади ўзи, ҳам-маям онасининг қорнидан ўрганиб тушмайди. Сиз эса,

Ўртоқ, — деди у Саидмуродга, — хафа бўлманг, аслида эмлаш унчалик оғритмайди. Ҳар қалай эмлаш қутуриш дардига чалинган одам тортадиган азоблар олдида ҳалводай гап... Сизни ўн беш ёки ўн уч марта яна шундақа эмлаймиз, — деди врач. — Ҳар куни. Борди-ю итни тополсангиз, агар у соппа-соғ бўлса, унда эмлашни тўхтатамиз. Илло ҳозирча эмлаш зарур, ёдингизда бўлсин бу... Йўлакдаги сураатларни кўрдингизми ўзи? Унчалик чиқмаган, ношудроқ рассом ишлаган, аслида жудаям даҳшатли бўлади...

Саидмурод хайрлашиб, қорнини чангаллаганча чиқиб кетди.

— Қайтинг! — чақирди уни врач. — Сизни огоҳлантириб қўйишни унутибман. То эмлаш даври тугагунича ёсингизда бўлсин: на вино, на арақ тотиниш мумкин эмас.

— Борди-ю кучук қутурмаган бўлса-чи? — сўради Саидмурод.

— Ахир сиз уни кўрмагансиз-ку? Кейин, соғ ит кўчада йўловчиларга камдан-кам ташланади.

Саидмурод йўлакка чиққач, яна жадваллар олди-га борди.

«Итнинг ташқи кўриниши яққол ажралиб туради. Жуни ҳурпайган, пастки жағи осилиб кетган бўлади. Бу босқичда ҳирildoқ ҳурийди, кўзлари шинғрайган, думи қисилган бўлиб, сувдан қўрқиш хусусияти тобора кучайиб боради. Сувга кўзи тушишининг ёки сувнинг шилдирашини эшитишининг ўзиёқ ҳаммаёғини акашак қилаёзади».

Сураатда тасвирланган итнинг кўриниши ниҳоятда даҳшатли эди. Узун қалин жуни тип-тикка бўлиб, оғзи қаппа очилиб, тили бир томсонга осилиб, думи ерда сургалиб турибди.

3

Болалар Қосим муаллим уларни таътилнинг қоқ ўртасида нимага уйига чақиртирганини ўз билгиларича йўйишлари мумкин эди, холос.

— Болалар! — деди муаллим. — Кейинги пайтлардаги юриш-туришларинг ёқинқирамаётибди менга. Йўқ, футбол ўйнашларингга қарши эмасман, бемалол ўйнайверинглар. Икки нарса ранжитяпти мени. Биринчидан, сут-қатиқфурушлик қилишларинг. Бу ҳам

гўрга-я, илло, худди муттаҳам савдогарларга ўхшаб қаллобчилик қилишларинг ёқмайди менга. Иккинчидан, қанақанги китобларни ўқияпсизлар?

— Русча,— деди Содиқ. Отасининг сўзини бўлишга биргина у журъат этди.

— Русча китобларни ўқиётганларинг йўқ,— деди муаллим,— худо билсин қанақанги китобларни ўқияпсизлар. Қанақасига русча китоб бўлади! «Лондон шаҳрининг қоронғи чорраҳаларидан чироқлари ўчиқ... машина... учиб борапти...» Бу, сизларча, русларникими? Хўш, русларнинг китоблари қайси китоблар? Бу — Чехов. Ўқиганмисизлар? Йўқ. «Каштанка»ни ўқидингларми? Йўқ. Бу — Лев Толстой. «Кавказ асири»ни ўқиганмисизлар? Йўқ. «Ҳожимурод»ни ўқиганмисизлар? Йўқ. Русча китобларни дейди-я! Сизлар ҳатто ўзимизнинг китобларни ҳам ўқимайсизлар. Утган йили сизларга Навоий, Саъдий, Умар Хайём, Фирдавсийлардан ўқиб бергандим. Энди катта бўлиб қолдинглар, ўзларинг ўқишларинг керак бунақа китобларни... Майли, олдинига бир нечта китоб бераман сизларга. Кейинроқ кутубхонага ёздириб қўяман, ўзларинг олаверасизлар. Бошқа болаларга ҳам айтинглар. Қайси китобни ўқиган бўлсанглар, гапириб бера-сизлар. Қайси китоб яхшилиги устида мунозара-баҳс қиламиз. Олдинига манаги китобларни ўқиб чиқинглар.— У болаларга бир даста китоб узатди.— Биринчи машғулотимиз пайшанба куни тушдан кейин...

— Даданг жуда сахий одамлар-да,— деди Раҳим Содиққа, болалар кўчага чиқишганида.— Гапни бошлаганларида, ҳозир таъзимимизни берадилар, деб ўйлагандим, жуда жаҳллари чиқиб турганди-да.

Қудратга «Кавказ асири» китоби, граф Лев Николаевич Толстойнинг асари тегди. Раҳимга эса — «Каштанка».

Пешин пайтида Саидмурод яшириниб-нетишни писанд ҳам қилиб ўтирмай, ўша лаънати деворга миниб олди. Доберман уйнинг соясида чўзилиб ётган экан. У анави итга ўхшамасди сира, лекин ҳар қалай оғзи очиқ, гарчи осилиб тушмаган бўлса ҳам, тили кўриниб турибди. «Думи-чи,— эслади Саидмурод,— думи қандоқ турганини билиш жудаям зарур». Бироқ бу кучукнинг думи йўқ эди. «Жин ургур,—ғўлдиради

Саидмурод,— худди аксига олгандай, думиям йўғ-а! Жуниям сип-силлиқ, тақир, бир туки йўқ».

Ит девор олдига келиб, ўткир тумшугини кўтариб Саидмуродга приллади. Тили ҳўл эди. «Сувдан қўрқади»,— эслади Саидмурод. У девордан тушиб, уйига бориб, челақ олиб чиқди-да, ариқдан сув ботириб, тагин деворга минди.

— Ма! Буёққа кел!— чақирди у итни.

Ит яқинроқ келиб, деворда ўтирган одамга дўстона жавдиради. Саидмурод чаққонлик билан челақдаги сувни устидан сепди. Ит акиллаганича нари қочди.

«Худди шундоқ!— бир қарорга келди Саидмурод.— Намунча омадсиз эканман-а! Умримда биринчи марта ит қопса-ю, уям қутурган бўлса-я!»

— Саидмурод ака!— деб чақирди кимдир, у девордан тушаётганида.— Нимага бировнинг ҳовлисига сув сепапсиз?— Бу бухгалтер Тожибековнинг ўгли Азиз — Саидмуроднинг деворга чиққанини кўргач яккаю ягона одам эди.

Тожибековнинг хонадонида эса кайфичоғлик қилишаётган эди. Уй эгаси оғзи қулоғига етиб, унинг вақтинча маҳалла комиссиясига раислик қилиб туришига рухсат этганларини, тез орада янги муҳр ҳам бериб қолишлари мумкинлигини ва тергов тўғри йўлдан бораётганини айтди.

— Бугун мендан кимдан шубҳаланаётганимни сўрашди. Мен, ҳеч кимдан, дедим, лекин мени бир ёт унсур — Қосим муаллим хавотирлантиряпти, дедим. Ундан асло шубҳам йўқ, дедим, лекин унинг феъли-атвори ёқмайди менга, дедим. Мундоқ қараганда, бизнинг одамга ўхшамайди. Ўтган йили уйда яширин мактаб очиб, болаларни йигиб турарди. Болалар бўлса—бизнинг келажагимиз, дедим...

— Сизга айтгандим-ку, ўша муаллимни бекорга аралаштиряпсиз, ахир!— гапини бўлди Кўр Султон.

— Муҳтарам меҳмон, мен сизнинг мардона ишларингизда насиҳату маслаҳат бераётганим йўқ-ку. Сиз ҳам бизни турмушимизда талай нарсаларни тусунмайсиз. Сувни лойқатмоқлик учун биттагина тош ташлаб қўйиш керак унга... Терговчи менга айтдики: пўлат сандиқни ўшанинг уйи яқинидан топишган-ку, ахлат ташланадиган жой шундоқ ёнгинасида-ку, ахир, деди. Мен бўлсам терговчига: мен муаллимни қотил

деб гумон қилмайман, дедим. У бўлса менга: гумон қилишинигизни ҳожати ҳам йўқ, сизнинг ишингиз— далилларни хабар қилиш.

— Ҳар қалай бекор қиляпсиз шу ишни,— тўнгиллади Кўр Султон.— Ўша муаллимлардан чўтийман мен.

Худди шу пайт Саидмурод кириб келди хонага.

— Қандай янгиликлар бор?— сўради Тожибеков.— Болани кузатдингми?

— Кузатдим,— деди Саидмурод.— Менимча, бекорчиликдан шунчаки сандироқлаб юрибди. Нуқул дўконларнинг ёзувини, қўйиб қўйилган нарсаларни томоша қилади, нуқул тентирайди. Безори. Прокуратурани олдида милиционер билан гаплашди.

— Милиционер билан?— деб сўради Кўр Султон.

— Нима тўғрисида?— суриштирди Тожибеков,

— Эшитолмадим, узоқда тургандим.

— Эшитиш керагиди,— деди Кўр Султон.

— Э-э-э,— қўл силтади Саидмурод,— ҳозир қўзимга кўринармиди бу. Кеча мени ит қопиб олди, лаънати қутурган экан.

— Вемаъни гапларни қўй,— деди Тожибеков.— Қутурган ит сени нимага қопаркан?

Палов олдидан бухгалтер шишани очиб, пиёлаларга, ҳаммага баб-баравар қилиб қўйди.

— Дўстлигимизга раҳна тушмасин!— деди Кўр Султон.

Саидмурод ичмоқчи бўлди-ю, лекин пиёлани гиламга қўйди.

— Менга мумкин эмас, дўхтир таъқиқлаган.

4

Қудрат маҳалла комиссияси идораси ёнидан ўтиб борарди. У кўчанинг нариги бетидан кетяпти, чунки ўша даҳшатли кечадан бери бу уйдан қўрқиб қолганди. Идоранинг эшиги ланг очиқ, ичкарида аллакимлар бор эди, буни кўргач Қудратнинг кўнгли бир хил бўлиб кетди.

— Ҳой, Қудратжон!— чақириб қолишди уни. Бу бухгалтер Тожибеков эди.— Буёққа кир, сени ёрдамнинг керак бўлиб қолди бизга.

Оёқлари болага аранг итоат этарди.

— Тезроқ, илдамроқ юра қолсанг-чи!

Идорада икки киши—бухгалтер Тожибеков билан Иса милиционер ўтиришган экан.

— Сенга жамоатчилик номидан битта топширигимиз бор,— деди бухгалтер Тожибеков.— Ссн илгарилари маҳалла комиссиясига ёрдамлашиб турардинг-а. Қадрдонимиз Маҳкам акага эълонларни сен ёзиб берардинг шекилли? Мана сенга қоғоз билан қизил қалам. Битта эълон ёзиб берсанг.

Қудрат қўрқувдан ўзини йўқотиб, итоаткорлик билан стол ёнига ўтирди. Худди ўша илгарилари ўтирадиган стол ёнига.

— Ёз...

Қудратнинг қўли қалтирарди, шу сабабдан вақтни бир оз чўзиш ниятида:

— Менга чизгич керак,— деди у.

— Мана, тумшугингни тагида турибди-ку.

Қудрат чизгични олиб:

— Бир қаторми ёки иккитами?— деб сўради.

— Икки қатор,— деди Тожибеков.— Ёз: «Маҳалла комиссияси вақтинча фақат кечқурун соат 5 дан токи 9 гача ишлайди».

Бола қўлининг қалтироғини базўр босиб, дастлабки ҳарфларни ёзди.

Тожибеков эълоннинг мазмунини яна бир марта такрорлади-да:

— Бу Маҳкам аканинг биттаю битта вазифаси эди, менга келганда қўшимча иш, буёққа фақат ишдан кейингина чиқа оламан,— деб қўшиб қўйди Исага мурожаат қилиб.

Қудрат эълонни ёзиб бўлиб, энди ёзувнинг атрофига чизиқ тортиб, ҳарфларни жимжимадор қилиб бежаётган эди. Қўрқув ва ҳаяжонланиши ўтиб кетган ва ҳатто қотиллар роса излаган муҳр билан пўлат сандиқнинг калити хуфия жойида турган столда ёзиб ўтирганининг ўзи қандайдир бир қизиқ туюла бошлаганди унга. Ахлатхонадан топиб олинган пўлат сандиқни келтириб, тагин илгариги жойи, тахмонга қўйишибди. Тепасида худди Маҳкам аканикидақа чойнак-пиёла турибди.

— Хати ростданам жуда чиройли экан,— деди Иса милиционер.— Раҳматли раисимиз бекорга яхши кўрмас экан-да буни.

Иса кўча эшик олдида бориб, уни ёпти.

— Айтмоқчи, укажон, анави ахлатхона олдида мендан, муҳр пўлат сандиқда йўқ бўлса-чи, деб сўраган сенмидинг?

— Йўқ,— қўрқиб кетди Қудрат,— мен сўраганим йўқ.

— Қанақасига сўрамас экансан? Сен сўрагандинг.

— Мен унақа деб сўраганим йўқ,— деди Қудрат.— Агар муҳрни пўлат сандиқдан ўғирлаб кетишган бўлишса-чи, деб сўрагандим.

— Нимага болага тирғалиб қолдинг!— деди Тожибеков.— Нима дегани эсида турармиди. Буларни фикри-хаёли тўптепарда... Локигин, Қудратжон, одам холис, мабодо Маҳкам ака муҳрни қаерда асрашини билмасмидинг? Эҳтимол у чиндан ҳам муҳрни пўлат сандиқда сақламагандир?— Шундай деб Тожибеков Қудратга шунақанги тикилдики, ёлани яна қўрқув босди.

«Айтсаммикин-а?— ўйлади Қудрат.— Балки, муҳр шу ерда, манави тахтанинг тагида, деб айтсаммикин? Уни мен ўғирлагандим, тагин келтириб қўйдим, дейишим шартмас-ку. Шунчаки, у мана шу ерда, десам бўлмайдимми?»

— Нимани ўйлаб қолдинг?— деб сўради Тожибеков.

— Эслаб кўряпман,— деди Қудрат. Кейин нега бунақа деётганини ўзи ҳам тушуниб етмай, Тожибековга деди:— Маҳкам акага кўп ёрдамлашардим, муҳрни бекитиб қўяётганларини жуда кўп кўрганман. Пўлат сандиқдан бошқа жойга қўймасдилар сира.

— Тоза дардисар иш бўлди-ку!— деди Тожибеков ва Исага қараб қўйди:— Майли, Қудратжон, тагин битта хат ёзиб бер, сиёҳ билан.— У боланинг олдида бир варақ чизиқли қоғоз қўйиб, сиёҳдонни яқинроқ сурди.— Ёз: «Район Шўроси ижроия қўмитасига. Бизким, Ўқчи маҳалласининг меҳнаткаш аҳли...»

Ғалати ва ҳеч тушуниб бўлмайдиган ҳол-ку! Одатда Қудрат уйда ё мактабда, ё болаларга ёлғон гапирганида сал хижолат чекар, ўзини қандайдир ноқулай сезарди-ю, бир нафасгагина бўлса ҳам кайфияти бузиларди, ҳозир эса қайтага кайфияти очилиб кетди. «Балки Маҳкам акага берган сўзимни устидан чиқ-





қаним учун шундайдир,— хаёлидан кечди унинг.—
Муҳр тўғрисида ҳеч кимга оғиз оча кўрма деб тайин-
лаган эдилар-да, ахир».

Ана шу кўтаринки кайфият ва ўзига бўлган ишон-
чи таъсири остида қайтариб сўрашни эп кўрди Қудрат:

— «Ушбу билан бизким, меҳнаткашлар...» 'деб ёз-
ган яхшироқ-ку. Балки шундай деб ёзармиз? Маҳкам
ака доим шунақа деб бошлардилар.

— Йўқ, қандоқ айтган бўлсам, ўшандоқ ёзавер:
«Бизким, Ўқчи маҳалласининг меҳнаткаш аҳли, район
Шўроси ижроия қўмитасидан имкони борида қисқа
вақт орасида маҳалла комиссиясининг раиси вазифа-
сини вақтинча адо этаётган матлубот кооперацияси
бухгалтери Ўктамбек Тожибекович Тожибековга
номаълум жиноятчилар томонидан ўғирлаб кетилган
муҳр ўрнига янгисини беришни илтимос қиламиз».
Тамом.

— Имзоси-чи?— сўради Қудрат.— Сизнинг имзон-
гиз бўладими?

— Сенинг ишингмас бу,— деди Тожибеков.—
Хатинг ҳуснихат-у, бошинг қовоқ экан. Ахир бунда:
бизким, меҳнаткаш аҳли, деб ёзилди-ку. Ҳамманинг
номидан бу. Тушундингми?

— Тушундим,— деди Қудрат.

— Энди боравер,— деди Тожибеков.

Қудрат чиқиб кетгач, Иса милиционер бундай де-
ди:

— Назаримда, у муҳр тўғрисида бир нимани била-
диганга ўхшайди.

Тўртинчи кун

1

— Муҳтарам мезбон! Мана уч кун бўлдики маҳал-
ла комиссиясининг раисисиз. Жанобларининг хона-
донларига қадам ранжида қилганим, тоза ҳаводан
нафас олиш учун фақат тунларигина ташқарига чиқа-
диган бўлганимдан берига беш кун ўтди,— деди Кўр
Султон Тожибековга.— Наҳотки бундан кўра авахта-
да ўтиришимни ёмонроқ деб ўйласангиз? Барот эрта-

га тоққа жўнайди. Мени кўзлари тўрт бўлиб кутаётганларга хат-хабар ёзиб юборишим керак. Хўш, нима деб ёзиб юбораман уларга?

— Беш кундан берига шу ердан, дейсиз. Мени уч кундан бери маҳалла комиссиясининг раиссан, дейсиз яна. Бу унчалигам кўп муддат эмас-ку, ахир. Тушунсангиз-чи, ахир, сизни хонадонимда меҳмон қилишдан бошим қанчалар кўкка етмасин, илло, мен ҳам ҳар куни хавф-хатардан, жоним ҳалак-ку. Ин-найкейин, бугун токи қотиллик юзасидан текширув-тергов тугамагунча мени раис қилиб тайинлай олмас-ликларини айтишди, эҳтимолки, муҳрни ҳам беришмас. Менга ҳам осонмас. Пушти камаримдан бўлган ўғлим: «Дада, бизникида меҳмон бўлиб тур-ганлар ким?»— деб сўраса, мен нима деб жавоб беришимни ҳам билмайман. У оғзидан гуллаб қўяди деб чўчимайди деб ўйлайсизми мени? Худога шукурки, у ағави болалар билан оғайниямас. Улардан чиза кат-тароқ ва ақллироқ.

— Сизнинг оилавий ишларингиз қизиқтирмайди мени,— деди Кўр Султон.— Борди-ю ўғлингиз оғзидан гуллаб қўядиган бўлса, аввало ўзингиз жабрини тор-тасиз. Муҳр топинг, ана унда ўша заҳотиёқ жўнаб кетамиз. Бисотимизда бори билан истаган ёққа жўнашимиз мумкин. Аммо биз фақат ўша ёққа жўнай-миз.

— Эҳ, мен ҳам жон деб жўнардим-а ўша ёққа, локигин биргина нарсага ҳайрон бўлиб турибман-да...

— Шу ерда ҳам ошиғингиз олчи сизни,— жавоб қилди Кўр Султон.— Жаноблари кооперацияни шуна-қанги боплаб шиляптиларки, илгари бирорта гумашта соти ўз хўжаси бисотидан бунчалик ўмаролган эмас. Пайғамбар алайҳиссаломнинг юртида бўлганларида борми, бунақанги қўли эгрилик учун ўзларини аллақа-чоноқ кундага ўхшатиб бежаб қўйишлари турган гап эди.

— Бу қанақаси бўлди тагин?— сўради Тожибе-ков.

— Бу оппа-осон гап,— тушунтирди Кўр Султон,— иккала қўлингизу иккала оёғингизни шартта чопиб ташлашарди-қўйишарди.

Тожибековнинг нафаси ичига тушиб кетди. У ўз меҳмонидан тезроқ қутулиш учун бор бисотини аяма-

ган бўларди шу топда. Ҳаёт Тожибеков билан Кўр Султоннинг тақдирларини аллазамонлардаёқ узилмас занжир билан чамбарчас боғлаган бўлса ҳам, бухгалтерга у унчалик тез-тез керак бўлиб турмасди. Ваъзида Тожибеков уни газлама олиб бораётган карвон ёки қимматбаҳо озиқ-овқат моллари юкланган вагонлар кетаётганидан огоҳ этар, гоҳ Тошкентдан олисроқдаги бирорта омборхонада талай мол тўпланиб қолганини хабар қиларди. Кўр Султон ўз тўдаси билан карвонни талар ёки омборхонани босарди-да, Тожибековга улушини (кўпинча олтин ёки пул билан) берарди. Илгари биргаликда бировни ўлдиришган ҳам. Улар собиқ подшо миршаби Раҳмонқулни гумдон қилишган. Бунга беш йил бўлган. Раҳмонқул уларнинг тўдасида алоқачи бўлиб, тез-тез Тошкент билан Самарқанд орасида қатнаб турган; бундан ташқари, чайқовчилик билан ҳам шуғулланган ва бир гал қўлга тушиб қолган. Уни милицияга чақиртира бошлаганлар. Шунда Кўр Султон билан Тожибеков, собиқ миршаб бизни сотиб қўяди, деб қўрқиб, уни шаҳардан ташқарига алдаб олиб чиқиб, ўлдириб юборишган. Буни икковларидан бўлак бирон жон зоти билмасди. Хатто индамас Барот ҳам бу ишда қатнашмаганди. Эҳтимол Кўр Султон ёрдамчисига гапириб ҳам бергандир бу ҳақда. Аммо ундан бирон огиз сўзни омбир билан ҳам суғуриб олиб кўринг-чи. Мана, ҳозир ҳам улар икковлари тортишиб, баҳслашишяпти-ю, у бўлса кўрпачада чўзилганича шифтга тикилиб ётибди. Нима бало, гунгалакми ўзи? Йўқ, шунчаки индамас. Ҳаммасини тушуниб турибди-ю, индамаяпти, вассалом.

— Фикримча,— деди Тожибеков,— агар терговчи муаллим билан шуғулланадиган бўлса, маъқул иш бўларди-да. Сиз, уни бу ишга бекор аралаштиряпсан, дейсиз. Сираям беҳуда эмас бу. Бугун мендан у тўғрисида — ижтимоий чиқиши, хатти-ҳаракати, дўстлари, уйига келиб турадиган меҳмон-изломи тўғрисида суриштиришди. Ҳар қалай, кўриб турибманки, менга ишонишади-ю, унга эса — йўқ. Айтмоқчи, унинг қанақанги муаллимлиги ва нима учун уйда ёз кунлари болалар тўпланиб туришига жудаям қизиқишди. Мен бунга билиб келишга ваъда бердим.

— Мунук-сичқон ўйинидан бўлак гапмас бу...— деб қўйди Кўр Султон.

Чақириқ қоғози билан милицияхонага йўқлатганларида Қосим муаллим заррача ажаблангани ҳам, хавотирлангани ҳам йўқ. У Маҳкам ака билан яқин эди ва шу сабабли кимгадир гувоҳ сифатида нафи тегадигандай кўринган бўлишини тушунарди. У милицияхонага туш пайтида кириб келди. У ерда одам кўп экан, шунинг учун ҳовлида узоқ кутиб қолишига тўғри келди. Ниҳоят пиллапояда яланг оёғига шиппак илган, галифе шимли семиз милиционер чиқиб келдида:

— Муаллим Қосим Носиров шу ердами?..— деб сўради.— Киринг.

Саҳни ер, мўъжазгина хонада икки киши: от юзли, тикандай қадаладиган ўйноқи кўзли ўзбек терговчи билан кепкасини қўнқайтириб олган ярим ҳарбийча кийимдаги бир рус йигит ўтиришибди.

— Ўтиринг,— деди терговчи.— Биз сизни маҳалла комиссиясининг раиси ўлдирилганлиги юзасидан чақиртирдик, ишонаманки, бундан бохабарсиз.

Терговчи, афтидан, муаллим бирор нарса дейди деб кутганди, лекин у ҳеч нима демади.

— Бу иш юзасидан нималар маълум сизга?— сўради терговчи.

— Қотиллик борасида,— деди муаллим,— наздимда, ҳаммага маълум бўлган нарсани биламан. Лекин сиз ўзингизни қизиқтирадиган нарсани сўрайверинг. Фақат, сизга унчалик янги гап айтолмасам керак деб қўрқаман.

— Яхши,— деди терговчи.— Қотиллик содир бўлган пайтда қаерда эдингиз?

Муаллим елкасини учирди:

— Бу саволингизга жавоб беришим мушкул, негаки мен раис аниқ қайси вақтда ўлдирилганини билмайман.

— Шундоқ денг...— Терговчи кепкали йигитга қараб олди.— Унда саволимни бошқачароқ бераман. Бу қотилликни эшитган кунингиз арафасида, соат ўн саккиз билан йигирмалар орасида қаерда эдингиз?

— Меҳмонда эдим,— жавоб берди муаллим.— Аниқроғи, саккизларда ёки сал кечроқ уйга қайтгандим.

— Кимникида эдингиз?
— Кекса одам, бир вақтлар сабоқ олган устозим-никида эдим.

— Исми-шарифи нима ўша одамнинг?— сўради терговчи.

Қосим муаллим шу савол берилишини истамасди. У чиндан ҳам отасининг дўсти, собиқ устози, Тошкент шаҳридаги энг саводхон қариялардан бириникида бўлган эди. У ўша отахонникидан дарҳақиқат соат саккизларда ёки ҳатто пича кечроқ қайтганди, буни исбот қилишдан осони ҳам йўқ эди, чунки чол исталган пайтда унинг гапини тасдиқлаши мумкин эди. Буни қўни-қўшнилари ҳам тасдиқлаши мумкин эди. Бироқ исмини айтиш — чолни қийнаб қўйиш, уни милицияхонага қатнашга, ҳовлида кутишга, гувоҳлик беришга мажбур қилиш деган гап эди. Қосим муаллим ана шуни асло истамасди. Чол бу қотиллик ишига аралаштиргани жудаям қарилик қилар, жудаям мункиллаб қолганди. Қосим муаллим чолникига бормоқчи бўлганида ҳар гал узоқ иккиланар, уни безовта қилиб, оромини бузишдан чўчирди.

— Хўш, исми-шарифи нима ахир?— саволини такрорлади терговчи.

— Шу саволга жавоб бергим йўқ,— деди муаллим.

— Сабаб?

— Сабабки, бунинг ишга ҳеч қанақанги дахли йўқ.

— Дахли борми, йўқми, буни фақат биз ҳал қиламиз,— эътироз билдирди терговчи.

— Менинг ҳам ҳаддим бўлса кераг-ов,— деди муаллим.— Сиз, ўша куни кечқурун қаерда эдинг, деб сўраяпсиз, мен эса жаваб беряпман сизга. Башарти сиз қотиллик айнан ўша пайтда содир бўлганини билсангиз, мен сизга айтяпманки, ўша пайтда менинг қорам ҳам йўқ эди у атрофда.

— Шундай бўлсаям, ҳар қалай, жавоб беришингизни сўрайман,— деди терговчи.— Тўғриси айтганингиз ўз фойдангиз-ку, ахир.

Муаллим индамади.

— Ўша оқшом қаердалигингизни аниқламагуни-мизча кейинги савол-жавобга ўтолмаймиз.

Шу пайт кепкали киши гапга аралашди:

— Менимча, бу масалага яна қайтармиз. Давом

этайдик. Тожибеков Уктамбек Тожибековични яхши танийсизми?

— Кўпдан бери биламан,— деди Қосим муаллим.

— У тўғрисида нима дея оласиз?

— Яхши бухгалтер дейишади уни.

— Хўш, яна?

— Ҳар ҳолда бу одам тўғрисида бирон нозўя иш қилган деёлмайман.

— Неча йилдан бери биласиз уни?

— Ўттиз йилдан бери,— деди муаллим.

— Ўттиз йил?— ажабланти терговчи.— У билан дўстмидинглар?

— Йўқ. Битта мактабда таҳсил кўрганмиз, кейин бир кўчада турамиз.

— Отангизнинг мактабидами?

— Ҳа, отамнинг мактабида.

— Сизнинг отангиз билан Тожибекэвнинг отаси ақинмиди?

— Йўқ.

— Хўп, яхши. Хўш, нимага дўстлашмагаисизлар? Бир-бировларингни ўттиз йилдан бери билсанглар, мактабдош бўлсанглар, нега ошна-огайнигарчилик қилмайсизлар? Бирон нимаси ёқмайдими сизга?

— Мени табиатим бемаънроқ,— деди Қосим муаллим.— Одамовироқ, мижғовроқман, гоҳо арзимаган нарсаям жаҳлим чиқиб кетади.

— Сизнингча қандоқ,— сўради рус йигит,— Тожибеков маҳалла комиссияси раислигига ярайдими?

Муаллим унга ҳайратланиб қаради. Биринчидан, бу рус йигитининг ўзбекчани жуда яхши, таниқ гапиргани, иккинчидан эса, ундан ҳам кўпроқ ғалати туюлгани, ўзидан бунақанги иш тўғрисида фикрини сўраётгани қизиқ туюлганди.

— Буни нимага мендан сўраяпсиз?

— Чунки сиз ҳурматли кишилардан бирисиз, маҳалла комиссиясининг аъзоси, ёш авлод тарбиячиси, муаллимсиз.— Бу гапларни барини рус йигити ўзбекча айтди.— Сизнинг фикрингиз қимматли.

— Мени афв этасиз-у,— деди муаллим,— комиссия раислигига ким муносибу ким номуносиблиги масаласини ёлғиз сайловгина ҳал қила олади. Бунақанги масала милицияхонада ҳал қилинмайди шекилли?

Ўзбек терговчи шеригимга терс гапирди деб дилдан ранжиди.

— Демак, бизга ёрдам беришни истамайсиз,— дедё у.— Боринг, кейин яна чақиртирамиз сизни.

Муаллим чиқиб кетгач, рус йигит ўрнидан турди.

— Хўп, мен бошқармага кетдим,— дедё у.— Хўш, Абдулла, бу одам тўғрисида қандай фикрдасан?

— Яширяпти бир нарсани,— деди терговчи.

— Менда бўлса яхши таассурот қолдирди. Яъни, балким бирон нимадан хабари бордир-у, албатта, лекин қотилликка дахли йўқ, бунга шубҳаланмайман. Шу чачи ўша Тожобековинг ҳеч кимга ишонмайдиган одам экан.

— Унда Иса-чи?— сўради терговчи.

— Қўйсанг-чи ўша Исани... Топган Шерлок Холмсингни қара-ю!

3

Тушдан кейинги жазирама иссиқда болохона дам оладиган жой эмас асти. Болалардан ҳар қайсиси ўз ҳовлиларидаги энг салқин, бундай пайтларда уйдагиларнинг ҳаммаси кириб дам оладиган хонада маза қилиб ётиши мумкин эди.

Саратон қуёши беаёв ёндирияпти, борлиқ тандирдай қизиб кетган. Бундай пайтда ҳеч ким «чопқиллаб фалон жойга бориб кел», «фалон нарсани олиб кел» ёки «фалон ишни қилиб қўй», демайди. Бундай пайтда ҳамма дам олади. Ҳатто идора-ташкилотларда ҳам ҳаёт тўхтайдди. Тўғрироғи, одамлар столлари ёнида қогозларни ўқишаверади, ручкаларини сиёҳга ботиришаверади-ю, аммо бу ишларни худди тушда бажараётгандек имиллаб қилишади. Тошкентнинг тушқи жазирамаси барчани лоҳас қилиб қўяди.

Ташландиқ ҳовлининг болохонаси ҳам жимжит кўр топда. Беш ўртоқ бўйрага ётиб олиб, ҳар қайсиси ўз китобини ўқишга шўнғиган.

«Дейдиларким, бир куни бир фаллоҳ Вағдодга келибдур,— ўқирди Эсон.— У эшак миниб олган, орқасида арқон билан боғланган эчки йўрғалаб келаётир. унинг бўйнидаги қўнғироқча тинмай жириглаётир. Шу кўчада ўтирган уч ўғрининг кўзи фаллоҳга тушди-ю, улардан биrowsи деди:

— Бориб анови қишлоқининг эчкисини ўгирлай-
мен.

— Бундан осони йўқ,— деди бошқаси.— Мен ости-
даги эшагини ўмариб кетамен.

— Буларни бари арзимас гап,— деди учинчи
ўғри.— Мен эғнидаги уст-бошини ечинтириб олурмен.

Биринчи ўғри фаллоҳнинг орқасидан кета бошлади
ва имконият туғилиши биланоқ эчки бўйнидаги қўн-
ғироқчани қирқиб, эшакнинг думига боғлади-ю, эчкини
етаклаб кетаверди. Эшак думини силкигани сари қўн-
ғироқча жиринглар, буни эшитган фаллоҳ эса эчки
орқада чопқиллаб келаётир деб ўйлар эрди.

Иккинчи ўғри тор чорражада туриб олди-да, фаллоҳ
ёнига етиб келгани ҳамоноқ қичқирди...»

«Кўчанинг ҳар икки бетидаги фонуслар ёқилди,
уйларнинг деразаларида чироқ кўринди,— ўқирди
Раҳим.— Зудлаб ёгаётган лайлакқор тош кўчани, от-
ларнинг сағрисини, извошчиларнинг қалпсқларини
оқартира борарди. Қоронгилик қуюқлашгани сари нар-
салар тобора оқроқ кўринарди. Каштанканинг ёнидан,
унинг кўзлари олдини тўсиб, оёқлари билан уни тур-
тиб-суртиб, бегона буюртмачилар уёқдан-буёққа тин-
май ўтиб турарди. (Каштанка барча одамларни икки
гоятда нотенг тоифага: хўжайинлар ва буюртмачилар-
га ажратарди; булар ўртасида катта фарқ бўлиб, хўжа-
йинлар уни уришга ҳақли бўлса, буюртмачиларни
Каштанканинг ўзи болдиридан узишга ҳақли эди.)
Буюртмачилар қаёққадир шошилишар, унга парво
ҳам қилмасдилар...»

Ҳамиша ғариблар дилин овлагил,
Сен ўз роҳатинг кўзлаган бўлмагил.
Агар роҳатингни қиларсан ҳавас,
Қўл остингдагилар сира тинчимас.
Ақлига маъқул эмас ҳеч қачон
Еса қўйни бўри, ётиб қўйчивон.
Чиқор ҳожатин ҳамма муҳтожни,
Шулар қўйди шоҳ бошига тожни.

«Жилин деган бир бойвачча Кавказда офицер бўлиб
хизмат қилар эди.

Бир маҳал унга уйидан хат келди. Очиб ўқиса, кам-
пир онаси: «Жон болам, мен энди қариб қолдим, бир
сёғим ерда бўлса, бир оёғим гўрда. Келиб мен билан
рози-ризалик тилашиб кетгин. Ўлар олдимда ўзинг те-

памда тур. Кейин яна хизматингга қайтиб кетсанг ҳам майли. Бунда мен сенга яхшигина бир қиз топиб қўйдим: ақлли, ҳушли бўлиши устига, ер-сувли одамларнинг фарзанди. Келиб кўр. Ёқса, уйлансанг ва шу ерда қолсанг ҳам бўлади», — деб ёзмбди.

Жилин: «Дарвоқе, кампирнинг аҳволи ёмонлашиб қолган; кўрмасдан армонда қолиш ҳам мумкин; бориш керак, агар қиз яхши бўлса, уйлансам ҳам бўлади», — деб ўйлади.

Полковникнинг олдига бориб, юртига бориб келишга рухсат олди...» — деб ўқирди Қудрат.

Содиқнинг олдига эса Алишер Навоийнинг саҳтиён муқовали девони ётарди.

Урмасун кўп лоф куймакдинки ҳижрон тунлари
Тузмас эрди оллида тортай десам бир оҳ шамъ.

Риштаи жони куяр ашки оқиб, жисми эриб,
Тийра шомим зулмидин бўлмиш магар огоҳ шамъ.

Болохона сув қуйгандай жимжит. Фақат хўрсиниғу китоб варақларининг шитирлашигина эшитилиб турарди. Пастга тушиладиган зина айвончасида, сояда Доберман ётибди. Унинг номи шундай бўлиб қолган, ўзи ҳам ушбу ҳовлининг муқим истиқоматчисига айланганди. Анави оқшомги нотаниш меҳмон инининг томини синдириб, шўрлик кучукнинг панжасини босиб олганидан бери Доберман кўпроқ болохонада ўралашадиган бўлиб қолган. Эндиликда болохонаю бутун бошли ҳовлини ўзининг хусусий мулкидай фаҳмлар ва девор оша мўраламоқчи бўлганлар ёки кўча эшик олдида икки огиз гурунглашгани тўхтаганларга, қисқаси жаммики бегона кимсаларга қараб зўр бериб вовиллайди.

Мана, ҳозир ҳам кимгадир ҳурияпти. Болалар китобларидан бошларини кўтаришди.

Зина тахталари ғижирлай бошлади. Бу ғижирлаган овоз болохонанинг олдидаги айвон, деярли Зокирларнинг айвон билан туташиб кетган шийпонлари томондан эшитиларди. Катталар келишяпти. Бу оёқ товушларидан билиниб турибди. Зокир эшикдан мўралаб қараганди, олдинда Иса милиционер, кейинда бухгалтер Тожибеков, учинчи бўлиб дадаси келишаётганини кўрди.

— Салом, йигитчалар, — деди Тожибеков. — Қани,

нималар билан шуғулланыпсизлар бу ерда? Дарс тайёрлаётисизларми?

— Йўқ,— деди Содиқ,— шунчаки китоб ўқияпмиз.

— Нимага ҳамманглар тўпланишиб олдинглар?— деб сўради Иса милиционер.

Содиқ нима деб жавоб қилишини билмай қолди.

— Биз биронта ёмон иш қилаётганимиз йўқ-ку,— деди Эсон.

— Буни кўрамиз ҳозир. Биринчидан, сизлар бировнинг болохонасини эгаллаб олгансизлар,— деди Иса милиционер.— Ким рухсат берди сизларга? Иккинчидан, бировнинг бутун бошли ҳовлисини эгаллагансизлар? Токи уй эгаси, ҳурматли ёш олимимиз Масковда ўқишини битиргунича сизлар унинг уйини бутунлай тўзитиб бўласизлар.

Тожибеков Содиқ томонга одим ташлаб, унинг қўлидаги китобни олди.

— Ў-ҳў! Ғалати китобларни ўқиркансан-ку! Навоий ким бўлганини биласанми ўзинг? У подшоҳнинг аъёни бўлган. Бу китобни ким берди сенга?

— Дадам,— деди Содиқ.

— Сенга бунақанги китобларни бериб бекор қиладиган у.— Тожибеков китобни варақлаб кўриб, Иса милиционерга тутқазди.— Олиб қўй, кейин аниқлаймиз... Хўш, буниси нима?— Энди Тожибеков ҳозиргина Раҳим ўқиётган китоб, граф Лев Николаевич Толстой асарини «Кавказ асири»ни ушлаб турарди.— Бу китобни қаёқдан олдинг?

— Раҳим берди,— деди Қудрат.

— Сен қаёқдан олдинг бу китобни?— деб сўради Тожибеков Раҳимдан.

— Менга муаллим Қосим ака бергандилар.

Хаш-паш дегунча бешала китоб ҳам Иса милиционернинг қўлтиғидан жой олди.

— Бу ерда яна нималаринг бор?

Улар болохонани айланишаркан, коптокка кўзлари тушди, бироқ негадир футбол тўғрисида чурқ ҳам этишмади. Яшиклардан бирида машҳур изқувар Дик Портернинг саргузаштлари сериясидан бир неча китоб ётганди.

— Буни қаёқдан олдинглар?— деб сўради Тожибеков.

— Бозордан сотиб олдик,— деди Қудрат. Тожибе-

ковнинг Дик Портерни албатта олиб кетишига тирноқ-
чалик шубҳаси йўқ эди унинг.

Милиционер ҳам худди шундай деб ўйлаганди. У
қитобларни олмоқчи бўлиб яшик устига энгашди,
лекин Тожибеков бундай деди:

— Тегма қўй, мен ўқиганман буларни.

Ўша оқшомда ёмон ниятли одам ҳовлига ошиб туш-
гандан кейин бисотларидаги энг қимматли буюм —
фотоаппаратни болалар саватнинг тагига яшириб, усти-
га ҳар хил кераксиз нарсалар—титилиб кетган, парча-
пурча бўйра, чириб битган қамиш қолдиқларини солиб
қўйишган эди. Бироқ Иса милиционер титилган бўйра
парчасини кўтариб қараркан, тагидаги саватга кўзи
тушди-ю, фотоаппаратни ҳам топди.

— Бу нима? — деб сўради у болалардан.

— Буни ўз пулимизга сотиб олганмиз,— деди Зо-
кир.

— Бу тўғри,— дея тасдиқлади Зокирнинг дада-
си,— болалар сотиб олишган, мен буни текшириб,
аниқлаганман аллақачон.

Шунга қарамай Иса милиционер фотоаппаратни
олиб кетмоқчи бўлганди, бухгалтер уни тўхтатди:

— Азизим Иса, бизни бунга ҳаққимиз йўқ. Бола-
ларнинг буни сотиб олганларига келганда, ўғлим Азиз
айтганди менга.

— Бугун кечқурун,— деди Иса милиционер бола-
ларга,— агар китобларни қайтариб олишни хоҳла-
санглар, маҳалла идорасига боринглар, сизлар билан
гаплашамиз.

— Ишқилиб китобларни қайтариб берсанглар бўл-
гани,— деди Қудрат,— бу китоблар бизникимас-ку,
ахир.

— Биламиз, биламиз,— деди Тожибеков,— ким
берганини ўз огзиларинг билан айтдинглар-ку.

4

Болалар кечқурун Иса милиционер ўзлари билан
нима тўғрисида гаплашмоқчилигини билмай гаранг
эдилар. Улар Қосим муаллим билан маслаҳатлашмоқ-
чи бўлишганди, бироқ Содиқ, ўзим гаплашаман, деди.
Содиқ ростдан ҳам, кайфияти жудаям ёмон бўлишига
қарамай, отаси билан гаплашишга уриниб кўрди.

— Дада,— деди Содиқ,— бугун олдимишга, ҳалиги, ўзингиз биласиз-ку, доим болалар билан ўтирадиган болохонамишга Иса милиционер билан Тожибековлар келишди. Нима керак уларга ўзи?..

У давомини, китобларни тортиб олишганини ҳам гапириб бермоқчи эди-ю, дадаси сўзини бўлди.

— Ҳар ҳолда бемаънилик бу!— деди у.— Бировнинг болохонасига чиқишга ким рухсат берди сенларга? Нима, у ерни клуб қилиб олдингларми дейман... Ким билади, у ерда нималар билан шуғулланасанлар...

Шунда Содиқ дадасидан бошқа бирон пайт маслаҳат сўрашни ўйлаб қўйди, ҳозир бўлса бунинг ўрни эмас экан.

...Болалар кечқурун маҳалла комиссиясининг идорасига боришди, Иса милиционер уларни биқиндаги чоғроққина ҳовлига бошлаб кириб:

— Шу ерда ўтира туринглар, битта-биттадан чақирамиз,— деди.

Негадир биринчи бўлиб ораларида энг кичиклари— Раҳимни чақирди. Ундан нимани сўраб-суриштиришганини сира тушуниб бўлмади. Фақат «муаллим», «китоб» деган сўзларнигина эшитишди. Шунинг учун болалар, қачон Раҳим чиқади-ю, нималар тўғрисида гаплашганларини айтиб беради, деб сабрсизлик билан кута бошлашди, бироқ Раҳим буёққа қайтиб келмади. Афтидан уни кўча эшикдан чиқариб юборишганди. Болалар Иса милиционерга олдиндан қандай ҳийла ўргатиб қўйилганидан беҳабар эдилар.

Иккинчи бўлиб Эсон кирди.

Бухгалтер Тожибеков ёзиб ўтирибди. Саволга ҳам кўпроқ ўша тутяпти, милиционер аҳён-аҳёнда бир савол қистириб турибди.

— Қани, Эсон, бизга айт-чи, ўтган ёз Қосим муаллим уйида мактаб очиб, сизларни ўқитганмиди?

— Йўқ,— астойдил ҳайрон бўлди Эсон. Негаки мактаб — бу мактаб эканини, унга ҳар куни қатнаш кераклигини, у ерда парталар, ёзиладиган тахта бўлиши кераклигини яхши биларди-да. Қосим муаллимнинг уйида бўлса бунақанги нарсаларнинг бирортаси ҳам йўқ эди-ку.— Йўқ, мактаб очмаган.

— Ия, бу қанақаси бўлди?— яна сўради бухгалтер.

тер.— Уканг ўз оғзи билан ўтган йили Қосим муаллим уйида очган мактабга қатнаганмиз деди-ку. Бу йил ҳам...

— Э, мияси ишламайди уни,— эътироз билдирди Эсон.— Мактабга кузда, қишда, иннайкейин, баҳорда борамиз. Ёзда бўлса Қосим муаллимникига ўзимиз шунчаки меҳмонга бориб турардик.

— Вой сенлардақанги меҳмонларни қара-ю!— деди Иса милиционер.— У кап-катта киши, санлар, кичкина бола бўлсаларинг. Хўш, меҳмонга борганда уникида нима қилардиларинг?

— У киши бизга китоб берардилар, бир хилда ўзлари ўқиб, бир хилда ҳикоя қилиб берардилар.

— Демак, ўқитаркан-да?— сўради Тожибеков.

— Ўқитардилар,— унинг гапига қўшилди Эсон.

— Хўш, аслида қаерда ўқитишади? Мактабда.

— Ҳа, мактабда.

— Демак, мактаб очган экан-да у. Шундайми?

Эсонни боши билан ёнроқ чаққани учунгина эмас, қовоқ бош бўлгани учун ҳам каллаварам дейишарди. Тожибеков айтган гапларни тушуниши, маъзига фаросати етиши амримаҳол эди.

— Демак, мактаб очган экан-да у,— тағин бир карра такрорлади бухгалтер,— уйида мактаб очган экан.

Бошқа одам бўлганида Эсон унинг гапига қўшилиши ҳам мумкин эди—нима фарқи боракан буни! Лекин, биринчидан, Тожибековни ёмон кўрарди, иккинчидан эса, мактабни ҳам унчалик ёқтиринқирамасди. Мактабда сира омади юришмасди.

— Йўқ, мактаб эмасди,— чўрт кесиб деди Эсон.— Мактабда баҳо қўйишади, дарсларни сўрашади. Улар бўлса баҳо қўймасдилар.

— Лекин китоб ўқиб берармиди ахир?— сўради бухгалтер.

— Ўқитардилар деб айтдинг-ку ўзинг. Хўш, қаерда ўқитишади ўзи?— бировнинг гапини такрорлади милиционер.— Тан ол, у мактаб очган.

— Мактабмас,— деди Эсон.

— Санларни ўқитганми ахир?

— Ўқитмаган,— деб жавоб қайтарди Эсон Тожибеков билан милиционерга қасдма-қасдига.

— Китоб ўқиб берарди, бизга ўқитарди, деб ўз оғзинг билан айтдинг-ку ҳозир.

— Бунақа деганим йўқ,— деди Эсон.

— Қанақасига айтмадинг?— жони бўғзига келди Тожибековнинг.— Ҳозиргина айтдинг-ку ахир.

— Меҳмонга борардик дедим,— жавоб қилди Эсон. «Нима керак ўзи буларга?— ўйлади у.— Ёпишиб олишганини қара!.. Мактабми—мактабмасми, борармидиларинг—бормасмидиларинг...»

— Манави ерда ҳаммаси ёзиғлиқ турибди,— деди бухгалтер.— Китоблар берганиям, ўқитганлариям. Хўш, нималарни ўқитарди санларга?

— Айтдим-ку ахир, ҳеч нимани ўқитмасди деб,— жавоб берди Эсон.— Нима, ёзда ўқиб аҳмоқ бўпмизми!

— Қараб тур ҳали,— пўписа қилди милиционер,— биз билан қанақанги гаплашаётганингни отангга айтаман, бошлаб таъзирингни берсин бир!

— Фу-у,— деди Эсон,— дадамларни ҳар ойда мактабга чақиртиришади. Энди ўқишни йиғиштириб қўйсанг ҳам бўлар, дейдилар. Сандан яхши ҳомбол чиқади, дейдилар.

Тожибеков бирдан ҳалимдай мулоим тортиб қолди:

— Бўпти, ҳаммол, бора қол.

Эсон ҳовлига қайтиб чиқмоқчи бўлганди, милиционер елкасидан ушлаб, кўчага рўпара қилиб қўйди.

Энди навбат Зокирга келганди.

Уни сўроққа тутаетганларида Эсон чопганча маҳалла комиссияси идораси ҳовлисини айланиб ўтиб, ариқ томондаги деворга чиқди.

— Сени даданг тўғрисида суриштиришяпти,— деди у Содиққа.— Ёзда уйда мактаб очган, дейишяпти. Ушанда ўқитганми—ўқитмаганми, деб сўрашяпти. Мени дадамга чақиншмоқчи.

Эсоннинг гапларидан бирон нимага тушунишолмади болалар. Содиқ ўй суриб ўтирарди, Қудрат бўлса унга:

— Ўзинг биласан, энди ёлғон гапирмайман деб сўз берганман, яқинда бўлса Тожибековга яна бир марта ёлғон гапирдим. Бугун тагин ёлғон гапирадиган бўлдим. Буёғи қандоқ бўлади сенингча?

— Билмадим,— деди Содиқ.

Зокирни ҳам худди ўртоқларига ўхшаб ҳовлига чиқаришмади, ундан кейин милиционер Содиқни чақирди.

— Ўзинг биласан, Содиқжон, даданг билан эски қадрдонмиз, шу боисдан ҳам унга ёрдам бериш ниятида, бегоналарни аралаштирмай, баъзи нарсаларни пахсан ўзим аниқлашга аҳд қилдим,— деди Тожибеков.— Дадангни устидан ёзда болаларни уйига тўплайди деган маълумот тушган. Улар билан суҳбатлашаркан, ўқигани китоблар берар экан. Бу яхши гап, ҳеч қанақанги ёмон томон йўқ, локигин одамлар ёмон ҳаёлларга боришяптийкан. Сен менга бир нарсани айтсанг—бундан мактабдагиларнинг хабари борми?

— Болалар билишади,— деди Содиқ.— Уларга айтганмиз. Гоҳида ҳатто бошқа синфдан, бошқа кўчалардаги болалар ҳам бизга қўшилиб келишарди.

— Ҳатто бошқа кўчалардан ҳам-а?— таажжубланди бухгалтер ва милиционерга маънодор қараб қўйди.— Неча киши тўпланардинлар?

— Кўпинча бешаловимиз, лекин ўтган йили дадам Навоийни ўқиб берганларида кўпчилик, ўн икки кишича эди-ов.

— Ўн икки киши...— дея такрорларкан, Тожибеков яна милиционерга қараб қўйиб, алланималарни ёзиб олди.— Демак, баъзан дадангни олдига ўн икки бола тўпланиб келиб, Навоийни ўқиркансизлар-да... Хўш, хусусан нималарни ўқиб берарди?

— Кўп нарсани ўқиб берганлар,— деди Содиқ.— «Фарҳод ва Ширин» ва бошқаларни.

— Хўш, ҳалиги, Алишер Навоийнинг ўзи ким бўлганини ҳам гапириб берганми?

— Бўлмасам-чи, гапириб берганлар. Бу жуда ажойиб шоир бўлган, беш юз йил олдин яшаган, деб гапириб берганлар.

— Навоийнинг султонни ҳамтовоғи бўлганини, султон Ҳусайн Бойқаро билан биргалашиб халқни эзганларини-чи, буниям гапириб берганми?

— Йўқ,— деди Содиқ,— буни айтганлари йўқ. Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро билан дўст эканини, унинг ўнг қўл вазири бўлганини гапириб берганлар.

— Демак, у Навоийни улуғлабди-да, а?— деб сўради Иса милиционер.

«Улуғлабди-да» деган сўздан Содиқ сергак тортиб, ўйга чўмди.

— Хўш, Алишер Навоийни мақтаганмиди?— дея милиционернинг галини тушунтирди Тожибеков.

- Мақтагандилар, — деди Содиқ.
- Манави китоб қаёқдан келиб қолди? — Тожибеков «Кавказ асири» ни ушлаб турарди.
- Буни дадам кутубхонадан олиб келганлар.
- Шунақа дедими у? Наҳотки совет кутубхонасида графнинг асари бўлади деб ўйласанг?
- Балки кутубхонаданмасдир... — иккиланиб қолди Содиқ.
- Мана кўрдингми, бу китобни қаёқдан келиб қолганини ўзинг ҳам билмайсан... Ҳа майли... Умуман олганда, ҳеч қанақанги қўрқинчли жойи йўқ, бари осонгина тузатса бўладиган нарсаси. Даданга сендан нималарни сўраганимизни айтма. Ҳаммасини ўзимиз текислаб юборамиз. Кетавер.
- Милиционер Содиқни кўчага чиқариб қўйди.
- Жуда усталик билан илинтирасиз-да ўзиям, — илжайди Иса милиционер. — Лекигин графни китобига келганда — қаранг, ростданам кутубхонаникига ўхшайди, манави ерида муҳри турибди, мана.
- Бухгалтер олиб қаради. Дарҳақиқат биринчи бетда Тошкент шаҳар Октябрь район кутубхонасининг муҳри бор эди.
- Аттанг, шуниси боракан-да, — деди Тожибеков. — Дарвоқе, бизнинг ишимиз ёзиб бериш, уёғини ўзлари аниқлашаверишсин, қўявер. Энг асосийси, махфий мактаб — бу жиноят. Бу махфий деган сўз қанақанги сўз ўзи. Тушунасанми ўзинг?
- Тушунганда қандоқ, — деди Иса. — Аммо-лекин яна бирон нима қўшилса чакки бўлмасди.
- Тўғри, ёнига юмалоқ хат қўшилса ёмон бўлмасди, — унинг гапига қўшилди Тожибеков, — битта ариза ёзилади, имзосиз, вассалом. Бунақанги ариза учун ҳеч зог жавобгар бўлмайди. Локинига менинг дастхатимни милицияхонадагилар билишади, сеникини-ю гапирмасак ҳам бўлади. Саидмурод қаёқларда тентираб юрибди, хабаринг йўқми? Охирги пайтларда сира қорасини кўрсатмай қўйди.
- Бугун кўрувдим уни, — деди милиционер, — эмлатгани кетди.
- Назаримда, мияси айниб қолган кўринади, — деди Тожибеков зардаси қайнаб, — нуқул қутурган ит, қутурган ит, дейди.
- Айтишича, албатта эмлаш керак, деганмиш

дўхтир унга,— Саидмуродни ёничи олди милиционер,— нега деганингизда...

— Навбатдагисини чақир,— деди Тожибеков.

Қудрат дадил кириб борди. У билади: энг асосийси—ҳаммасини тескарисини гапириши керак.

— Ошналаринг,— дея гап бошлади Тожибеков,— барини айтиб беришди. Шунинг учун ёлгон гапира кўрма, бари бир ҳаммасини биламиз.

— Нимага ёлгон гапирарканман...— деди Қудрат.

— Демак, гап бундоқ. Қосим муаллим уйида мактаб очиб, сизларни бемаврид ўша ерга тўплаб, ўзи хоҳлаган нарсаларини ўқитган. Тўғрими?

— Нотўғри,— деди Қудрат.

— Нима нотўғри?

— Ҳаммаси нотўғри,— деди Қудрат.

— Демак, у сизларни йиғмаган, шундайми?

— Ҳа, йиғмаган.

— Ҳеч нарса ўқиб ҳам бермаган-а?

— Ҳеч нарса ўқиб ҳам бермаган.

— Унда манави китобларни қаёқдан олдиларинг?

— Билмайман,— деди Қудрат.

— Ҳали бу китобларни ўқимаганман ҳам дерсан?

— Йў-ў...

— Агар шунақанги ёлгон гапирадиган бўлсанг турмага қамаб қўйишади сани,— деди Иса милиционер.— Кимни лақиллатаётганингни тушунасанми ўзинг?!

— Тушунаман,— деди Қудрат, кейин хатосини тушуниб қолди.—Лекин мен ёлгон гапирётганим йўқ.

— Қанақасига ёлгон гапирмаётибсан,— деди Тожибеков,— болохонада китоб ўқиётганингни ўзим кўрдим-ку ахир!

— Қўйинг-э!— деди Қудрат.— Нима, мени ўқиётганди деб ўйлаяпсизми? Суратларини томоша қилаётгандим.

— Бошқа болалар ўқишаётгандими?

— Бошқалар ҳам ўқишаётгани йўғийди, улар ҳам суратларини кўришаётганди.

— Бекорхўжа!— жаҳли чиқди Тожибековнинг.— Атиги биттаси суратли, қолган ҳаммаси суратсиз китоб бўлса, қайси суратни томоша қилишади.

— Эҳ, Ўктамбек ака-ей,— деди Қудрат ипакдай

эшилиб, — кап-катта, ўқиган одамсиз, бу китобларда сураат йўқлигини биласиз, биз бўлсак ёш, ақли калта бўлалармиз, балки расмлари бордир, деб ўйлабмиз-да.

Тожибеков сўроқ йўригини ўзгартирди.

— Демак, бу китобларни сенларга Ҳосим муаллим бермаган, ўқиб чиқинглар деб маслаҳат ҳам қилмаган.

— Маслаҳат бермаган,— деди Қудрат ишонч билан.

— Ўқинглар деб умуман маслаҳат бермаган-а?

— Умуман.

— Ахир у ўқитувчи-ку,— яна гапга аралашди Иса милиционер,— китоб ўқинглар деб маслаҳат бериши лозим эди-ку.

— Умуман олганда, маслаҳат берардилар-а,— деди Қудрат милиционерга бақрайиб қараб.

— Қайси китобларни ўқишни маслаҳат берарди?

— Ҳеч қайси,— деди Қудрат ва Тожибековга тикилди.

— Бўпти,— деди Тожибеков,— етар! Манави папкани кўряпсанми? Бу ерда жамикиси ёзиғлиқ. Ёлғон гапларинг билан ўзингга, ўртоқларингга, иннайкейин, Ҳосим муаллимга зарар етказяпсан. Ростки алдаётган экансанми, демак, жиноятни яширяпсан, ростки жиноятни яшираётган экансан, демак, жиноят содир бўлган. Тушундингми?

— Тушунмадим.— Ҳаммасини рад этишга жазм қилган Қудрат ўз аҳдида қилт этмай турарди.

— Суф сенга-е!— деди Тожибеков.— Бу ерда бари бир ҳаммаси ёзилган-ку!— У калтабақай бармоғи билан папкани нуқиди.— Сенинг гапларинг ҳам, ўзингни қандай тутганинг ҳам ёзиб қўйилади бу ерга.

Милиционер Қудратни эшикдан чиқариб қўйишга тутинган жойида Тожибеков уни имо билан тўхтатди.

— Маҳкам акани ким ўлдирганини биласанми ўзинг?— қўққисдан сўраб қолди Тожибеков Қудратдан.

— Билмайман. Ростки, билмайман!— қўрқиб кетди Қудрат.

— Санларни муаллимларинг ўлдирган деган шубҳа бор,— маънодор қилиб деди Иса милиционер.

— Сираям умас!— қаршилиқ билдирди Қудрат.

— Сен ҳаёқдан биласан?— унга тикилди Тожибеков.

— Биз ҳам шундай деб ўйловдик. — Милиционер Тожибековга қараб қўйди. — Лекинига бу ердаги гапларни ҳеч кимга огзингдан гуллаб юрмагин-а... Тушундингми?

— Ҳозирча ҳеч зогга оғиз оча кўрмагин, — қўшиб қўйди Тожибеков.

Икковлари жўрттага шу тўғрида гап бошлашган эди. Боланинг валдираб қўйишига имонлари комил эди. Мўлжаллари ҳам шу эди. Аммо Қудрат ростдан ҳам ҳеч кимга бу тўғрида оғиз очмасликка аҳд қилди. Ҳатто Содиққа ҳам. Агар дўстига бу гапни айтадиган бўлса, демак, унда зигирчалик бўлса ҳам шунга ишонган бўлади-ку.

Содиқ чўққайганича деворга суяниб ўтирган экан. Қудратни кўриб ўрнидан турди, икковлари ёнма-ён кета бошлашди.

— Нима гап? — сўради Содиқ.

— Мана бундоқ папкаси боракан. Нима деган бўлсак, ҳаммасини ёзиб, ўша папкага солиб қўйди.

— Сен нима дединг ўзи?

— Нуқул ёлгон гапирдим.

— Буни фойдаси тегмас-ов, — деди Содиқ маъюс.

Шу кунлар ичида нимаики содир бўлган бўлса, Қудрат ҳаммасига ўзини айбдор санарди. Унинг фикрича шундай. Агар у бутсининг нархини чалкаштирмаганида болалар сотиб оламиз дейишмаган бўларди. Агар бутси сотиб олишни хоҳлаб қолмаганларида справканинг кераги йўқ эди. Бунинг устига справка топишни ҳам унинг ўзи таклиф қилганди. Борди-ю, у муҳрни ўғирламаганида ёки ўз вақтида жойинга элтиб қўя олганида Маҳкам акани ўлдиришмасмиди. Ҳаммаси худди шундоқ бўлиб чиқяпти. Мана энди муаллим машмашаси қўшилди устига. Маҳкам ака тирик бўлганида у шунақа ишни қилармиди-я!

Қудрат ич-этини тирнаётган бу изтиробларини ҳеч кимга айтмади, ҳатто Содиқ билан ҳам бу ҳақда бошқа гап очишмади. Содиқ ҳам бу гапни қайтиб оғзига олмади, Қудрат эса бунинг учун ундан жудаам миннатдор эди шу топда.

— Биласанми, Содиқ, Иса милиционернинг ҳовлисида кимдир турадиганга ўхшайди, — деди Қудрат гапни буриш ниятида.

— Кўча эшигигача михлаб ташланган-у, ким ҳам турарди у ерда? Иса фақат деворинигина урган, холос. Девору кўча эшикдан бошқа нарса йўқ. Ичкарида кичкинагина омборхонаси бор.

— Ушанда биров тураркан,— гапида туриб олди Қудрат.

— Сен қаёқдан биласан?

— Бугун эрталаб тутга чиқдим. Тепага чиқаётганимда ҳовлига қарадим, қарасам, омборхона олдида этик турибди. Шунда, милиционер омборхонасида бир нима қилаётган бўлса керак, деб ўйладим, пастга тушаётганимда тагин қарадим ҳовлига, қарасам, этик ғойиб бўп қолибди. Кўча эшигининг олдида ўтаётганимда қарасам, эшик михлаб ташланганича турибди.

— Қанақасига бундоқ бўлади?— деди Содиқ.

— Менга тагин ишонмаяпсанми?

— Балки янглишгандирсан?— деди Содиқ.

— Ўз кўзим билан, аппа-аниқ кўрдим.

— Анави бутси тўғрисидаям аниқ кўрдим дегандинг.

Қудрат бундай зарбани кутмаганди.

— Шешма,— деди Содиқ,— демак, эшик михланган, маҳкамлаб михлаб ташлаганича турган эканми?

— Ҳа, кўндалангига тахталар қоқиб ташланганича.

— Қизиқ, унда ичкарига одам қандай кирган?

— Билмадим. Лекин ўзим кўрдим. Одамларни эмас, этикни.

— Ғалати бўлди-ку,— фикр юритарди Содиқ,— бир томонида маҳалланинг идораси, бошқа томонида шиша сақланадиган омбор, учинчи ёғида Тожибековнинг ҳовлиси, тўртинчи тарафида кўча, аниқроғи тор кўча.

— Ҳечам ишонмайсан-да менга!— деди Қудрат.— Нимага энди мен ҳамиша сенга ишонаман-у, сен сираям?

— Йўқ, ишоняпман сенга,— деди Содиқ самимият билан,— лекин қандай қилиб шундоқ бўлишига ақлим етмаяпти.

Содиқ тўнғич ўғил эди. Синглиси Саида яқинда бешга тўлганди, Дилбар бўлса ҳали бир ёшгаям тўл-

маган. У ҳадеб касал бўлаверади, шуни-чун онаси до-
им унга гирдикапалак. Мана ҳозир ҳам Содиқ уйига
кириб келаркан, онаси кичик синглисини ухлатаман
деб қўлида тебратганча аллалаб юрганини кўрди.

Дадаси бўлса қўлида кафгир, қозон тепасида, па-
ловни гўштини қовураётибди. Кўзига тутун кириб
ачиштирганидан, у чап қўлининг орқаси билан ёшини
артарди.

— Ўғлим, уйда кўринмайдиган бўп қолдинг-ку,—
деди дадаси.— Ўртоқчилик яхши, лекин уй ҳам бор.
Ҳеч нарсада ёрдамнинг тегмайди. Анави сабзининг қол-
ганини тўғраб ташлачи дарров.

Паловга сабзи тўғраш ҳар кимнинг ҳам қўлидан
келавермайди. Содиққа бу ишни бултурдангина ишо-
ниб топширадиган бўлишди.

Содиқ шундоқ ҳам ўткир пичоқни қайроққа текки-
зиб олиб, сабзи тахтани яқинроқ суриб, ишга кириш-
ди.

— Дада, Навоийнинг Ҳусайн Бойқаронинг ҳамто-
воги бўлгани, икковлари биргалашиб халқни эзганла-
ри тўғрими?— деб сўради у сабзи тўғрашдан тўхта-
май.

— Бу аҳмоқона гапни ким айтди сенга?— деб сў-
ради дадаси.

— Шунақа дейишяпти,— деди Содиқ тўғри жа-
вобдан қочиб.

— Нотўғри бу,— деди дадаси.— Шундай деб ҳи-
соблайдиганлар ҳам бор, лекин бу нодонликдан. Буюк
шоирлар ўз халқига ҳукмронлик қилмайдилар, балки
ҳамиша унга хизмат қиладилар. Билиб қўй, ўғлим,
ҳазрати Навоий сен билан биз гаплашаётган тилнинг
равнақи ва баркамоллиги йўлида катта хизматлау
қилган.

— Граф Толстой-чи?— сўради Содиқ.— У подшо-
нинг ҳамтовоғи бўлганми?

— Бу аҳмоқона гапларни ким қуйди қулоғинг-
га?!— ҳайрон бўлди дадаси.— Сен энди кап-катта
йигит бўлиб қолдинг. Ёзувчи Лев Толстой подшонинг
душмани бўлган. Менга шунақанги саволларни беряп-
санки, худди мен сенга Алишер Навоийнинг кимли-
гию Лев Толстой ким эканини сира гапириб бермаган-
дай.

— Яна битта нарсани сўрасам майлими? Борди-ю

ҳозир улар тирик бўлишганида ишчилар томонида бўлишармиди?

Дадаси кулди:

— Э, ҳали сен билан анча-мунча гаплашишга тўғри келаркан-у.

— Бугун кечқурунми?— суюниб кетди Содиқ. У бўлаётган ҳамма гапларни дадасига гапириб беришни истарди.

— Йўқ,— деди дадаси,— бугун кечқурун бандман.

5

Ярим кечада, ўқчиликлар қаттиқ уйқуга кетган пайтда вақти-соати етгунча деярли сир бўлиб қолган икки воқеа юз берди.

Бир вақтлар темирчи Саттор яшаган ҳовлининг деразидан қоп ушлаган бир найнов киши ошиб тушди. Бу Саидмурод эди. Врач унга, токи қопган итни топиб келмагунингча эмлашни тўхтатиб бўлмайди, деганди.

Саидмурод илгари Доберман ётадиган ўчоқ тепасига писибгина яқинлашди, лекин у ер бўм-бўш эди. Болохона зинаси остида нимадир қорайиб кўринарди. Саидмурод ўша ёққа қараб юрди. У нималигини тўзукроқ кўрай деб энгашди, шунда тўсатдан боши тепасида жаранглатиб ит вовиллаб қолди-ю. Эҳсонаси чиқиб ўзини орқага ташлади у. «Тағин бошимни тишлаб олса-я?»— хаёлидан кечди Саидмуроднинг. Эндилекда, ҳар куни эмлаш пунктига қатнайвериб, энг хавфлиси бошдан тишлаш эканини билиб олганди у.

Доберман зинада турар, ойдинда бақувват, оппоқ тишлари ярқирарди. «Жуда қопоғон экан,— ўйлади Саидмурод,— лекин, бари бир бошқалар кучукларни бемалол тутишади-ку». У шундай ўй билан, ёстиққа жилдни кийдираётганда қандай ушланса, қўлидаги қопни худди ўшандай оғзини очиб ушлаганча итга қараб интилди. Саидмурод бир қадам босди. Доберман вовиллашда давом этди. Саидмурод тағин бир қадам қўйди, шунда Доберман тисарилиш ўрнига бир зина пастга тушди. Буни кўрган Саидмурод тўхтаб қолди.

— Секин, секинроқ!— деди Саидмурод.— Баҳ, баҳ!— дея қопни силкиди.

Итга Саидмуроднинг овози ёқмадими ё қопдан кў-

тарилган чанг бурнига кирдими, ишқилиб ит бирдан сапчиб қолди, мабодо Саидмурод чап бериб қолмаганида борми, қўлини гиппа тишлаши турган гап эди. Энди ит пастга тушиб олганди, у Саидмуродга тўрт томондан ҳамла қиларди. Саидмурод бўлса қоп билан ҳамлани қайтарган кўйи зинапояга чиқди-да, зиналарни биттама-битта итга топширганча, тепага чекина бошлади. Саидмурод итга орқаси билан ўгирилишга қўрқар ва жон-жаҳди ила қоп билан итнинг тумшугига туширарди. Кучук бўлса қопни тишлаб Саидмуроднинг қўлидаги биттаю битта ҳимоя қуролини тортиб олмоқчи бўларди. Энг тепага чиққанида Саидмурод баландда туришдек устуликни бой бериши билаюқ ҳоли вой бўлишини, ит уни албатта яна тишлаб олишини фаҳмлади. «Қутурган,— ўйларди Саидмурод,— қутурган! Агар қутурмаган бўлса шундай кичкина кучук шундоқ кап-катта одамга ўлиб-қутулиб ташланаرمىди...» Саидмурод зинанинг энг тепасига чиққани ҳамоноқ қопни отиб юборди-да, шийпончадан югуриб бориб, тагин ҳовлига сакради. Хиёл фурсат ўтмаёқ у деворга миниб олганди, хаш-паш дегунча бўлмағи, пастга сакраб, сўкканича кўчада югуриб борарди. Ит эса орқасидан ғазаб-ла қаттиқ-қаттиқ ҳурирди.

...Бу машмаша бўлаётган жойдан салгина нарироқда, кенггина ариқ бўйида, калтагина тахтани қўлтиқлаб олган бир бола пайдо бўлди. У маҳалла идорасининг ҳовлисига қараб боряпти. Бу Қудрат эди. Бола тахтани деворга тақаб қўйди-да, устига чиқиб, девордан ҳовлига ошиб тушди. Идоранинг буёқдаги эшиги ёпиқ экан, буни кўриб Қудрат, тагин уни қулфлаб қўйишган бўлишса-я, деб қўрқиб кетди. Йўқ, ундай эмас экан, маҳалла комиссиясининг янги бошлиқлари бунинг ташвишини чекишмабди.

Бу ерга бирон кун келиб кечаси яна бир марта кириш Қудратнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган, буни ҳатто хаёлига ҳам сиғдиролмасди. Агар кечаю кундуз ўзини бўлиб ўтган барча фалокатларнинг сабабчиси ҳис қилиб юрмаганида балки бунақанги ишга ҳеч қачон ботина олмасди.

Папка, турган гапки, пўлат сандиқда. Қудрат унчима қилишини ўзи билади. Олдин у ҳар битта зараҳни майда-майда қилиб йиртади, кейин ҳаммасини майдонда ёқади. Ёнида гугурти ҳам тайёр.

Қўрқувдан ёки ҳаяжондан дағ-дағ қалтираганча, пайпаслаб пўлат сандиқнинг қулфини топди-да, вақтни бекор кеткизмай, столнинг олдида борди. Тахтани кўтариб, стол оёғи тепасидаги чуқурчада турган калитни пайпаслади. Мана, калит қўлида. Муҳр-чи, турганмикин? Муҳр столнинг бошқа оёғи тепасидаги чуқурчада бўлиши керак, мана, у ҳам жойида экан. Боланинг кўнгли хиёл жойига тушди.

У пўлат сандиқ турадиган тахмон олдида бориб, ерга ўтириб олди-да, қулфга калит солди. Бу қулф ҳам Маҳкам ака пайтида пўлат сандиқда осилиб турадиган қулфнинг худди ўзгинаси экан. Модомики қулф худди ўшанақа экан, унда бу калит тушиши керак, Қудрат ҳам шуни мўлжал қилганди. У аста калитни бурай бошлади. Калит ярим марта айланиб туриб қолди. Шунақаси ҳам бўлади, деб ўзига тасалли берди Қудрат. Яна бир уриниб кўрай. Балки орқасига айланаар? Тагин бир марта. Эҳтимол қаттиқроқ босиб керакдир? У қаттиқроқ босиб кўрди. Аммо калит мутлақо буралмади. «Ўзингни бос, ўзингни бос,— далда берарди бола ўз-ўзига,— бўлиши мумкин эмас...» У калитни дам бир томонга, дам иккинчи томонга бурар, чиқариб олар, бошқатдан солар, ҳатто мойламосқичдай туфлаб ҳам кўрарди. Ҳеч иш чиқмади. Столда қалам ётганди. У қаламни олиб, калитнинг кўзидан ўтказди-да, куч билан буради. Қалам синиб кетди.

Қудрат идорага кирганидан берига қанча вақт ўтганини пайқамасди ҳам. Жикқа терга ботиб, ерда ўтирганича калитни бурагандан-бурарди. Охири ўрнидан турди, калитни жойига қўйиб, ҳовлига чиқди.

Наҳотки ҳеч нарса қилолмай, икки қўлини бурнига тикиб кетаверса...

У энди девордан ошиб кетаман деб турганида қўққисдан миясига бир фикр келиб қолди: Иса милиционернинг ҳовлисига мўраласа-чи — бирсрта бегона одам бормикин ўзи ростдан? Ахир у ҳовлида турган этикни кўрганди-ку, кейин ғойиб бўлиб қолганини ҳам пайқаганди.

Қудрат узоқдан чопиб келиб деворга сакради, қўли билан осилиб кўтарилди-да, қўшни ҳовлига мўралади.

«Бу ерга одам қаёқдан киради? Тор кўча томондаги девор жудаям баланд бўлса. Чап томонда — шиша омбори, анави омборча томондаги деворнинг орқаси —

Тожибековнинг ҳовлиси. Тагин этик шунчаки кўзига кўринган бўлмасин?»

Қудрат тирсақлари ва даҳанини деворга тираган кўйи бир неча дақиқа осилиб турди.

Бу ерда ҳеч ким турмаслиги аниқ, ҳатто ҳеч соғ кирмаган бу яқин-орада. Ана, лэй қилинган чуқур кўриниб турибди ойдинда. Ёнида кетмон ётибди. Кетмонга палаҳса-палаҳса лой ёпишиб қотиб қолибди. Уни чуқур ёнига қандай ташлаб кетишган бўлса, ўшандай ётибди.

«Ҳеч ким бўлмаганидан кейин, омборда нима борлигини кўрсам нима қилади?— ўйлади Қудрат.— Эшигида қулф ҳам кўринмаяпти шекилли».

Шу хаёл билан Қудрат ҳовлига сакраб тушиб, эғнидаги тупроқни қоқди-да, омборча томонга қараб юрди. Эшик осонгина очилди-ю, лекин қаттиқ ғижирлади. Тўрда баланд чорпоя турибди, устида қавима тўшак, кўрпа-кўрпача, бир нечта ёстиқ айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Чорпоянинг ёнида, деворда каттакон гилам осиглиқ турибди.

«Гилам нима қилиб юрибди бу ерда?»— ўйлади Қудрат. У сергак тортди. Секин-секин, оёқ учида — нимага оёқ учида юраётганини унинг ўзи ҳам тушуниб етмасди шу топда — гиламга яқинлашди-да, қалин туқлари устидан деворни пайпаслаб ушлаб кўра бошлади. «Аҳа!— хаёлидан ўтди.— Бу ерда эшик ёки дераза борга ўхшайди-ку. Йўқ, тахмон бўлса керак, этик ана ўша ерда тургандир». Қудрат узоқ ўйлаб ўтирмай, гиламни бир ёгидан кўтарди — шу замонда юз-кўзига ярақ этиб шуъла тушди.

Бу тахмон ҳам, эшик ҳам эмасди. Бу каттакон дераза бўлиб... бухгалтер Тожибековнинг хоналаридан бирига қараган эди. Қудрат хира ойна орқали хонтахта атрофида ўтирган одамларни кўрди. Улардан икки кишини танирди. Булар Тожибеков билан Иса милиционерлар эди. Қолган иккитасини Қудрат биринчи марта кўраётган эди.

Агар Қудрат дарҳол ўзини дераза олдидан четга олганида уни пайқашмасди. У нотаниш кишиларни яхшироқ кўрай деб қандайдир бир ёки икки сония ҳаяллаб қолди, худди шу аснода Тожибеков дераза томонга қараб қолиб, қичқириб юборди. Ногаҳон иккала нотаниш кимсанинг қўлида тўппонча пайдо бўлди.

Қудрат дераза ёнидан ура қочди.

— Тўхта! — бақирди Тожибеков.

Бироқ Қудрат оёғини қўлига олганча омборхонадан отилиб чиқди-ю, деворга қараб югурди. Бир сакрашда девор қиррасига чанг солди-ю, лекин қўли сирғалиб кетди. У яна бир марта сакради, худди шу он ушлаб олишди. Болага бир йўла бир неча қўл ёпишганди, у дод деб бақиршига ҳам улгурмай оғзига латта тиқишди.

...Мана, Қудрат омборхонада ерда ётибди. Оёқ-қўли бойлоқ. Тепасида тўрт киши турибди. Тожибековнинг қўлида керосин чироқ.

— Оқибати шундоқ бўлишини ўзим ҳам билардим-а, — деди у. — Ҳамма фалокат ана шу лаънати тирмизакларнинг касофатидан бўлишини билардим. Жуда бевоси бўлиб кетган булар.

— Ўғримисан ҳали? — деди Иса милиционер овози титраб. — Мана энди қўлга тушдинг! Сани турмага тикаман энди.

— Бемаъни гапни қўй, — деди Тожибеков. — Турмага бало берми...

— Ҳозироқ жаҳаннамга жўнатиш керак буни, — деди чўтирроқ киши. — Ўлдириб, шу ернинг ўзига кўмиб ташлаш керак. Ҳеч кимса билмайди буни.

— Бу мени ҳовлим-ку ахир, — деди Иса милиционер. — Қандоқ бўлади...

— Йўқ, йўқ, — қарши чиқди Тожибеков, — уни бу ерда ўлдириб бўлмайди. Тўғрироғи бўлади-ю, локигин бу ерга кўмиш ярамайди. Сизлар кетасизлар, биз эса шу ерда яшаймиз. Уни гумдон қилиш керак, Барот эртага тоққа жўнаса, жасадини ола кетади. Бирор жойда тўқай-мўқайга ташлаб кетар.

Улар гўё ҳали ўлдирилиши лозим бўлган одам аллақачон мурдага айлангандай бир оҳангда гаплашишарди.

«Ўлдирманглар мени!» — деб бақирмоқчи бўлди Қудрат. У кўрганларини ҳеч қачон ҳеч кимга айтмасликка қасам ичмоқчи бўларди-ю, лекин... оғзига нафаси чиқмайдиган қилиб латта тиқиб ташлашганди.

— Бир нима демоқчи у, — деди Иса милиционер чўчигина.

— Нимаям дерди бу! — унинг гапини бўлди чўтирроқ киши. — Эҳтимол тирик қолгиси келаётгандир-

да. Майли, ҳозирча шундай бўла қолсин. Ўзиям ўлиқдай ювошгина ётибди. Яхшилаб боғлаб ташлаймиз ҳозир, кейин, Барот эртага саҳарда олиб кетади уни. Тирик бўлса йўлда сасимай боради. Гаровимиз бўлади бизни. Сўйишга бўлса истаган пайтда улгурамыз.

Бешинчи кун

1

Ташәнергонинг омборхонасига талай ток ўтказмайдиган чинни чиғаноқ олиб келишди. Шаҳар кўчаларидаги чироқлар ўчирилгач, саҳар паллада Иван Кустов симёғочларга чиқиб, қозиқ-мих қоқиб, чиғаноқларни алмаштирарди.

Эрталаб қанчалик ишни эрта бошласанг, шунчалик барвақт тугатасан. Одатда Иван тушки жазирамагача кунлик топшириқнинг анчагинасини бажариб қўйишга улгуради. Соат бешларда у симёғочда бўларди. Бу ердан, баланддан боғлар, ҳовли-қўраларнинг ички ҳаёти ҳамда олисдаги мовий тоғлар яққол кўриниб туради. Қўллари кўникилган ишни бажараверади, оёқлари «тирноқ»қа маҳкам жойлашиб олган, боши эса бўш бўлади. Хаёлида эса шуларни ўйлайди: бир кунда ўнта ёки қатто йигирмата симёғочга чиқиб тушади, демак, бир йилда уч минг симёғочдан кам эмас, беш йиллик иши мобайнида ўн беш минг. Ўртача олганда ҳар битта симёғоч беш метр дейлик, унда етмиш беш минг метр, етмиш беш километр бўлиб чиқади жами. Тўғри, ҳамма симёғоч ҳам беш метрдан эмас. Ундан баландроғи ҳам, пастроғи ҳам бор. Бари бир баланд. Майли, етмиш километр бўлмай қўя қолсин. Майли, ўттиз бўла қолсин. Буям ҳазил гап эмас... Қани энди ўшанақанги симёғочдан Тошкентни сурагга олсанг. Афсуски, рангли фотографияни ўйлаб топишмаганда. Албатта ўйлаб топишса керак...

Бозор томонга қараб дастлабки арава ва аравачалар тизилишиб кела бошлади. Жарангдор қўнғироқчаларини жиринглатиб кичикроқ бир ўрқачли туялар карвони кўринди. Туякашлар туялар ёнида келишял-

ти. Иван туялар билан туякашларнинг юришида қандайдир умумий бир жиҳат борлигини пайқади. Очик вагонига шағал ортган трамвай вағиллаганча ўтиб кетди пастдан.

Негадир бир арава Кустовнинг диққатини тортди. Нимагалиги эса ойдин эди. У эрталабки аравалар сафига қарама-қарши, бозор томонга эмас, қаёққадир шаҳардан четга, чамаси, Қибрай томонга кетаётганди. Ҳамма бошқалари бозорга қараб кетяпти-ю, буниси бўлса тоғ томонга. Аравада бор-йўғи биттагина қоп, тўғри, битта бўлсаям каттакон. Узоқдан қопга тарвуз солинганга ўхшаб кўринарди. Лекин тарвузни шаҳардан далага олиб бориш қанақаси бўлди? Балки гўштдир? Ҳа, гўштга ўхшайди. Қўй сўйиб, бирортасиникига зиёфат ёки тўйга олиб кетишгаётган бўлишса керак. Унда тирик олиб борган яхши-ку. Одатда тирик олиб борилади-ку. Уй эгаси уни меҳмонларнинг пой-қадамларига сўяди-ку, буни Иван бир неча марта кўрган...

Ҳали ҳавога чанг-тўзон кўтарилиб улгурганича йўқ, кўчалардаги тупроқ эндигина масканидан узила бошлаганди. Узоқдаги тоғлар эса жуда яқин кўринарди, аслида бўлса етгунча кўпдан-кўп юрилади. Иван анчадан бери Миша билан ўша тоққа бориш ниятида. Иш сал камайсин, ижарага от олади-да, милтигу ўқдориларини кўтариб, уч ё тўрт кунга жўнайди.

Иван энди Миша билан аҳён-аҳёнда бир учрашишларини ўйлай бошлади.

Бундан беш йил муқаддам қаровсиз, безори Ваня Олой бозорида милиция бўлимига тушиб қолади. У каттакон қовунни ўғирлаган экан. Олдиниға уни дўппослашмоқчи бўлишади, бироқ шунда худди ернинг остидан чиққандай кепкали бир йигит пайдо бўлиб қолади-ю, қовунни эгасига қайтариб бериб, Ванькани ўзи билан олиб кетади. Бу йигит буғдойранг, деярли қора-чадан келган бўлиб, кўзлари оч-мовий тусли эди. Милицияхонада ўша йигит кепкасини ечади, боши тап-тақир, териси ғалати оқпар, чандиқ-чундиқ. Иван кулиб юборади. «Эҳ аҳмоқ!— ўзини койийди у.— Энди қўйвориб бўпти». Лекин кал бош (у бозорда оператив навбатчи экан) сираям хафа бўлмайди.

— Қаерликсан?— сўрайди у.— Самараликмисан?

Уша пайтларда қаровсиз рус болаларни Тошкентда самарска — самаралик — дейишарди, ҳатто: «Ҳа, самарска!» деган сўкиш ҳам бор эди. Аммо-лекин Иван ростдан ҳам Самарадан, аниқроғи Самара яқинидан эди.

— Ҳа, самараликман. Нима қипти?— дейди у безрайиб туриб. Битта қовун учун ҳеч нима қилолмасликларини тушуниб турганди-да у. Энг асосийси эса — дўппослашмади.

— Самаралик бўлсанг ҳам лапашанг экансан,— дейди оператив навбатчи.— Сени бозорда бир ҳафтадан бери кузатиб юрибман. Ўғрилиқни уддасидан чиқолмас экансан. Агар бу ердагиларнинг сахийлиги бўлмаса очингдан ўлардинг. Мана масалан, кеча битта қопни тагида қолган-қутган нўхати билан ўмариб кетдинг. Лекинига эгаси буни кўриб турганди, фақат қўл силкиб қўя қолди. Буни мен ҳам кўриб тургандим.

Навбатчи ёғоч диван тагидан катта тарвузни думалатиб чиқаради-да, Иваннинг қўлига пичоқ тутқазади.

— Ма, сўй буни, негадир томоқ қақраб турибди... Мен ҳам самараликман. Йигирманчи йилдан бери шу ердаман. Мен ҳам ўғирлик қилардим. Суховони эшитганмисан, Самара яқинида?

— Биздан тўрт чақирим нарироқда-ку,— ажабланади Ванька.

Иван кал бошнигида тунайди. Унинг исми шарифи Михаил Сазонов экан. Улар узоқ гаплашиб ётишади, шунда Ваньканинг ҳадеб, шундай ёшсизу нимага бунақанги кал бошсиз, деб сўрагиси келаверади. Михаил бошқа ҳар хил нарсаларни гапиради-ю, лекин бундан огиз очмайди, уйқулари келиб кўзлари юмиллиб кетаётганидагина:

— Эртага сенга, балки, нимага бунақанги кал бўлиб қолганимни гапириб берарман,— дейди.

Эртасига Михаил Иванни ўзининг электростанциядаги бир ошнасининг олдига бошлаб боради.

— Ўзимиздан, самаралик,— дейди Михаил унга.

— Ҳозир ҳамма самаралик,— жавоб қилади унис.— Симёгочга чиқоласанми?

Ушанда Иван ўн олтида эди, ҳозир, демак, йигирма бирда. У тўртинчи разрядли монтер бўлиб олган аллақачон.

Ҳа, Михаил билан бир тоққа чиқса бўларди. Ўзбекистонни қанчалар изғиб чиқмади, нуқул текисликда бўлди, тоққа бир мартаям чиқмади.

Иван симёгочдан тушди, «тирноқ»ни елкасига ташлаб, навбатдагиси сари юрди.

2

Қўқонарава тош кўчада қалдираб боряпти. Бошида чоғроққина салла, эғнида чопон, сарпойчан оёғида чуқур юзли калиш — қирқ ёшлар чамасидаги аравакаш жилов тизгинини тортиб-тортиб қўяр, қалин лабларини чўлпиллатиб отни қистаган бўларди. Ҳар замон-ҳар замонда бир орқасида ётган қопни қўли билан пайпаслаб қўяр, лекин орқасига ўгирилиб қарамасди деярли.

Қопда эса Қудрат ётарди. Қўлларини оёқларига қўшиб чандиб ташлашган, оғзига латта тиқилган. «Худди бўғизланадиган қўйга ўхшатиб кулликлаб ташлашди-я,— ўйларди бола,— энди шундоққина пичоқ тортишса бас». Башарасини эрталабгина тузук кўра олган одамнинг сўзлари ҳалигача қулоғи остида шангиллаб турибди — юзи хиёл чўтироқ, бир қўзига оқ тушганди уни. «Буни ўлдиришдан ҳеч қанақанги манфаат йўқ, ўлигини қаёққа қўясан, шўрвага солиб бўлмаса. Уни одамларимиз олдиға олиб кет, Барот, бари бир боришинг керак уёққа, пойлайвериб кўзлари тўрт бўлиб кетди-ку. Хат олиб борасан, қўшимчасига эса мана буни. Овқат-повқат пишириб бериб турар. Борди-ю жонларингга тегса, гумдон қила қоларсизлар. Яхшиси, мен боргунча кута турганларинг маъқул. Қўлимизда гаровда тура турсин».

«Гаровда» дегани нимаси бўлдийкин, Қудрат тушунмади, кейин, буни ўйлаб ўтиришнинг фурсати ҳам эмасди. У Тожибековнинг ҳовлисида қўл-оёғи боғлоглиқ ётар, оғзига латта тиқилган эди. Мана энди бўлса қопда ётибди.

Нақ чархпалакдек келадиган, темир гардишли ғилдирақлар имиллаб ғилдираб тошдан-тошга теккани сари арава қалдираб, ғилдирак гупчаклари ғижирлар-

ди. Ёилдиракларнинг тарақа-туруқлаган товушидан Қудрат ҳали Тошкентда эканликларини тушуниб ётарди, лекин шаҳарнинг қайси ерида кетишаётганийкин? Мана, афтидан, Салорнинг кўпригидан ўтишаётибди шекилли? Балки бу анҳорнинг кўпригидир? Ёўл ва обҳлари увишиб-керикиб, сирқираб оғрияпти. Ҳавони бўлса фақат бурни билангина олиши мумкин эди, шу сабабли аранг нафас оларди. Оғзи қуруқшаб кетган, жуда-жуда сув ичкиси келарди. У бир нима деб қичқирмоқчи бўлиб уринганди, шунақанги паст гўнғиллаган товуш чиқдики, буни ҳатто Қудратнинг ўзи ҳам эшитмади.

Арава бўлса мовий тоғлар сари илгарилагандан-илгарилаб борарди.

Тушга бориб аравакаш бир чойхонага етганда дам олди. Араванинг орқасида лапанглаб чайқалиб келаётган пақирни олиб, ариқдаги сувдан отни суғорди, чойхонага кирди, қўлини кўксига қўйиб, бош иргаш билангина саломлашди. Чайхоначи келтириб қўйган битта нонни еб, чойнакдаги чойни ичиб, шошилмай тамадди қилди, кейин араванинг атрофидан бир айланиб чиқиб, қамчи дастаси билан қопни нуқиб қўйди-да, жойига ўтириб, отга қамчи босди.

Кунботарда арава тупроқ йўлдан четга бурилди. От тоғ этагида илдамроқ йўрғалаб бориб, қамишзорга кириб тўхтади. Ёнгинада дарё оқар, унинг оромбахш салқин нафаси урилиб турарди. Аравакаш аввал отни чиқарди, уни суғориб, тушовлади. Сўнг қопнинг оғзини ечиб, болани ёқасидан тутиб тортиб чиқарди. «Ўлиб қолдим нима бало?» — деб ўйлади у ичида. Қудрат беҳуш эди. У босмачининг оғзидаги латтани олганини, қўл-оёғи чандилган арқонни урина-урина узоқ ечганини сезмади: «Тирик экан, — дилидан ўтказди аравакаш, — танаси иссиқ ҳали. Болаларнинг жони қаттиқ бўлади ўзи».

Барот — аравакаш ўша эканини китобхон аллақачон пайқаб олгандир, — пақирда дарёдан муздек сув ботириб олиб, қараб-нетиб ўтирмай, боланинг устидан шариллатиб қуйди-да, нарироққа ўтиб тамадди қилаверди. Қудрат кўзини очди, бироқ хийла вақтгача қамир этмай ётди, негаки у жуда секин ҳушига келаёт-

ган эди. Слдинига у қамишларнинг орқасида каттакон дарё шовуллаётганини эшитди, кейин тубсиз қоп-қоронғи осмонда порлаётган йирик-йирик юлдузларни кўрди, ана шундан кейин ҳамма гап ёдига тушди.

Мана, ёнида турган кишига кўзи тушди, аввалига кўзида оқи бор чўтир кишига ўхшатди уни. Э йўқ, буни бўйи пастроқ экан, башараси ҳам сип-силлиқ, бетлари лўппи экан. Қудрат қаддини сал кўтаришга уринганди, бундан иш чиқмади. «Сув...» — деди Қудрат. Овози жуда паст чиқди, лекин саллал киши эшитди. У боланинг тепасига келиб, пақирнинг тагига қолган сувни оғзига қўйди. Сув Қудратнинг бўғзига тиқилиб қолаёзди. У йўтала бошлади, йўталганида эса ҳаммаёғи оғирди. Кейин жиндак енгил тортиди-ю, ё уйқу элтди, ё ҳушидан кетди.

3

Ишдан сўнг Иван Кустов спорт магазинига кирди.

— Ҳали олиб келишмади,— деди сотувчи унга. У Иванга фотонегатив ювиладиган кимёвий эритма кераклигини сўрамасидан турибоқ билганди.

— Пайқаб турибман,— деди Иван.— Яқин орада қурол келмайдими?

— Кутяпмиз, келиб қолиши керак,— жавоб берди сотувчи.— Етти ойдан бери кутяпмиз.

Иван магазиндан чиқиб, жиноят қидирув бўлимига йўл олди. У Михаилнинг алламаҳалгача ўша ерда бўлишини биларди. Лекин у ерда Михаил йўқ экан. Навбатчи, Сазонов уйда бўлса керак, деди, шундан кейин Иван унинг ўйига қараб жўнади.

Сазоновнинг хотини, Фотима исмли татар аёли, унинг келганига жуда хурсанд бўлди. У керосинкада мойни жазиллатиб парамач пишираётган экан.

— Раҳмат, эсингдан чиқармабсан, ахир тўйимизга бугун уч йил тўлади-ку. Қайноққина парамач пиширяпман. Миша бўлса пиво олиб келаман деб ваъда қилган.

Сазоновнинг оиласи бир вақтлар подшо амалдорларига қарашли бўлган қадимий уйда турарди, ҳозир бу уйга бир нечта оила жойлашганди. Ҳовли эса ўртада эди. Иван очиқ деразадан ташқарига қараб, Сазонов-

ларнинг қора кўз, малла соч қизалоқлари Маринанинг қум ўйнаб ўтирганини кўрди.

Иван бу ерга кам, ўзи истаганидан кўра анчагина кам келарди. Бунинг сабаби аввало Мишани ишхонасига қараганда ҳам бу ердан топиш маҳолроқ эканлигида эди.

Фотима Иванга, уйланиб, бола-чақа ортирадиган вақтинг етди, хўп десанг, битта яхши қизни кўз остига олиб қўйганман, ҳамшира бўлиб ишлайди ўзи, дея уйланишдан гап очди.

Кеч кириб қолганди. Олисидаги тоғлар томондан Тошкентга салқин ҳаво оқими кела бошлади. Фотима қизини ётқизди, Михаилдан дарак бўлмагани учун, совиб қолмасин, деб парамач солинган кастриолни адёлга ўраб қўйди. Иван оқкўнгилик билан Фотиманинг гапларини тасдиқлаб, албатта уйланадиган, ақл-хушни йиғиштириб оладиган фурсати етгани тўғрисидаги фикрини маъқуллаб ўтирарди. Яқин кунларда фотоаппаратини келтириб, қизини суратга туширишни келишиб олди Фотима билан. Кейин, Михаилнинг келишини кутмай, парамач билан чой ича бошлашди. Иван чойга қониқиб, рус одатига мувофиқ стаканни тўнтариб қўйганида уй эгаси кириб келди. Фотима чойгумни яна керосинкага қўйди, сўнг тагин чойхўрлик бошланди.

— Жудаям чалкаш иш тушди-да,— деди Михаил,— сирли қотиллик. Бир чолни — маҳалла комиссиясининг раисини ўлдиришиб, муҳрни ўғирлаб, гойиб бўлишган. Турган гап, бу ишда камида икки киши, эҳтимол, уч киши қатнашган. Биттаси шу ердан, Тошкентдан, буниси аниқ, қолган иккитаси четдан келган. Аслида, бу иш менга топширилмаган-а, мен фақат ёрдам беряпман. Бугун бўлса юмалоқ хат олдик. Ҳаммасидан бу ишда бир ўзбек ўқитувчининг қўли бор деган фикр келиб чиқяпти. Жамикиси ёқани ушлайдиган даражада бир жойга бориб туташяпти. Тўғридан-тўғри далил-исбот йўғ-у, лекин феъли-атвори шубҳали. Бунақанги ишга ўқитувчи аралашган бўлиб чиқишини сира-сира истамасдим, буни ҳатто хаёлимга келтиргим ҳам йўқ. Мен, билсанг, мактабда атиги уч йил ўқиганман-у, лекин ўқитувчиларга бир умрга ҳурматим ошиб қолган. Бутун умрини болаларга бағишлаган одамнинг қотиллар билан алоқа қилишига ишонгинг кел-

майди сира. Аммо ҳаммаси шунга бориб тақалган, ҳатто ҳаддан зиёд даражада сил-силлиқ бўлиб чиқяпти. Терговчи бугун уни қўлга олиш ҳақидаги қарорга имзо чекди. Мен ундан икки-уч кун сабр қилишни сўрасам, у бўлса менга: «Тағин бирдан қочиб қолса-чи», деб жавоб берди. Бу ерда, Ўзбекистонда, ҳамма бири билан қаём-қариндош-ку ахир, балки қишлоққа кетар-ворар — ана унда сувга тушган тошдек гум бўлади-қўяди, дейди.

— Биласанми,— деди Иван,— сени бунақанги изқуварлик ишларинг жонимга тегди. Қачон келсам, нуқул жинойтчилардан гап очганинг-очган. Ахир мен сенга ўзимнинг монтерлик ишларимдан гапирмайман-ку. Бугун йигирма олтита симёғочдаги изоляторни алмаштирдим. Пешинда қандайдир бир аҳмоқ станцияда токни улаб қўйибди-ю, мен буни билмабман. Сал бўлмаса мени бугун ўликхонада кўрардинг. Мен сенга буни гапириб бошингни қотираётганим йўқ-ку ахир. Кел, ундан кўра бирорта кўнгиллироқ гапдан гаплашайлик. Мана масалан, сен тоғда бўлганмисан ҳеч? Масалан, Чимён ёки Хумсонда?

— Уёққа бормаганман,— деди Михаил,— лекин Самарқанд яқинидаги Ургутда бўлганман. Сен билан учрашмасимиздан икки йилча бурун илмий экспедицияда ишлардим. Жадвалли тахтани кўтариб юрадим. Виласанми, биттаси учоёққа ўрнатилган найсимон дурбиндан қарарди, мен бўлсам ўша тахтани тикка қилиб ушлаб турардим. Ўшанда бизга босмачилар, Кўр Султоннинг тўдаси ҳужум қилган. Балки эшитгандирсан у тўғрида?

— Йўқ, эшитмаганман. Босмачилар — бу сенинг соҳанг. Хўш, ўзинг Эдисон тўғрисида эшитганмисан?

— Эшитганман, эшитганман... Ўшанда беш кишини ўлдиришганди. Мен зовурга биқиниб олиб, ер тишлаб ётавердим. Улар шундоқ мурдаларнинг ёнгинасида овқатланишмоқчи бўлишди. Бизнинг қозонимизда шўрва пишира бошлашди, гуруч ҳам бориди олдигиналарида. Шўрвага бизнинг тузимиздан солишди, олимлардан бирининг қопчиғидан топишибди уни. Лекин у туз эмас, аллақандай кимёвий таркиб аниқлагич модда экан. Шўрва оғзига олиб бўлмайдиган таҳирми ё аччиқми бўлиб кетган чоғи. Шунда улар шўреани зовурга, менинг устимга қуйиб юборишди. Ана ўшан-

дан бери кал бўлиб қолганман. Буни сира эслагим йўғийди-ю, лекин сен нуқул тоғ-тоғ деб туриб олдинг. Тоғ... Лекин биласанми, нимаси қизиқ бўлганди? Уша пайвда қандай оғриганини тасаввур ҳам қилолмайсан, албатта, аммо мен ўшанда миқ ҳам этмагандим, бу-нинг биттау битта далили — мана, қаршингда тирик ўтирганам.

— Ҳа... — деб қўйди Иван. — Бошингга бошқача савдо тушганини ўзим ҳам фаҳмлагандим. Шунинг учун беш йилдан бери сўрамагандим-да.

Иван баяхтиёр малла ҳурнайма сочини силаб қўйди.

4

Қудратнинг ғойиб бўлгани фақат эрталаб, соат саккизларда маълум бўлди. Онаси, азонлаб чўмилгани кетибди-да, деб ўйлади. Одатда у ҳовлида ётарди, ўрни ёзиғлиқ турар, ёстиғи рижимлоқ эди. Шу кунни сут-қатик сотиш унинг навбағи бўлиб, челақлар таппа-тахт қилиниб, оғзи дока билан боғлаб қўйилган ва шериги Эсон кириб келганидан кейин ҳам Қудратдан дарак бўлмагач, онаси безовталана бошлади. У кечаси ўғлининг бошига қандай ғавғолар тушганини хаёлига ҳам келтиролмасди. Очиғини айтганда, ўн уч яшар болани ярим кечада, ҳамма ухлаб ётганда уйдан чиқиб кетади деб ким ҳам ўйларди дейсиз! Олдинига Қудратни койиған бўлишди, кейин унга бир нима бўлганини тушунишди. Анҳор бўйига қараб чопишди: балки чўкиб кетгандир. Лойқароқ сув тик қиргоқлар орасида шитоб-ла оқиб ётибди. Агар шу ерда биров чўкиб кетадиган бўлса, уни бир ё икки соатдан сўнг анча қуйидаги тўрдан тутишади. Шундай бўлса-да, катталар сув тубини чангақлар билан пайпаслаб кўришди, шўнғиб қидириб чиқишди. Қосим муаллим сепоя қозиқларига илиниб қолмаганмикин деб иккита кўприкни текшириб чиқди. Қудратнинг отаси ўғлини ўртоқлари билан ивирсиб юргандир деган хаёлда аллақачоноқ ишига кетганди.

Ҳаммадан кўра кўпроқ Содиқ хавотирланарди. Анҳорнинг ҳеч қанақанги алоқаси йўқлигини унинг кўнгли сезиб турарди-ю, бироқ бу тўғрида бировга оғиз очишга журъат ётолмаётганди.

Қайғу-ғам ўз йўлига-ю, лекин ишни ҳам ташлаб қўйиб бўлмасди. Сут-қатиқни сотиш керак. Шу сабабли болалар тўртовлашиб янги шаҳарга йўл олишди. Негадир ҳеч қайсиларининг, «кисля-пресна малякё», деб бақиргилари келмасди. Улар алламаҳалгача суд-галиб юришди, агар эмлаш пункти бўлмаганида ҳам-ма сут-қатиқларини сотишолмасди балки. Болалар бутун хаёллари ўртоқларида бўлгани важдан у ердан чиқиб келаётган Сандмуродга эътибор ҳам беришмади.

Уйга пешиндан кейин қайтишди, лекин ҳеч қандай янги гап йўқ эди. Бухгалтер Тожибеков содир бўлган воқеа тўғрисида хабар қилганини, милицияхонадагилар чора кўришга ваъда берганларини айтиб, охири бахайр бўлар-ов, деб қўйди.

Содиқ уйга келса, дадаси йўқ экан.

— Яна меҳмонга кетдилар,— деди ойиси.— Қайфиятлари ёмон бўлса ҳечам уйда ўтирмайдилар. Сен ҳам худди отангга ўхшагансан. Наҳотки бир кун кечқурунгина бўлсаям уйда қум-тош бўлиб ўтиролмасанг! Ишқилиб, сенгаям Қудратни кунни келмаса гўр-гайди. Мен бунга асти чидаёлмайман.

5

Қосим муаллим милицияхонада исмини айтишни сира-сира истамаган ўша одамникида меҳмонда эди. У кишининг исмлари Собирхўжа эди. Айтишларича мўйсафиднинг табаррук ёшлари тўқсондан ўтган, эҳтимол роппа-расо тўқсондадир. Шу боис муаллим таниш-билишларидан ёлғиз шу зотгина Пушкин ўлган йили туғилгани, эҳтимолки, ҳатто у билан бир замонда, бир ёкки йил бир даврда яшаган бўлиши мумкинлиги тўғрисида ўй сурарди. Қосим муаллимнинг хаёлидан яна, бу отахон Лев Толстой билан бир даврда яшаган ва улар фалакнинг гардиши билан учрашиб қолишлари ҳам мумкин эди-ку, деган фикр кечарди. Оппоқ соқолию оппоқ бароқ қошларини айтмаганда, ўхшаш томони камдан-кам бўлса-да, унинг наздида ҳатто чолнинг нимасидир Толстойга ўхшаб кетарди.

Таассуфки, муаллим ўзининг бу фикр-ўйларини отахонга гапириб беролмасди. У кишининг қулоқлари яхши эшитмас, Пушкин ва Толстой ҳақидаги бирор

мураккаб гапни, ўз фикрларини тушунтириш мушкул, деярли иложи йўқ эди: ахир бунақанги фикр-ўйларни овозинг борича бақариб айтолмайсан-ку.

Отахон қулоғи оғир бўлгани туфайли ҳам кўпроқ ўзи гапирарди. У улуғ аллома Бегунийнинг фан бобидаги кашфиётлари ёхуд Улуғбекнинг Зизи Кўрагоний — астраномик жадвали ёки ҳазрати Навоийнинг ғазаллари хусусида, ёхуд ўшандай олис замонлардаги даҳою улуғвор бирор бошқа асару кашфиёт устида сўзларкан, Қосим муаллимнинг назарида чол ўша сиймоларни танигандай, улар билан учрашгандай, уларнинг суҳбатларини тинглашга муяссар бўлгандай туюларди. Чол улар ҳақида бениҳоят кўп билар, билганларини бафуржа, бамайлихотир сўйларди.

Улар пастак равоннинг тўрида ўтиришарди, чолнинг болаларию набиралари ҳеч қачон оталарининг меҳмонлар билан суҳбатига ҳалал бермасдилар.

— Башарти ёшроқ бўлганимда, — деди чол кутилмаганда, — сизнинг мактабингизга хизматга борурдим, Қосимжон. Мабодо каминани муаллимликка қабул қилмаганлари тақдирда, қоровулликка ҳам кўнардим, зеро ёшларга билим берсанг-у, сабоқ бериб чеккан азиятларинг зое кетмаслигини билиб турсанг; ёшлар учун умумбашарий ақлу заковат меваси — одам боласи жамики қирраларини жиловантиришга ожизлик қиладиган қимматбаҳо бир тош, кўриб турганлари гавҳарнинг қадрига етмаганлари, фаҳмига бормаганлари сабабидан ўзгаларга кўз-кўз қилиб бўлмайдирган асл тсшдай бир нарса бўлиб қолмаслигини ағнаб-билиб турсанг, бундан аълороқ, мўътабароқ туйғу бормикин? Камина бу фоний дунё фозилу фузалари мажлисига ҳусну оро бўлишга арзигулик зотларни билардим. Илло бундайин зотлардан Тошкандда икки нафар, уч чоғлиси — Самарқандда, боз устига, чоғимда, икки нафари Бухорода истиқомат қилар ва бир-бировлари билан суҳбат қурмоқлик учун шунчалар узоқ йўл босишлари лозим эдиким, бунинг оқибатида олис сафарда талай ўйу фикрлари сочилиб, йитиб қоларди. Сиз эса, Қосимжон, — сўзини давом эттирди отахон, — узоқ маҳтал бўлмайсиз, шогирдларингизнинг паровозлар ва ҳалиги... оти қургур нимади-я... автомобиллар қурганини кўриш насиб этади сизга. Эҳтимолки улар ҳатто аэропланлар ҳам қури-

шар. Улар қора ишчилар эмас, яратувчи, ижодкорлар бўлиб етишадилар. Ўрисларда бир сўз бор,— чол рус тилини деярли билмасди, шу боисдан унинг ушбу сўз-ни билиши таажжубли эди,— ўрисларни бир сўзи бор, яхшиларнинг яхшиларини, одамларга эне етқарувчиларни ўшал сўз билан атайдилар ва ўшал сўз ўзимизнинг «интилган» сўзимизга баниҳоят яқин.

— Интеллигентдир? — ёрдамлашиб юборди Қосим муаллим.

— Боракалло, бу сўзлар: интилган—интеллигент қанчалар ўхшашлигини наҳотки кўрмаётибсиз? Халқимиз орасида ҳаминша интилганлар бисёр интеллигентлар ниҳоятда кам бўлиб келган, бундайларсиз эса халқ ҳаминша авом, қул бўлиб қолаверади.

Қосим муаллим тагин бирон сўзни эшитмай қолмай деган ҳадикда жон қулоғи билан тингларди отахоннинг гапини. Бу дамда у ўзининг ғам-ташвишларини кўнгли-сизликларини, Тожибеков ва терговчи билан ораларида бўлиб ўтган суҳбатни деярли унутаязганди. Лекин бирдан эсига тушиб қолди. Шунда отахон қандай қилиб-дир буни пайқади чоғи.

— Чеҳрангизга хавотирлик соя ташлади,— деди у,— хавотирлик ва алам. Бу бадқирдор кимсаларни ёдингизга келтирганингизнинг далолати. Шундоқми? •

Муаллим бош ирғади.

— Башартики бу тўғри бўлса, каминанинг сизга битта маслаҳати бор. Биттагина, холос. Илло мукамал, тўқис эмас, негаки, биттагина, холос. Мабодо ёмон одамлардан ақалли қисқагина муддатга бўлса ҳам ўзни ўзоқроқ тутишнинг иложи бўлса, улардан ўзингизни йироқроқ тутинг. Ўзни йироқ тутинг-у, қаёқда-лигингизни кимса билмасин. Беш кунми, ўн кунми, ишқилиб олисроқда бўлинг. Беш-ўн кун орасида ёмонлар яхши бўлиб қолади деган ўйда эмас, балки шунинг учунки, ёмон одамларнинг ташвишлари шунчалик бисёр бўладиким, бунинг оқибатида бўш-ўн кун орасида сизни унутмасқлари мумкин.

«Қаёқдан биладилар-а ҳаммасини? Хаёлимдаги ўйларимни қандай ўқиб оляптийкинлар? — ўйларди Қосим муаллим.— Кетиш керак. Албатта кетиш керак. Лекин қаёққа ҳам бораман?»

Отахон гўё бу фикрини ҳам фаҳмлаганди.

— Набирам, қизимнинг ўғли, Тошкентдан сал чет-

роқдаги қишлоқда туради. Ушаникига боринг. Уям муаллим, унингда зеркиб, сиқилиб қолмайсиз. Илло шундай қилингким, уёқда сизни ҳеч ким безовта этмасин. Қўйинг, миннатдорчилик билдирманг. Кераги йўқ. Сиз билан суҳбатлашиш умримга умр қўшади, айниқса кўзларингизда ташвишу мунг бўлмаса.

Хаёлимиздаги фикр-ўйларимиз билан муштарақ келган маслаҳат энг яхши маслаҳат бўлиб кўринади бизга. Турган гапки, Қосим муаллимнинг ўша кунларда Тошкентдан чиқиб кетмагани маъқул эди. Аммо у табиатан ёмонлардан ўзини четга оладиган одам эди—мутлақо қўрққанидан эмас, йўқ, ҳазар қилганидан, холос. Бундан ташқари, у ростдан ҳам ёмонларнинг ташвишу юмушлари кўчилигига ва уни унутиб юборишларига ишонганди.

Олтинчи кун

1

Саҳарда Барот яна боланинг қўл-оёғини боғлади-да, отга ўнгариб, ҳар иккала арқоннинг учини отнинг қорнидан ўтказиб бир-бирига чандиди. Ўзи эгарга минди. Аравани қамишзорга ташлаб кетди.

Дарёни кечиб ўтишди. Дарё бу ерда жуда ялпайиб оқар ва саёз эди. Қорли тоғ чўққиларидан тушаётган, ҳали пасттекисликнинг тупроғу ғубори лойқалатиб улгурмаган шишадек тиниқ сув боланинг нақ кўзлари олдиғинасидан оқиб ўтаётганди. У тошлар орасидаги тирқишу даралардан юлқиниб чиқиб, тошдан-тошга урилаётган оқиму оқимчаларни, от туёғи яқинлашганда тирқираганча атрофга қочаётган майда балиқчаларни, оқим орасидан қийинчилик билан таянч искаб топаётган туёғу пайпоқдор оёқларни—бари-барини яққол кўриб боради.

Нариги соҳилга ўтилгач, саёз қиямаликдан борадиган сўқмоқ тоқда кўтарила бошлади.

Барот отдан тушиб, болани ечди-да, ерга қўйди. Қудратнинг оёқлари титрарди. Босмачи калта ўткир пичоқ билан оёғи боғланган арқонни қирқиб ташлаб, Қудратнинг курагига туртиб қўйди. У Қудратга на

кечаси, на бугун эртамандан бери бир огиз гапирди, шунингдек, бола ҳам ҳеч нима демаганди. Лекин ҳозир сўради:

— Пиёда юрайми?

Босмачи бош ирғади. Ўзи отга миниб олди-да, икксволон тоққа кўтарила бошлашди.

Дастлабки одимларни босиш Қудрат учун гўр азо-бидай бўлди. Узоқ вақт чандиб ташланган оёқлари бутунлай ишдан чиқиб қолганга ўхшарди. У бўшашиб, мадорсизланиб қолганди, негаки бир кеча-кундуздан буён туз тотмаганди, шунга қарамай, отнинг ёнида узоқ ва чидам билан йўл босди ҳар қалай. Олдиниға бўғинлари сирқираётган оёқлари сал ёзилгандай эди, ҳар ҳолда унчалик огримаётганди. Лекиниға Қудрат қадам ташлагани сайин тоғ сўқмоғидаги тошлар тобора қаттиқроқ ботаётганини ҳис қила борарди. У доим оёқяланг юрар ва товонлари худди туёққа ўхшаб қотиб кетгани билан ғурурланарди, бироқ юмшоқ тупроқда ёки думалоқ-силлиқ тош ётқизилган Тошкент кўчаларида юриш бошқа-ю, бу ерда мутлақо бошқа эди.

Болага биргина фикр таскин берарди. Афтидан, уни бугун ўлдиришмоқчи эмас кўринади. Ахир уни арава-ни ташлаб келган жойда бўғизлаб, жасадини қамиш-зорға ташлаб келиши ҳам мумкин эди-да.

— Амаки, қаёққа кетяпмиз ўзи?— дея сўради Қудрат ўз қўриқчисидан.

Гарчи саволини аниқ-тиниқ эшитган бўлса-да, миқ этмади у.

— Ҳали кўп юрамизми? Оёқларим жудаям огрияпти.

Қўриқчи оёғи тумшуғи билан боланинг курагига туртди.

Сўқмоқ энди хийла қиялаб борарди. Улар тоғ ёна-сидан кетишяпти.

Пастда буталар ва маймунжонлар билан қопланган ям-яшил дара. Тепаларида эса фақат ёз офтобидан қув-рай бошлаган ўтдан бўлак нарса кўринмасди. Ўт-ўлан-лар қовжираб, учлари қиров боғлай бошлаганга ўхшар-ди.

Қудрат тишини-тишиға босганича кетяпти. Агар сал қадамини секинлатса курагидан яна тепки ёйиши-ни билади у.

Чошгоҳға бориб улар чашма бўйида дам олишди.

Барот болага ёғли патир тутқазди-да, отини тушовлаб, ўтлагани қўйиб юборди. Қудрат итбурун соясига чўзилди. Босмачи бўлса бошқа бутанинг тагига узанганди.

— Амакижон,— деди Қудрат,— келинг, айта қолинг, қаёққа кетяпмиз ўзи? Мени уйдагилар роса қидириб юришгандир.

Босмачи кўпчиган юзини унга буриб, иршайиб қўйди.

Ниҳоят босмачи ўрнидан турди, Қудрат ҳам буйруқни кутмаёқ жойидан қўзгалди.

Сўқмоқ дам пастлаб, дам юқорилаб, аммо эндиликда кўпроқ баландлаб бора бошлади. Ана, Катта Чимёнинг қорли чўққилари кўзга ташлана бошлади. Ҳаво совиб борарди. Улар осма кўприкдан юриб, туби кўринмайдиган дара устидан ўтишди. Қаердадир пастда сув шовуллар ва бу ердан, тепадан туриб шундай кичкинагина оқимнинг нега бунчалик шовуллашини тушуниб бўлмасди.

Қудрат энди қаёққа олиб кетаётганини ва етиб қолишган-қолишмаганини сўрамай қўйганди қўриқчисидан.

У атрофидаги тоғу тош ва кўзи ўнгидаги сўқмоқдан бўлак нарсани кўрмаётган бўлса ҳам, тўсатдан етиб келганларини фаҳмлади. Чиндан ҳам муюлишдан ўтганлари замоноқ дарахтларга бурканган чоғроққина водийчага кўзлари тушди. Сўқмоқ пастлай бошлади ва кўп ўтмай ёнида ўт ёнаётган, аллақандай одамлар ўтирган ўтов кўринди. Улар уч киши эди. Баротга кўзи тушибоқ улардан иккиси ўрнидан сапчиб турди-ю, хурсанликдан қўл силкиганча қичқиришди:

— Ниҳоят! Худога шукур! Сени келишингдан умидимизни узиб қўйгандик!

Қудрат қўриқчиси бу ерда ҳам чурқ этмагани, ҳаттоки одатдаги саломни ҳам бермаганидан жуда ҳайрон бўлди. «Битта тўдадан булар,— ўйлади Қудрат,— ҳаммалари бир-бирларини яхши билишади, шуничун ҳайрон ҳам бўлишмайди». Кейин ўзича аниқлик кiritган бўлди: манави иккитаси тўдадан, анави жойида ўтиравергани, улар ёнларига етиб қолганларидан кейингина қўзгалгани ўтовнинг эгаси бўлиши керак. Бўлмасам-чи, қозоқ экан, шу ерлик буниси.

— Кўр Султон нимага келмади?—деб сўради икки

босмачидан бири, паст бўйли, калта оёқ, сийрак, лекин узун мўйловлиси.

— Э, нималарни сўраб-суриштириб ётибсан ўзи? — эътироз билдирди новча, чайири. — Хат-пат борми?

Барот қўйнидан қогоз чиқарди. Чайир қогозни олиб, тезгина ичида ўқиди.

— Кўр Султон ҳужжатларни тополмадим деб ёзибди, — деди у калта оёққа. — Яқин орада топаман дебди.

Хат босмачиларни ранжитгани шундоққина кўри-ниб турарди. Калта оёқ ҳатто:

— Нима кераги бор ўша ҳужжат-пужжати-ни бизга! Ахир унга айтгандим-ку, Фарғонага кетамиз, уёқларда бизни ҳеч ким танимайди, деб. Афғонистонида бало борми бизга!

— Сенга Афғонистоннинг кераги йўқ, — деди новча, — менга ҳам керакмас. Лекин Кўр Султонга кераги бордир-да. Насибамизни шу ердаям териб еяверамиз, уни ёзиғи бўлса бошқачароқдир-да.

— Болани нимага юборибди? — сўради паст бўйлиси.

— Манавинга, банди, деб ёзибди, — деди новча. — Уни қўриқлашни буюрибди. Қочинга уринса, ўлдирармишмиз.

Бу сўзлар Қудратни ҳайратга солмади. У кимларнинг қўлига тушганини аллақачон билиб олган, шунингдек, ўзини нима қилишлари мумкинлигини ҳам биларди. Лекин анави, банди экани шу топгача нагадир ҳаёлига ҳам келмаганди. Банди... Бандилиги ҳатто ўзига ёқиб тушди.

...Эрталаб ишга кетаётиб бухгалтер Тожибеков Қосим муаллим ҳақида болалар берган гувоҳликлар солинган папкани йўлакай терговчига топширди. У заррача иккиланмай, қатъий шундай қарорга келганди.

Терговчи Акбархўжаев Тожибековнинг бунчалик барвақт келганидан ажабланди, унинг қандай материалларни келтирганини эшитиб бундан ҳам кўпроқ тажжубланди.

— Бунга сўрамагандик-ку сиздан, Ўктам Тожибекович.

— Модомики маҳаллага раислик қилиш вақтинча менинг зиммамга юкланган экан, шунга яраша ўйлаб иш қилиш менинг бурчимдир. Бу ишни ёлғиз ўзим эмас, Иса миллиционер билан биргаликда қилдик.

Аммо-лекин қизиқарли материаллар. Милиция ҳаммасини билиши лозим.

Акбархўжаев раҳмат айтиб, папкани столнинг энг пастки тортмасига солиб қўйди.

— Қалай, болакайни топмадингларми? — сўради Тожибеков.

Бу боланинг гувоҳликлари папкада турган беш боладан бири эканини асло айтгиси йўқ эди унинг. Шу сабабли боланинг исмини тилига олмади.

— Ҳеч қандай хабар йўқ, — жавоб берди терговчи. — Эҳтимол, кейинроқ бирон дараги чиқиб қолар.

— Ёмон мусибат бўлди-да, — деди Тожибеков, — фалокат! Булар жудаям бевош бўлиб кетишган-да ўзиям. Отаси жонидан ортиқ кўради. Онаси бетоб. Қандай чидайди бунга...

Тожибеков кетгач, терговчи эшикни беркитиб, оёқ кийимини, кителени ечди-да, ўзи кеча кечқурун мактабдан талаб қилиб олган Қосим муаллимнинг шахсий делосини ўқишга киришди. У рақам қўйиб, қават қилиб тахланиб, қаттиқ муқовага тикилган ҳужжатларга қаттиқ ишонарди. Маълумоти ҳақида шаҳодатнома, тураржойидан берилган справка, таржимаи ҳол, ишга қабул қилиш ҳақидаги ариза. Терговчи бирор сатр ёки сатрлар орасидан излаётган нарсасини топиш умидида ҳар бир жумла, ҳар бир иборани синчиклаб ўқирди.

Тушликдан кейин у — терговчи қўшни чойхонада тушлик қилди — бирпасгина чўзилгани уйига жўнади, қайтиб келганида эса Иса милиционер пойлаб ўтирган экан.

— Нима гап? — сўради терговчи кабинети эшигини очаркан.

Иса йўлакда гапиргиси йўқлигини англатиш маъносида орқасига ўгирилиб қараб қўйди.

— Муаллим қочиб кетибди, — деди у терговчи эшикни ёлгани замоноқ.

— Текшириб кўрдингми ўзинг?

— Текширдим. Эрталаб чиқиб кетаётганини қўшнилари кўришибди. Сўраб-суриштирдим. Хотини, меҳмонга кетдилар, дейди.

— Шундоқ бўлишини ўзим ҳам билганидим-а, — деди терговчи.

Одамлар кўпинча, «ўзим ҳам билганидим-а»,

дейишади, бу билан ўзларига тасалли беришади. «Ўзим ҳам билганидим-а», деб хўрсиниб қўйишади. Менинг қандай ақллигимни кўриб қўйинглар, дегандай бўлишади. Фақат тегишли чораларни кўриб қўйишга нимадир халал берди-да, аслида-ку мен чиндан ҳам билардим-а, дея ўзларини овутишади.

Терговчи Акбархўжаев худди ана шу қаблда ўзига тасалли берарди ва ҳатто мана энди Сазоновга таъна қилса бўладиган важ-баҳона топилганидан чиза қувонди ҳам. Акбархўжаевни кўпинча Сазонов билан фикрлари бир жойдан чиқмаслиги гижинтирарди. Милиция терговчисига жўн бўлиб кўринган нарса жинойт қидирув бўлими вакилига аксинча мураккаб, терговчига мураккаб кўринган нарса вакилнинг фикрича жўн кўринарди.

Акбархўжаев эрталаб Тожибеков келтирган папкани чиқарди-да, пешингача ўқитувчининг шахсий делосини қандай синчиклаб кўздан кечирган бўлса, худди ўшандай синчиклаб ўргана бошлади.

Сазонов беҳосдан кириб келди.

— Нима янгиликлар бор? — деб сўради у бепарволик билан.

— Махфий мактаб тўғрисидаги ҳужжатлар билан танишяпман, — жавоб қилди Акбархўжаев.

— Муаллим нақл-ривоятини пухталаб ишлаб чиқяпсанми?

— Шундай қилишга тўғри келяпти.

— Хўш, нимани аниқладинг?

— У уйига болаларни йигиб, мактаб программасида йўқ нарсаларни ўргатаркан.

— Бе, бу ҳали жинойт деган гап эмас, — деди Сазонов.

— Билмадим, билмадим-ов... Олдинига мен ҳам шундай деб ўйлагандим, мана энди кўрсамки...

Сазонов столга яқинроқ келиб, терговчининг елкаси оша у ҳам қоғоздаги ёзувни ўқий бошлади.

— Бемаъни гап! — деди у. — Омиларча беъмани гап... «Граф Толстойнинг китобларини берган... Граф Толстой — подшонинг ялоқхўри...»

— Толстой масаласида, эҳтимол, сен яхшироқ биларсан, — деди терговчи, — лекин Алишер Навоийга келганда ростдан ҳам султоннинг вазири бўлган. Бош вазири.

— Менга қара, бу бемаъни гапларни ким ёзган? — сўради Сазонов. — Исами?

— Йўқ, Иса чаласавод. Тожибеков ёзган.

— Сен ҳам шунақа ҳужжатларни қабул қилиб оласанми ҳали? Чет одамни тергов олиб боришга, сўроқ қилишга, яна-тагин болаларни сўроқ қилишга қандай ҳаққи-ҳуқуқи бор? Бу қонунни қўпол равишда бузиш-ку ахир!

Акбархўжаев индамади.

— Ундан кейин, — сўзини давом эттирди Сазонов, — аҳмоқ экан-ку у. Толстой билан Навоийни ёнма-ён қўйганининг ўзиням кифоя. Навоий кимлигини тузук-қуруқ билмайман-у, лекин Толстой билан бир сафга қўйилганининг ўзиданоқ унга ҳурматим ортди.

Жиноят қидирув бўлимининг вакили терговчининг дилини оғритганини ўзи ҳам билмай қолди. Терговчи эса салга ранжийдиганлардан эди.

— Демак, махфий мактаб яхшийкан-да? — зарда билан сўради у. — Граф — буям яхшийкан-да? Вазир ҳам яхшийкан-да? Наҳотки мендай бефирқа одам сендай фирқага ўргатишим керак бўлса!

— Ҳар ким ҳам бировга ўргатиши мумкин, ўргатадиган нарсаси бўлса бас! — Сазонов сафсата, расмиятчиликни ёқтирмасди.

— Бу сиёсий калтабинлик, — хулоса ясади Акбархўжаев.

— Қўй-қўй, унақанги жиддий таърифга ўтма, — мурасасозлик оҳангида деди Сазонов.

Бироқ терговчининг ўзига ишончи мустаҳкам эди, шу боис дастагини ишга солишга ошиқмади.

— Ешлар — келажагимиз, — деди у. — Уларга қандай тарбия бераётганларига бефарқ қараб туролмаймиз.

— Хўп, бўппи энди, бер, мен ҳам бир кўриб чиқай.

Папкада ётган беш-олти варақ қоғозга жўз югуртиб чиқиш бирпаслик иш эди.

«Зскирнинг гувоҳлик беришича...»

«Эссн гувоҳлик беришича...»

«Раҳим гувоҳлик беришича...»

«Муаллимнинг ўғли гувоҳлик беришича...»

«Қудрат Маҳмудов ўзидан олдинги гувоҳларнинг ҳамма гапларини қатъиян рад этди... муаллимнинг ёнини олди... чап берди...»

— Камлик қилади-ёв... — деди жиноят қидирув бўлимининг вакили. — Кейин, «кўнгилли» терговчиларга кўпам ишонавермайман.

— Жамоатчилик ташкилотларига ишонмасликка ҳаддимиз йўқ, — деди Акбархўжаев.

Бу гапга Сазонов эътироз билдириб ўтирмади. Ўзи бир неча йилдан буён шуғулланаётган ишга нисбатан унинг ўзига яраша нуқтаи назари бор эди.

У фақат далилларга ишониш лозимлигини, далилларга эса шахсан ишонч ҳосил қилиш зарурлигини яхши билади.

Утган гал Қосим муаллим, ичимдагини топлиги ва ясама босиқлигига қарамай, Михаил Сазоновда яхши таассурот қолдирганди. Муаллим пинҳон тутишга уринган нарса: Тожибеков билан муносабатлари ёмон экани унинг назаридан қочиб қутулолмаганди.

Муаллимнинг Тожибековга тўғри баҳо беришдан қочганида ҳам Сазонов одамлардаги ўзи қадрлайдиган яхши фазилат — олижанобликни кўрганди.

— Агар хоҳласанг, болаларни шахсан сўроқ қилиш ҳам мумкин, — деди терговчи.

— Э-йўқ, ҳозир эмас, — қаршилиқ билдирди Сазонов, — ҳозир бошқа ишлар ҳам ошиб-тошиб ётибди.

У талайгина билвосита маълуматларга кўра Тошкент жиноят қидирув бўлимида Кўр Султон ва унинг тўдаси Тошкентнинг қаеридадир ёки шаҳар яқинида деган тахмин қилиниши мумкин эканини назарда тутаётган эди.

Маълумотлар ниҳоятда хира, ноаниқ эди. Юк поезди кондуктори разъездда вагонлардан бирида тўрт кишини учратганини, «ишчилармиз, пахта тозалаш заводига ёллангани кетяпмиз» деганларини хабар қилганди.

Улар кондуктордан вагондан тушириб юбормасликни ва бирорта каттароқ бекатгача элтиб қўйишини илтимос қилганлар. Кондуктор уларга раҳми келиб, майли, Тошкентгача кетаверинглар, дебди.

Бироқ кейинги бекатда бориб қараса, печкали вагон бўм-бўш эмиш.

Аввалига кондуктор бунга эътибор бермабди, кейинчалик, Кўр Султоннинг турмадан қочганини эшитгач, милицияга хабар қилибди.

Бошқа билвосита шубҳа-гумонлар ҳам бор эди.

— Гапингга қараганда сен аввалгидай муаллимни қамоққа олишга қаршига ўхшайсан-а? — сўради терговчи.

— Қаршиман, — деди Сазонов. — Бугун менда яна битта эътироз туғилди. Жиноят қидирув бўлимига имзосиз хат тушди. — У чўнтагидан бир варақ қоғозни чиқариб, терговчига узатди.

Шўролар милициясига ёрдам бермоқлик ниятида кўрганларимни хабар қиламан. Тунда сувга чиққандим, чунки эрталаб барвақт ишга боришим керагиди, уйда бўлса сув тугаб қолган экан. Шунда маҳалла комиссиясининг идораси эшигидан Уқчи кўчасига чиқаётган Қосим муаллимни кўриб қолдим. У маҳалла комиссиясининг ҳужжатлари турадиган темир сандиқни орқалаб олганди. Кейинроқ темир сандиқни Қосим муаллимнинг уйи яқинидаги ахлатхонадан топилди. Муаллимнинг ўч олишидан кўрқиб ўз исмиمنى ёзмадим. Бунақанги одамнинг қўлидан ҳар бало келади.

Акбархўжаев имзосиз хатни ўқиб, Сазоновга ошкора таажжуб билан тикилиб қолди.

— Қачон қўлингга тегди бу?

— Эрталаб. Кечадан бери идорада ётган экан.

— Эсиз, кеча кўрмабсан-да буни.

— Нимага энди? — деди Сазонов. — Бунда мен учун ҳеч қандай янгилик йўқ.

— Йўқ дейсанми? Сен муаллим ўлдирганига ишонмагандинг-ку ахир.

— Ҳозир ҳам ишонмайман.

— Манави-чи? — терговчи кафти билан қоғозни шапиллатиб урди.

— Жуда ғалати одамсан-да, Абдулла! — деди Сазонов терговчига. — Уйлайсанки, ҳаётни жилдирадиган нарса қабихлик, яхшилик тасодиф туфайлигина тантана қилади, ҳақиқат эса чақуву хуфия хатлардан ойдинлашади, шундайми? Бунақада қандоқ яшаб бўлади! Мен учун бу хуфия хат — муаллимнинг бегуноқлигига яна битта далил.

— Шунақами? — Акбархўжаев столи ёнидан турди. — Уни қамоққа олишни сен туфайли кечиктирганимни инкор этмассан?

— Албатта, инкор этмайман.

— Ёзма равишдаям тасдиқлайсанми буни?
— Бемалол.
— Сеннинг ўша қадрдон муаллимнинг қочиб кетибди,— деди Акбархўжаев, митти кўзлари Сазоновга заҳаролуд қадалиб.

Бу қаттиқ зарба эди. Сазонов буни кутмаганди.

— Бўлиши мумкин эмас...— деди у.

Одамлар кўпинча «бўлиши мумкин эмас» дейдилар. Бу эса шундай ҳам бўлиши мумкинчилигини тушуниб олишларида уларга ёрдам беради.

2

Зокир янги шаҳардан қайтиб, сут-қатиқни пулини онасига тутқазгач, уни отаси чақириб олди. У қоровуллик қилар, бир кеча-кундуз навбатда турганидан кейин, икки кун дам оларди.

— Кўчамизда нималар бўлаётганидан хабаринг борми ўзи?— сўради у.

— Хабарим бор,— деди Зокир.

— Энди нима қилмоқчисан?

— Ҳеч нима қилмоқчимасман.— Зокир отаси ўзидан нимани истаётганини тушунмади.

— Ўлардай бевош бўлиб кетдиларинг, мана шунақа бевошликларингдан бола йўқолиб ўтирибди. Балки сен ҳам гумдон бўлмоқчидирсан?.. Анави ҳовлиларингдаги қанақа кучук?— Отаси, гарчи болаларнинг Саттор темирчининг бўш ётган ҳовлисини ўзлариники қилиб олганларидан норози бўлса-да, ҳар қалай «ҳовлиларинг» деди.

— У кучукни бизга фотоаппарат сотган амаки совга қилган. Жудаям қимматбаҳо кучук деган у. Думи йўқ. Исковуч ит у.

— Ким берган бўлса, ўшанга қайтариб обориб берларинг уни,— деди отаси.

— Чин сўзим, бизга совга қилган уни!

— Обориб бер деяпман сенга!

— Меникимас-ку,— эътироз билдирди Зокир,— ҳаммамизники.

— Асосий эгаси ким — сенмисан ўзи? Ким овқат беради унга?

— Ҳаммамиз,— деди Зокир.— Энг кўп кичкина Раҳим, Эсонни укаси қарайди.

— Айт ўшанга, итни обориб берсин.

— Нима, ўша амаки қидириб келдимиз? Монтёр-а?

— Йўқ,— деди отаси,— менга кучукларинг тўғрисида Саидмурод, анави гумашта гапириб берди. Бугун олдимга келиб: «Ўғлингни кучуги бор, ўшани менга бер», деди. Мен унга: «Нимага энди сенга бировнинг итини берарканман?» десам, у: «Бер деётганим йўқ, сот деяпман», деди. Ўн сўм бераман, деди.

— Ўн сўм?— ҳайрон бўлди Зокир.

Кучук шунча туриши унинг хаёлига ҳам келмаганди. Ўша пайтларда ўн сўмга эшак берарди. Каттакон эшакни. Тагин нўхта-пўхтаси билан.

— Агар ростданам шунақанги қиммат ит бўлса,— сўзида қаттиқ туриб олди отаси,— ҳеч қайси аҳмоқ совға қилмас сенларга. Тўғри, ит шунақа қиммат туришини умрим бино бўлиб эшитмаганман; энг яхши бўрибосарни боласиниям нари борса бир сўмга беради.

— Тагин уни Саидмуродга сотиб юбормадингизми ўзи?— қўрқиб кетди Зокир.

— Нима деб валдираяпсан, сенлардан ўғирлаб, сотиб юборади деб ўлаяпсанми ҳали? Ундан кўра, бир балони бошлаганинг йўқмиди, шуни айт яхшиси. Бугун мени маҳаллага чақиртиришибди.

— Ҳеч нима қилганим йўқ,— чин кўнгилдан жавоб берди Зокир.

Отаси билан ораларида бўлиб ўтган бу суҳбат Зокирни кўп нарса устида ўйлатиб қўйди. У болалар орасида энг беғами эди. У эпчил, бақувват бўлиб, футболни ҳаммаларидан яхшироқ ўйнар ва кўпам бошини қотиришни хушламасди. Ҳозир бўлса ўйланиб қолди.

Доберман ётадиган ўчоқнинг устидаги фанерни биров синдириб кетганида болалар, бу ўғри, бўш ётган ҳовлидан бирон нимани кўтариб кетиш илинжида девор ошиб тушган, деган фикрга келишган эди. Кеча бўлса болалар ҳовлидан битта илма-тешик қопни топиб олишди ва бу қоп қаёқдан келиб қолганини ҳеч қайсилари билишмасди. Доберман бирор ковакдан тортиб чиқарган ёни бирорта йўловчи майнавозчилиги тутиб девордан буёққа отиб юборган, деб қўя қолишди.

Бугун ана шу гапларнинг жамикиси Зокирга шубҳали туюлди. Саидмурод ит тўғрисида қаёқдан била қолди? Кейин, қимматбаҳо итлигини қаёқдан билдир-

кин? Ие, тагин ҳовлиларига кечаси ошиб тушган шу Саидмурод бўлса-я?

Зокир ўзининг бу тахминларини болаларга айтишга ботинмади — майна қилишади деб қўрқди. Лекин ҳар ҳолда «ўз» ҳовлиларида Раҳим билан Эсонга кўзи тушиши биланоқ:

— Эшитишимча итимизни нархи жудаям қимматмиш. Эҳтиёт бўлиш керак, тагин ўғирлаб кетишмасин уни,— деди уларга.

— Сенсиз ҳам биламан,— жазоб қилди Эсон.— Айтишларича, бу ит — исковуч экан, хоҳлаган нарсангни топиб бераркан. Угри бирон нарсани ўғирлаб кетса, у ўгрини исини олиб, дарров топаркан. Қудрат шундай деганди менга.

Эсон Қудратни бекорга тилга олди-да. Болалар шундоқ ҳам нуқул йўқолган ўртоқларини ўйлаб ётишганди. Катталар уни Анҳорга чўкиб кетган деб ҳисоблашяпти, болалар бўлса уларни бундай эмаслигига ишонтириша олмасди.

«У бизсиз ҳеч қачон чўмилгани бормайди, ҳеч қайсимиз чўмилгани ёлғиз бормаймиз»,— дейишса, катталар: «Унда, демак, уни қандай чўкканини кўргансанлар. Демак, ўзларинг қўрқиб кетгансанлар-у, ўртоқларининг ташлаб қочгансанлар», дейишди. Бироқ, умуман олганда уларга ишонишди. Шунчаки чўмилишни тақиқлаб қўйишди, холос.

Ўша кунларда Тошкентда ҳеч қандай чўккан одам топилмади, деган миш-миш дўстларнинг Қудрат чўкмаган деган ишончларини янада мустаҳкамлади. «Унда нима бўлганийкин-а? Хўш, нима? Ўлмагандир-ку ахир?» — ана шундай мулоҳаза юритишарди дўстлар.

Улар нима сабабдандир Қудрат тирик, соппа-соғ эканига, ўртоқларининг қайтиб келишига, устига ёлғон-яшиқларни қўшиб-чатиб бошидан кечирган ҳангомаларини гапириб беришига қаттиқ ишонишарди. Ёлғонни қўшиши турган гап. Ўзи шунақа одам у. Баъзиларини унга ҳатто ҳаваслари ҳам келарди: «Жаъмади бор-да ўзи». Масалан, Зокир шундай хаёлда ёди.

Қани энди улар бор гапни билишса! Аммо ҳеч нима билишмас, шунинг учун ҳам ҳаммаси яхшилик билан тугашига ишонишарди. Балки улар шунчаки бу тўғрида ўйламасликни исташгандир.

— Бугун Дик Портерни ўқиймиз,— деди Зокир.— Ҳадемай Содиқ келиб қолади, янги сенини олиб келишни ваъда қилган у.

— Э-ҳа, Зокир, сен билан ўзаро гаплашиб олишим керагиди,— деди Эсон.

Улар Раҳимни ит билан ҳовлида қолдириб, болохонага чиқишди.

— Бугун Азизни кўргандим. У, раисимизни Қосим муаллим ўлдирган, деди. Иса милиционер шундай дебди.

— Нима деяпсан ўзинг?— деди Зокир.— Жиннинг одамгина шунақа дейиши мумкин! Ёки аблаҳ. Нима, унинг гапига ишондингми?

— Азизнимми?— ҳайрон бўлди Эсон.— Нима, ёши боламисан? Унинг гапига ким ишонарди.

— Сен нима дединг унга?

— Мен... мен...— Эсон ямланиб қолди.— Бир калла қилмоқчи бўлдим. Кейин ўйлаб қолдим, у дадасига айтади, дадаси бўлса дадамга айтади. Дадам менга калла қилишни тақиқлаб қўйганлар. Бу, безорилик, деганлар.

— Азизни гапини ҳеч кимга гапириб юрма,— огоҳлантирди Зокир.— У жўрттага, жигга теккани шунақа деган. У ҳаммамизни ёмон кўради. Айниқса Содиққа оғзингдан чиқарма.

Зокир ўз вақтида огоҳлантирган эди: шу пайтда Содиқ айвондан ўтиб келаётганди.

Бугун саҳар мардонда у дадасини кузатиб қолди. Дадаси, Қумқишлоқдаги муаллимникига кетаётганини, беш кунлардан сўнг қайтишини айтди унга.

— Бу ерда мен учун кўнгилсиз гаплар бўлиб турибди, ўғлим,— деди у.— Майда-чуйда кўнгилсизликлар бўлса ҳамки, ҳар куни битта гап чиқяпти. Пайшанба куни сизларни йиғиб, китоб ҳақида сўзлашмоқчийдим. Болаларга айтиб қўй, кейинги ҳафтага қолдирамиз. Агар мени қаёқдалигимни сўрашадиган бўлишса, тезда қайтадилар, дегин. Кейин, онангга қарашиб тур. Кейинги пайтларда уйда кам бўладиган қилиқ чиқариб қолдинг. Шу беш кун ичи менинг ўрнимга уйда бош бўлиб қоласан.

Содиқ дадаси учун қандай кўнгилсизликлар юз берганини билмасди. У Тожибековнинг китобларни олиб қўйганини айтмоқчи бўлди-ю, лекин ҳозир пайти

эмас деган фикрга келди. Бу ҳам битта кўнгилсиз гап эди-да, ахир.

— Биласанми, Содиқ,— деди Зокир,— кеча анави одамни кўрдим.

— Қайси?

— Анави-чи, бизга аппарат сотган. «Нимага даракларинг йўқ», дейди. Ниманидир сотиб олибди, нима-лигини бўлса тушунмадим. У симёғочни устидайди, қайтариб сўрамоқчи эдим-у, бақариб гаплашиш ноқулай бўлди.

— Кассетадир балки,— шундай деб тушунди Содиқ.— У бизга кассета билан пластинка ваъда қилганди-ку. Эҳтимол суратни чиқарадиган нарсани топгандир. Нима дейилиши мени ҳам эсимдан чиқибди.

Ростини айтганда, Содиқ Эсоннинг касофатига бузилиб қолиши ҳам мумкин бўлган биттаю битта пластинкани чиқаришга унчалик шошилмаётганли. Агар тагин бир нечта сурат олинса, орасида битта бузуғиям бўлаверади, ҳеч нима қилмайди.

— Яна битта гап,— деди Зокир,— дадам айтдилар, Саидмурод, анави гумашта-чи, ўша келибди, Добраманимизга ўн сўм бераман дебди.

— Янглиш эшитмадингми тагин?

— Дадам айтдилар...

— Ўн сўм — жуда катта пул,— деди Содиқ.— Саидмурод итни нима қиларкан?

— Қимматроққа сотмоқчидир-да, ахир у савдогар-ку... Дик Портерни олиб келдингми?

— Олиб келдим.

— Ўқиймиз.

Болалар болохонада жойлашиб ўтириб олишди, Зокир овоз чиқариб ўқий бошлади. Дик Портернинг бу қисмида келишган жентльмен қарта ўйнар ва ҳийла ишлатиб, бошқа бир жентльменнинг пулини ютиб оларкан, бу жентльмен эса Скотланд-ярднинг машҳур изқувари Дик Портер экан. Жиноятчи томонидан сотиб олинган ялтироқ уқали камзул кийган хизматкор еннога заҳар солиб, қадаҳни изқуварга тутар, лекин изқувар қадаҳдаги винони ҳадеганда ичавермас экан.

Зокир энг қизиқ жойига келганда ўқишни тўхтатишга мажбур бўлди, чунки уни отаси чақариб қолганди.

— Ҳозир келаман, ўқимай турияглар...

Зокир анчадан кейин қайтди.

— Болалар,— деди у,— ишлар чатоқ: болохонадан ҳозироқ кетишимиз керак. Дадам айтдиларки, уларни маҳалла комиссияга чақиришиб, Толиб акам келаётганини хабар қилишибди. У келгунича изларингдан асар ҳам қолмасин дедилар. Ҳаммасини йиғиштириб, жўнаб қолишимиз керак.

— Қачон етиб келарканлар?— сўради Содиқ.

— Номатълуммиш. Балки — бугун, балки — ертага, балки — индинга. Лекин дадамлар, ҳозироқ кўчкўронларингни йиғиштириб, тезроқ жўналаринг у ердан, дедилар. Итнийам олиб кетармишимиз.

Зокир отаси икковлари ўртасидаги гапларнинг ҳаммасини айтмади. Отаси ҳам Зокирга бор гапни айтмаганди. Идорада отаси нафақат Тожибеков билангина, балки милиция терговчиси билан ҳам гаплашганди. Унга Маҳкам аканинг қотили Қосим муаллим деб айтишди очиқдан-очиқ. Бунинг устига, Қудратнинг йўқолишида ҳам муаллимнинг қўли бўлиши мумкин эмиш. Толибнинг келишини ҳам ўшалар айтишди унга.

— Мабодо болохонасида ҳар хил бемазагарчиликлар бўлгани қулогига етгудек бўлса, қадрдонимиз Толибжоннинг олдида уятга қоламиз-а,— огоҳлантирди Тожибеков.

Қандай бўлмасин, ишқилиб, болохонадан эндиликда тезроқ жўнаш зарур эди.

Болалар ҳовлини яхшилаб супуришди, китобларни йиғиштиришди, болохонани тартибга келтиришди-да, Зокирларнинг ҳовлисига тушишди.

— Дада,— деди Зокир,— китобларни, фотоаппарат билан коптокни ҳозирча уйга қўйиб турсак майлими?

— Йўқ, йўқ, ҳаммасини обкетинглар. Айниқса китобларни.

— Фотоаппаратни-чи?— деди Содиқ.

— Ҳаммасини обкетинглар. Дарвоқе, тўпни қолдирсаларинг бўлади.

Ҳамма нарсаларини нимага бунчалик шошилиш олиб кетишлари зарур эканига Содиқ тушунмади. У фотоаппаратни кўтарганича тумшайиб, чопганча коптокни уйга қўйиб чиққани кириб кетган Зокирни кутиб турарди. Раҳим Доберманни етаклаб олганди.

Ҳамма иш нега бундай тўзатдан остин-устин бўлиб кетганини у ҳам тушунмаётганди.

— Гапимга қулоқ бер, ўғлим,— деди Содиққа Зокирнинг отаси,— сенларга маслаҳатим, итни эгасига қайтариб обориб беринглар. Манави матоҳниям обориб беринглар.— У Содиқни елкасига қўлпи қўйиб, фақат Содиққа мурожаат қилиб деди:— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ... балки ҳаммаси бўлмаган гапдир...

— Нима?— сўради Содиқ.

— Ҳалиги, гапираётган гаплари-да...

— Нималарни гапиришяпти ўзи?— сўради Содиқ.— Биз тўғримизда бир нарса дейишяптими?— У бухгалтер Тожибеков ва унинг ошналари қандай миш-мишларни тарқатишаётганидан беҳабар эди-да, ахир.

— Тўғрида ҳар қанақа гаплар бўлади,— деди Зокирнинг отаси хўрсиниб.— Лекин сен ноумид бўлма. Кап-катта йигит бўлиб қолдинг мана.

Болалар кўчага чиқишди.

— Балки ростдан ҳам аппаратни қайтариб оборармиз, итиниям қайтариб берармиз, а?— деди Зокир.— Пулларингни қайтариб бераман ёқмаса деганди-ку ўзи.

— Бўпти,— деди Эсон.— Симёғочга чиқадиған «тирноқ» топиб берсин яхшиси.

— Мен бари бир Доберманни бермайман,— деди Раҳим.

— Керак бўлса — берасан,— буйруқ оҳангида деди Эсон укасига.

— Майли, ихтиёрларинг,— деди Содиқ. Овози негидир титраб кетди.— Агар шуни хоҳласаларинг... кетдик!

Улар маъюс, бошларини эгиб, бир-бировларига қарамасликка ҳаракат қилиб боришарди.

Трамвай бекатида, морожнийчининг ёнида йўл-йўл шимли ва пишиқ ботинкасини кийиб олган Азиз турарди.

«Доим керакмас пайтда оёқ остидан чиқади-да!»— хаёлидан кечди Содиқнинг.

— Ҳой, жулдурвоқилар!— қичқирди Азиз.— Бисотларингни сотгани кетяпсанларми? Бировнинг болохонасидан қувишдими дейман-а? Ҳали бундан баттар бўлади!

Болалар ўзларини уни кўрмаётган, гапини эшитмаётганга солишди.

— Хўп десаларинг, яшик билан итларингни мен сотиб оламан. Ҳаммасига ўн тийин бераман. Ўша аппаратларинг қойилмақом ин бўлади-да ўзиям.

Болалар тоқатсизлик билан трамвайни кутишаркан, Азиз томонга қайрилиб ҳам қарашмасди.

— Ҳей, Содиқ!— валдирашини давом эттирди Азиз.— Аппаратни сотсанг, пулини кеткизиб қўймагин тагин, нон олиб, дадангга ташийсан.

Содиқ Азизнинг гапига тушунмай, унга ўгирилди. Лекин Эсон билан Зокир тушунди. Эсон физиллаганча Азизнинг олдига борди.

— Агар оғзингдан тагин битта гап чиқса...

Гулдураганча трамвай яқинлашиб келаверди шу пайт.

— Агар оғзингдан тагин битта гап чиқса...

— Нима қилардинг?!— сурбетона тиржайди Азиз. У морожнийни ялаганча Эсонга кеккайиб қараб турарди.— Бутун маҳалла билади буни... Ҳей, Содиқ! Даданг Маҳкам акани нимага ўлдирди?

Худди шу аснода Эсон калласини яшин тезлигида ишга солиб қолди. Азиз тишлари шарақлаб, худди сёгидан чалгандай гуппа тупроққа қулади. Эсон қайрилиб ҳам қарамай, трамвайга отилди.

— Тезроқ, тезроқ!— деб болаларни итара бошлади у.

Трамвай қўзғалди.

— Дадам тўғрисида нима деб шанғиллади у?— сўради Содиқ.

— Э-э-э...— деди Зокир,— оғзига келганини валдирайверади-да...

— Дадамни Маҳкам акани ўлдирган дедими?— Содиқ Азизнинг гапини аниқ-тиниқ эшитганди-ю, лекин маънисига етолмаётган эди.

— Шунақамини,— деди Зокир,— отаси шунақа деяпти.

— Буни олдин эшитганмидиларинг?

— Эшитгандик,— деди Эсон.

— Эшитиб, менга ҳеч нима демай юрганмидиларинг?

— Айтиб нима қиламиз...— дея гап бошлади Зокир.

Эсон бўлса:

— ... нотўғри бўлганидан кейин,— деб тугатиб қўя қолди.

Бироқ болаларнинг ҳамма эшитган, билган гапларини Содиққа сўзлаб беришларига тўғри келди.

3

Иван Кустов турадиган ҳовлида ҳеч нима ўзгармаган, бояги-боягисидай эди. Эшиги олдидаги богчасида бир аёл кир ювяпти, бошқасида украинча кўйлакли тепакал киши рух самовар олдида чой ичиб ўтирибди.

Болалар Иван турадиган хонанинг эшигига яқинлашиб, тақиллатишди. Улар ҳаммасидан кўра унинг уйда бўлмаслигидан чўчиб туришарди.

— Ким?— Иваннинг овозини эшитиб суюниб кетишди улар.

— Бу биз,— деди Зокир,— аппаратни олиб келдик.

— Шошмай турунглар!— деб қичқирди Иван эшик ортидан.— Яна ўн етти минут кутинглар.

Нега энди айнан ўн етти минут кутиш кераклигига тушунишмади болалар, бироқ дарахт тагига бориб чўнқайишди. Доберман жамики нарсани искаб, ҳаммаёққа олазарак бўлиб шу атрофда чопиб юарди. Афтидан, илгариги ҳовлисини таниётганди.

Ниҳоят Иван чиқиб келди.

— Салом!— деди у одатича.— Демак, қайтариб обкелибсизлар-да? Ёқмадими? Умуман, жуда вақтида обкелибсизлар. Бу ерда бир фотограф ателье очяпти, ўшанга худди шунақанги бандура керак. Йигирма беш сўм бераман деган. Хўш, фойдасини биродарларчасига бўлишамиз: ярми сизларга, ярми менга. Ҳаммамиз ҳам фойдалиқ бўлиб қоламиз. Бу бандура суратхонага жудаям зарур нарса.

— Бунга келганимиз йўқ...— деди Содиқ.

— Қалай, ўзларинг лоақал бир марта суратга тушдиларингми ўзи?— сўради Иван.

— Бўлмасам-чи,— деди Эсон.— Уларни ўзим олдим суратини.

— Сенамас, бу,— деди Зокир Содиқни кўрсатиб.— Сен фақат аппаратни тагида турдинг.

— Эсимга тушди, эсладим,— илжайди Иван,— учоёқ ўрнида. Хўш, кассетани обкелдингларми? Мен-

да бўлса суратни чиқарадиган дори тап-тайёр турибди-да ҳозир. Бир-иккита нарсани чиқараётгандим, бир йўла сизларникини ҳам чиқариб бераман. Киринглар, бу қандай қилинишини кўрсатаман.

Хона мутлақо қоп-қоронғи эди. Деразага кўрпа тутиб қўйилган, шифтдаги қизил латтага ўроглиқ лампочка билинар-билинимас ёритиб турарди.

— Каравотга ўтиринглар, кўзларинг қоронгиликка кўниксин.

Қоронгиликка ўрганиб бўлмайдигандек эди, бироқ аста-секин девордаги гитара, устида иккита сирли тоғорача турган сандиқнинг тарҳини пайқай бошладилар. Иван кассетани нимадир қилди, ичидан пластинкани чиқариб олди-да, тоғорачалардан биттасига солди.

— Мана,— деди у,— ўн минут битта эритмада, суратни чиқарадиган эритмада, ўн минут бошқасида — қотирадигани, ёки фиксажда туриши керак.— Иван сандиқнинг олдидаги курсида ўтириб, тоғорачани сал-пал чайқатарди.— Кўрамиз ҳозир, суратларинг қандоқ чиққаникин... Агар яхши чиққан бўлса, омадларинг келгани, чунки биринчи галда ҳеч кимники ўхшамайди... Лекин, болалар, аппаратни сотадиган бўлсанглар фақат янгисини олиш учун сотинглар, мен шундай деб ҳисоблайман. Агар фойдани бўлашадиган бўлсак, унда сизларга ўн икки сўм эллик тийин ва яна беш сўм тегади, ҳаммаси бўлиб ўн етти ярим сўм. Ўн етти сўмга ажойиб аппарат сотиб олса бўлади. Хўш, нима дейсизлар?

Ўн етти сўмни болалар орзу ҳам қилолмасдилар.

«Ўн етти сўмга икки жуфт бутси олса бўлади, тагин бир сўм ортиб ҳам қолади»,— ўйлади Зокир.

«Ўн етти сўмга ҳаммамизга анави илгак-«тирноқ»дан олишимиз мумкин»,— хаёлидан ўтказди Эсон.

— Итниям қайтариб оласизми?— сўради Раҳим.

Бу пайтда Иван тоғорачадан пластинкани олиб, қизил шуълага қилиб кўраётган эди.

Бу суратларингга нимагадир тушуниб бўлмапти,— деди у ва пластинкани бошқа тоғорачага солди.

— Итниям қайтариб оласизми?— сўради Раҳим яна бир марта.

— Доберманними? Йўқ, нега энди. Уни сизларга совға қилганман, сотмаганман-ку ахир.

— Битта амаки бизга Доберманимизга ўн сўм бермоқчи бўлди,— деди Зокир.

— Ўн сўм?— ҳайрон бўлди Иван.— Нимагадир кўп бермоқчи бўпти-ю. Ҳалолини айтганда, у насли тозамас ҳатто. Ярни доберман, ярни қанақалигиям маълуммас. Болалар, уни сотишларингга қаршиман. Менимча, итни сотиш инсофданмас, улар ҳам одамга ўхшаган нарса. Яхши одам бўлса — унда совға қилиш бошқа гап.

Содиқ бу гап-сўзлар мобайнида икдамасди. У отасини маҳалладагиларнинг ҳаммалари қотил деб ҳисоблашлари тўғрисида, дадасининг эса жудаям бевақт кетгани ҳақида, мана энди Қудратнинг гойиб бўлганини ҳам унга тўнкаётганлари тўғрисида ўйларди. Аввалига у, менга ҳеч нимани айтишмабди, деб болалардан хафа бўлди, ҳозир эса мабодо, масалан, Зокирнинг стаси тўғрисида шунга ўхшаш нарсаларни гапиришадиган бўлса, ўзи ҳам ҳеч қачон бу тўғрида ўртоғига айтишга ботинолмаган бўлишини тушуниб турарди.

— Ана энди ёруқча чиқамиз,— деди Иван,— қанақа чиқдйкин, кўрамиз.— Ўзиники очли-да, пластинкани авайлаб ушлаганча, болаларга кўришни таклиф этди.

Пластинкада каттакон пахмайган, калта-калта нурчалар таратаётган оппоқ доғ бор эди. Бу доғдан телароқда яна аллақанақанги оқ чизиқ ва кичик-кичик доғчалар кўриниб турарди.

— Офтобми бу?— сўради Эсон.

— Буми?— деди Иван оппоқ доғни кўрсатиб.— Йўқ, бу офтоб эмас. Бу негативда оқ бўлади, қоғозга қорайиб тушади.

— Худди офтобга ўхшайди,— деди Эсон.

— Бу сенинг бошинг,— деди Содиқ қовоғи осилиб.— Бошингни пастга тушир деб айтмаганмидим сенга ўшанда.

— Туширгандим-ку,— деди Эсон.

— Биз кўринмаймизми унда?— сўради Зокир.

— Сизлар, болалар, кўринмайсизлар,— жавоб берди Иван.— Раем бузилган, албатта, лекин шундай бўлса ҳам иккинчи бундай қилмасликларинг учун, ҳар қалай, эсдаликка чиқариб бераман сизларга.

Иван деразадаги кўрпани олди, пластинкани дера-

за тоқчасига қўйди. Болалар шунда ерда турган пақирдаги сувда ҳўл фотосуратлар сузиб юрганини кўришди. Ҳаммаси малла соч, қора кўз икки ёшлардаги қизалоқнинг сурати эди. Битта суратда у қўғирчоқ кўтариб, кулиб турар, иккинчисида — каравонинг ёнида ерга ўтириб олиб йиглаётган, учинчисида қум ўйнаб ўтирган эди.

— Ҳозир буларни ялтиллатамиз,— деди Иван ва фотосуратларни дераза ойнасига ёпиштирди.— Унчалик шошилаётганларинг йўқми?— сўради у.— Нега деганларингда негатив қуриши керак. Келинлар, ҳозирча чой ичиб турамиз.

Болалар новвот билан чой ичишди. Кейин Иван тагин деразани кўрпа билан бекитди, эшикни зичлаб ёпиб, бир нима қила бошлади. Қоронғида қора пакетчадан оқ қоғоз олиб, тахта рамкага ўрнатди, қоғознинг устига негативни қўйди, сўнг ҳаммасини қорнига қилиб босганча ташқарига чиқди, рамкани бирпас очиқ ушлаб турди-да, кейин яна қорнига босганча хонага қайтди. Қоғозни у олдин битта тоғорачага, кейин иккинчисига солди, охирида сувли пақирга ташлади. Ана шундан кейингина эшикни очиб, деразадаги кўрпани бутунлай олиб ташлади.

— Ҳаммаси жойида,— деди у.— Бўлганича бўлди буёғи.

Содиқ, сурат болаларга ёқмаса-я тагин, деб жуда чўчиб турган эди— негаки улардан бирорталари ҳам тушишмаганди-да, лекин у болаларга, айниқса Эсонга ёқди.

— Ў-ў-ў!— деди у.— Бошимни катталигини қаранглар-а!

— Манави тут-ку!— деди Раҳим қувониб.

— Манавиниси шиша турадиган омборхона,— деди Зокир.

— Манави жойда, узоқда аллақанақа одамлар тушиб қолишибди,— деди Иван.— Нима бало, том тузатишяптими дейман улар?

Содиқ фотографияга диққат билан тикилиб қолди.

— Йўқ, том тузатишаётгани йўқ...— деди у.

— Узоқда бу,— қўшилишди Эсон.

— Ҳар ҳолда,— деди Иван,— биринчи гал учун чаккимас. Дарахт бутунича тушибди, ҳар битта барги яққол кўриниб турибди. Орқа томон яхши тушибди.

— Бунақа яхши чиқади деб ўйламовдим,— деди Зокир.

— Кейинги гал битта ўзингни оламан дегандинга,— эслатиб қўйди Эсон.

— Хўш, аппаратни сотмаймизми энди?— сўради Иван Содиқдан.

— Суратни менга беринг,— жавоб ўрнига илтимос қилди Содиқ. У яна бир карра диққат билан тикилди расмга.

Дарҳақиқат орқа томондаги икки киши суратга жимитдай бўлиб тушибди. Улардан биттаси бутунича кўриниб турибди, бошқасини бўлса фақат елкаси билан бошигина. Икковлари қандайдир қора нарсани кўтариб олишган.

Содиқ ўзи ҳам билмагани ҳолда тобора очиқ эшикка, ёруққа яқинлаша бориб, ниҳоят ташқарига чиқиб қолди. Йўқ, булар том тузатишмаётибди. Бу том эмас, девор бу. Девор... Наҳотки?..

— Болалар,— деди Содиқ ичкарига мўралаб,— мен ҳозир бир жойга чопиб бориб келишим керак. Бу ерда сизлар сотиш-сотмаслигимизни ҳал қилиб туринглар.

— Тез келасанми?— сўради Зокир.

— Билмадим!—чопиб бораётиб қичқирди Содиқ.— Мени кутманглар!

У бағоят шошилаётган эди. Ҳўл фотосуратни олға чўзилган кафтида ушлаганча Тошкент кўчаларидан югуриб борарди. Трамвайга чиқиш ҳатто хаёлига ҳам келмаган, тўхтамай югуриб борарди. Мана, ахийри Ўқчига ҳам етиб келди. Тор кўчадан майдонга отилиб чиқди. Фотосурат қуриб, найсимон буралиб қолганди.

«Хўш... болаларни манави жойга турғизгандим,— ўйлай бошлади Содиқ,— фотоаппарат манави ерда турганди, олдин ерда, кейин уни Эсонни устига қўйдим. Эсон қаддини кўтариб, суратни пастки қисмини тўсиб қўйганди, юқори қисми бўлса... текшириб кўриш керак, текшириш керак...»

Содиқ ерга ўтириб олиб, суратни тиззасига қўйди. «Демак, ана дарахт... анави девор... ана шиша омборхонасини томи... Худди шундоқ. Манави икки киши, жимитдай-жимитдай икки киши сираям том тузатишмаётгани йўқ-да. Улар девордан ошишяпти. Қўлларидаги бўлса, турган гап, Маҳкам аканинг пўлат

сандиғи. Девор бўлса маҳалла идорасининг ҳовлиси билан Қудрат омборхонаси олдида бировнинг этигини кўрган бўм-бўш ҳовлининг ўртасидаги девор».

Содиққа Маҳкам ака ўлдирилган куни суратга тушганларини эслатиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди, ўша кун бўлиб ўтган жамики майда-чуйда нарсалар-гача эсида эди.

Икки киши девор ошишяпти. Унинг миясида ўша заҳотиёқ мустаҳкам далиллар занжири ҳосил бўлди. Шулар ўлдиришган, девордан ошиб тушишган, қулфни бузишган, муҳрни тополмагандан кейин пўлат сандиқни ахлатхонага обориб ташлашган. Ушалар... Олдиниға Содиқ ўшаларнинг ким эканликлари ҳақида ўйламади ҳам.

Ҳозироқ Иса милиционернинг олдига югуриш ва ҳамма гапни айтиб бериш керак. Ҳовлисида нима гаплар бўлаётганини балки билмасаям керак у... Йўқ, милиционернинг олдига бормади у, Тожибековни-ю қўяверинг — ахир улар раисни Содиқни дадаси ўлдириш деб ҳисоблашяпти-ку. Милицияхонага бориш керак.

Содиқ буралиб кетган суратни қўйниға тикиб, милицияхонага югурди. Навбатчилар хонасида икки милиционер чой ичиб ўтиришган экан.

— Нима керак сенга, бола?

— Уқчидаги одам ўлдириш билан шугулланадиган изқуварни сўрамоқчийдим, — деди Содиқ.

— Қосим муаллимнинг иши бўйичами? — деб сўради милиционерлардан бири.

— Йўқ, — деди Содиқ, — Маҳкам аканинг ўлдирилиши бўйича.

— Ўша-да, — деди милиционер, — Қосим муаллимнинг иши-да ўша. Бу ишни терговчи Акбархўжаев олиб борапти. Лекигин у яқиндагина кетди, эртага кел.

Содиқ уйга зингиллади. У онасининг олдида ўзини гунёҳкор ҳис қилаётганди, чунки уйдан бир соатга деб чиқиб кетиб, мана, кечқурун қайтляпти.

Ҳовлида ҳеч ким кўринмади. Содиқ уйга кирди. Онаси кенжа қисини эмизиб, кўзидеги дувва ёш қуйлиб ўтирарди.

— Ойи, — деди Содиқ, — кечиринг мени, бунақа кеч қолмоқчимасдим.

— Вой худойим-эй,— хурсинди онаси,— шундоқ кунда-я, қай гўрларда сангиб юрибсан ўзи!

Содиқ йўлда келаётганидаёқ онасидан ҳозирсқ рухсат сўраб, отасини айтиб келгани Қумқишлоққа жўнашга аҳд қилганди, бироқ энди бу тўғрида гап өчишга ботинолмади.

— Шундоқ кунда-я!— койишини давом эттирди онаси.— Буёққа боя қўшнимиз кирувди, унинг ай-тишича...

Дилбар оғзини кўкракдан олиб, йиғлашга тушди.

«Наҳотки оймлар ҳам эшитган бўлсалар буни!»— даҳшат-ла ўйлади Содиқ.

— Қўшниларникига Иса мелиса билан терговчи кирибди,— яна гапира бошлади онаси,— раисимизни даданг ўлдирган дейишганмиш.

— Ёлғон бу!— деди Содиқ.

— Ҳаммалари шунақа дейишяптиймиш.

— Ёлғон бу!— Содиқ ер депсиб қўйди.— Ҳеч ким-ни ўлдирмаганлар дадам.

— Бўлмасам-чи, у киши ўлдирмаганлар,— деди онаси,— лекин ҳаммалари шу киши ўлдирганмиш дейишяпти. Сал олдинроқ келганингда, дадангларни олдиларига юбормоқчийдим. Энди кеч бўп қолди, ҳадемай қоронғи тушади.

— Бари бир бораман,— деди Содиқ.

Аввалига онаси қарши бўлди, лекин кейин кўнди. Бунақа пайтда бирон дақиқани ҳам бекор кеткизиб бўлмасди-да.

Содиқ апил-тапил тамадди қилиб, йўлга битта нон оливолди-да, тез қош қорайиб бораётган бир паллада бўм-бўш кўчага чиқди. У Қумқишлоққа қайси йўлдан боришни биларди. Бутун бошли янги шаҳарни кесиб ўтиб, отлиқлар билим юртининг ёнидан борилади-да, уёгига... Уёгига сўраб билиб олар.

4

Терговчи Акбархўжаев ҳалол одам эди. Буни у доим ёдида сақлар ва фахрланарди. Ҳамма касофат шунда эдики, бунинг устига у ўз ақлу фаросатига қаттиқ ишонарди. Назарида дастлабки қарори энг тўғри қарордек туюларди. Бундан ташқари, терговчи илк

таассуротга жуда-жуда ишонарди. Қисқаси, Қосим муаллим бир кўришдаёқ ёқмаган, Тожибеков бўлса, аксинча, ёққанди унга. Бунинг сабаби, афтидан, муаллимнинг ўзини сипо тутгани, обрў сақлаб, эътироз билдирганидир, чунки бу нарса терговчига камситиш бўлиб туюлганди. Акбархўжаевнинг наздида муаллим ўзига қарата айтилган гапларни атайин ва қасдма-қасдликка тушунгиси келмаётгандек кўринди. Бухгалтер Тожибеков эса, аксинча, ҳамма гапга оғзидан чиқмасданоқ тушунар, ҳар қандай фикрини илиб кетар ва ҳар қандай гапига қўшиларди. У тўғрисида терговчи яхши, содда одам деган қарорга келди ва шу фикридан келиб чиқиб иш кўрди.

Михаил Сазонов Акбархўжаевга Ўқчидаги шарт-шароитни батафсил ўрганиб чиқишнинг маслаҳат берди. Тўғри, Сазонов бевосита бошлиғи эмасди-ю, лекин Акбархўжаевнинг унинг фикри билан ҳисоблашмай ҳам иложи йўқ эди: ҳар қалай шаҳар жиноят қидирув бўлимининг вакили, яна-тагин оддий вакили эмас, катта вакили. Акбархўжаев бу маслаҳатга амал қилди, бироқ иш осонроқ ва тезроқ битади деб ўзи билганидек бажаришга аҳд этди. У тўппа-тўғри бухгалтер Тожибековнинг ҳовлисига йўл олди, кейин десангиз, қачон боришини олдиндан Иса милиционердан айтиб юборганди.

Улар равонда манти еб ўтиришибди. Учовлон: терговчи, Иса милиционер ва уй эгаси. Терговчининг димоғи чоғ. Негаки у, юқорида айтганимиздек, уй эгасини ёқтирарди, бунинг устига манти ҳам зўр бўпти. Сазоновнинг маслаҳати унга бир қадар расмий туюлганди, шунинг учун ҳам у сўраб-суриштириш, қулоқ солишдан кўра кўпроқ ўзи гапирарди.

— Ўша муаллимни бир кўришдаёқ бутун ичидагисини билиб олдим. Жавоб беришдан бурун ўйлаб олади. Сен унга богдан гапирсанг, у тоғдан келади. Ўша кеча қаердайдингиз, деб сўрасам, миқ этмади. Ростки индамадими, демак, яширяпти. Бизнинг ишимизда энг муҳими — одамни дили-дилидагини кўра билиш. Ўткир кўз, тийрак зеҳн керак. Бировга қараганимда, агар у жиноятчи бўлса, ҳеч қачон кўзимга тик боқолмайди. Тўғри, анави муаллимга ўхшаган сурбетлар ҳам йўқ эмас, албатта. Башарасига қараб турибман-у, у бўлса безрайиб афтигга тикилади, гўё

мен эмас, у терговчидай. Шундан унинг айбдор эканини дарров фаҳмладим.

— Бўлмасам-чи,— деди Иса милиционер.— Сизни тажрибангиз бор-да ахир.

Акбархўжаевнинг тажрибаси эса ҳамин қадар эди — уни яқингинада ўт ўчириш командасидан милицияга ўтказишганди.

— Тажриба — бу асосий масаламас,— жавоб берди у.— Энг асосийси — одамларнинг ич-ичидагисини билиш. Мана масалан, жиноят қидирув бўлимининг вакилини олайлик. Анави, олдиларингга келган рус йигит, Сазонов-чи. Ушанинг тажрибаси меникидан кўра чандон ортиқроқ бўлсаям, охири пайтгача муаллимни айбдор эмас деб келди. Менга қараб, тўғридан-тўғри шундоқ деди ҳам. Бевосита далил-исботлар йўқ, дейди. Бошқармага имзасиз хат келибди, у бўлса бунгаям эътибор қилмади. Аксинча, дейди, гарчи имзасиз хат келибдими, демак, қотил у эмас. Боши қандоқ ишлаётганига ҳам ҳайронсан!

Тожибеков имкони борича камроқ гапиришга тирришарди. Эзмалиги тутиб кетган терговчининг ҳар битта сўзига жон қулоғини тутиб, сергаклана борарди у. Демак, ҳаммаси унчалик силлиқ кетмаётган экан-да, ўйларди у. Демак, милицияда у шунчалик усталик билан, пухта қилиб режалаган найрангга ишонмаётганлар ҳам бор экан-да. Тожибеков яна шунинг учун ҳам асабларини ниҳоятда таранг сезаётгандики, бунинг сабаби — унинг орқасида, уйнинг деразаси тагида Кўр Султон ётганди. Тожибеков равонда бўлаётган ҳар битта сўзни Кўр Султон ҳозир бор вужуди билан тинглаётганини биларди, Кўр Султоннинг қўлида эса тўппонча ҳам бор...

— Айтмоқчи, бир нарсани сўрашни унутибман,— сўзини давом эттирди Акбархўжаев — Анави Сазонов, ҳалиги, бу ерга келган бор-ку, ўша маҳаллаларингга четдан тўрт бегона киши келган-келмагани билан қизиқяпти. Биттасининг кўзига оқ тушган эмиш. Лақаби Кўр Султон экан. Бу босқинчилар тўдаси Самарқанддан қочиб кетибди.

Башарти терговчи ўзини пича зийракроқ тутиб, ўзининг фаросатлилигига сал камроқ ишонганида ва атрофида нималар содир бўлаётганини кўпроқ кузатганида борми, у шу сўзлар оғзидан чиққанида Иса

милиционернинг ранги қув ўчгани, овқат кавшашдан тўхтаганини кайқаган, уй соҳибининг милиционерга кўз қирини ташлаб қўйганини сезган бўларди. Эҳтимол буларнинг бари унда қандайдир муайян фикр туғдирмасди-ю, аммо албатта ҳушёр тортириши тайин эди.

— Мана сен — тажриба дейсан,— деди Акбар-хўжаев Исага.— Мундоқ каллани ишлатиш керак. Агар Кўр Султон ҳаммавақт Самарқанд теварагида, Хўжаанд атрофларида ўралашиб юрган, баъзан Фарғонага бориб турган бўлса, Тошкентда нима қилади у! Ҳамма танишлари ўша ёқларда-ку.

— Олинг, тортинмай олаверинг,— қистарди Тожибеков, ичида эса: «Қандай хатарли ишга тортибди-я мени бу Кўр Султон! Бахтимизга, мана шунақанги бефаросат терговчи тушиб қолганини қаранг-а. Бунинг ўрнида жиндаккина ақллироғи бўлганида-чи? Агар жиноятчи таъқибдан қочиб юрган, агар пайт пойлаётган, ниманидир ўтиб кетишини кутаётган бўлса, ўзини одамлар яхши танийдиган жойда эмас, танимайдиган жойда яширингани яхшироқ эканини ҳар қандай одам ҳам тушунади-ку. Ё олло, қанчалар бефаҳм-а!»

— Гап бундоқ,— гапини давом эттирди терговчи,— анави муаллим босқинчилар билан алоқа боғлаган ва ўшалар учун муҳр қўйиладиган пўлат сандиқни ўғирлаган, деган гумон бор. Ҳозир уларнинг ҳаммаси бирон ёққа кетишган, балки хорижга қочишгандир... Дарвоқе, агар анави вакил бўлмаганида муаллимни қибсга олган бўлардим-а. Ўзимга қолса бу ишни дарров очиб ташлардим аллақачон. Энди-чи... қаердан ҳам қидирасан уларни! Айтмоқчи, Сазонов босмачиларни ҳанузгача шу ерда деб ўйлапти, шунинг учун назорат ўрнатиш, кузатиш керак, дейди. Мен бўлсам, албатта, бунга ишонмайман-ку, лекин сен, Иса, ҳар ҳолда уёқ-буёққа кўз ташлаб юр. Мабодо чўтирроқ ва кўзига оқ тушган одамни кўрсанг шаппа ушлаб, милицияхонага олиб бор. Агар қаршилиқ кўрсатадиган бўлса, от. Тушундингми?

— Тушундим,— жавоб берди Иса овози хириллаб.— Албатта, албатта...

Мабодо шу пайтгача кўрмаганмидинг бунақа одамни?— сўради терговчи.

— Йўқ, кўрмадим, албатта, кўрмадим,— деди

Иса Акбархўжаевнинг кўзига тик боқишга ҳаракат қилиб.

— Сиз ҳам ҳушёрроқ бўлинг,— деди Акбархўжаев бухгалтерга.— Маҳалла комиссияси — бизнинг таянчимиз, жамоатчиликнинг тутган ўрни катта. Эҳтимол анави Сазоков ҳақдир, негаки улар Тошкентда бўлишлари мумкинлигига тааллуқли унча-мунча маълумотлар бор. Баъзи районларни текшириб-тинтиб чиқишимизга тўғри келади. Масалан, Чимён тоғлари, Оҳангарон томонларни. Кейин, айниқса, муаллимнинг уйини кузатинг. Ҳар қалай, ўшанинг ўлдирганига имоним комил. Сени-чи? — бу савол Исага қаратилган эди.

— Мени ҳам,— деди Иса.

— Сизни-чи, Ўктамбек Тожибекович?

— Биласизми, ишонгинг келмайди,— жавоб қилди у,— шунчаки, ишониш қийин. Илло ҳамма далил-исботлар ўшанга бориб тақалаяпти... Бунга қаттиқ ишонтиришга журъат этолмайман-ку, лекин, назаримда, муаллимни қандайдир икки нотаниш одам билан кўргандай бўлгандим. Менимча, Тошкентдан эмасди улар.

— Биттаси чўтирроқ, кўзида оқи бормиди?

— Қўқайдам,— жавоб берди Тожибеков бир сз иккиланишдан сўнг,— афтларини кўрмадим. Улар кетишадиганда орқаларидан кўргандим, холос.

— Афсус,— деди терговчи.— Эҳтимол улар ростдан ҳам Тошкентдадир ҳар қалай.

У яна бирпас ўтирди, икки пиёла чой ичди-да, уйига жўнади.

Тожибеков уни вазминлик билан кўча эшиккача кузатиб борди, қайтишда эса пилдираганича келди-ю, ичкари уйга кириб кетди. Равонда бир ўзи ўтирган Иса милиционерга қиё ҳам боқмади.

Тожибековнинг ҳовлиси Тошкентдаги аксар ҳовлилар сингари ички-ташқи қисмлардан иборат эди. Тожибеков алоҳида, уйдагилар безовта қилишини ёқтирмагани сабабли меҳмонхонада туришни маъқул кўрарди. Уникига ҳатто уйдагиларнинг ҳам кўришларини истамайдиган меҳмонлар келиб туришарди тез-тез. Кўр Султон жойлашиб олганидан берига эса ҳатто ўғли билан хотини ҳам унинг ижозатисиз меҳмонхонага киришолмасди.

Кўр Султон қалин гилам тўшалган хонада тўп-пончасининг айланма ўқдоҳини шиқиллатиб ўтирарди.

— Ҳаммасини эшитгандпрсиз деб ўйлайман,— дея гап бошлади Тожибеков,— ва шароит қандай мушкуллигини тушуниб олган бўлсангиз керак. Тезроқ кетишингиз зарур деб бекор жаврамагандим.

— Муҳтарам мезбон,— жавоб қилди Кўр Султон,— сиз ўзингизни шундай тутяпсизки, келган биринчи кунимданоқ сизнинг мўмин мусулмонлигингизга шак келтиришга ҳам тайёр бўлиб қолгандим. Биринчи кунданоқ меҳмонлар келганидан хурсанд эмаслигингизни пайқагандим. Мусулмончиликдан озганингизга олло ҳузурида, тентаклигингиз учун — болаларингиз ва неварачевараларингиз олдида жавоб берасиз, ёмон дўст эканингиз учун эса ақалли менинг олдимда ҳам жавоб берасиз.

Тожибеков Кўр Султоннинг ўзига қиладиган муомаласига кўпдан нўникиб қолган эди. Нима ҳам дерди, зўр зўрлигини қилади-да. Одам ўлдириш Кўр Султон учун пиёладаги чойни ҳўплашдай бир гап. Гарчи шу кунгача икковлон биргаликда икки марта қон тўккан ва бу икки қотилликнинг хуни ҳар икковларининг зиммасида бўлса-да, ҳар иккала ҳолда ҳам Кўр Султон ўлдирган. Шунга қарамай, ҳар қалай катта йўлларда талончилик ҳамда одам ўлдириш билан машғул бўлган бу босмачи энг сўнгги пайтгача Тожибековдай оддий бир бухгалтер учун фойдали шерик — ҳамтовёқ эди. Кооперация бухгалтерининг қўлига кирадиган қимматбаҳо буюмларни олтинга айлантиришда ҳеч ким Кўр Султоннинг олдида тушолмасди. Бухгалтер эса олтинни жонидан ортиқ кўрар, фақат ўшангагина умид боғлар, ўшанга ишонарди. Олтин алдаб қўймайди одамни.

Тожибековнинг, Кўр Султонда ҳам бу сариқ маъдандан озмунча бўлмаса керак, деган гумони бор эди, умуман олганда, у ҳақ эди бу бобда. Лекин бир нарсани: йўлтўсарнинг асосий бойлиги олтин эмас эканини на Тожибеков, на Кўр Султоннинг энг яқин кишилари, на, эҳтимолки, ҳатто индамас Барот биларди. Унинг асосий бойлиги белидаги чоғроққина тери ҳамёнда эди. Унда қимматбаҳо тошлар — бир нечта йирик гавҳар, зумрад, ёқут ва қирқ донача олмос бор эди. Кўр

Султон худди ана шу ҳамёнини олиб хорижга жўнамоқчи эди. У Эронга ўтиш, қолган уч босмачини шахсий қўриқчиси — маҳрами сифатидагина олиб кетиш ниятида эди. У таваккал қилмай, иложи борича бехатарроқ: ишончли ҳужжат билан Туркменистонга етиб олиш, у ердан эса бирорта контрабандачи тўдага қўшилиб, тўғри чегарани бузиб ўтишни дилига туғиб қўйганди. Ёнига оливолган уч шериги ана шунда иш бериши мумкин.

Терговчининг маҳмадоналиги уччига чиққан босқинчини ҳазилакам ташвишга солмаган ва у бу хавотирини Тсжибековдан яшира олмаётгани газабини қўзитаётган эди. Кўр Султон умрида бировга ишонган эмас, бухгалтерга бўлса ишончи жудаям кам эди. Мана ҳозир ҳам...

— Гапимга тушунинг,— дерди Тожибеков,— мен фақат ўзимниямас, сизнинг ҳам ғамингизни еяпман-ку, ахир. Ўзингиз кўриб турибсиз, теварақда ўтлаб юришибди улар.

— Гапни сизнинг калтабинлигингиздан бошлайлик,— унинг сўзини бўлди Кўр Султон.— Муаллимни бу ишга аралаштиришнинг нима ҳожати бориёди? Унинг қочиб кетганини аниқ биласизми ўзингиз? Эртага тўсатдан кириб қолса-чи у? Балки бугун, шу топда қайтиб келиб бўлгандир.

— Йўқ,— деди Тожибеков,— биламан, у беш кундан кейин қайтади уйига. Келинингиз унинг хотинидан билиб чиқди.

— Борди-ю эртага қайтиб қолса-чи?

— Бари бир ҳеч нарсадан хабари йўқ-ку унинг,— ишонтирмоқчи бўларди Тожибеков.— Иннайкейин, ҳеч ким унинг гапига ишонмайди ҳам.

— Асосийси эмас бу,— деди Кўр Султон.— Тили узунлик қилиб, уни икки киши билан кўрдим деб ёлғон сўзлашнинг нима кераги бориёди? Ким бўлди ўша икки киши? Камина билан Баротми?

— Йўғ-э, нималар деяпсиз!— додираб қолди Тожибеков.— Буни мутлақо хаёлга келтирганим йўғ-а. Муаллимдан гумони ошсин деб шунчаки айтдим-қўйдим-да.

— Кимдан гумонсирамасин, у энди маҳаллангизни, кўчангизни кузатади. У анависига, бошқасига айтади, сўнгра текширишни балки худди шу ердан бош-

мени нобуд қилиб ўз ўғлингизни етим қолдиришга уриниб ётибсиз бутун.

Ярим соат бурун Кўр Султон равондаги гапларни қандай эшитган бўлса, ҳозир Иса милиционер Кўр Султон билан Тожибековнинг оғзидан чиқаётган гапларни худди ўшандай, нафасини ичга ютганча тинглаётган эди. Иса бу тўдага шерик бўлиб қолгани, қотиллик содир бўлганини била туриб, ҳақиқий қотилларни ўз ҳовлисида яшириб келаётганидан берига ҳеч қандай ҳимояга умид боғлаёлмаслигини тушунар, бирорта суд ўзини оқламаслигини биларди. У бўлса ёш, ҳали ақалли уйланмаган ҳам. Бироқ қўрқинчлиси бошқа ёқда: босқинчиларнинг ўч олиши бундан кўра даҳшатлироқ эди. У разонда қимир этмай ўтираркан, Тожибековнинг лақиллатишларига учиб Тошкентда милиционерлик қилгани қишлоқни ташлаб чиққан кунга, ўша машъум соатга лаънатлар ўқирди. Ўшанда Тожибеков уни кўндиришга қандай уринган ва яйраб ҳазил-ҳузул қилганди: «Чиройли форма кийиб юрасан, оёғингда хром этик. Қўлингга ҳеч қачон тўппончадан оғир юк ушламайсан. Наҳотки кетмонни тўппончага алмаштиришни хоҳламасанг? Сенга ер ажратиб берамиз, уй солишингга қарашиб юборамиз». Ўша кун ва соатга Иса қанчалар лаънат ўқирди шу топда!

Ичкарида эса суҳбат ҳамон давом этарди.

— Мендан жаҳлингиз чиқса ҳам майли,— деяётганди Тожибеков,— майли, мени меҳмон ёқтирмайдиган мезбон деб ҳисобланг, лекин, менимча, кетганингиз маъқул.

— Ҳозироқми?— сўради Кўр Султон.

— Йўқ, албатта, ҳозир эмас, ҳали вақтингиз бор, локигин, умуман олганда, қанча тезроқ бўлса, шунча яхшироқ.

— Айни топда бунинг имкони ҳам, иложи ҳам йўқ,— деди Кўр Султон.— Тилингиз узунлигига қарамай, ҳозирча сизнинг уйингиздан кўра ишончлироқ жой йўқ мен учун. Тоққа жўнаш ҳам, ўзингиз эшитганингиздек, хатарли. Сўнг, бундан ташқари, Барот мени кутмай — агар ҳужжат топсам орқама-орқа йўлга тушарман балки, дегандим унга — буёққа қараб йўлга тушган бўлиши керак, шу ерга келади у. Эртага эрталаб ёхуд кечқурун кириб келади. Арава билан

болани ташлаб, отлиқ йўлга чиқса, бу ергача бир кунлик йўл.

— Мабодо йўлда ушлаб олишса-чи уни? — сўради Тожибеков эҳтиётсизлик қилиб.

— Сиз бу тўғрида гам чекапсизми? — сўради Кўр Султон лаби-лунжи осилиб. — Бу борада ташвиш тортмай қўя қолинг. Мабодо Баротни қўлга туширишган тақдирда ҳам ундан ақалли бирон огиз гапни суғуриб олишолмайди бари бир. Сиз ўзингиз унинг бир огиз гапирганини эшитганмисиз?

— Асло, — деди Тожибеков, — гунгга ўхшайди. Локигин у, ҳар қалай, соқовмас-ку ахир.

— Ҳа, албатта, — деди Кўр Султон, — илгарилари Барот гапира оларди. Илло мен тилини кесиб ташлаганимдан бери у гапиролмайдиган бўлиб қолган.

Тожибеков даҳшат ва ҳайрат ичра данг қотиб қолди.

— Ҳайрон бўлманг. Барот қайтсин, огзини очишни буюраман, ўшанда тилидан нима қолганини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

— Шундан кейин ҳам хизматингизни адо этиб юрибдими?

— Бўлмасам-чи, — илжайди Кўр Султон, — менга суйганларидан хизмат қилмайдилар. Аминманки, бошини танасидан жудо қилмаганим учун миннатдор у мендан. Беш йил бурун сизнинг ўғлингиз тенги бир болакайга қайси қишлоқда дам олишимизни валдираб қўйибди. Ўшанда базўр қутулиб қолдик. Сўнгра Хўжандда қилган жамики қилмишлари учун бу дунёда уни афв эта оладиган биттаю битта одам мен эканимни Барот яхши билади. Ўн бир кишининг осилиши тўғрисида ўқиганмисиз? Газеталар бу ҳақда жуда кўп ёзишган.

— Баротмиди ўша? — ваҳима ичра сўради Тожибеков. У гап нима ҳақда бораётганини дарҳол фаҳмлаганди. Хўжанд яқинидаги бир қишлоқни босмачилар босиб, камбағаллар комитети раисининг бутун оиласини — бободан тортиб невараларгача осилган эди. — Ҳаммаларини шу Барот осганми?

— Ҳа. Биз ҳаммамиз қурол ўқталиб турганмиз, у (ўлса мен нимани буюрсам, барини бажарган. — Кўр Султон тўсатдан кулиб юборди: — Сизни эса, муҳтарам мезбон, тилингни кесмайман, негаки сиз савод-

хон одамсиз, барини қоғозга ёзиб беришингиз мумкин...

Тожибеков тун бўйи мижжа қоқмади. Гоҳ-гоҳ Иса милиционернинг омборхонасига қараган дераза олдида борарди-да, босқинчининг қандай хотиржам хуррак отаётганига қулоқ соларди. Бу осойишта ва бир маромдаги хуррак бухгалтернинг жонини ҳалқумига келтирарди. Ҳали шунақанги ишларга араллашиб қелибди-да! Шунини истаганмиди у? Наҳотки Кўр Султоннинг қилмишлари учун у жавоб бериши керак бўлса?

Иса милиционер равонда ётар — бу унинг доимий тунайдиған жойи эди. У ҳам туни билан кўз юммади.

Ўша кеча Тожибековнинг ҳовлисида сал нарироқдаги наставкана кулбада яна бир кимса ухламай чиқди. Бу Саидмурод эди. Мана уч кундирки у Тожибековникига доримайди, чунки Саидмурод бўлак одамга айтолмайдиган гапни айтганида Тожибеков уни масхара қилиб кулганди.

Бозордаги билимдон одамлар унга, қутуришга қарши эмлаш ҳамиша ҳам эм бўлавермайди, дейишди. Гарчи врач Саидмуродни бунинг тескарисига ишонтирган бўлса-да, бу бахти қаро бари бир ухлолмади. Балки ростдан ҳам эм бўлар, лекин, ҳалиги... ҳамиша ундай бўлавермаса-чи? Бугун Саидмурод яна бир вақтлар темирчи Саттор турган ҳовлига ошиб тушди, бироқ энди у ерда ит йўқ эди. Саидмурод у ерга милтиқ кўтариб борганди, кучук болани стиб, эмлаш пунктига олиб бормоқчи эди. Унга, итнинг қутурган-қутурмаганини миясини текшириб билса бўлади, дейишганди. Саидмурод вақти-вақти билан туриб, пиёлага яхна чойдан қуйиб ичиб кўрарди. Ичгиси келмас, лекин ичганда касаллик белгиси ҳам сезилмасди.

5

Кўкда баркашдай тўлин ой сузмоқда. Саф тортган теракларнинг сояси узала тушганидан йўл худди нарвонга ўхшаб кетарди.

Содиқ йўлнинг қоқ ўртасидан кетяпти, оёқлари нақ тўпигигача ҳали кундузги ҳароратини йўқотмаган тупроққа ботиб боряпти. Унн томонда, тоғ тарафда осмон қорароқ, бироқ вақти-вақти билан нотабиий да-

ражада ёришиб, ваҳимали тусга кирарди. Тоғда момақалди роқ гулдурарпти.

Хуфтон пайти ёмғир бошланди. Ун дақиқача сийрак, аммо йирик-йирик томчилаб турди-да, кейин бамисоли челақлаб қуя кетди. Айни шу пайтда даранинг қаршидаги ёнбағрига чақин гўё йўғон найзасини санчди-ю, шунақанги гулдурак янградик, худди тоғ ёрилиб, чок-чокидан сўкилиб кетгандай бўлди. Ёмғир кучайгандан-кучайди. Яна-тагин, ёмғир бундан ҳам қаттиқроқ ёғишини тасаввур қилиш маҳол бўлса-да, ҳар чақмоқ чаққани сайин тобора зўрлаб бораверди.

Уч босқинчи билан қозоқ чол, ўтовнинг эгаси, на-матда ўтиришибди. Қудрат ўтовга кираверишда ётибди. Унинг оёқ-қўллари бойлоғлиқ. Оёқ-қўллари бойлоқ ётиш жуда ноқулай эди. Ётар олдидагини боғлашганди уни, негаки ўтовнинг эгаси, бола менга керак, рўзгор юмушларига қарашиб туради, деган эди муттаҳамларга.

— Яқинимизда, кўз ўнгимизда бўлса ҳеч қаёққа қочиб кетолмайди. Мени бўлса бел огригим тутиб қолди. Ёмғир ёғадиганга ўхшайди.

Кундузи қочиб кетишнинг сира иложи йўқ эди, шунинг учун босқинчилар рози бўлишди. Кечасига Қудратнинг қўл-сёғини боғлашди, шундай қилиб у ўтовнинг ёнгинасида ётишга мажбур бўлди.

Ёмғир томчилаб бошлагани ҳаманоқ чол Қудратни ўтов ичкарасига сургаб кирди. Босмачилардан ҳеч қайсиси эътироз билдирмади. Мезбон билан айтишиб қолишни хоҳлашмасди улар. Чол индамас эди ва сиртдан қараганда аввалига меҳмондўстлик таомили бўйича уйига киритган, кейин эса арзимаган ҳақ эвазига овқат бериб туришга рози бўлган одамларига мутлақо қизиқмаётганга ўхшарди. Ўтовнинг эгаси меҳмонлари қанақанги одамлар эканини олдинига фаҳмламади, фаҳмлагач эса феъли-авзойини заррача ўзгартмади. Нимаям келарди унинг қўлидан? Сал шубҳага боришса ўлдириб қўя қолишлари ҳеч гапмас. Тўғри, шубҳали одамлар пайдо бўлганини энг яқин ердаги милицияга хабар қилиши керагиди, лекин у ерга етиб боришнинг ўзи учун ҳам бир кун йўл босиш керак.

Ёмгир эса кучайгандан-кучайиб борарди. Бирпасда шалаббо бўлган ўтов намати атрофидан айланиб ўтаётган ёмгир сувлари шитоб-ла дара ёнбагридан пастга оқарди. Момақалди роқнинг ҳар гумбурлаши орасида ёмгирнинг шарросига дара тубида тўлиб-тошиб оқаётган дарёнинг шовуллаши жўр бўлаётгани эшитилиб турарди.

Босқинчилардан бири овозини баралла қўйиб дуо ўқир, бошқалари жимгина ўтиришарди.

— Пастда, текисликда бунақанги ёмгир бўлмайди,— деди чол.— Текисликда ёмгир узоқ ёгади, бизда бор бисоти ни бирпасда қўйиб тугатади. Қимиз ичасизларми? Озгина қолганди яна.— Шундай дея у мешдан косага қимиз қўйиб, муттаҳамларга узатди. Барот кераги йўқ дея имо қилди. Чол Қудратнинг ёнига келиб, унинг ўтиришига ёрдамлашиб юборди-да, ўз ўли билан қимиз ичирди.

— Демак, ҳужжатсиз мумкин эмас, дедими у сенга?— сўради новча босмачи.

Барот бош ирғади.

— У бунда думалоқ муҳр топишим биланоқ йўлга чиқаман деб ёзибди. У бугун келиши керакмиди, шундайми?

Барот яна бош ирғади.

— Нимага келмади бўлмаса?

Барот илжайиб, елкасини учириб қўйди. Унга бунақанги саволларни бериш ноўрин эди. Ахир ўзи ҳам буни билмас, хаёлига келган гапни эса бу икки шеригига гапириб беролмасди-да бари бир.

— Агар эртагаям келмаса,— деди новча босмачи,— ҳаммамиз Тошкентга жўнаймиз.

Барот йўқ деган маънода бошини сарак-сарак қилиб, қўли билан кўксига уриб, битта бармоғини кўрсатди.

Қудратни эндиликда ўзини буёққа олиб келган одамнинг индамаслиги ҳайратга солмай қўйди. У соқов — оппа-очиқ кўриниб турибди бу.

Пакана босмачи дуо ўқишини бас қилди.

— Бу ерда қўлимизни бурнимизга тиқиб ўтираверамизми? Хўжайиннинг гапига қараганда тоғлардаям баъзан қўриқчилар бўлиб тураркан. Келиб қолишса нима деймиз?

Барот имо-ишора билан: тилларинг бор, бир нарса дерсанлар, деган бўлди.

— Сотқинсан сен!— деди новча босмачи Баротга.— Унга бир итдай хизмат қиласан.

Барот мамнун илжайди ва маъқул ишорасини қилди.

— Шуни билиб қўй,— сўзини давом эттирди унинг,— бизни ташлаб ҳеч қаёққа кетмайсан. Агар Кўр Султонга биз керак бўлсак, унда ўзи келади бу ерга. Ёки ҳаммамиз борамиз олдига. Башарти ўша Тожибексов икки кишини яширишни уддасидан чиққан экан, тўрт кишини яшириш ҳам қўлидан келади.

— У бизни лақиллатяпти,— деди паканаси.— Битта муҳр, аллақанақанги қоғозларни деб шунча кунни кетказарканми.

Барот тагин елкасини учириб қўйди. Унинг афтида гапираётган шеригига нисбатан нописандликми ёки нафратланиш ифодасими акс этиб турарди. Қўрбошининг нимани ўйлаганини қаёқдан биларди булар! Усиз булар нима деган одам ўзлари! Чегара экинидаги жойларга бежавотир етиб олиш учун ўша хужжатлар кераклигини у билиб турибди.

Буёғи қизиқ бўлди-ку! Қудрат бу гапга қулоқ соларкан, сезиниб бораётганини пайқади. Агар муҳр бу ўғриларнинг қўлига тушганида, агар уни топганлари ва дарҳол Тошкентдан чиқиб кетганларида, унинг ўзи қачон ўлишини билмай, бу ўтовда боғлоглиқ ётмаган бўларди ҳозир. Шунга қарамай Қудрат, ҳар ҳолда, сезинаётганди. Шу кунлар орасида у бир неча марта муҳрнинг қаердалигини ўғриларга айтиб, унинг эвазига озодликка чиқишини ўйлаб ҳам кўрди-ю, бироқ ҳар гал бу йўл билан Маҳкам аканинг қотилларини қутқариб қолишини, лоақал уларнинг қутулиб кетишларига ёрдам беришини фаҳмлаб, ушбу фикрдан қайтди. Бу хоинлик бўларди.

Ҳозир эса хаёлига шундай бир фикр келдики, у жуда суюниб кетди.

Қудрат маҳалла комиссияси раисининг ўлимига ўзи айбдор эмас эканини тушунди. Албатта, уямасда! Маҳкам аканинг ўзлари ҳам ҳеч қачон бермаган бўларди муҳрни. Борди-ю у киши қўрққанларидан махфий жойни айтиб берган, муҳрни тополмаган бўлсалар, унда ўғриларга ақалли пўлат сандиқнинг

калитини олиб берган бўлардилар, лекин пўлат сап-
диқнинг калити жойида турибди-ку ахир.

Йўқ, маҳалла комиссияси раисининг ўлимига э.
Қудрат айбдор эмас. У айбдор бўлмагани қандай сев-
а! Бунга шу топдагина бутунлай ишонч қосиб қилар-
кан, Қудрат шундай енгил тортдики, энди ўлимдан
ҳам унчалик қўрқмай қўйди. Ана шу ўй-фикрлар
қаторида доимо яна битта фикр: «Сира-сира, Сирпас-
гагина бўлса ҳам, иккинчи бунақанги ишни қилмай-
ман. Аллақандай справкани деб, қандайдир бутсини
деб...» деган фикр дилидан жилмади.

Ёмғирнинг шовуллаши пасая бошлади. Энделик-
да уни дара тубидаги дарёнинг ўкириги босиб кета
бошлади.

— Ҳар қалай, бари бир сотқинсан сен,— деди
новча босмачи Баротга.— Агар Кўр Султон менинг
тилимни кесиб ташлаганида борми, мен унинг боши-
ни итларга ташлаган бўлардим!

Барот иккиланиб бош чайқаб қўйиб, астагина
кулди.

Бу сўзлар ва бу кулгидан Қудратни ваҳм босди.

— Айтмабмидим, тоғда ёмғир узоқ ўтмайди
деб,— гўё бўлиб ўтган суҳбатни мутлақо эшитмаган-
дай деди чол.— Энди ётиб ухласа ҳам бўлади.—
Қудратга юзланиб қўшиб қўйди:— Тоғда ўтовни
шундоқ қураманки, ҳар қанақанги сел ҳам уни ай-
ланиб ўтиб кетаверади. Иннайкейин, атрофига яхши-
лаб тупроқ бостиришда ҳам ҳикмат катта. Фақат
наматнинг мазаси қочиб қолди-да, дарров чакка ўтиб
кетади.

Еттинчи кун

1

Ёмғирдан сўнгги эрта салқин ва ҳаво очиқ бўлди.
Яшил ёнбағирлар ва қорли чўққилар беғубор кўк
қўйнида, чарақлаган қуёш нурлари остида ярақлаб,
гул-гул яшнаб турарди.

Ўтов эгаси Қудратни уйғотган паллада босмачи-
лар ҳали ухлаб ётишган эди. У ҳатто болани махсус

уйготгани ҳам йўқ, шунчаки оёқларини, кейин қўлини ечди.

— Юр, ўғлим, сувга. Ростдан ҳам меним белим оғриб қолди.

Қудрат дарров уйғонди ва ўша заҳотиёқ қаерда экани ёдига тушди. Дарё бўйига тушиш ва гарчи бир нафасгагина бўлса-да ўзини сзод-эркин ҳис этиш имкони туғилганидан қувониб кетди.

— Йўқ,— деди чол,— уёққамас. Сувга олисга, Ўн икки чашмага — ҳув анави ёққа, дарахтзор томонга борамиз. Ёмғирдан кейин дарёнинг суви бўтана бўлади.

Чолнинг атиги биттагина челағи бор бўлиб, Қудрат бутун дара бўйлаб қоровул кузатувида бориб, яна унинг кузатувида қайтиши лозим экан-да.

— Жудаям йўрғалама бунақанги,— деди чол.

Қудратнинг шошадиган жойи йўқ эди, шунчаки оёқлари ўз-ўзидан йўрғалаб кетаётганди, негаки дили энгил тортиб қолганди бу кеча.

— Худди Тошкентга жўнаб кетаётганга ўхшайсан-а. Тошкент бўлса бутунлай бошқа томонда-ку, болам.

Бу гап болани одимини секинлатишга мажбур этди. Ахир, ростдан ҳам уйига кетаётгани йўқ-ку. Босмачиларга сув олиб қайтиши, уззукун уларнинг кўзи олдида бўлиши ва мени нима қилишаркин деб кунбўйи кутиши керак. Борди-ю бугун уни ҳеч нима қилишмаган, борди-ю кечгача тирик қолгани чоғда ҳам, бари бир оқшом оёқ-қўлини боғлашади яна. Бу ҳол қачон тугайди, буниси номаълум.

— Ҳув анави ёнбағирдаги оқ уйчани кўряпсанми?— деди чол.— Икки туп ёнғоқ, ёввойи олмалар билан уйчани кўряпсанми?

— Кўряпман,— деди Қудрат.

— Яқинга ўхшайдими у?— сўради чол.

— Ҳа, яқинга ўхшайди,— жавоб берди Қудрат.

— Шунақа яқинга ўхшаб кўринади-ю, аслида у ерга етиб олиш учун уч соатча юриш керак, сабаби, тўғри йўл йўқ уёққа. Ўша уйда бир одам туради, ўғли милиционер, баъзан отасини зиёрат қилгани келади. Яхши одамлар.

«Чол нимага бунақа деяпти? Наҳотки жўрттага айтаётган бўлса?»— ўйлади Қудрат ва чолга қараб

қўйди. Чол бўлса бепарволик билан сўзини давом эттираверди:

— Ўн икки чашмага етиб борайлик, ўша ерда сенга йўлни кўрсатиб қўяман, тагин кечаси адашиб юрмагин. Ҳозир кетсанг бўлмайди, анавилар пайқаб қолишади. Унда мениям ўлдиришади. Ундан кейин милиционер ҳам келганми ё келмаганми, буёғи ҳам номаълум ҳали. Тўғри, бугун ёки эртага келиши керак у.

Чол гўё Қудрат билан унинг қочишини олдиндан келишиб олгандай ва умуман худди ота-болалардай бир оҳангда сўзларди.

— Тошкентга бориладиган яқин йўл ҳозир узилиб қолган бўлишиям мумкин. Буёққа осма кўприкдан келганмидинглар?

Қудрат бош ирғади.

— Ана, кечаги ёмғирдан кейин ўша кўприкдан ном-нишон қолмаган бўлишиям мумкин.

— Раҳмат,— деди Қудрат,— яшанг ота.

Улар кўм-кўк, ҳар жой-ҳар жойда чагир кулранг харсанглар худди ухлаётган жониворларнинг сағрисидай дўмпайиб ётган ҳўл майсазордан юриб боришарди. Пастак-пастак чайир дарахтлар оралиғида ер остидан шишадай тиниқ, зилол сув биқирлаб қайнаб чиқиб ётарди.

— Мана шу Ўн икки чашма бўлади,— деди чол.— Ўзи аслида ўн иккита эмас-у, лекин нимагадир Ўн икки чашма деб аташган, кейин шундай бўлиб қолаверган... Кечаси бу ерни топиб кела оласанми? Бугун тўлин ой чиқади. Энди қара: бу ердан чапроққа юриб, дарё ёқасига тушасан. Ҳозир ёмғирдан кейин шунақанги тўлиб-тошиб оқяпти, кечқурунга бориб жудаям саёзлашиб қолади. Нариги бетига кечиб ўтасан. Кўряпсанми? Агар кечгача омон бўлсак,— деди чол,— бугун ўтовда ётмайсан.

Қудрат ҳовучлаб-ҳовучлаб сув олиб, юзини ювди, кейин мириқиб ичди, ундан кейин челақни ботирдида, орқага қайтишди.

— Огирлик қилмаяптими?— сўради чол.— Чарчасанг, айтгин. Мени бўлса ростдан ҳам белим сирқираб турибди.

— Йўг-э!— деди Қудрат. — Тошкентдалигимда икки пақирлаб сут-қатиқ кўтарардим, бу нима бўпти.

Ҳосим муаллимни келган куни кечқуруноқ мактаб боғи қизиқтириб қўйганди. Қумқишлоқдаги ҳамма нарса: ўзини Собирхўжа отанинг невараси қандай кутиб олгани ҳам, чеваралари — қора кўз тўрт болакай ҳам жуда ёқди, бироқ ҳаммасидан кўра мактаб, ҳатто хусусан мактабнинг ўзи эмас, балки мактаб боғи кўпроқ ёқди. «Қани энди шаҳардаги ҳамма мактабнинг ҳам шунақанги боғи бўлса!» — хаёлидан кечирди у.

— Йигирма бир туп олма, тўрт туп ўрик, саккиз туп нок ва ўн бир туп олхўри, кейин тоқ ҳам бор, — ҳикоя қиларди Олимжон. — Тошкентлик Усмонбойларинг бор-ку, илгари бу боғ ўшаники бўлган, ҳозир уни болаларга беришган.

Мактабда директор ҳам, илмий бўлим мудирин ҳам, ўқитувчи ҳам, қоровул ҳам Олимжоннинг ўзи экан. Мабодо бир нима ёхуд бирон жойни тузатиш эҳтиёжи тугилиб қолса, қишлоқнинг жамики аҳли ёрдамлашар, майда-чуйда хўжалик юмушларини бўлса ўқувчиларнинг ўзлари бажаришар экан.

— Эрта саҳарда, — деди Олимжон, — боғни суғориб олишимизга сув беришади. Шунинг учун барвақтроқ туришим керак.

— Келинг, биргалашиб борамиз, — таклиф қилди Содиқнинг дадаси. — Боғни суғоришдан кўра гаштлироқ иш борми...

Мана ҳозир у шими почасини тиззасигача ҳимариб олган, оёқяланг, қўлида кетмон, қўлбола тўгончадан қуриб-ёрилиб кетган ариқча аста бурилаётган лойқа сувга тикилиб турибди. Ана, сув ёнгинасига келиб қолди, мана, товонларини музлатяпти, тўпигигача кўтарилиб, торгина ариқчадан мактаб боғига оқиб кира бошлади.

Қуриб, ташна бўлиб ётган ер оёқлари тагида ўша заҳотиёқ сирғанчиқ лойга айланди. Қимирлагани сайин лой оёғига ёпишиб, оёқ панжалари орасидан билқиллаб чиқарди. Ҳосим муаллим, кетмон билан ариқ марзасини қириб, қулоққа бостираркан, сув худди болалик чоғларидагидек ҳузур бахш этаётганини туйди. Эҳтимолки сув билан ўт каби икки қарама-қарши табиат ҳосиласи ўзининг абадийлиги билан

кишиларни бекорга ўзига жазб этмаган. Эҳтимолки, одамлар оқиб турган сув ёки ёниб турган оловга бекорга узоқ тикилмаслар.

Офтоб чиқди. Боғ ўз муаллимларига ёрдамга ошиққан болаларга тўлди.

«Отахонимнинг гапига кириб шаҳардан буёққа жўнаганим қандай соз бўлган экан-а!— дея ўйлади Содиқнинг дадаси.— Қўяверинг, ўшалар — Тожибеков ҳам, терговчи ҳам, Иса милиционер ҳам, анави шапкалиги ҳам... ўзларига сийлов...»

Шу гаплар хаёлидан кечаркан, айти шу дамда йўлдан қишлоққа қараб келаётган ниҳоятда кўзга таниш одам қорасини кўриб қолди.

«Йўғ-э, бўлиши мумкин эмас!— деган қарорга келди Қосим муаллим ичида.— Бу ерга қаёқдан келиб қолади у? Бунинг устига, кун эндигина ёришди-ку ахир».

Қишлоқдан чиққан бир арава болага қарама-қарши бераверди. Бараварлашганларида бола аравакашдан ниманидир сўради. У отнинг бошини тортиб, бола билан нималар тўғрисидадир гаплашди, шундан кейин бола мактабга қараб келаверди. Бу Содиқ эди, ортиқ шубҳа қолмади.

Отаси кетмонни итқитиб юбориб, унга томон шошилди.

3

Бухгалтер Тожибеков ҳам ўша эрта сув билан машгул бўлди, у ўз ҳовлисига сув сепарди. Чап қўлидаги пақирдан ўнг қўли билан тез-тез сув сочарди ерга. Хотини самоварга ўт ташлаган, ҳовли юзасини ачимсиқ тутун қоплаганди. Тожибеков ора-сира хотинига ўқрайиб қараб қўярди. Ҳовлига сув сепиш унинг иши эмаслигини наҳотки тушунмаса, бефаросат! Азизни уйғотмайдими, эрта туриб пичагина тер тўкмайдими у танбал.

— Ҳалигача ялпайиб ётибдимми?— сўради Тожибеков.

Хотини худди шу саволни кутиб турган экан чоғи.

— Сизни бўлса меҳмонлардан қўлингиз бўшамайдми,— деди у,— кечасиям, кундузиям ўшалар билан

сиз, ўшалар бўлса бас сизга, биттаю битта ўғлингиз бўлса хаёлингизга ҳам келмайди.

Тожибеков хотинининг ўзига бундай муомала қилишига асло йўл қўймасди-я, бироқ бугун аёлининг бунга асосли важ-сабаби бор кўринади афтидан.

— Нима гап ўзи?— сўради у.

— Кеча айтмоқчийдим сизга,— деди хотини сўз оҳангини ўзгартмай,— лекин меҳмонлар билан банд-сиз, ишларингиз кўп, катта одамсиз, яқинингизга йўлаб бўлармиди, болангизни бўлса буёқда нақ ўлдириб қўяёзишибди.

— Нима гап ўзи?— такроран сўради Тожибеков.

— Кўчадаги болалар болангизни ўласи қилиб дўппослашибди...

— Нима, ёқалашибдими?

— Кеча учта тишини уриб синдиришибди,— деди хотини.— Лаби гупчакдай бўлиб шишиб кетганини бир кўрсангиз эди!

Тожибековга худди шуниси етишмай турувди-да ўзиям! Шу дамда ўғли кўзига кўринармиди, кейинги кунларда бошига қанчалар оғир ташвишлар тушиб турган бўлса, лекин ҳар қалай ўғли ҳам яккаю ягона-ку.

— Нимага?— деб сўради Тожибеков.

— Нимагаси нимаси? Бекордан-бекорга. Кўролмаганларидан. Бизга ҳамма қандай ҳасад қилишини ўзингиз биласиз-ку.

Тожибековнинг ўзига ҳамманинг ҳасад қилишига ростдан ҳам ишончи комил эди-ю; аммо шу топда бунн эслатиш унинг кайфиятини яхшилагани йўқ.

— Айт, буёққа чиқсин,— деди у.

Азиз иштонда, сарпойчан оёғига калиш илиб чиқди ҳовлига. Шундоқ ҳам дўрдоқ пастки лаби дўмбира бўлиб шишиб, моматалоқ бўлиб кетибди. Олдиндаги учта тиши йўқ. Отасининг юраги ачишди унга.

— Сени шу кўйга солган ким?— сўради у.

— Эсон,— деди Азиз. Сўнг отасининг раҳмини келтириш учун ёлғондан қўшиб қўйди:— Кейин Зокир, тагин Содиқ, бир кишига — уч киши.

— Нимага?

Башарти Азиз тўғриси айтганида, балки отаси бу гапларга бошқача қараган бўлармиди. Негаки Азиз болаларга отасидан эшитганини айтганида-да

ахир, отаси эса унга бекорга бундай демаганди. Бироқ Азиз алдашга ўтди:

— Трамвай йўлини олдида морозний еб тургандим, улар олдимга келишиб, морознийингдан бер, дейишди. Мен бермадим. Шундан кейин мени уриб кетишди.

— Биринчи ким урди? — сўради Тожибеков, муштлашишни ўғли биринчи бўлиб бошлаганини эшитишни истаб. Ўғлини қўрқоқроқ деб ҳадиксираб юрарди у.

Азиз бўлса отаси ундан нимани истаётганининг фарқига бормай, ўзини оқлашда давом этди:

— Биринчи Содиқ урди.

Тожибеков Азизнинг ёлғон гапираётганини кўриб турарди, аммо у ўглига ёлғон айтяпсан деб дашном бериб ўтирмади.

— Тишингни ким синдирди?

— Эсон, — деди Азиз, — калла қўйди у.

— Сен-чи, нечта тишини уриб синдирдинг? — деб сўради Тожибеков ғазаби ошиб.

— Шошиб қолдим: улар уч кишийди, мен битта ўзим.

— Ажаб бўпти! — деди Тожибеков. — Йўқол! Шундоқ сўлоқмондай бўла туриб, мишиқи болаларни таъзирини беролмасанг! Боплаб тепмайсанми. Бор жўна! Лабинг тузалмагунича кўзимга кўринма. Бор, йўқол! — у тутоққанича ичкари ҳовлига кириб кетаётган ўгли орқасидан узоқ тикилиб қолди.

Онаси Азизни жонидан ортиқ кўрарди, шу боис оила удумини яна бир бор бузишга журъат этди.

— Тошмехрсиз, — деди у эрига. — Ҳақиқий ота боласига юраги ачишган, уни овутган ва: «Хафа бўлма, ўғлим, болаларни жазосини бериб, сенга тилла тиш қўйдириб бераман ўзим», деб бошини силаган бўларди.

Тожибеков индамади. У челак тубида қолган сувни ғазаб билан сепиб юборди-да, ўз хонасига қараб кетди.

Азиз юзини ёстиққа босганча йиғлаб ётарди. У отасидан яхши гап кутмаганди-ю, лекин бунқасини... «Агар шундоқ бўлса, — ўйлади у, — ўзим қасдимни

оламан. Битта-биттадан қўлга тушириб, топ билан ураман бошлаб. Ёки яхшиси кечаси пойлаб туриб, битта-биттадан пичоқ уриб ўлдираман».

У кечаси жин кўчада қандай пойлаб турганини ва биринчи бўлиб Эсон кўринганини кўз олдига келтирди. Азиз бу ишнинг қандай содир бўлишини аниқ кўз ўнгиде гавдалантирди-ю, яна ўша ондаёқ хафа бўлиб кетди. Кеча ҳаммаси шунчалик тез рўй бердики, Азиз қандай қилиб ерга узала тушганини билмай ҳам қолди. Борди-ю кечаси ҳам Эсон биринчи бўлиб тушириб қолса-чи? Йўқ, пичоқ бўлмайдди, деган қарорга келди Азиз. Тўппонча топилса зўр бўларди-да. Албатта, тўппонча яхши. Деворнинг орқасига бекиниб олиб, улар майдонда футбол ўйнашаётган пайтда ҳаммаларини битта-биттадан териб отади-қўяди.

...Тожибеков билан Иса милиционер кўчадан индамай келишяпти. Ҳар қайсисининг ичидаги гапини сиртига чиқаргиси йўқ. Улар шошилишаётганди, бироқ маҳалла идораси ёнида ҳар қалай бир оз тутилишларига тўғри келди. Қудратнинг отаси билан онаси ўша ерда туришган эди.

Тожибеков улар билан қовоғи уйилган кўйи саломлашиб:

— Ҳозирча топилмади. Мана, милицияга мурожаат қилинглар,— деди.

— Албатта топамиз,— деди Иса.— Одам нинаямас.

— Бошқа гап билан келгандик,— деди Қудратнинг отаси.— Маҳкам аканинг думалоқ муҳри босилган справкани топиб олдик. Бу магазинга бутси олиш учун берилган экан.

Тожибеков справкани олиб, тезгина кўз югуртиб чиқди.

— Хўш, нима бўпти?— деди у.

— Бу справкани ўғлимиз ёзган,— деди Қудратнинг отаси.

— Ёзган бўлса нима қипти?— деди Тожибеков.— Раҳматли Маҳкам ака уларга копток ўйнашни ман қилмаганди.

— Мен бунди айтаётганим йўқ,— деди Қудратнинг отаси.— Кўряпсизми, справкага муҳр босилган, кейин, ёзилган куни ҳам бор — саккизинчи. Ахир

Маҳкам акани еттинчида ўлдириб, муҳрни ўгирлаб кетишганди-ку.

— Справкани ташлаб кетинглар, ўзим текшириб кўраман,— деди Тожибеков ва қозонни камзули чўнтагига солмоқчи бўлди.

Аммо Қудратнинг отаси унинг қўлидан ушлади:

— Йўқ, справкани буёққа беринг, менда тура турсин. Бу қандай бўлганини шундоқ аниқлайверинг.

4

Москва — Тошкент поезда Келес бекатида тўхтади.

Йўл ёқасида кўтарма-супача йўқ эди. Бир йигит баланд поезд зинасидан пастга сакраб тушди-да, чит кўйлакли келишган қизни тушириб қўйиш учун қўлини узатди.

— Буёққа туш, ўзбек тупроғида тур бирпас,— деди у.— Тошкентга деярли етиб келдик.

— Б-баланд-ку,— жавоб берди қиз,— поезд ҳам кам тураркан.

Қиз озроққина дудуқланар, лекин бу негадир ўзига жуда ярашиб турарди.

Йигит кулди, қўл силкиб, бекат яқинидаги бозорчага қараб югура кетди. У қийиқ ёқа кўйлак билан мовут пиджак кийиб олган, талай йилни кўрган тринка шими ямсқ хром этиги қўнжига тиқилганди.

— Толиб,— дея қичқирди қиз,— тезроқ!

Паровоз жўнашдан дарак бериб рудогини чалди, йигит бўлса сира шошилмасди. Поездга у ўрнидан қўзғалганда битта хандалакни кўтарганча югуриб келиб чиқиб олди. Улар тиқилинч вагонга киришди, шунда Толиб:

— Лера, демак, режамиз шундай: Тошкентда икки-уч кун бўламиз, ошна-оғайниларни кўрамыз, ана ундан кейин Фарғонага жўнаймиз,— деди.

— Ҳаммаси тўғри,— жавоб берди қиз.— Лекин олдин ҳаммомга тушамиз.

— Қандай ҳаяжонланаётганимни тасаввур қила оласанми?— деди Толиб.— Уйни сотмай яхши қилган эканман. Назаримда у мени интизор бўлиб кутаётгандай. Худди унинг жони бордай. Ўтган йили, бир кўнглим, Уралдан тўппа-тўғри шу ёққа келаверай ҳам дедим, агар Москвада мени кутаётган бўлма-

ганингда, мен лоақал бир ҳафтагагина келиб кетардим бу ерга.

— Мени бўлса ҳали Бухорога ҳам боргим бор,— деди Лера,— сен ўтирган зиндонни кўрсам дейман.

Одамлар аллақачон қоп ва ҷамадонларини кўтариб вагон тамбурларига чиқиб олишган, йўлакларда уйма-лашишарди, чунки поезднинг ўнгу сўл томонида янги-янги излар ажралиб, кўпайиб, улар оралиғидаги шағалу остларидаги шпаллар тобора мазутдан қорая борарди. Ниҳоят вокзал кўринди.

Уларнинг юки кўп эмасди — жигарранг фанер ҷамадон, юктўрва ва Лера кўтариб олган қопчиққина эди, холос.

— Келаётганингни бирор одам биладими? — деб сўради киз трамвай бекатида.

— Оренбургдан маҳалла комиссиямизга телеграмма бергандим, тагин кутиб оламиз деб овора бўлиб юришмасин деб жўрттага қайси поезд билан келишимизни айтмагандим... Балки олдин уйга борганимиз маъқулдир? — сўради у. — Юкларимизни ташлаймизда, ана ундан кейин ҳаммомга...

— Йўқ, олдин ҳ-ҳаммомга.

...Толиб тезгина ювиниб чиқиб, аёллар бўлими олдидаги курсида ўтирарди. Аёллар одатда ҳамниша эркаклардан узоқроқ ювинишади. Лекин Толибнинг шошиладиган жойи йўқ эди. У тамаки тутатиб, кўчадан ўтиб турган одамларни кузата бошлади. Ана, паканагина эшакда янги салла ўраган семиз бир оқсоқол чол ўтиб борапти. Муюлишдан бир болакай даста-даста газетани қўлтиқлаб чопиб чиқди.

Толиб бир йўла бир нечта газета сотиб олди-да, бирорта мақолани ҳам қолдирмай, бир чеккадан диққат билан ўқий бошлади. Газеталарда хабар қилинишича Максим Горький ёзлик ҳарбий лагерларда бўлибди, совет ипагининг деярли ярмини берадиган Фаргона водийсида пилла йигими авжга минибди, Шимолий қутбдан келаётганида ҳалокатга учраган итальян Нобилени излаш давом этаётган экан. Газеталар яна хроникада совет дирижабли «Қизил Химик-Резиншчик»нинг биринчи марта ҳавога кўтарилиши ва Тула губернасидаги Прудки қишлоғида бўлган ёнғин ҳақидаги хабарларни босишибди...

Лера ҳаммомдан таниб бўлмайдиган даражада

очириб чиқди. У оқ кўйлаги билан қоп-қора пастпошна туфлисини кийиб олибди.

— Кўп куттириб қўймадимми? — сўради у.

— Ҳамишагидек, — дея кулди Толиб. — Энди уйга жўнадик.

Ўқчи бу паллада бўм-бўш эди. Танишлардан бирортаси учрамади. Толиб кўча эшик ҳалқасидаги қулфни олиб, ичкарига қадам қўяркан, ҳовлининг чип-чинни-дайлигини кўриб ҳайрон бўлди. Яқиндагина супурилгани кўриниб турарди.

— Маҳкам ака жуда одамохунлар-да! — дедн у. — Ўзлари супуриб қўйган бўлсалар керак. Лекин эшикни қандай очдиларикин? Болохона шийпонидан тушдилармикин ё?

У хона эшигини очди ва ҳаво янгилансин деб иккала деразани ҳам ланг очиб юборди.

— Сен уёқ-буёқни йиғиштириб, бу ерни саранжомлаб тургин, — деди у Лерага, — мен маҳалла идорасига ва бирровгина қўшниларникига кириб чиқаман. Бозорга биргалашиб борамиз. Бугун ўз қўлим билан палов дамлай бир.

— Тезроқ келгин-а, — деди Лера. — Қорним очқаб кетди.

Маҳалланинг идораси берк экан, шундан кейин Толиб Ҳосим муаллимникига кирмоқчи бўлди.

Муаллимнинг хотини уни негадир ғалати кутиб олди.

— Бизни кечирасан, Толибжон, бошимизга мусибат тушиб турибди.

У Толибни ичкарига таклиф қилмади, шундоқ остонада туриб, бир ҳафта бурун Маҳкам акани сирли бир тарзда ўлдириб кетишганини, ўшандан бериға маҳаллада сира тушуниб бўлмайдиган ишлар бўлаётганини, Қудрат деган бола йўқолганини, ёмон ниятли одамлар маҳалла комиссияси раисининг ўлдирилиши ва боланинг йўқолишида унинг эрини қўли бор деган миш-миш тарқатишганини гапириб берди. У хотиржам, огирлик билан сўзлашга уринарди-ю, лекин кўзёшларидан кўра ана шу босиқлигининг ўзи дилидаги хавотири ҳамда гам-андуҳини кўпроқ ифода этиб турарди.

— Бунинг устига десангиз, у киши бир ёққа кетгандилар. Кеча у кишини айтиб келгани ўғлимни

жўнатувдим, шу пайтгача дараклари йўқ. Тезроқ кела қолишсайди-я.

5

Бугун Тожибековнинг қўли ишга бормаётганди. У маош тўланадиган ведомостга, банкка олиб бориладиган чекка, бир нечта бошқа ҳужжатларга имзо чекди-да, ўринбосарига бошим огриб турибди деди.

— Мабодо сўраб қолишадиган бўлишса, иш билан кетдилар, денг.

У қандай бўлмасин Кўр Султондан қутулишга қатъий аҳд қилиб, уйига йўл олди. «Ишқилиб Барот қайтган бўлсин-да. Икковларини амаллаб жўнатиш осонроқ бўларди. Лекин, бари бир бугун, ҳеч бўлмаса кечаси жўнатиш керак».

У бир кўнгли йўлакай милицияхонага, терговчи ҳузурига кириб салгина хавотиргарчилигини босиб, дилига таскин бермоқчи бўлди, бироқ юраги дов бермай, уйига кетаверди.

Кўр Султон асабий ҳолда меҳмонхонада уёқдан-буёққа бориб кела бошлади. Ўзи гап очди бу ҳақда.

— Гап бундоқ, муҳтарам мезбон, сизни қувонтиришим мумкин. Мабодо Барот бугун қайтмайдиган бўлса, унда ўзим тоққа чиқиб кетаман. Фақат сизнинг маслаҳатингиз керак, қайси йўлдан борганим маъқул. Кейин, от ҳам сотиб олишим лозим. Менга битта от олиб беролмайсизми?

Тожибеков ҳайрон бўлиб тикилди унга:

— От олиб, шу ерга етаклаб келаманми? Тўппатўғри уйга-я?

— Тўғри, бундай қилиш ярамайди. Айнан шу пайтларда ортиқча диққатни тортмаслик лозим. Борди-ю отни олиб, бирон жойга ташлаб келолмайсизми?

— Йўқ,— рад этди Тожибеков.— Мен Тошкентда отнинг қашқасидай таниглиқ одамман. Сизга от олса бўладиган бир нечта жойни айтишим мумкин. Унда бозордагига қараганда қимматроққа тушади.

— Кечаси бориб олсам ҳам бўладими?

— Ҳозир бориб, келишиб қўйганингиз маъқул, отни бўлса саҳарда ёки кечаси олиб кетаверасиз. Айтмоқчи, уни хуфтондан кейин олиб кетсангиз ҳам бўлади,—пича иккиланиб тургандан сўнг қўшиб қўйди бухгалтер.

Босмачи билан бир хонада яна бир тунни ўтказгиси йўқ эди унинг. У Кўр Султонга қаерга бориб ва кимга учрашишни тушунтирди.

— Балки биргалашиб борармиз? — сўради Кўр Султон.

Бухгалтер қатъиян бўйин товлади бундан. У шундоқ ҳам Кўр Султон билан бирга бир маротаба кўчага чиққани учун ўзини кечиролмаэди.

— Ёлғиз ўзингиз бўлсангиз бировнинг диққатини тортмайсиз, агар биргалашиб борадиган бўлсак, одамлар иташса-исташмаса Тожибеков ким билан кетяпти деб ўйлашлари турган гап.

— Хўп, майли, — кутилмаганда осонгина кўна қолди Кўр Султон бу гапга, — майли, сиз айтганча бўла қолсин. Сиз она сутидай мусаффо, пок бўлиб қолмоқчи, кечалари тинчгина ухламоқчисиз. Тўғри ўйлагансиз.

Аммо Кўр Султон ичида Тожибековнинг чиндан ҳам тинчгина ухлай олишига мутлақо амин эмасди. Баротнинг дараги бўлмаётгани эса уни ниҳоятда ташвишлантираётганди. Мабодо соқовни бир ўзини қўлга туширишган бўлса-я! Борди-ю учовларини ушлашган бўлишса-чи? Учовларидан талай нарсани билиб олишлари мумкин. Йўқ, шу бугуноқ жўнайди у, вақтни ўтказмаслик керак. Балки тоққа боришининг ҳожати йўқдир. Жсин урсин ўша ҳужжатлару думалоқ муҳрни. Мундоқ ўйлаб қараганда, лоақал анави Иса милиционернинг ҳужжатини тортиб олса ҳам бўлади-ку. Қойил фикр! Милиционер дам олгани она қишлоғига кетаётибди-да. Бир ўзи. Тасанно!

Кўр Султон тошойнага қараган эди, ўзига ўзи шубҳали кўриниб кетди. Кулиб туриш керак, шаҳарда бепарвою бемалол юриш керак, ана шунда ҳеч ким қаёққа боряпсан демайди. Тўппончани ташлаб кетган маъқул кўринади, шаҳарда бари бир ишлатолмайди, қайтанга чопони остида дўппайиб туради. Бу ҳам битта шубҳа туғдиради.

У тўппонча ғилофи осиглиқ тасмасини ечиб, Тожибековдан сўради:

— Манави матоҳни қаерга яшириб қўйса бўлади?

— Жавонга қўя қолинг, — деди Тожибеков, — пастдаги тортмасига.

Кўр Султон худди шундай қилди.

Бир неча дақиқадан сўнг у Ўқчи кўчасидан бафуржа юриб бориб, жиндаккина тараддудланиб турганидан кейин трамвайга чиқди. Ҳеч ким эътибор бермади унга.

6

Толиб олдиндан белгилаб қўйилган режасини ўзгартишни ёқтирмасди, шу боисдан ҳам, гарчи дилига ташвиш қутқу солган бўлса-да, ҳар қалай Лера билан бозорга жўнади. У ўз режасини бузишни ёмон кўрарди-ю, лекин уни кўпинча олдиндан ўйлаб қўйилган ниятидан муҳимроқ бўлиб чиққан қандайдир ички майлу рағбат қистовида бузиб турарди.

— Биласанми, Лерочка, кел, сомса ей қоламиз, чунки ҳали милицияхонага ҳам кирмоқчиман, ана ундан кейин борамиз бозорга.

Улар йўлда тик турганча тамадди қилишди...

Милицияхонада Толибга Ўқчидаги қотиллик ишини Акбархўжаев олиб бораётганини айтишди. Толиб терговчининг хонасига Лера билан бошлашиб кирди. Лера тушунсин учун у олдинга терговчи билан русчалаб гаплашди, кейин эса, жаҳли чиқиб, ҳаяжонлана бошлагач, ўзи ҳам билмагани ҳолда ўзбекчалашга ўтди. У Акбархўжаев билан узоқ тортишди, нималарнидир исботлади, ҳар замон-ҳар замонда енгидан тортиб қўяётган Лерага бўлса қайрилиб ҳам қарамасди.

— Ғирт гулигули товуқ экан!— деди Толиб хотинига милицияхонадан чиққанларидан кейин.— Ғирт товуқ мия!

— Қ-қанақасига гулигули бўлсин,— деди Лера,— чўпдай қилтириқ-ку ахир.

— Мияси йўқ қилтириқдай гулигули товуқ!— қайсарлик билан такрорлади Толиб.— Бозорга бормаймиз. Қўшнилари билан гаплашиш керак.

Зокирнинг отаси ишдан қайтиб, Толибнинг келганини эшитди-ю, уйдагиларни қойий кетди жаҳли чиқиб:

— Нимага чақирмадиларинг уйга? Йўлдан тоза олиқиб келишгандир.

Зокир Толиб аканинг хотини билан уйда бирпасги-

на бўлишганини, кейин қаёққадир чиқиб кетишганини айтди. Балки бозоргадир.

— Вой нодонлар-э,— дерди отаси,—вой бефаросатлар-э! Шундоқ олис сафардан келган одамни чақириб, бир пиёла чой қуйиб беришмабди-я!— У кўча эшик очилиб, Толиб хотини билан кириб келганида ҳам уйдагиларни таъзирини беришда давом этаётганди.

Аввал таом, бадаз калом, деғанларидай, ҳеч ким олдин ишдан огиз очмади. Меҳмонхонага дарров жой қилиниб, хонтахтага дастурхон солиниб, мева-чева ва қанд-қурс билан ясатиғлиқ патнис қўйилди, ташқарида бўлса ўчоқда гуриллаб ўт ёна бошлади. Соғлиқ-саломатлик, ҳол-аҳвол сўрашиб, олис йўл борасида суриштириб бўлингач, аста-секин гурунг иш мавзуига кўчди. Энг аввало Зокирнинг отаси болалар унинг бўш ётган болохонасидан берухсат фойдаланганлари учун уэр сўради. Толибнинг бу гапга парво қилмаганини кўриб, Зокирнинг отаси нимаики гаплар бўлиб ўтган бўлса барини оҳиста гапириб бера бошлади.

— Тўғри, оқибати бундай бўлиб чиқишини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Агар билганимдами, аввал бошдаёқ рухсат қилмаган бўлардим-а. Йиғилишиб, китоб ўқишади, деб ўйловдим. Майли, тентирагандан кўра китоб ўқиганлари яхши, девдим. Кейин бўлса булар жудаям ҳаддиларидан ошиб кетишибди. Ит олиб киришибди ҳовлига. Ўзим уйда кам бўламан. Иннайкейин десангиз, сизга ростини айтсам, муаллимга ишонардим. Қосим муаллимнинг шунақа қилиши етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди. Очигини айтсам, шу пайтгачаям сира ишонгим келмайди. Лекин бунини бошлиқлар яхшироқ билишади.

Отаси меҳмонлар билан суҳбатлашиб ўтирганида Зокир онасига овқат пиширишига ёрдамлашиб юборди. У уйга аҳён-аҳёнда бир, гоҳ бирорта идишни олиб чиққани, гоҳ чойнакда янги чой кўтариб кириб-чиқиб турар, шунда катталарнинг гапларига қизиқсиниб қулоқ соларди. Олдин у тўғрисида кўп гапларни эшитган Толиб акасига ҳурмат билан қараб-қараб қўярди. Толиб акасининг Москвадан бошлаб келган рус хотинининг хонтахта ёнида ноқулай ўтириши, калта кўйлагини тортаб-тортиб қўяётгани, кейин ширинликлардан тинмай ётгани унинг кулгисини қистатарди. «Ўзи қилтириқда-ю, кўп ётганини қаранг,— ўйлади

Зокир.— Э-э, у кейин палов келишини билмаётган бўлса керак-да. Русларда ҳаммаси бунинг тескарисича бўлади-ку. Улар олдин шўрва ёки палов ейишади, ана ундан кейин ширинликларни».

Зокир Толиб акаси олдида ўзини гуноҳкордай сезарди, шунинг учун ҳам ошдан кейин отаси унга қўшниларга сув келтириб бериш, ҳовлисига сув сепиб, ўчоқбошларига саксовул элтиб беришни буюрганида жуда суюниб кетди. Сувга бораётганида бирровгина Эсонларникига кирди.

— Жаҳли чиқмади,— деди Зокир.— Хотини рус экан. Доктор экан у.

Эгалари келиши билан ҳовли таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Уйнинг ланг очиб қўйилган эшигу деразалари, офтобга ёйиб қўйилган кўрпаю ёстиқлар бундан бир неча кунгина бурунги бўм-бўш ҳовлини бутунлай ўзгартириб юборганди.

Толиб акасининг жаҳли чиқмаганига ишонч ҳосил қилган Зокир у билан гаплашишга жазм этди.

— Сиз ёмон нарсани ўйламанг тағин, Толиб ака, сизлар доим фақат болохонада бўлардик. Ҳеч нимани синдириб, бузганимиз йўқ. Итимиз бўлса озгинагина вақт турди. Ҳозир у Раҳимларникида. Ўзи жуда яхши кучук-да. Агар хоҳласангиз, уни кўрсангиз бўлади. Ёшқа кучукларга сираям ўхшамайди. Унга Сандмурод амаки, гумашта, ўн сўм бераман деган. Кичкина бўлсаям. Бизда бўрибосарнинг боласини бир сўмга беради. Агар хоҳласангиз, уни олиб келаман, сизга берамиз уни. Толиб ака, сиз кучукни яхши кўрасизми? Бир нимани отсангиз, опкелиб беради у.

— Итни яхши кўраман,— деди Толиб,— манави хотиним бўлса—мендан ҳам кўпроқ. Лекигин бу ерда кўп турмайман, яқин орада кетаман-да.

«Демак, кучукни олиб кирганимизга ям жаҳли чиқмабди»,— фаҳмлади Зокир, шундан кейин кўнгли жойига тушиб, гапини давом эттирди:

— Қосим муаллим тўғрисидаги гапга бўлса ишонманг. Ҳамма гаплари ёлғон. Бунинг биз биламиз.

Бу гапи, Зокир сира кутмаганда, Толиб акасини жуда қизиқтириб қолди.

— Хўш, муаллим тўғрисида нималарни биласизлар?— сўради у.— Биз деганинг кимлар?

— Биз,— деди Зокир,— бутун командамиз: Қудрат, Содиқ, мен, Эсон билан Раҳим. У киши ҳеч қанақанги мактаб очганмаслар, шунчаки баъзида бизлар билан гаплашардилар, китоблар берардилар. Жудаям қизиқ китобларни, Тожибеков ўша китобларни олиб қўйди биздан. Кейин Тожибеков ҳаммамизни алоҳида-алоҳида сўроқ қилди. Биз ҳаммамиз, у киши ҳеч қанақа мактаб очмаганлар, дедик. Шунчаки Тожибековни у кишидан жаҳли чиққан, зассалом.

— Шошма,— деди Толиб.— Қани, ҳаммасини бир бошдан гапириб бер-чи.

7

Отаси Содиқнинг гапларига диққат-ла қулоқ соларди. Қандай гидрокли, ичида ўйларди муаллим, қандай равон, мантиқий ҳикоя қиляпти-я барини! Бунинг устига манави фотосуратни айтмайсизми.

Муаллим яна суратга тикилди ва унда алоҳида диққатга арзийдиган ҳеч нимани кўрмади. Шу ўша деворлиги ростмикин ўзи? Бориб ўз кўзи билан кўриши керак экан.

«Ё олло,— ўйларди у,— болаларнинг ҳам ўз ташвишлари, ўз ғамлари, ҳатто ўз жинойтлари бор экан. Ўзгача бир олам, ўзига яраша ҳаёт». У бўлса негадир буни пайқамасди ҳам. Мухрни ўгирлаш, сохта справка—ҳазил гапми бу. Иннайкейин, шўрлик Қудрат— нима бўлдийкин унга?

Отаси Содиқни койиб ўтирмади. Тўғри, у жинойтнинг катта-кичиги бўлмайди, кичкинагина жинойт ҳамиша каттасини келтириб чиқаради, нон ҳам — нон, увори ҳам— нон, деб танбеҳ бериши мумкин эди, бироқ гапириб ўтирмади. Биринчидан, у ҳозир панд-насиҳат қилиб ўтиришнинг хонаси эмаслигини тушунарди, иккинчидан эса, болаларнинг аллақачон ҳаммасини тушуниб олганларига имони комил эди. Содиқнинг болалар ўзларини қандай тутганлари ҳақидаги ҳикоясида муаллим кўпинча катталар учун етишмайдиган болаларга хос олижанобликни кўриб турарди.

— Хўп майли, Содиқжон,— деди дадаси,— бирпас

дамингни ол, тушдан кейин йўлга тушамиз. Қўй, куйинма, ҳақиқат ҳамиша ғолиб келади.

Тушдан кейин қишлоқликлардан бири уларни олиб кетгани аравасини қўшиб келди.

— Менимча, олдин милицияхонага кирган маъқулмиди,— деди Қосим муаллим.

— Тўғри,— деди Содиқ.— Фотосуратни бериш керак уларга, унда ҳаммаси кўриниб турибди.

Арава секин, ниҳоятда имиллаб илгариларди. Бунини Содиқ ҳам, дадаси ҳам пайқаб-сезиб боришарди. «Пиёда юрилганда бундан илдам бориб бўлмайди, албатта,— ўйларди ўзича муаллим,— лекин, яёз юрсанг вақт тез ўтади». Аслида ҳам у мабодо буёққа тун бўйи йўл босиб келган ўғлини аямаганида, албатта, пиёда бўларди. Содиқ бўлса пиёда тезроқ юрилишини ўйлаётган, бироқ дадасига жони ачиётганидан индамай бораётган эди.

Қуёш уфққа оға бошлади. Теракларнинг сояси узайгандан-узайиб борарди. Ҳавога енгилгина чанг кўтарилганди. Арава тупроқ йўлдан юмшоққина гилдираб борарди.

... Толиб билан ораларида бўлиб ўтган суҳбат терговчини аччигини қистатганди. Нимага энди одамлар бунақанги мураккаб ишда насихату маслаҳат беришга ҳақлимиз деб ўйлашади-я! Нимага аралашишаркин-а! Ўзи шу бугун келибди-ю, ҳали ҳеч нарсани билмай-нетмай туриб, дарров милицияга югурибди. Ана-тагин бир ўзимас, хотини билан бошлашиб келибди. Ор-номусини йўқотиб қўйибди бутунлай — Москвадан хонимчани илаштириб келибдилар-да! Шундай идорага, милицияга уялмай-нетмай хотинчаларини эргаштириб келганларига ўласанми! Киндик қони тўкилган жойдан бирон ёққа кетди дегунларича дарров расм-русумни унутишади, хулқ-одоблари айнийди-қолади. Мана, масалан, унинг ўзи ким асти? Битта талаба. Бунинг устига ҳуқуқшуносликкаямас, геологликка ўқийди. Геолог... Ростки геолог экансанми, ўша ер естини кавлаб юравермайсанми, нима қиласан бировнинг ишига тумшугингни суқиб. Йўқ, нимага, қанақасига, нима учун деган саволлар билан миянгни ачитади-я. Жуда ҳаммасини айтиб, тушунтириб қўя қоламан-да сенга! Худди шу етмай турувди-да ўзи!.. Чўзилиб кетганмиш. Нима чўзилиб кетади? Бор-йўғи

етти кун бўпти-ю. Баъзи жиноятлар бир йиллаб очилмай ётади, бунга атиги етти кун бўлган бўлса. Уялмайди ҳам-а! Хотини, қайтанга, рус бўлсаям, вазмингина экан. Одатимизни ундан кўра яхшироқ биларкан.

Акбархўжаев жазаваси босилиб улгурмасиданоқ, уни милиция бўлимининг бошлиғи йўқлаб қолди.

— Ахборот беринг,— деди бошлиқ.

Акбархўжаев барини бир чеккадан гапириб берди ва бу ишга маҳалла комиссияси раиси ўлдирилганининг эртаси куни ҳисобидан берилиб, муҳр босилган справка ҳам қўшилганини хабар қилди. Терговчининг фикрича, бу ҳол муҳрнинг Қосим муаллим қўлида эканини тасдиқлармиш. Справка муаллимни айниқса зўр бериб ҳимоя қилган, ҳозир эса худди муаллимга ўхшаб изсиз гойиб бўлган боланинг уйидан топилганмиш.

Милиция бўлимининг бошлиғи унинг гапларига қош-қовоғи уйилганча қулоқ тутди ва мақташ ўрнига бундай деди:

— Бир ҳафта ўтди, сиз бўлсангиз бирон маънилироқ иш қилолганингизча йўқ. Сизнинг шубҳа-гумонларингиз ҳали тасдиқланмади, мутлақо.

Акбархўжаев, талай иш қилинди, деб эътироз билдирганди, бошлиқ унинг сўзини бўлиб қўйди:

— Буларнинг бари ҳозирча қотиллик тўғрисидаги таъбирлар эмас, балки гумонгина холос. Эҳтимол ҳаммаси сиз айтаётгандекдир, эҳтимол мутлақо бошқача бўлгандир. Сизга яна бир ҳафта муҳлат бераман. Етарлими?

— Бир ҳафта кўп,— деди Акбархўжаев.— Уч кундан кейин ҳаммаси ҳақда аниқ ахборот бераман.

У, бу гапим учун бошлиқ мақтайди, деб ўйлаганди, аммо бошлиқ негадир:

— Ўртоқ Акбархўжаев, сиздан кўпдан буён шуни сўрамоқчийдим: ўт ўчириш бўлимидан нимага кетгансиз?— деб қолди.

Терговчи ўзининг саҳни қоқ ер чоғроққина кабинетига қайтиб, яна иш ва ҳужжатларни ўқишга тутинди. Қоғоздаги ёзувларга жуда-жуда ишонарди. Негаки қоғоздаги сўзлар ниҳоятда итоаткор, тилсиз-жагсиз ва камсуқумгина эди-да. Одамларнинг оғзидан чиқадиган

сўзлар эса ёқмай қолганини ва ўзида эътироз ҳиссини уйғотишини Акбархўжаев аллақачоноқ пайқаганди. Фикрдан ташқари уларда ҳамиша ҳиссиёт ҳам бўлар, сўзлардаги ҳиссиёт эса — ортиқча нарса.

Мана, мактабдан муаллимга берилган характеристика. Таржимаи ҳол. Имзосиз хат. Тожибеков ёзиб олган болалар гувоҳликлари. Терговчи буларнинг барини ўн қайталаб ўқиб чиққанди-ёв, лекин шунга қарамай, тагин шошилмай, ҳижжалаб ўқишга киришди. Қанча кўп ўқиса, ўзининг ҳақлигига, яъни маҳалла комиссиясининг раисини айнан Қосим муаллим ўлдирганига ишончи шунча орта борарди. Айни пайтда, унинг ушбу ишончи билан бир қаторда, милиция бошлиғига нисбатан ранж-алами зиёда бўла борарди. Агарчи у истаётган экан, гувоҳликларни янаям кўпроқ йиғиши мумкин. Далил-исботдан камчилик жойи йўқ. Афсуски Тожибеков бугун келмади-да.

Қаердадир узоқда, милицияхонадан олисларда қуёш ботиб боряпти. Кабинет қоронғи бўлиб қолди. Акбархўжаев ўқишни бас қилиб, папкани столи ғаладонига солиб қўйди. «Уйга жўнасаммикин ёки Тожибековникига яна бирров кириб ўтсаммикин?» — деб ўйлаб қолди.

Худди шу пайт эшик тэқиллади.

— Уртоқ Акбархўжаев, — деди навбатчи милиционер, — сизга учрашгани келишибди.

— Ким бўлди яна? — норози қиёфада сўради терговчи. — Иш вақти тугади-ку.

— Айтдим уларга, — деди милиционер. — Уларга, эртага келинглар, десам унашмаяпти, муҳим иш бор, дейишяпти.

— Қанақа одамлар экан ўзи?

— Бир эркак билан бир бола. Чоғимда ота-бола бўлишса керак.

— Майли, чақира қол.

Милиционер, терговчининг олдига кира қолинглар, деб хабар қилгач, Қосим муаллим Содиққа деди:

— Мен билан киришингни ҳожати йўқ. Негаки ҳамма гапни гапириб бердинг, мен бўлсам барини эслаб қолдим. Мени шу ерда кута тур, манави курсида ўтира тур.

Дадаси ичкари кириб кетди, Содиқ бўлса навбатчи хонаси олдидаги курсига ўтириб, кута бошлади. Вақт

имиллаб ўтарди. Вақт зерикарли ўтмасин учун Содиқ терговчининг хонасида бўлаётган савол-жавобни кўз ўнгига келтирди.

«Салом алайкум»,— дейди дадаси.

«Ваалайкум ассалом»,— дейди терговчи.

«Мен сизга Маҳкам аканинг ўлдирилиши тўғрисида гапириб бергани келдим»,— дейди дадаси.

«Ғоятда хурсандман,— дейди терговчи.— Бу ишга жуда кўпдан бери қизиқаямиз биз. Гапириб беринг, марҳамат. Э, ўтирсангизчи ахир, нимага тик турибсиз?»

«Гап бундоқ,— дейди дадаси,— Иса милиционернинг ҳовлисида номаълум одамлар туришибди, раисни ана шулар ўлдиришган. Ўшалар пўлат сандиқни девордан ошириб ўтишётганида менинг ўғлим тасодифан уларнинг суратларини олибди».

Худди шу аснода фотосуратни дадасига беришни унутгани Содиқнинг эсига тушиб қолди. У навбатчининг хонасига кириб, ўзини терговчининг ҳузурига олиб киришни илтимос қилди милиционердан.

— Йўқ,— деди милиционер,— шу ерда кутиб ўтира тур. Керак бўлса ўзлари чақиришади сени.

— Анчадан бери ўтирибмак-ку,— деди Содиқ.

— Қанақасига анча бўлади,— эътироз билдирди милиционер,— ҳали ярим соатдан ошгани йўқ.

Содиқ соатга қаради. Еттидан йигирма минут ўтибди. «Яна бирпас кутатураман»,— аҳд қилди Содиқ.

У терговчи нима дейишию дадаси нима дейиши мумкин бўлган жамики гапни ичида такрорлаб бўлди ҳамки, дадаси чиқавермади, бунинг сабабини эса сира тушунолмади Содиқ. У тагин навбатчининг хонасига кирди. Соат ропна-роса саккиз бўпти. Қаршидаги эшикдан қовоғи солиқ қотма бир киши чиқиб келди. У навбатчига калитларни берди-да, Содиққа эътибор ҳам бермай, ташқарига чиқиб кетди.

— Амаки,— деди Содиқ навбатчига,— мени терговчининг олдига киргизворинг. Менда битта фотосурат бор, ўшани кўрсатишим керак у кишига.

— Терговчини олдига дейсанми?— ҳайрон бўлди навбатчи.— Ҳозиргина ёнингдан ўтиб, чиқиб кетди-ку.

— Бўлмаса дадам қаёқдалар?— сўради Содиқ.

Навбатчи кўзини ерга қадади.

— Билмадим. Чопқиллаб етиб олгинда, унинг ўзидан сўрагин.

Содиқ кўчага отилди.

— Амаки!— деб қичқирди Содиқ Акбархўжаевнинг орқасидан югурганча.— Амаки!

У ўгирилиб қаради.

— Мени дадам қаердалар?

— Қосим муаллимни ўғлимисан?— сўради Акбархўжаев.

— Ҳа,— деди Содиқ,— бирга келганидик.

— Даданг қамоққа олинди,— деди терговчи.

— Нимага?!

— Сенинг ишингмас бу,— деди терговчи ва нари кетаверди.

— Шошманг, амаки,— ялинди Содиқ,— бирпасга, ҳаммасини гапириб бераман сизга. Сиз Маҳкам акани шу ўлдирган деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Маҳалламиздагилар шунақа дейишяпти. Лекин дадам ўлдирганмаслар. Тўғрисини гапиряпман сизга. Мана, менда ҳатто фотосурати ҳам бор.

Содиқ қўйнидан фотосуратни чиқариб, терговчига узатди.

Бу пайт қоронғилик қуюқлашиб қолганди, Акбархўжаев шу сабабдан фотосуратни нақ кўзларига тақаб, унга тикилди.

— Хўш, нима боракан бунда?— сўради у.

— Бунда Маҳкам акани ўлдирган одамлар унинг пўлат сандиғини девордан қандай ошираётгани бор.

— Маҳкам акани шулар ўлдиришганини қаёқдан биласан?— сўради терговчи.

— Сизга аниғини айтяпман,— деди Содиқ.

— Бўпти, бўпти,— деди терговчи фотосуратни чўнтагига соларкан.— Эртага соат ўн бирда ойинг ва Ўктамбек Тожибеков билан бирга келинглар. Бари бир икковларингни сўроқ ҳам қилиш керак.

— Дадам нима бўладилар?— сўради Содиқ.

— Нима бўларди,— деди Акбархўжаев,— бу кеча милицияхонада ётади, эрталаб турмага олиб кетишадди уни.

Шундай деб у кўчадан одимлай кетди. Содиқ бўлса йўлкада узоқ туриб қолди.

«Қаёқча борсамикин?— ўйларди Содиқ.— Нима қилсамикин?» Ҳаммасидан ҳам уйга боришдан қўр-

қарди у шу топда. Бўлган гапни ойисига қайси тил билан айтади! Иннайкейин, фотосуратни ҳам бериб қўйди ўз қўли билан. Ҳаммаси очиқ-ойдин, аниқ-тиниқ кўриниб турган шундай керакли суратни-я. Борди-ю терговчи бирдан йўқотиб қўйса-чи уни? Дадасининг гуноҳсизлигини қандай исботлайди энди? Шунда сурат туширган пластинкаси борлиги Содиқнинг эсига келиб қолди. Уша пластинка монтер Иванда қолганди.

... Иван Кустов турадиган қўра ҳозлисидаги қуроқ-қуроқ қилиб бўлинган кафтдак-кафтдак боғчачалар тинч ва осуда эди. Бир хотин узун-узун тутқичи бор каттакон мис тоғорада мураббо қайнатапти. Тоғорани тагида париллаб примус ёняпти. Бошқа бир боғчада мўйловдор чол тақсимчадан чой ҳўплаяпти.

Иваннинг эшиги қулф экан.

— Холажон,— сўради Содиқ примус олдидаги хотиндан,— унинг қаёққа кетганини билмайсизми?

— Ким билади дейсан буни,— деди хотин.— Ёш, бўйдоқ, кечқурунлари камдан-кам уйда бўлади.

Ликопчадан чой ҳўплаб ўтирган чол бўлса зарда билан қўшиб қўйди:

— Ўйин тушгани кетган бўлса керак-да. Оқ кўйлак кийиб, белбоғ боғлаб кетганлар.

— Ўйин тушгани дейсизми?— ҳайрон бўлди Содиқ.

— Ҳа-да, ўйин тушгани, боғга кетган бўлиши керак. Ер депсигани. Эртага, барвақтроқ кел.

— Нима деб қўяй унга,— деди примус устига энгашиб турган хотин.— Нега десанг, эрталаб ҳам бўлмайди у, сахармардонда чиқиб кетади. Яхшиси эртага пешиндан кейин кела қол, тушдан кейин кўпинча уйда бўлади.

Содиқ қўрадан чиқиб, аста шаҳар боғи томон юрди.

Саидмуродни бешинчи марта эмлашди. Гарчи врач, «энг оғритадиган биринчиси, кейингиларига анча ўрганиб қоласан», деган бўлса ҳам, Саидмурод сира кўниколмаётганди бунга. Ҳар бир эмлашни Саидмурод ваҳима билан кутарди. Эмлаш пунктига киришдан аввал кўчанинг нариги бетида, сал дадил бўлиб олиш учун узоқ вақт нари бориб-бери келиб, уёқдан-буёққа

юрарди. Дадиллик учун энг сози қиттак ичиб олиш эди-ю, бироқ доктор ичишни қатъиян ман қилганди.

— Асло оғзингизга ола кўрманг,— ҳар сафар огоҳлантпирарди у Саидмуродни,— бир томчийам. Оқибати хунук бўлиши мумкин.

«Яна қанақасига хунук бўларди,— ўйларди Саидмурод,— Бундан ҳам хунук бўлармиди...» Бунинг устига десангиз, ит ҳам ғойиб бўлди. Азиз, Тожибековнинг ўғли, кеча болалар уни янги шаҳарга олиб кетишганини кўрибди. Эҳтимол, қутургани учун ҳам олиб кетишгандир.

Бугун, Саидмуродга игна санчишаётганида, кўнгилида яна битта шубҳа туғилди. Борди-ю уни мазах қилишаётган, бу игна санчишларининг умуман кераги бўлмаса-чи? Шунчаки, бир тажриба қилишаётгандир. Брачларнинг тирик одамларда тажриба ўтказишни яхши кўришларини эшитганди у. Бу шубҳа-ғўмон ўз-ўзидан туғулмаганди. У қорнини ушлаганча эмлаш пунктига кириб келганда ҳамшира Рита ҳиринглаб, хонадан зинғиллаганча чиқиб кетди. Анави кўзойнакли бўлса хонага бош суқаркан, кулиб қўйди. Ўзи чекаётган изтиробнинг ҳеч қанақанги куладиган жойи йўқлигини кўрган Саидмурод, бунда бир гап борга ўхшайди, деб шубҳалана бошлади.

Кечқурун Ўқчидаги чойхонада гап фақат хотини билан бирга келган Толиб тўғрисида борар, бу гаплардан бирортаси Саидмуроднинг қулоғига кирмасди. Нима иши бор унинг бу билан. Аммо Толибнинг хотини врач ёки деярли врач бўлиб қолган экан, деган гапни эшитиши билан қизиқиб қолди у. Кириб, маслаҳат сўраса бўлмасмикин? У тўппа-тўғриси айтиши керак: ахир эри ўзбек-ку.

Саидмурод Толибни хушламасди, тоғаси, савдогар Усмонбойнинг хонавайрон бўлишида уни айбдор деб ҳисобларди. Шунга қарамай, москвалик доктордан маслаҳат олиш истаги аста-секин Толибни ёқтирмаслик туйғусидан устун кела бошлади. «Э-э, бориб гаплашиб кўраман, нима, бир жойим кемайиб қолармиди? Йўқ демас ахир... Тожибековникига ҳам кириб чиқиш керак ҳали. Олдин Тожибековникига кираман, маслаҳатлашиб кўриб, ана ундан кейин Толибникига ўтаман»,— деган қарорга келди Саидмурод. Лекин ўша заҳотиёқ яна бу аҳдидан қайтди. Тожибековникига ки-

риб нима қилади? Бирон яхши гап чиқармиди боргани билан. Уни қутурган ит қопганми ёки қутурмаган итми, у ўладими ёки қоладими, буларга бари бир, сариқ чақалик ишлари йўқ. Саидмурод бу бухгалтернинг озмунча ишини қилдими! Пул оладиган қалбаки рўйхатларга ҳам у қўл қўйди, туни билан пўлат сандиқнинг қулфини ҳам у арралади, муаллимнинг устидан имзосиз хатни ҳам у ёзди. Тожибеков бўлса шу маҳалгача бирорта тузукроқ ишга жойлаб қўймаяпти уни. Қаёқдаги арзимас матоҳларни қуритадиган заводга моҳ қабул қилувчиликка киргазиб қўйди. Бундан нима наф кўряпти? Арзимас чойчақа!

Саидмурод истамайгина ўрнидан туриб, эран-қаран юриб кетди. Толибнинг ҳовлисига яқинлашаркан, Саидмурод ичкаридан Раҳим, Эсен ва Зокирлар чиқиб келишаётганини кўрди. «Уйини эгаллаб олганлари учун роса таъзирларини берган бўлса керак»,—ўйлади Саидмурод ичиқоралик билан.

Толиб уни очиқ чехра билан кутиб олди ва айвонга таклиф қилди. Лера уларга чой дамлаб берди-да, ўзи бир чеккага ўтиб, янги ёстиқ-жилдни тикаверди.

Эркаклар уёқ-буёқдан суҳбатлашишди, Толиб гурунги орасида Саидмуроднинг қандайдир ўз дарди-хаёли билан банд эканини пайқаб, жим қолди. Сукут чўзилиб кетди, шундан кейин Лера Саидмуродга ажабланиб қараб қўйди. Ниҳоят Саидмурод тилга кирди.

— Толибжон, қадрдоним, мен сизни жуда ҳурмат қиламан, яхши ниятларингизга етинг-у, лекинига тўғриси айтсам, бир иш билан келгандим, муҳтарам аёлингизда гапим борийди.

Лера тикаётган нарсасини четга қўйди.

— Бутун маҳаллада гап, аёлингиз дўхтир, москвалик дўхтир экан...

— Ҳали врач бўлганимча йўқ,— унинг сўзини бўлди Лера,— я-яна бир й-йил ўқишим керак.

— Камтарлик аёл ҳуснига ҳусн қўшади,— деди Саидмурод,— камтарлик жавоҳирдан ҳам қиммат.

Толиб ичида кулиб қўйди-да, хотиним ҳали ростдан ҳам врач бўлганича йўғ-у, лекин унча-мунча нарсанинг фарқига борадиган бўлиб қолган, деди.

— Мен битта иш билан келгандим,— сўзини давом эттирди Саидмурод.— Ит қошиб олди менни. Ўйлашимча, эҳтимол... ҳалиги... қутурганга ўхшайди чоғи.

— Кўп бўлдимми бунга?— сўради Лера.— Тиббиёт факультетида олган билимини биринчи кунданоқ амалда қўллаш имкони туғулганидан хурсанд эди у.— С-сира в-вақтни ўтказмай, д-дарҳол в-вакцинацияни бошлаш керак.

— Нима?— сўради Саидмурод хавотирланиб.— Нимани бошлаш керак?

— Эмлаш, эмлашни,— тушунтирди Толиб.— Қачон қопганди сизни?

— Бир ҳафта олдин.

— Нега шунча вақтни ўтказиб юбордингиз?!— деди Лера ҳаяжонланиб. У қутуриш дардига чалинган беморни бирон марта кўрмаганди-ю, лекин бунинг қанақанги даҳшатли дард эканини биларди. Шунингдек у касал юққандан кейин унинг дастлабки белгилари пайдо бўлгунича яширинча ўтадиган даври одатда бир-бир ярим ой давом этишини ҳам биларди, бироқ дарсликда ўша яширин давр бор-йўғи ўн беш, баъзан эса ўн икки кунгина давом этган ҳоллар ҳам бўлган деб ёзилганди.— Эртагаёқ эмлаш пунктига боришингиз керак, эртага эрталабдан қолдирмай б-боринг-да, эмлашни бошлашларини илтимос қ-қилинг.

— Аллақачон бошлашган. Бир неча марта нина тиқиб бўлишди. Лекин ҳайронман, буни нафи бўлармикин.

Лера ит тишлаб олган жойини кўрсатишини илтимос қилди. Саидмурод бир оз хижолат чекиб бўлса-да, ҳар ҳолда иштони почасини шимариб, ҳеч қандай тиш изи қолмаган оёғини кўрсатди. Лера уни ниҳоятда синчиклаб кўздан кечираркан, ушлаб-сийпаб кўрди, оғримаяптими, деб сўради, шунда энди кўнгли жойига туша бошлаган Саидмурод яна хавотирга тушиб қолди.

— Итнинг қутурганига ишонасизми ўзи?— сўради Толиб.— Нима, ўлиб қолдимми у?

— Йўқ,— деди Саидмурод,— кеча типпа-тирик эди, бугун бўлса кўрганим йўқ уни.

— Демак, ҳозир ўша ит қаердалигини биларкансиз-да?— Толиб бу одамга ёрдами тегиши мумкинлигидан қувонди.— Унда, эҳтимол, ҳеч қанақанги игна санчишнинг кераги йўқдир. Ўша итни эмлаш пунктига олиб боринг, уни текшириб кўришади, агар соппа-соғ

бўлса, унда бекорга эмлатган бўласиз. Қийин эмас-ку бу.

«Қийин эмас-ку, дейди-я— ўйлади Саидмурод.— Айтверасанда сен — қийин эмас-ку деб. Иккинчи марта қопиб олай деганини билмайсан-да».

— Эҳ, Толибжон,— деди Саидмурод,— бунақанчи ишлар сизларда, Москвада осон, бизнинг одамлар бўлса қолоқ, ҳеч нимани тушунишмайди. Ҳеч зогнинг жони ачимайди менга. Ўктамбек акага айтсам, мен масхара қилиб кулади. Ўша кучук эгасининг отасига: манави қўшнингизга, ўн сўм бераман — шу битта ўлакса кучукка ўн сўм бераман, десам кўнмади. Ҳатто жуниям тақир бу лаънати кучукнинг. Меникмас, болаларнинг кучуги, дейди.

— Шошманг, шошманг,— деди Толиб,— ия, бизнинг ҳовлида турган ит бўлмасин тагин? Сизни қанақасига тишлайди у? Ё буёққа кирганмидингиз?

Саидмурод иложсиз қолганди. Бировнинг ҳовлисига қандай кириб қолганини гапириб беришга мажбур бўлди. Гарчи бу ҳақда гапириши мумкин бўлмаса ҳам, ҳар қалай Саидмурод бошлаб қўйди бу гапни. Саидмурод ростини айтмоқчи эмасди албатта, касални яширсанг иситмаси ошкор қилади деганларидек, вужудда турган ҳаяжон ёлғонни силлиққина сўзлашига йўл бермади. Шу топда, Толиб ишонадими ё йўқми, унинг учун бари бир, муҳими москвалик докторга ўзини кучук қандай тишлаб олганини яхшилаб тушунтиришда эди. Ҳаёти қил устида турибди-я, ҳазиллашиб бўладими бу билан!

— Биласизми, ҳалиги,— деди у,— отахонимиз Маҳкам акани ўлдиришганидан кейин...— Саидмурод тутилиб қолди, гапни олисдан, айти пайтда айтиши лозим бўлмаган нарсга жуда яқин мавзудан бошлаганини тушунганди. Ростки бошлаб қўйдими, экан дэвом эттиришга мажбур бўлди.— Ранс отахонимизни ўлдиришганидан кейин, яна Қосим муаллимнинг болаларга ман қилинган китобларни ўқигани бериши маълум бўлганидан кейин, акахонимиз Тожибеков менадан, болаларнинг нималар билан шуғулланишларини бир текшириб берсанг, деб илтимос қилгандилар, бунинг устига десангиз маҳалла комиссиясининг муҳри ҳам йўқолиб қолганди...

— Тўхтанг, тўхтанг,— деди Толиб,— маҳалла ко-

миссиянинг муҳрини ўғрилар ўғрилаб кетишмаганим ахир.

— Э-э-э,— деб чўзди Саидмурод,— албатта, бўлиши-мумкин... Умуман, Ўктамбек ака сизнинг ҳовлингизни бирров кўриб чиқишни илтимос қилдилар.

— Кўча эшик қулфлог эди-ку,— деди Толиб.— Қўшнинг ҳовлисидан ўтгандирсиз-да?

Олдиниға Толиб чиндан ҳам Саидмуродга яхшиликча, ачиниб қараётганди, бироқ энди бу одамдан ихлоси қайта бошлади. У суҳбатдошининг афтига тик қараб турарди.

— Қўшнилари бемаҳалда безовта қилмай деб дедордан ошиб туша қолувдим,— деди Саидмурод кўзларини ерга тикиб.

— Нима, кечасимида?— сўради Толиб.

— Намунча бировга ёпишиб олдинг,— гапга арашди Лера.— Нима фарқи бор экан буни? Асосий гап эт тишлаб олганида.

Бироқ Толиб хотинининг гапига эътибор бермасди. У Саидмуроддан батафсил суриштираверди, униси бўлса ноилоҳ муфассал жавоб қайтаришга мажбур бўлди. Ниҳоят Толиб ўрнидан қўзғалди.

— Гап бундоқ,— деди у,— кучук масаласида мен ортага ҳаммасини аниқлайман, пешинга яқин бир кириб ўтинг. Лекин афсуски, буларнинг барини илгарироқ айтмабсиз.

— Қаерда, кимга?— сўради Саидмурод.

— Ҳаммадан маъқули бор гапни милицияхонада айтиб бериш керагиди,— жавоб қилди Толиб.

Эрининг шартакилигини пича бўлса-да юмшатиш учун Лера Саидмуродга, кириб турунг, деди ва қутуриш касалини даволаса бўлишини айтди.

Саидмурод эшикни ёпиб, уйига қараб юрди. У гапга қолган эди. Мана энди, кўчага чиққач, ортиқча валдираб қўйганини фаҳмлади. У бу лаънати ҳаёт тўғрисида, қаёқдан қандай фалокат ёқасига чанг солиб қолишини ҳеч қачон билиб бўлмаслиги ҳақида алланималар деб тўнгиллаб борарди. Шиша сақланадиган омборхона яқинидаги тор кўчадан отилиб чиққан бола Саидмуроднинг йўлини кесиб ўтиб кетди, бир дақиқа ўтмаёқ уни қувганча уч бола чопиб ўтишди. Саидмуроднинг назарида бошқа болаларнинг овозлари ораси-

да Тожибековнинг ўғли Азизнинг овозини ҳам эшитгандай бўлди.

«Болаларга маза-да,— хаёлидан кечирди у,— сира ташвишлари йўқ, ўйиндан бошқа нарсани билишмайди!»

Сандмурод янглишмаганди, Азизнинг овозини ҳақиқатан ҳам эшитганди. Азиз жонҳолатда, эсхонаси ёрилгудек қўрқув ичра: «Ёрдам бе...» деб додлаган эди.

Азизнинг иши бошда ёмон бошланмагандай кўринганди. Онаси, даданг тилла тиш қўйдириб беради, деб тинчлантирган эди уни. Азиз ўзини ойнага солиб кўриб, тилла тиш ярашади, деб ўйлаб қўйди ичида.

Отаси билан анави сирли меҳмон чиқиш кетишгач, Азиз лип этиб меҳмонхонага урди ўзини. У бу дақиқани аллақачондан бери кутаётган ва меҳмоннинг уйдан жилмаётганидан хуноб бўлиб юрган эди. Ҳаргал отасининг меҳмонлари келганида Азиз билдирмай уларнинг нарсаларини титкиларди. Бу унинг ўн ёки ўн бир ёшидан берига доимий даромад манбаи эди. Олдиниға у майда-чўйда нарсалар — бирорта пичоқчаними, тамакидонними ўғирларди, кейинчалик пул ҳам ўғирлайдиган бўлди. Ҳаммасини эмас, оз-оздан. Бир даста пул орасидан бир сўмми ёки икки сўмми, бир ҳовуч танга ичидан атиги йигирма-ўттиз тийинми олар, мабодо меҳмон бирор нимаси йуқолганини тай-қаган тақдирдаям, ҳеч қачон отасига айтиб ўтирмаслигига ақли етар эди.

Хулласи калом, Азиз бугун ўрганган ҳунарини бажаришга киришди. У Кўр Султоннинг ётадиган жойини ҳафсала билан қидирди, камзулининг чўнтақларини титкилади, аммо бор-йўғи йигирма тийингина топди. «Қизик,— ўйлади у,— дадам уни жудаям ҳурмат қилади, у бўлса бой одамга ўхшамайди-ку». Шундан кейин Азиз ҳеч қачон қилмаган ишига қўл уришга жазм этди. У жавоннинг энг пастки тортмасидаги чорроққина қутида Иса милиционернинг уйланаман деб йигиб юрган пули туришини биларди. Азиз тортмани очиши билан ундаги ҳар хил лаш-лушлар устида ётган қўнгир тусли энли камарга тақилган жигарранг тўппонча ғилофига кўзи тушди. Ғилофнинг қопқогини

очиb, ичидан тўппончани чиқарди. «Оғир экан», — хаёлидан кечди. Азиз тоқчадаги ярқиллаган яп-яңг самоварни, кейин «Молния» чироқни мўлжалга олди. Ундан кейин дераза олдига келиб, кир юзаётган онасига тўғрилилади тўппончани. Шу пайт Азизнинг эсига эрталабки хаёл қилган ўйи тушиб қолди.

Майдонга бориб, дарахтга чикиб олади-да, болалар футбол ўйнагани келишгунча кутади, ана ундан кейин... Эрталаб у ҳаммасини ипидан игнасиғача ўйлаб, пишитиб қўйган. Олдин Эсонни ўлдиради, сўнг... Эҳ Қудрат йўқ-да... Хўш, сўнг Содиқни, кейин Зокирни. Раҳимни ўлдирмаса ҳам бўлади, унинг зиёни тегмайди. Азиз тўппончани қўйнига яширди-да, кўчага чикиб кетди.

Майдонда ҳеч зог йўқ экан, чунки бу пайтда ҳавс тандирдай кизиб кетганди, Азиз қайтага суюнди, негаки ҳеч ким йўғида билдирмай дарахтга чиқади-да, қуюқ шох-шаббалар орасига бекиниб олади. У дарахтга чиқмай қўйганига анча бўлганди, шунинг учун қандай чиқишни ҳам унутиб қўйибди. Икки-уч марта сирғалиб тушиб кетганидан кейингина ботинкаси халақит бераётганини тушунди, илгарилари дарахтга ялангобқ чиқарди-ку ахир. Бир кўнгли ботинкасинг ечмоқчи ҳам бўлди, лекин дарахтга чиқиш фикрида қайтиб, шиша омборхонаси томида биқиниб ётишг аҳд қилди. У ердан майдон узоқ эди, албатта, бироқ Азиз негадир ҳатто шундай узоқдан туриб ҳам пойла олишга ишонарди. У томга чиқди-ю, чиқиши биланс афсусланди — дарахтда бўлса бунчалик офтобда кмасди ҳар қалай. Лекин, шундай бўлса-да, эгаллар маррасини ўзгартиргиси келмади.

Вақт имиллаб ўтарди. Болалар эса негадир кўринишмасди. «Наҳотки келишмаса?» — ўйларди Азиз. Шу кунгача у болаларнинг ҳар куни футбол ўйнашларига ишончи комил эди. Офтобдан сақланиш учун Азиз камзулини ёпиниб олди ва ўзи ҳам билмай ухлаб қолди. Қош қорая бошлаганда уйғониб, томга қандай чиқиб қолганини дарров тушунолмади, кейин ҳаммаси ёдига тушиб, қўрқиб кетди. Отаси билан меҳмон аллақачон уйга қайтишган ва тўппонча йўқлигини билиб қолишган бўлса-я! Азиз отасидан жудаям қўрқарди. Отаси уни камдан-кам, лекин аямасдан урарди.

Азиз томдан сакраб тушиб, уйига қараб чопди.

олини олганда, уйлари яқингинада эди, аммо ичка-
га сездирмай кириш учун икки кўча наридан айла-
чиб келиш керак эди. Азиз муъолишдан ўтиши билан
томда бекорга шунча кутган болалар билан бетма-бет
ўқнашиб қолди. Нималар тўғрисидадир қизгин гап-
лашганча Эсон калла, Зокир ва Раҳимлар рўпарадан
қелишаётган эди.

Азиз индамай ёнларидан чошиб ўтиб кетаверганида
яни уриш болалардан ҳеч қайсисининг хаёлига ҳам
келмаган, ҳатто чалмаган ҳам бўлишармиди. Болалар
кеча Эсон трамвай бекатида ҳаммаси учун етарли ўч-
қолди деган фикрда эдилар. Ҳатто керагидан ҳам ор-
тиқроқ.

Азиз бўлса мутлақо бошқача хаёлда эди. Назарида
уларни ўлдирмоқчи бўлганини болалар худди билиша-
дигандай эди, ростки билишар эканми, унинг ўзини
ҳам ўлдиришлари мумкин-ку. Шунинг учун Азиз ўзи-
ни орқага ташлади-ю, бурилганича оёғини қўлига
олиб қочиб қолди.

— Ушла! Ушла! — қичқирди Зокир.

Шунда болалар орқасидан қува бошлашди. Ҳатто
оқсоқланганча Раҳим ҳам қувишга тушди.

Болалар шу топда тез югура олмасдилар, негаки
кулгилари қистаб кетаётганди, Азиз бўлса орқадан
таъқиб этаётган дўпир-дўпирни эшитиб, баттар
тезлашди ва ўтакаси ёрилгудек бўлиб додлаб юборди
ҳатто:

— Ердам беринглар!

Болалар аллақачон кейинда қолиб кетишган ва ор-
қаларига қайтишган, у бўлса тор кўчаю жин кўчалар-
идашиб-улоқиб ҳануз ўпкасини қўлтиқлаганча югу-
рди. Юраги нақ кўкрак қафасини ёриб чиқиб кетгу-
сиз дукурларди.

«Тўппонча тушиб қолмаганмикин?» — эсига тушди
тўсатдан. Йўқ, тўппонча қўйнида турибди, лекин ун-
дан отгиси, бировни ўлдиргиси келмай қолганди.

Кўнгли сал жойига тушган Азиз кўча эшикларига
писибгина етиб бориб, ичкарига уриб кетди.

Азиз нафасини ростлаб олгач, тўппончани жойига
қўйиб қўйиш эсига тушди. Лекин отаси ҳам, Иса ми-
лиционер ҳам ўша жавон турган меҳмонхонада ўти-
ришган бўлса қандай қилади.

Меҳмонхонада кайфичоглик қилишаётганди. Ич-

карида чироқ чарақлар, ҳаяжонли ғовур эшитиларди.

— Даданг пиёниста бўлиб қолган,— деди онаси Азизга,— деярли худонинг берган куни ичади, мусулмончиликниям эсидан чиқарворган. Кўча хандон, уй зиндон, унга бегоналар бўлса бас, менга ўшқиргани-ўшқирган. Қуюқ-суюқ овқатдан қўлим бўшамай қолди. Иккита духоба ёстиқ билан битта янги кўрпа қоплаттиргандим. Кўриб қолиб, меҳмонхонага олиб кириб қўй, деб буюрди. Борини етти ёт бегоналарга раво кўради!

— Опкириб қўйдийми?— сўради Азиз. Ёстиқ билан кўрпани ўзим киритиб қўйсам, соз бўларди, тўппончани бирон жойга қистириб қўярдим-да, деб ўйлади у.

— Йўқ,— деди онаси,— опкирганим йўқ. Балки эсидан чиқиб кетар.

— Нима деяпсиз, ойи, сираям эсларидан чиқмас,— деди Азиз,— беринг, мен опкира қолай.

— Эҳ, болам-а,— деди онаси,— сан ҳам худди отангни ўзисан? Бегоналарга жонингни беришгайм тайёрсан. Обора қол. Ана, тахмонда турибди.

Азиз меҳмонхонага кирганида отаси пиёлани кўтариб, гапираётган экан:

— Ҳар қайсимизнинг соғлиғимизга ичдик. Довжорак Султонбекнинг, содиқ дўстимиз Исавойнинг ва каминанинг соғлиғига кўтардик. Бу мен учун катта шараф. Илло мен бу сафаргисини дўстлик учун оламан...— ёстиқ ва кўрпа кўтариб олган ўғлига кўзи тушган Тожибеков бундай деди:— Ёстиқни буёққа бер, кўрпани тахмонга қўй.

Бу гап Азизни севинтириб юборди. «Тўппончани яхшиям кўрпанинг тахи орасига қистирган эканман!»— хаёлидан кечирди у.

— Қўйгину жўна,— шоширди отаси Азизни,— катталарни гурунгига қулоқ солишга ҳали ёшлик қиласан, ўғлим.

Азиз эшикдан чиқиб, равондан ўтиб бораётиб отасининг узилиб қолган қадаҳ сўзини давомкини эшитди:

— Мен дўстлик учун кўтаришни истардим, зотан дунёда дўстликдан кўра қимматлироқ нарса йўқ, дўст эса — бу шундай одамки, у ана шу дўстлик йўлига борини қурбон қилишга тайёр. Бу ерда уч киши ўтириб-

миз, лекин учовимиз бир жону бир тан: юрагимиз ҳам, ўй-фикримиз ҳам битта. Қани, дўстлик учун олдик!

Учовлари ҳам кўтаришди. Хонадон соҳиби — аста, вазмин; Кўр Султон бепарво ва эринибгина; Иса бўлса забт билан кўтарди-ю, нафаси қайтиб кетди. Иса қишлоқдалигида оғзига ҳам олмасди. Қишлоқда умуман ҳеч ким ичмасди. Бу ерда, Тожибековникида бўлса у винога ҳам, араққа ҳам тез ўрганиб кетди. Одатда у мириқиб, жон-жон деб ичарди, негаки, гўё ичкилик димоғини чоғ этиб, уй эгаси билан, унинг ҳурматли меҳмонлари билан теппа-тенг қилиб қўярди, бироқ бугун ичкилик Исанинг кўнглини ёзолмаётганди. У пиёлани чўқиштириб, Тожибеков билан Кўр Султонга қараб таъзим қилгандай хиёл эгилиб қўйиб, отиб юбораркан, дилидан, албатта булар, бу иккови — бир жону бир тан, деган фикр ўтди. Тап тортмас ва бадавлат одамлар. Ақлли. У, Иса-чи, мутлақо бошқача. У на довюрак, на бадавлат ва на қатъиятли. Нимани буюришса, шуни адо этади. Йўқ, улар билан йўли бошқа-бошқа. Булар ҳар қанақанги мушкулдан силлиққина қутулиб кетишади, у эса нобуд бўлади. Шунда Иса бугун дилига тугиб қўйган нияти жудаям тўғри эканини яна бир карра хаёлидан ўтказди. Эртага эрталаб у бу уйни тарк этади, Тошкентдан олисроқдаги, қозоқ даштларидаги сокин Авлиёота шаҳрига-жўнайди. Билет ёнида, дастлабки кунларига ярэйдиган пули ҳам бор, тинчгина ўз кунини кўради, ҳеч қачон бировларнинг ишига аралашмайди, ҳеч қачон қотилликка қотишмайди.

Буни қарангки, худди шу аснода Кўр Султон ҳам янги, думалоқ муҳр босилган ишончли ҳужжатлар билан бирга чўнтагида турган поезд билети ҳақида ўйлаётган эди. Эртага саҳарда бу ердан гўё отни олиб келгани кетаётган бўлиб чиқади, аслида эса жануби-ғарб томонга, Афғонистон тарафга қатнайдиган поездга ўтиради, ана ундан сўнг милицияю жиноят қидирув бўлимидагилар ҳам, содиқ Барот гунг бошчилигида ҳамтсвоқ ошналари ҳам қидираверишкен уни. Бугун иши жуда ўнгидан келди. У отни байлашиб қўйди, шунда аспжаллобнинг ишончли одам эканини кўриб, ҳар эҳтимолга қарши ундан, мўмайроқ пулга ҳужжат топса бўлмасмикин, деб сўраб кўр-

ди. Ишончли, бошқа шаҳарда бемалол, милиция текширувидан чўчимай яшаса бўладиган ҳужжат, деди. Аспжаллоб бир оз ўйлаб туриб, ўтган ой укам вафот этган, унинг ҳужжатлари турибди, деди. Кўр Султон ҳақини бериб, тураржой ва ишхонасидан справкаларни олди-да, отни эрталаб олиб кетишини, унга ем бериб қўйишларини илтимос қилди. Эрталаб отни олгани бормоқчи эмасди у. Кўр Султон ҳеч кимга ишонмасди, аспжаллобларга эса умуман. «Мабодо мени сотмоқчи бўлса,— ўйлади Кўр Султон,— унда листирма мени унинг уйи атрофида кутиб ётаверади». Кўр Султон аспжаллобникидан тўғри вокзалга бориб, билет олди.

Кўр Султон Тожибековга бу ҳақда лом-мим демади. Одамлар бир-бировининг режасидан қанчалик камроқ хабардор бўлсалар шунчалик яхши. У газак қиларкан, уй эгаси шаънига қадаҳ кўтарган дўстлик тўғрисида мутлақо ўйламасди. Бу ҳақда бош қотириб нима қилади! Кўр Султон ўзи билан уй соғибгани фақат совет ҳокимияти олдида жавоб беришдан қўрқишгина боғлаб турганини тушунарди. Майли, у тоққа кетди деб ўйлайверсин, майли, Барот келгач эса, у билан қандай тиллашса — тиллашаверсин. Нега энди у ҳаммаларининг ғамини ейиши керак экан? Нима, уларга энагами ё уларнинг оғасими!

Бухгалтер Тожибековнинг ҳам шу дамда кейинги кунлардагига қараганда кўнгли пича ёришган эди. Кўр Султон эртага тоққа жўнайди, Иса икковлари бўлса илгаригидек хотиржам, тинчгина яшайверишади. Тожибеков, Кўр Султон шериклари билан хорижга жўнайди, ёхуд янги бир талончилик пайтида, ёки чегарадан ўтишда ўлиб кетади деган умидда эди. Энг муҳими — у бадар кетади.

Тожибеков арақнинг қолганини пиёлаларга қуйди-да:

— Охирги сўзни ҳам мен айтсам дегандим. Умид қиламанким, тез кунларда биз довжорак Султонбек билан яна дийдор кўришамиз, зеро тоғ-тоғ билан учрашмайди-ю, одам одам билан ҳамиша учрашади,— деди.

Истироҳат боғида одам кўп. Лимонад ва морозний дўконлари олдида навбатда тизилишиб туришибди. Саҳни цементланган рақс майдончаси олдидаги фанер айвонда ҳарбий оркестр куй чалаяпти.

Содиқ гулпушталарни оралаб бораркан, диққат билан атрофга тикиларди. Ҳар битта чийдухоба калта камзул кийган одам кўзига Иван Кустов бўлиб кўринар, атрофда эса негадир чийдухоба камзул кийганлар кўп эди. У бир неча марта Иванга ўхшаган одамга етиб олиб, афтига қаради. Шунда улар: «Нима керак сенга, болакай?» — деб сўрашарди.

Содиқ Иваннинг боғда эканига ишонганди-ю, лекин унинг рақс майдончасидалигига негадир ишонинқирамаганди. «Наҳотки бошқа қиладиган иш йўқлигидан рақс майдончасига борса?» — деб ўйларди Содиқ. Боғнинг жамики бурчакларигача ағдиги қилиб чиққач, Содиқ ҳар қалай оркестр овози келатган томонга қараб юрди.

Рақс майдончасининг атрофи темир панжара билан қуршалган эди. Ичкарига билет билан қўйиларди, шу сабабли Содиқ панжара орасидан тикила бошлади. Жуфт-жуфт бўлишиб, куй оҳангига чирпирак бўлиб рақс тушишяпти. Улар жуда кўпчилик. Кўзи олдидан бир-бирига ўхшамайдиган, ҳаммалари турли хилда, айти пайтда бир-бирига ўхшаш жуфтлар пириллаб ўтиб туриришибди. Улар дам тез айланишади, дам секин, букик тирсаклари бир-бировларига тегиб кетяпти, ҳеч ким атрофига қарамайди, юзлари ҳам бошқача. Содиқ аввалига музикага қулоқ солмади, куй унга ҳатто халақит берарди, кейин ўзи ҳам билмани ҳолда қулоқ сола бошлади, шунда унга трубаларнинг овози, ногоранинг бир маромдаги гумбури ва мис тақсимчаларнинг жаранглаши ёқди. Эски шаҳардагилар камдан-кам эшитишарди оркестрни, Содиқ умуман биринчи марта шундай яқиндан эшитиб, кўриб турганди. Яхши чалишяпти, ҳаммалари баб-баравар, бошлаб чалишяпти, ўйлади у.

Оркестр тўсатдан жим бўлди. Музикачилар ўриларида туришиб, ўз чолғу асбобларини курсиларга қўйишди-да, баланд супадан пастга тушишди. Жуфтлар ўша заҳоти рақс майдончаси эшигига қараб ёпи-

рилишди, Содиқ ҳам ўша ёққа югурди. Бахтига одамлар майдончадан имитлаб чиқишарди, чунки ҳар бир жуфт кичкина-кичкина қоғоз парчасини олишарди. Эшик олдидаги оломон аста-секин камайиб, лимонад дўкони ва морожний сотадиган аравачалар олдидаги навбат эса кўпайиб борарди.

Шу пайт Содиқ Иванни кўриб қолди. Ёнида бир қиз бориёди. Соч ўрими иккита, қоп-қора, бўйи пастроқ. Ёғнида нўхатдай-нўхатдай хол-хол оқ гулли қизил кўйлак, оёғида ялтироқ тугмачали туфли. Иван уни қўлидан ушлаб олган. Нимага навбатга турсагин дея бир нафасгина иккиланиб тургач, морожнийли аравача ёнига яқинлашишди. Қиз ҳадеб Иванга тикилар, Иван бўлса қиздан кўз узмасди. Аравача ёнида одам кўп эди, шу боис Содиқ яқинроқ боришга ботинолмади. Кейин Иван билан қиз икковлари морожний олишди, Содиқ эса улар морожнийларини еб бўлишлари билан ёнларига бориб, Ивандан суратни чиқарган пластинка турибдим, дейишга, тўғрироғи шундай деб сўрашга аҳд қилди. Турган гап, Иван ҳайрон бўлади, кейин, бу ер ўзи умуман бу тўғрида гапирадиган жой эмас-а, лекин бошқа чораси йўқ-да.

Содиқ Иван вақтидан бурунроқ кўриб қолмасин деб лимонад дўконининг панасида бекиниб турарди. Иваннинг бўлса шундоқ ҳам кўзига ҳеч ким кўринмасди шу топда.

Иккита тангадай-тангадай чапати орасига олинган морожний тез эриб борарди. Қўққисдан оркестр янгитдан куй чалиб юборганда Иваннинг қўлидагиси ҳам, қизнинг қўлидагиси ҳам жиндаккина қолганди, шунда қиз Иванни рақс майдончасига сургаб кетди. Содиқ тагин темир панжара ёнига туриб олиб, рақс тушаётганларни кузата бошлади. У узоқ турди, Иванни бўлса сира кўздан қочирмади. Бу осон: майдончада чий-дубоба камзуллилар кўп, оқ хол-хол гулли қизил кўйлак эса биттагина эди.

Ахийри оркестр марш чалишга ўтди. Бу музика Содиққа жуда ёқди, оркестр шу пайтгача чалган куйларнинг ҳаммасидан кўра кўпроқ ёқди. Афтидан, музикачиларнинг ўзларига ҳам буниси бошқаларидан кўра кўпроқ ёқарди чоти, негаки улар бу маршни бояғидан бошқачароқ қилиб, шўхчан чалишарди. Бироқ жуфтлар маршга рақс тушмай, эшикка томон

шошилишди. Содиқ энди шошилмаса ҳам бўлаверишини фаҳмлади. Иван албатта қизни уйигача кузатиб қўйса керак. У қорама-қора бораверади, Иван ёлғиз қолгач етиб олиб, бор гапни айтади.

Богдан қанчалик узоқлашишса, кўчада шунчалик одам сийраклашиб борарди. Орқадан пойлаб юриш яхши эмаслигини тушунарди Содиқ, бироқ у ўзини ўзи, пойлаб юрганим йўқ, шунчаки айланиб юрибман, деб ишонтирди.

Кўпчилик уйларнинг деразалари қоп-қоронғи эди. Ҳар замон-ҳар замонда қаердадир олисда ит вовиллаб қўярди. Содиқнинг одим шарпаси ешитилмасди. Бу кўчани каштанлар буркаб олган, гарчи кейинги кунларда кечасилари ойдин бўлиб турган, ҳозир ҳам ой баланд кўтарилиб қолган бўлса-да, дарахтлар ости зим-зиё эди.

Ўт ўчирувчилар минорасидаги қўнғироқ ўн икки марта занг урди. Вақт ярим кеча бўлганди.

Саккизинчи кун

1

Иван қизни қимтинибгина қўлтиқлаб олди. Қиз бўлса унинг кифтига суйканди.

Содиқ қадамини секинлатди, тез-тез орқасига бурилиб, атрофга алангларди, шундай қилмаса, худди уларни атайин пойлаётган бўлиб чиқаётгандай эди.

Қизнинг овози қўнғироқдай жарангдор экан, у кўп, қаттиқ-қаттиқ гапирарди-ю, Содиққа эса маъносини тушуниб бўлмайдиган айрим сўзларгина етиб келарди. Дарзоқе, Содиқ қулоқ солмаётганди ҳам. Иван индамас, гапирётган бўлса ҳам жуда секин сўзлаётган кўринади, аҳён-аҳёнда унинг кулгани эшитилиб қоларди.

Улар тупроқ кўчага бурилишди, буни кўрган Содиқ яна бирор кўчага кириб кетадиган бўлишса кўрмай қолмай, деб зинғиллаганча олга интилди. У деярли чопиб бораркан, ерни дўпирлатмасликка тиришарди, мана, муюлишдан бурилди-ю, тахта дарвоза олдида

турган Иван билан қизил кўйлакли қизга кўзи тушди. Содиқ муюлишдаги уйнинг ергача тушган тарновига қисинганича, қилт этмай тураверди. Чамаси, қиз биронта шовқинни илгади шекилли, безовталаниб ўгирилиб қаради.

— Кира қолай мен,— деди у.— Ойим кутяптилар. Иннайкейин, ишга вақтли туриш керак. Эртага ит қопган касалим келиши керак, унга укол қиляпман. Биринчи беморим. Кечиксам ярамайди. Ҳозирча бошқа ит қопган касал йўқ, тажриба бўлса жудаям зарур. Айтмоқчи, нимага ҳамма эркаклар шунақа қўрқоқ бўлишади-я? Қараб туриб раҳминг келади унга. Ранги қув ўчиб, дағ-дағ титраб кириб келади. Хотинлар уларга қараганда довуракроқ.

Содиқ қизнинг нималарни гапираётганини тушунмаётганди. Иван айтган гапни бўлса бемалол тушунди.

— Демак, Рита, кино масаласида келишдиг-а? Соат еттига олайми ёки тўққизгами?

— Тўққиздагисига,— бир оний сукутдан сўнг жавоб берди қиз.

— Хўп, кўришгунча,— деди Иван Содиқни нақ юрагини ёргудек суюнтириб.

— Кўришгунча,— деди қиз.— Кузатиб қўйганинг учун раҳмат.

Худди шу пайтда Иван сира кутилмаганда, ақалли Содиқ учун сира кутилмаганда, қизни бағрига тортиб туриб, ўпдй. Содиқ кўзини чирт юмди — шундоқ яқингинасида бўлаётганди-да бу иш. У шу тахлит анча турди, кейин Иван кетиб қолган бўлса-я деб қўрқиб, бирдан кўзини очди. Улар бўлишса ҳалиям ўпишиб ётишибди. Содиқ шарпа чиқармасликка ҳаракат қилиб, эҳтиётлик билан муюлиш ортига чекинди.

Иван тор кўчадан чиқиб, ниҳоят ўз уйи томон йўл олди. У тош кўчадан кетиб борарди, қирқ қадамча нари боргач, астагина боя ҳарбий оркестр майдончада чалган маршни ҳуштакка солиб чала бошлади. Содиқ йўлқадан, ҳамон дарахтларнинг соясида паналаб келарди. Иваннинг орқасидан биров пойлаб юрганини пайқашини истамасди у. Икки-уч кўчани босиб ўтишгач, Содиқ дарахтлар панасидан тош кўчага ўтиб, секингина чақирди:

— Иван амаки...

Иван ўгирилиб қаради. Содиқ чопганча ёнига борди.

— Иван амаки,— деди у,— мени кечиринг, мен орқангиздан келаётгандим, адаштириб қўяман деб қўрқдим.

Иван Содиқни дарров танимади.

— Уйингизга киргандим. Сизни — боққа кетган дейишди. Сизни богдан қидирдим. Ўйин тушаётган экансиз. Панжарадан ичкарига киролмадим. Кейин морсжний единглар.— Содиқ ҳамма гапни очиқ айтса ҳалол иш қилишини тушуниб турарди.— Кейин бўлса сизни адаштириб қўйишдан қўрқиб, орқангиздан келавердим. Мени кечиринг. Ҳалиги, мен ҳеч нимани кўрмадим, керак пайтда тескари ўгирилиб олдим.

Иван кулди.

— Қачон тескари қарашни қаёқдан била қолдинг? Хўп, майли, жаҳлим чиқмайди. Хўш, нима дейсан?

— Анави пластинка турибдими?— сўради Содиқ.— Ануви, калла худди офтобга ўхшаб тушиб қолган-чи, орқа томонда бўлса деворлар тушган...

— Турибди,— деди Иван.— Чамамда, ташлаб юбормагандим-ов уни.

— Биласизми, Иван амаки, менга яна битта сурат жудаям керак. Бировнинг ҳаёти ўшанга боғлиқ бўлиб турибди. Ўша суратда икки кишини расми чиққанди, Маҳкам акани ана ўшалар ўлдирган бўлишса керак. Бугун дадамни қамаб қўйишди, дадамни бўлса ҳеч қанақа айблари йўқ, улар ўлдирмаганлар, тушуняпсизми? Билсангиз, анавилар муҳрни деб ўлдиришган, уларга муҳр керак бўлган-да...

— Шошмачи,— деди Иван,— бунақада ҳеч нимага тушунмаяпман. Юр меникига, пластинкани кўрамиз, кейин менга ҳаммасини бир бошдан гапириб берасан.

Орадан бир соат ўтгач Иван Михаил Сазоновнинг деразасини тиқиллатиб турарди. Деразапарда тепасидан Фотиманинг чўчинқираган юзи кўринди.

— Бир гап бўлдимми?— сўради у.

— Хўжайинингни уйғот, унга тегишли иш чиқиб қолди.

Михаил пиллапояга батамом кийиниб чиқди, бошида кепкаси.

— Нима, бир гап бўлдим сенга?— сўради у Ивандан.

— Йўқ,— жавоб берди униси,— менинг ишларим жойида. Манави болакай... ўзи айтиб беради сенга.

— Эрталабгача кутса бўлмайдами?— яна сўради Михаил.

— Бунисини ўзинг ҳал қиласан. Истасанг, эртага қолдирамиз. Лекин бугун манавининг отасини қамаб қўйишибди,— Иван Содиққа ишсра қилди.— Бунинг гапларига қараганда у гуноҳсизга ўхшайди, айбдорлар бўлса ялло қилиб юришганмиш.

Учовлари гиштин пиллапояга чўкишди, Содиқ билган-кўрганини бир чеккадан ҳикоя қила бошлади. Қудратнинг муҳрни ўғрилагани борми, кечаси жойига қайтариб қўйгани кириб, маҳалла комиссияси раисининг ўлигини кўргани борми, кейин Тожибеков билан Иса милиционернинг болаларни сўроқ қилишгани борми, Қудратнинг маҳалла идораси ёнидаги бўш ҳовли омборхонаси олдида турган бировнинг этигини кўриб қолгани ва ўша ҳовлининг Иса милиционерники экани, унинг ўзи бўлса ҳовлисида турмай, Тожибековникида ётиб юргани борми, Қудратнинг сирли равишда йўқолгани борми, биттасини ҳам қўймай гапириб берди.

Михаил Сазонов Содиқнинг юзига тикилиб қаради.

— Болакай,— деди у,— пўлат сандиқни топган пайтимизда ахлатхона яқинида эмасмидинг мабодо?

— Ҳа,— деди Содиқ ҳайрон бўлиб,— Қудрат билан ўша ердайдиқ.

— Муҳр тўғрисида нимадир деган Қудратмиди ё сенмидинг?

— Менмас,— деди Содиқ,— «Ичида муҳр йўқ бўлса-чи!» деб у сўраганди. Муҳр йўқлигини билганда у.

— Ҳа, ҳа, ҳа,— деди Михаил Сазонов,— худди шундай деб сўраганди у. Яна эсимда, ўшанда милиционер негадир безовталаниб қолганди. Буни пайқандим ўшанда, саволниям тушунгандим, кейин ёдимдан кўтарилиб кетибди. Ахир ўша Иса ростдан ҳам безовталаниб қолганди.

— Кейин Қудратдан тагин суриштирибди,— деди Содиқ.— «Уёқда, ахлатхонада муҳр тўғрисида нима дегандинг?» деб сўрабди.

— Суриштирбди дейсанми?— Сазонов янада сергак тортди.— Инглишаётганинг йўқми тагин?

— Йўқ,— деди Содиқ,— менга ўзи айтганди, у билан дўстимиз-ку.

— Бола кейин йўқолиб қолди дегин? Анави чўкиб кетган, дейишгани ўшамасми?

— Ўша,— деди Содиқ,— у сираям чўкиб кетмаган. Менсиз ҳеч қачон чўмилмасди. Сузишни яхши билмайди, мен бўлсам яхши сузаман.

— Манави тасодифий фотосурат ҳам болакайнинг гапига қўшимча бўладиган кўринади,— деди Иван.— Мана, кўр.

Михаил негативни олиб, уни ойга тутиб кўра бошлади.

— Манави иккита гавдачаларни айтяпсанми? Ўша куни кечқурун олгандик дейсанми?

— Ҳа, худди ўша куни кечқурун,— деди Содиқ,— чунки ўша куни кечқурун Қудрат муҳрни жойига қайтариб қўйгани кирган экан.

— Кетдик!— деди Сазонов.— Эрталабгача текшириб кўришга улгурсак соз бўларди-да.

2

Қудрат уйғониб, кўзини очмасдан, аллақачон тонготиб кетган бўлса керак, деб ўйлади. У чолнинг муздек қўли тегиб уйғонганди. Қозоқ чол арқонни ечаётганди.

— Жим, жим,— дея Қудратнинг нақ қулоғига пичирлади у.

Тоғ ҳали тун қўйнида эди.

— Жим, жим,— такрорлади чол.— Ҳозир оёқ-қўлингни ечиб қўяман-да, ўтовга кириб кетаман. Сен бирпас ёта тур, агар ўтовда тинчлик бўлса Ўн икки чашмага қараб йўлга туш, у ерга етгандан кейин мен кўрсатган томонга қараб юр. Ўша оқ уйнинг эгасини ўғли келган бугун. У ердан буруқсиб тутин чиқаётганди кундузи. Ўзларига овқат қилишаётганида тутун камроқ бўлади, ўғли келганида эса жуда буруқсаб чиқади.

Чол Қудратнинг қўл-оёғини ечиб бўлиб, ўтовга кириб кетди.

«Демак, чол мени алдамаган экан-да,— ўйлади Қудрат.— Жуда довиюрак экан, босмачилардан қўрқмас экан-а!»

Кечга бориб унинг назарида чол ниятидан айланиб ўхшаб кўринганди: ахир у кун бўйи Қудратга ҳатто қайрилиб ҳам қарамаганди-да. Рост, ўтрилар ётар олдидан Қудратнинг қўл-оёғини боғлаб, ўтовнинг олдида ётқизиб қўйганларида чол уни эски кигиз билан яхшилаб ўраб қўйган, лекин ўзига Қудратнинг ёнига жой солмаганди, шунга қараганда чол эрталаб айтганини қилмай, ичкарида, босмачилар қаватида ухлашга аҳд этган кўринганди. Лоақал уни кигизга ўраб қўйди-ку, шунисига ҳам шукур. Чол босмачиларга:

— Бандиларингни сизлар нима қилсаларинг қилаверинглар-у,— деганди у,— богласаларинг ҳам, богламасаларинг ҳам ўзларинг биласизлар. Локин у ҳали гўдак, шуни-чун совқотиб қолса, совуқдан тишлари такиллаб ётса увол. Унга раҳмларинг келмаса ҳам, мен қарияга раҳм қилинлар. Агар бола совуқдан тишларини такиллаб чиқадиган бўлса, мен тун бўйи мижжа қоқолмайман, шундоқ ҳам уйқум қуш уйқуси ўзи.

Оқшом ўтовда одатдаги гап, агар Кўр Султон эртага келмайдиган бўлса, унда ўзлари Тошкентга бора-жаклари тўғрисида гаплашдилар. Босмачилар аввалги куни кечқурун ҳам шу ҳақда сўзлашгандилар-у, бироқ негадир Тошкентга жўнашга ботинишолмаганди.

— Сен, Барот, бошингни сарак-сарак қилмай қўя қол,— деди улардан биттаси,— бизсиз йўлга чиқиб кўр-чи. Учовимиз бирга жўнаймиз ёки ўзи келгунича шу ерда кутамиз. Унга қараганда биз кўпроқ керак-миз Кўр Султонга.

— Агар тоғ Муҳаммаднинг олдида келмаса, Муҳаммад тоғнинг олдида боради,— деди бошқаси.— Сен кулма, Барот, ҳа, кулма, сен бир овсар одамсан. Бизсиз нияям келарди унинг қўлидан? Ҳатто шўрва қайнатиб ичишимам эплолмайди.

— Сенгайм гап борми,— қаршилиқ билдирди биринчи гапирган босмачи.— Ургутда қайнатган шўр-

ванг эсингдами? Анави олимларни гумдон қилганимизда-чи?

Иккинчи босмачи кулди.

— Ҳа... Сенга, Барот, битта воқеани гапириб бераман, буни Кўр Султон билмайди. Лекинига унга озингдан гуллаб қўймагин тагин.

— Чўчима, гулламайди, гуллаёлмайди-ку ахир! — дея безбетларча хохлади биринчи босмачи.

— Шўрвани боплаб қайнатиб, ўрислардан бирининг ёнидан топган туздан солдим. Буни қараки, бу туз эмас экан. Шўрва таҳир бўлиб кетибди. Эсингдами, Барот? Ўшанда чеккароққа ўтиб, шўрвани зовурга ағдармоқчи бўлдим. Қарасам, у ерда битта ўрис бола ётибди. Тирикмикин ё ўликмикин деб ўйладим. Ёе, дедим, тирик бўлса додлар. Шўрвани шартта устига ағдардим. Қарасам, ўлган экан, чурқ этмади. Эрталаб бориб қарасам, бу ўлик тушмагур қочиб қонти. Бу қанақаси бўлди, деб ҳали-ҳали бошим қотади. Ахир у албатта ўлган эди-да, бошидан қайноқ шўрвани қуийиб юборса тирик одам чидаш берарканми! У бўлса эрталаб жуфтакни ростлаб қолибди.

— Ҳа-а,— деди биринчи босмачи,— мабодо ўшанда Кўр Султон билиб қолганидами, бунинг учун сени...

Кейин босмачилар яна, агар Кўр Султон эртага келмайдиган бўлса, ўзлари шаҳарга қараб йўлга тушишларидан гап бошлашди, чунки битта аллақандай муҳрни деб шунча вақтни тоғда бекор ўтказиш мумкин эмас, дейишди. Қудрат ана шу жонига тегиб кетган суқбат давомида ухлаб қолди.

Мана ҳозир, ярим кечада у кигизга буркаб қўйилганича ётган жойида увишиб қолган қўл-оёқларини секин-секин қимирлатарди. Утов ичида босмачилар хуррак тортишяпти. Вақт бўлди, деган қарорга келди Қудрат.

Олдиниға ўн ёки йигирма қадамча масофага эмак-лаб борди, сўнгга дик этиб турди-да, сўқмоқдан югура кетди.

Ҳаво, худди саратонда муздек сувга тушган пайтдагидек, жудаям совуқ эди. Қудрат югуриб борарди-ю, бари бир исимасди. Ана, чинорлар кўринди, ана Ўн икки чашма, ундан пастроқда дарё бўйига тушилайдиган сўқмоқ. «Ишқилиб уйғониб қолишмасин-да! — ўйларди Қудрат. — Эҳ, кигизга бирон нимани ўраб

қўйиш эсига келмабди-да. Ташқарига чиққанлари за-
хотиёқ қочганимни пайқашади. Балки ташқарига чи-
қишмас?»

Тоғ дарёчаси, кеча кечаси шовқини бутун водийни
тутиб кетган дарё бугун сокин ва осойишта оқар, ун-
дан осонгина кечиб ўтса бўларди.

Қудрат кигиз остидан чиққанидан берига қанча
вақт ўтганини билмасди. Эҳтимол бир соат, эҳтимол
икки, балки бундан ҳам кўпроқ вақт ўтгандир. Ой
тоғ ортига ботиб, қоронғилик қуюқлашди.

Қудрат нариги бетга ўтиб, тоққа тармашиб чиқа
бошлади. Энди у совуқни сезмай қўйганди. Йўлни қис-
қартиш учун у сўқмоқдан юрмай, қўл-оёқлари, юз-кў-
зи тирналиб, кийими йиртилиб, буталарни оралаб бо-
рарди. Оқ уйга етишига озгинагина йўл қолди, сўқмоқ-
нинг яна битта бурилишидан ўтса бас, аммо Қудрат
фақат тўғридан юраверди.

Уйнинг теграси катта-катта харсанглар билан қур-
шалган бўлиб, ундан бемалол ошиб ўтиш мумкин эди.
Қудрат тўппа-тўғри эшикка қараб юриш учун тўсиқ-
дан ошиб ўтди. Шунда бостирма остидаги баланд отга
кўзи тушди-ю, ота янглишмаган экан, бунақанги от-
да фақат милиционерлар юришади, деб ўйлади.

Тўсатдан бостирма остидан каттакон овчарка оти-
либ чиқди-ю, ириллаганча болага ташланди. Қочади-
ган жой йўқ эди, шунинг учун Қудрат жон-жаҳди би-
лан эшикка қараб югурди. Бахтига эшик занжирлан-
маган экан.

Қудрат бор гапни гапириб берар, сочи калта қилиб
олдирилган, эгнига гимнастёрка билан милиционерлар
галифесини кийиб олган, лекин белидаги камарини
ечиб қўйган ёш йигит диққат билан қулоқ соларди.
Отаси оҳ-оҳлар, ҳайратланар, онаси бўлса нималар-
дир деб мингиллаб зорланарди. Милиционернинг бер-
ган саволларидан Қудратга шу нарса аён бўлдики,
Кўр Султоннинг тўдаси ҳақида ҳатто бу ерда, тоғда
ҳам билишар экан. Охири милиционер бундай деди:

— Етар, қолганини кейин гапириб берарсан.

У этигини кийди, белига камарини боғлади, чиқиб
отини эгарлади.

Чол Қудратга ўзининг чопонини берди.

— Орқамга мингаш,— деди милиционер,— кама-
римдан маҳкам ушлаб ол.

От, бу йўлга жуда кўникиб кетган шекилли, йўр-
лаб борарди. Тақаси тошга урилиб, чарақ-чуруқ қи-
ларди. Қудратнинг назарида от туёқлари остидан ат-
рофга учқунлар учаётгандай эди.

3

Ухлайвериб кўпчиб кетган, бошига соябони йўқ ми-
лиционерлар шапкасини кийиб олган жиноят қидирув
бўлимининг отбоқари извошни пиллапоя олдиға қай-
даб келди.

— Михаил Петрович, ишга киришишдан бурун от-
ни бирон жойга маҳкамроқ боғлаб қўйинг, бўлмаса бу-
ни буюққа қайтиб келадиган одати бор.

Михаил Сазонов билан жиноят қидирув бўлими-
нинг яна икки ходими извошга ўтиришди.

— Уша бўш ҳовлини қандоқ қилиб тезроқ топиш
учун бизни бошлаб бороласанми?— сўради Сазонов
Содиқдан.

— Бўлмасам-чи.

— Қўрқмайсанми?

— Йўқ.

— Унда юр биз билан. Сени бўлса, Иван, бори-
шингни ҳожати йўқ. Яхшиси эрталабгача негативдаги
суратни чиқариб, олиб кел. Иш бериб қолиши мумкин.

Михаил Петрович извошчининг ўрнига чиқди, Со-
диқни бўлса ёнига ўтқазди.

— Неча киши экан улар?— сўради орқадан жи-
ноят қидирув бўлими ходимларидан бири.

Сазонов отни чуқлади ва орқасига ўгирилмай жа-
воб қилди:

— Ками икки, кўпи билан тўрт киши бўлишса ке-
рак деб ўйлайман.

— Учовимизга кўплик қилишмасмикин?

— Бутун бошли взводни бошлаб боролмаймиз-
ку,— жавоб берди Сазонов бир оз сукут сақлаб.—
Тонг отгунга қадар улгуриш керак. Темирни қизиги-
да бос деганлар. Тўсатдан босиш омилини эътиборга
олгин-да. Кейин, ҳозир ўша ердами улар, йўқми, бу-
ёғи ҳам қоронғи. Балки аллақачон туёқларини шиқил-

латиб қолишгандир. Элдан бурун ногора қоқиб, шарманда бўлмайлик-да тагин. Ими-жимида, хушмуомалалик билан...

Ўқчига етганларида ҳаммалари, худди келишиб олгандай, чурқ этиб оғиз очмай боришарди.

Содиқ кўча эшикларига юраги эзилиб қараб қўйди. Ичкарида ҳозир ойиси мижжа қоқмай хавотирланиб, ич-этини ғам таталаб ўтиргандир. Бола Сазоновнинг енгидан тортиб, боши билан ишора қилди. Сазонов тушуниб, извошни тор кўчага бурди.

Отни Қудрат бир неча кун бурун устида туриб тасодифан Иса милиционернинг ҳовлисига қараб, этикни кўриб қолган дарахтга боғлашди.

Михаил Сазонов шерикларига шивирлаб буйруқ берди. Битта ходимга бўш ҳовлига тушиб, омборхонасини кўздан кечиришни, Тожибековнинг уйига ўтиладиган йўл бор-йўқлигини текшириб кўришни буюрди. Иккинчисига шиша омборининг томига чиқиб кузатишни буюрди, у ердан ҳар иккала ҳовли кафтдек кўриниб турарди.

— Мен ўзим Тожибековнинг эшигини тақиллатаман, сиз билан гаплашиб олишимиз... ҳалиги, хўш, Қосим муаллим тўғрисида, дейман. Сўзинг қанчалик пойма-пой бўлса, шунчалик яхши. Уларни сал чўчишти керак. Шунда отишмасиз, секингина чиқиб кетишга уринишади. Ана шунда лалайиб қўлдан чиқариб юбормасак бўлгани! Сен, болакай, дарахтнинг тагида, отни қўриқлаб ўтиргин... Ҳаммага тушунарлими?

Содиқ бир ўзи қолди. Ҳаммаёқ сув қуйгандай жимжит, вақт эса жуда имиллаб ўтиб борарди.

Кўча эшикни тақиллатганларини биринчи бўлиб Иса милиционер эшитди. У равонда ётар ва ўрнидан турмаёқ ким, нима гаплигини сўраши мумкин эди. Лекин Иса индамай ётаверди. «Тамом!— ўйларди у.— Ҳаммаси тамом бўлди. Ҳозир ҳаммамизни ҳайдаб кетишади. Эҳ, қанийди энди кеча жўнаворган бўлсам! Йўқ, қимирламай ётавераман. Бўлганича бўлар».

Эшикни бўлса ҳануз бетиним ва қаттиқроқ тақиллатишарди.

Уйдагилардан Кўр Султон иккинчи бўлиб уйғонди

чоғи. Бугун у меҳмонхонада, тўппончасини яшириб қўйган жавоннинг таккинасида ётган эди.

— Туринг, хўжайин,— деди Кўр Султон,— кўча эшикни тақиллатишяпти. Эҳтимол Барот қайтгандир. «Бевақт келди-да,— деб хаёлидан ўтказди у,— агар ўша бўлса, жудаям бевақт кепти-да. Энди у билан ўралашиб қолиш керак... Э-э, бари бир эрталаб жўнаб қоламан. Қайтаман, дейман, кейин қидираверишсин... Айтмоқчи, нега бунчалик қаттиқ тақиллатишяпти?»

Тожибеков боши хумдай бўлиб уйғонди, қай вақт бўлганини ҳам англолмай ҳовлига тушди-да, кўча эшикка қараб юрди.

— Ким бу?— сўради у олисданоқ.

— Бухгалтер Ўктамбек Тожибеков шу ерда турадимиз?— тиниқ ўзбекчалаб сўради Сазонов.

— Шу ерда, шу ерда,— жавоб берди Тожибеков ва ичида эшикни тақиллатаётган Кўр Султоннинг шерикларидан бири бўлса керак деб ўйлаб, паст овоз билан қўшиб қўйди:— Бунақа қаттиқ тақиллатманг, бутун маҳаллани уйғотиб юборасиз-а.

— Мен милицияхонаданман,— деди Сазонов.— Шошилишч иш бор, маслаҳатлашиб олишимиз керак.

Тожибеков ҳали ярим тун эканини, шу пайтда милицияхонадан келган меҳмоннинг сираям кераги йўқ эканини эндигина фаҳмлади-ю, оёғи чалишиб кетаёзди. Бироқ ўша ондаёқ яна эшик орқасида турган одам у қўрқаётган кимса бўлса дарров мен милицияданман дермиди, дея ўзига далда берди. Кейин, унга маҳалла комиссиясининг раиси сифатида ростдан ҳам мурожаат қилишлари мумкин-ку ахир.

Тожибеков занжирни тушириб, эшикни ланг очди. Қаршисида кепка кийган рус йигит турарди.

Кўр Султон бу гапларни эшитганди. «Бунинг ўрнида Барот бўлгани минг марта яхшийди...» деган ўй йилт этди миясида. У жавонни очиб, тўппонча ғилофни олди. Сира кутилмаганда еппа-енгил бўлиб қолибди у. Ғазаби қўзиб ерга улоқтирди уни. «Сотибди!— ўйлади Кўр Султон.— Сотибди, ит!» Ким сотгану ким ит, бу ҳақда ўйламасди у шу топда. Балки Исадир, бухгалтер сотган бўлиши ҳам мумкин. Ҳосқинчи деразадан мўралади. Эшикдан кепка билан камзул кийган бир одам шошилмай кириб келаверди. Кўр Султон-

нинг пишиб кетган тийрак кўзи камзулининг ўнг бикини дўппайиб турганини дарҳол пайқади.

Иса милиционер эса ҳануз раёнда бамисоли ўлиқдай тош қотиб ётарди.

Кепкали киши бафуржа уйга яқинлашиб келаверди. У уй эгаси билан нима ҳақдадир гаплашаётганди-ю, ўзи бўлса нуқул атрофга алангларди.

«Ким сотдийкин? — ўйларди Кўр Султон жонсарақлик билан. — Ким сотдийкин-а?» Кўр Султон тўппонча ғилофини ердан олиб, жойпга, жавонга қўйди қайтариб.

Кепкали киши равонга яқинлашиб қолди. Кўр Султон уйда иккинчи киши тунаганидан из қолдирмаслик учун ўзи ётган кўрпа-тўшакни йиғиштириб, қучоқлаб кўтарди-да, милиционернинг омборхонасига қараган деразани очиб, шарпа чиқармай ўша ёққа ўтди.

Михаил Сазоновнинг шу топда Тожибековга ишонмасликка етарлича асоси бор эди, сўнгра, уй эгасининг ўзини тутиши, гангиб қолгани ва меҳмонхона томонга шамғалаг қилиб кўз қирини ташлаб қўйиши тинтув қилинса уринишлари зое кетмаслигини айтиб турарди.

— Уйингизда биронта бегона одам борми? — сўради Сазонов. У жиноятчи албатта яширинишга ҳаракат қилади ва пистирмага дуч келади деган хаёл билан атайлаб вақтни чўзаётган эди.

— Йўқ, йўқ, — деди Тожибеков, — ҳеч қанақа бегона одам йўқ. Меникида ўзингларни одамларинг, милиция ходими туради холос.

Худди шу пайтда ичкаридан қандайдир қичқирган товуш эшитилди, кетма-кет эса ўқ овози янгради. Сазонов ўша заҳотиёқ қаёқдандир тўппонча пайдо бўлиб қолган қўлини кўтарганча уйга қараб отилди. Айни ўша дақиқада шиша омборининг тоmidан Тожибековнинг ҳовлисига тўппонча ушлаган яна бир одам сакраб тушди.

Содиқ дарахт тагидаги извошнинг олдида ўтирарди, шунинг учун ҳам Иса милиционернинг бўм-бўш ҳовлисидаги қичқирёқ ва ўқ своязини ҳаммаларидан яхшироқ эшитган бўлса керак. Кейин тагин аллақана қанги шовқин ва тушуниб бўлмайдиган сўзларни

лшитди. Ҳеч қанча вақт ўтмай ҳаммаёқ тинчиди-қолди.

Шаҳар осмони ёришгандан-ёришиб, уй ва деворларнинг шакли-тарҳи тобора аниқлашиб борарди. Саҳарги ғира-ширада кимсасиз майдонда турган йиғма соябонли, чарм ўриндиқли извош ва дарахтга суяниб ўтирган болакай ғалати бир манзара касб этарди. Афтидан, ўқчиликлар ўша тонготар чоғида данг қотиб ухлашмоқда эди, чунки Тожибековнинг эшигидан тўппонча ушлаган, гражданча кийинган уч киши эғнида гимнастёрка, бироқ камари ва тўппончаси йўқ Иса милиционерни, бухгалтернинг ўзини ва яна сал чўтироқ новча бир кишини олдиларига солиб чиққанларини ҳеч қайсилари кўришмади. Новча кишининг латта билан чирмалган ўнг қўлидан қон сизиб турарди. У қўлини чап қўли билан авайлаб кўксига босиб олганди.

— Обориб, бўлимга топширамыз-да, кейин извошни олиб кетгани келамиз,— деди Сазонов.— Олтовлашиб бари бир сизмаймиз унга.

4

Толиб Лерадан барвақтроқ уйғонди. Юз-қўлини ювиб, нонушталик ҳозирлади-да, айвонга чиқиб ўтирди, қутичасидан михдай ингичкагина, тамакисиз тўкилган папиросчани силкиб чиқариб, тутатди. Папирос бирпасда тугаб қолди. Толиб бўлса уни тишлаганича, Саидмурод билан ораларида бўлиб ўтган суҳбат устида ўйга толиб ўтираверди. Тожибековнинг қилган ишлари, унинг болалар ва Қосим муаллим масаласида ҳаддан зиёд фаоллик кўрсатиши маҳалла комиссияси раиси вазифасини вақтинча адо этиб турган одамнинг фаолият доираси чегарасидан хийла четга чиқиб кетганини кечаёқ фаҳмлаган эди у.

Бутун кўча, бутун маҳалла уйғонган бўлса ҳам, Лера ҳануз ухлаб ётарди. Толиб, тез қайтаман, деб ёзиб қолдириб, кўчага чиқиб кетди. У милицияхонага яна бир марта учрашишга аҳд қилганди. Лекин у кўнглига мутлақо ўтиришмаган Акбархўжаевга эмас, бошлиқнинг шахсан ўзига учрашмоқчи эди. Агар бошлиқ гапига тушунмаса, нима ҳам қиларди, унда шаҳар партия комитетига боради. Агар лозим бўлса у

Тошкентда бир ҳафта, икки ҳафта, борингки, токи иш ойдинлашгунича қолади.

— Милиция бошлиғи банд,— деди Толибга навбатчи,— кенгаш бўляпти.

Толиб оёқлари лиқилдоқ венача стулга чўкди. Зичлаб ёпилган эшик ортидан фақат бир кишининггина овози эшитилиб турибди. Сўз оҳанги дагдағали эди, шу сабабли Толиб кенгаш қизгин ва узоқ давом этса керак деб ўйлади.

Беш дақиқалар фурсат ўтгач эшик очилиб, мош еган хўроздай қизарган Акбархўжаев отилиб чиқди. Орқасидан эса Толиб маънисига етолмаган қуйидаги сўзлар эшитилди: «Ўт ўчириш командасига боринг! Сув чиқаргани! Қўл насос билан!» Эшик яна ёпилиб, ичкари жимжит бўлиб қолди.

— Нимага ўтирибсиз? — деди навбатчи.— Киринг.

— Ичкарида кенгаш кетяпти-ку ахир,— жавоб қилди Толиб.

— Э-э, кенгаш тугади,— деди навбатчи,— кираверинг.

Дарҳақиқат кабинетда бошлиқнинг бир ўзи экан. У стол теграсидан айланган кўйи яхшилаб қиртишланган гарданини кафти билан зўр бериб ишқарди.

— Қулоғим сизда, ўтиринг.

Толиб ўтириб, бошлиқнинг пича ўзини босиб олишини кута бошлади.

— Гапираверинг, гапираверинг,— такрорлади бошлиқ,— қулоғим сизда.

— Мен Ўқчи маҳалла комиссияси раисининг ўлдирилиши масаласи хусусида келгандим,— дея гап бошлади Толиб.— Гап шундаки, сизлар қабул қилган тахмин масаласида асосли шубҳаларим бор, кейин мен терговчида ҳосил бўлган фикрга мутлақо қўшила олмайман.

Милиция бошлиғининг жавоби Толибни довдираптиб қўйди.

— Сиз, бу ишда Тожибековнинг ҳеч қанча алоқаси йўқ деб ҳисоблайсизми? — сўради у.

— Биласизми... Мен Москвадан яқинда, аниқроғи кечагина келдим-у, лекин бу ерга келиб ўқитувчи Қосим Носиров ҳақида эшитиб-билганларим бу одам тўғрисидаги тасаввуримга тамоман тескари гаплар.

— Муаллим ҳозир бизни қизиқтирмайди,— деди

бошлиқ,— муаллим тўғрисида ҳамма нарса равшан. Бир дақиқага, кечирасиз...— У эшикни очиб, навбатчига деди:— Текшириб кўринг, муаллим Носировни қўйиб юборишибдими ё йўқми. Агар бундай қилинмаган бўлса, дарҳол уни бўшатиб, узр сўралсин. Менинг номимдан.

Нималар бўлаётганини тушуниб олиши учун Толибга озроқ фурсат керагиди. У тонг паллада Тожибеков билан Иса милиционерларнинг милицияда жамики гапни айтиб беришганидан беҳабар эди. Шунингдек, у... милиция бошлиғи билан гаплашмасидан бир соат бурун милицияхонага Чирчиқдан қўнғироқ қилиб, ўқчилик Қудрат деган бола топилгани ва Тожибеков билан Иса тан олган гапларни тўлиқ тасдиқлайдиган муҳим маълумотлар берганини хабар қилишганини билмасди.

Милиция бошлиғи навбатчи Қосим муаллим ўн дақиқача олдин уйига жўнаб кетганини хабар қилганидан кейингина тинчланди.

— Демак, муаллим масаласи равшан бўлди,— деди бошлиқ.— Хўш, яна нима гапингиз бор?

Толиб Саидмурод билан ўрталарида бўлган суҳбатнигина гапириб бериши мумкин эди, холос. Бироқ бунда ҳам бошлиқ Толиб билмаган нарсалардан хабардор экан.

— Ҳа, ҳа,— деди бошлиқ,— бу жуда қизиқ. Мева қуритиш заводида ишлайдими у?

— Билмадим,— деди Толиб,— сўрамабман.

— Ҳа, ҳа, мева қуритиш заводида,— деди бошлиқ,— чоғимда, имзосиз хатни ўша ёзган. Текшириб кўрамиз, раҳмат сизга.

Толиб қанақанги имзосиз хат устида гап кетаётганини тушунмади-ю, лекин сўраб-суриштириб ўтирмади.

У уйга қайтганида ювиниб, сочларини тараб олган Лера дастурхон устида ўтирарди.

— Кўзларим тўрт бўлиб ўтирибман бу ерда,— деди у,— сен бўлсанг аллақачонларда сайр қилиб юрибсан. Чой совиб қолди-ку.

5

Содиқ кунбўйи ухлади. У дадаси билан бирга келди уйга, тамадди қилиб олгач, дадасининг ойнасига га-

пириб бераётган гапларига қулоқ сола бошлади, аммо ўзи ҳам сезмагани ҳолда ухлаб қолди.

Соат бешлар чамасида кўчага чиқди-ю, болаларга духоб бўлди. Улар кучукни етаклаб келишаётган экан. Доберманнинг бўйнига тасма боғланган, уни Раҳим ушлаб олганди.

— Бугун нима гаплар бўлганидан хабаринг борми? — сўради Зокир.

— Йўқ, — жавоб берди Содиқ. — Мен узукун ухладим.

— Вой уйқичи-ей! — деди Эсон. — Ҳаммамизнинг ўйлаганимиз тўғриякан. Мен, масалан, ҳамиша шунақа деб ўйлагандим.

— Войбўй, бўпти! — унинг сўзини бўлди Зокир. — Мен ҳам шундай деб ўйлагандим.

— Сен қаёқдайдиг ўзи? — сўради Раҳим Содиқдан. — Ўтган кунни суратни кўтариб чопганча кетдинг, қаёққалигини айтмадинг ҳам... Доберманимизга Иван амаки тасма берди. Тўқасиям бор.

— Катталар гаплашаётганида жим турсанг-чи! — ўшқирди Эсон. — Сенга ўргатавериб ўзимга қолмади, қачонгача ўргатиш керак? Жудаям бебошвоқсан-да!

— Ўша кун кечаси, болалар, дадамларни айтиб келгани бордим, чунки ўша суратда... — дея энди гапира бошлаганида, Эсон сўзни илиб кетди:

— Аппаратни Иван амакига ташлаб келдик. Унинг ўрнига бизга бошқасини, янаям яхшироғини олиб беради. Эсингдами, мени битта ўзимни расмимни олишга сўз бергансан-а.

— Нимага энди фақат ўзингни ўйлайсан? — сўради Зокир. — Биров маҳалламизда нима гаплар бўлганини билиши керак-у, бу бўлса нуқул ўзини рўкач қилади. Биринчидан, сен, Содиқ, дадангни айтиб келгани бекор борибсан, чунки уни энди ҳеч ким Маҳкам акани ўлдиришда айбламай қўйган. Бугун кечаси кўчамизга ўттизта отлиқ милиционерлар келишибди. Отларини оёғига гурсилламасин ва одамларни уйғотиб юбормасин деб латта ўрашибди. Улар Тожибековни уйини ўраб олишиб, ичкарида кимки бўлса, ҳамма-ларига таслим бўл деб буюришибди. У ерда бўлса бутун бошли тўда боракан, пулемётлари ҳам. Лекин улар мундоқ қарашибди-да, бутун атрофни ўраб олишганини кўришибди, шундан кейин таслим бўлишибди.

— Йўқ, унақамас,— эътироз билдирди Содиқ,— ўттиз кишимасди, отлик милиция ҳам йўғийди. Шунча одамни нима кераги бор?

— Доим шунақа, ҳеч кимга ишонмайсан!— хафа бўлди Зокир.— Агар отларини туёғини латта билан бойлашмаганида қанчалик тарақа-туруқ бўлиб кетишини биласанми ўзинг... Энди яна битта янгилик бор. Қудрат шу пайтгача тоғдайкан. Дадаси билан ойиси кутиб олгани кетишди. Милицияхонадан одам келиб, уларни олиб кетди.

— Аниқ биласанми буни?— сўради Содиқ.

— Аппа-аниқ.

— Аниқ,— деди Раҳим ҳам. У бу сўзни Содиқдан ўрганганди.

Содиқ ўзида йўқ суюниб кетди. Аввалига ўзи бошдан кечирган ҳамма саргузаштларни гапириб бермоқчи бўлганди, ҳозир бўлса кейинроқ сўзлаб берганим маъкул деган қарорга келди.

— Қаёққа кетаётувдинглар?— сўради у.

— Трамвай тўхтайдиган жойга. Қудратни кутиб олгани.

Улар тўрт киши бўлишиб Ўқчи кўчаси бўйлаб боришаркан, ўзларини гўё яна бешовлондай ҳис қилишарди. Улар бутун кўчани эгаллаб кетишяпти. Бир пайт тўсатдан болалар четроққа ўтиб, йўл бўшатиб беришларига тўғри келди. Чунки рўпарадан ҳам кўчани бор энигача эгаллаб уч киши келаверди. Ўртада Қудрат, ўнг томонида — отаси, чапида — онаси. Отаси даргазаб, ҳеч қаёққа қарамай келяпти. Онаси бўлса нуқул кўз ёшларини артади.

Болалар ўзларини девор ёқасига олишиб, қўлларини кўксиларига қўйиб салом беришди. Қудратнинг онаси бош ирғаб алик олган бўлди-ю, ўша заҳотиёқ рўмолчасини кўзларига олиб борди, отаси бўлса билинар-билинмас бош қимирлатиб қўйди.

Зокир Қудратга, тезроқ чиқ, сени кўчада кутамиз, деган ишорани қилишга улгурди. Қудрат ўзини пайқамаганга солди, кейин шартта ўтирилиб, иложим йўқ деган маънода кафти қиррасини томогига қилиб кўрсатди.

— Эҳ, дадаси боплаб саваласа керак,— хўрсинди Эсон.

— Урмас-ов,— деди Содиқ.

— Мени дадам бўлганларида икки дунёдаям ҳеч нимага қараб ўтирмасдилар,— деди Эсон.

— Эртага стадионда,— Зокир мавзуни ўзгартиришга қарор берганди,— Самарқанд билан Тошкентнинг терма командалари ўйнайди.

— Кетдик,— деди Содиқ.— Дадам ҳаммамизга етадиган пул берадилар. Мен футболга илгариям қаршимасдим, энди қарасам, унинг фойдаси бор кўринди, дедилар.

Эсон Содиқнинг гапидан жуда суюниб кетди, нега деганда унинг отаси футболга тушгани ўла қолсам пул бермаган бўларди, лекин дарров хўп дейиш ноқулай эди, шунинг учун у:

— Иван амаки бўлса, агар спорт жамиятига — «Динамо»гами ёки «Спартак»ками,— кирсаларинг дафтарча беришади, кейин текинга кираверасанлар, дейдилар. Лекин бунга сира ишонгим келмаяпти.

— Нимага энди?— деди Зокир ишонч билан.— Бу оддийгина нарсаку. Биз шунчаки кўча болалари эмасмизку ахир. Биз деярли бир ташкилотдаймиз. Толиб ака ҳам уюштишларинг керак дедилар.

Акасидан хафа бўлиб шу пайтгача жим турган Раҳим:

— Нимага турибмиз ўзи? Юринглар Толиб аканикига. Лера опага Доберманни кўрсатаман деб сўз бергандим.

Айвонда Толиб билан Қосим муаллим, ўтиришарди. Улар нима ҳақдадир суҳбатлашишаётганди, буни кўрган болалар иккиланиб тўхтаб қолишди.

— Киринглар, кираверинглар,— ичкарига таклиф қилди уй эгаси.— Жуда пайтида келдингларда, ўзимиз ҳам сизлар тўғриларида гаплашаётгандик.

Болалар ўзларига қараб турган катталарнинг юз ифодасидан яхши гап бўлишини тушуниб олишди.

— Мен эртага кетаман,— деди Толиб.— Лера иккаламиз уйни сизларга қолдириб кетишга келишдик. Фақат бешаловларинггагина эмас, албатта, кўчамиздаги ҳамма болаларга. Бу ер клуб бўлсин. Қосим ака бўлсалар,— дея Толиб боши билан муаллимни ишора қилди,— комсомоллар билан гаплашадилар, бу ерда пионер отряди ташкил қилиш тўғрисида, тўгараклар

очиш ҳақида, масалан, фотокружок тўғрисида. Қизиқарлими бу? Менимчам, қизиқарли. Адабиёт, тарих, математика тўғараклари, кутубхона ва ҳоказо. Умуман, ёзда лақиллаб юрмасанглар бас.

— Футбол тўғараги очсаям бўладими?— сўради Зокир.

— Бўлади,— деди Толиб.— Ҳатто ҳам волейбол, ҳам шахмат — умуман спорт секторини очиш мумкин. Бу ердаги ҳамма ишларни — супуриб-сидиришни ҳам, уёқ-буёқни тузатишни ҳам, китоб тарқатишни ҳам ўзларинг бажарасизлар. Эртадан бошлаб бу ҳовли сизларнинг ихтиёрингларда.

— Доберманимиз ҳам шу ерда турса майлими, нега десангиз, дадамлар уйдан йўқот деяптилар,— иккиланиброқ сўради Раҳим.— Ўзи зотдор.

Шу пайт Лера гапга аралашди. Хижолатдан у одатдагидан сал кўпроқ дудуқланарди.

— А-албатта, б-бўлади, лекин с-сизларга а-айтиб қ-қўяй, б-бу мутлақо т-тоза зотли доберман-пинчер эмас. Бу насли яхши биламан. Б-бунинг устига сизларнинг доберманларинг дворян ҳам экан.

Дворян дегани нима эканлигини болалар тузуқ-қуруқ тушунишмади-ю, лекин бу сўз Лера кулиб туриб айтганидан ҳаммаларига ёқди.

— Тепага чиқиб, ҳаммаёқни тартибга солинглар,— деди Қосим муаллим.

Болалар зинапоядан юқорига чиқишди-да, шийпончада ўтириб олишди. Ичкарига киргилари келмаётганди шу топда. Шийпондан бўлса Ўқчининг, кўҳна Тошкентнинг энг қадимги кўчаларидан бирининг ярни кўзга ташланиб турарди. Девору томлардаги лолақизгалдоқлар ботиб бораётган қуёш шафағида ял-ял ёнарди. Кундузги югур-югур ва гимири-гимирлардан шаҳар узра кўтарилган чанг имирсилаб чўкмоқда эди. Ҳамма ҳовлиларда кечки овқат пишмоқда, қайси уйда шўрва қайнаётганию қайси уйда палов дамланётганини бемалол билиб олса бўларди, шашликни-ку, агар шамол ўша ёқдан эсаётган бўлса, уч кўча наридан ҳам пайқаш мумкин эди.

— Қаранглар,— деди Эсон.

Қайрилиб қараб, кўчада Қудрат отаси билан келатганини кўришди. Отаси, худди ёш боладай Қудратнинг қўлидан ушлаб олибди. Ичкарига киришганида

бўлса бошини силаб туриб, баланд овоз билан деди:

— Бора қол ўртоқларингни олдига. Узиям тезроқ мақтана қолай деб сабринг чидамай тургандир.

Пастда, айвонда катталар гурунглашишяпти. Тепада бўлса болалар Қудратни ўраб олиб, унинг гапларини ҳар қачонгидан ҳам берилиб эшитишяпти, аслини олганда, илгарилари ҳам унинг ҳикоясига жон-жон деб қулоқ солишардику-я. У ўртоқларига ҳаммасини батафсил, энг бошидан бошлаб ҳикоя қилар, кейинги галга гапирадиган гап қолмайди-ку, деб асло чўчимасди.

— Росаям қўрққандирсан-а? — сўради Зокир.

— Секинроқ айтасанми! Қўрққанда қандоқ! Улар хоҳлаган кунлари мени сўйишлари, жарга улоқтириб юборишлари мумкин эди. Улар одаммас-ку ахир. Босмачилардан биттасининг гапириб беришича, тоғда бир болани бошидан қозонда қайнаб турган шўрвани қуйиб юборган экан — тирик ё ўликлигини текшириб кўрмоқчи бўлганакан. Одаммас, йиртқич ҳайвон-ку улар. Бола бўлса улардан бекиниб, зовурда ётган экан. Босмачи устидан қайноқ шўрвани қуйиб юборибди-ю, у бўлса ҳатто қимир ҳам этмабди. Шунда босмачи уни ўлган экан деб ўйлабди. Эрталаб бориб қараса, бола йўқмиш. Аслида у тирик экан, қочиб кетибди... Ана ўша бола роса қўрққан бўлса керак. Бу гапни эшитганимдан кейин бешбаттар қўрқиб кетдим. Мен ўтовни олдида ётибман, улар бўлса ичкарида гаплашишяпти десанг.

— Наҳотки уларни ушлашолмаса? — деди Эсон.

— Албатта ушлашади, — деди Қудрат. — Учта отрядни жўнатишди, ҳамма йўлларни тўсиб қўйишади.

— Қаранглар, ким келяпти! — деб қолди Зокир тўсатдан. — Пўлат сандиқни топишганида майдонга келган изқувар-ку!

Кўчада кепкасини кўзларигача бостириб кийиб олган одам шошилмай келяпти. Содиқ Михаил Сазоновни бир қарашдаёқ таниди. У ҳовлига кириб келаркан, болохона шийпонида уймалашиб турган болаларга қулиб қўл силкиб қўйди. Катталар меҳмонни қаршилаб ўринларидан туришди. Толиб меҳмоннинг истиқболи сари юрди.

Содиқ астагина шипшиди болаларга:

— Бугун эрталаб Кўр Султон, Тожибеков ва Исаларни қўлга туширган шу.

Бирпасдан кейин болаларни пастга чақириб қолишди.

— Ўқчида сизларнинг ёрдамларингсиз ҳеч иш қилиб бўлмас экан,— деди Толиб.— Жиноят қидирув бўлимидан келган Сазонов сизлар билан гаплашмоқчи.

— Авваламбор,— деди Михаил Сазонов,— берган ёрдамларинг учун сизларга раҳмат айтмоқчиман. Иккиламчи, дўстлик садоқатларинг учун мақтамоқчиман. Учинчидан, сизларга битта саволим бор. Биз ҳамма ишни битирдик ҳисоб. Бир соат бурун менга бутун тўда зарарсизлантирилганини қўнғироқ қилишди. Лекин битта ечилмаган масала қолди: ҳар қалай, маҳалла комиссиясининг думалоқ муҳри қаерда ўзи?

Зокир, Эсон ва Раҳимлар ҳайрон бўлиб қолишди. Содиқ Қудратга саволомуз тикилди. Қудрат бўлса иккиланарди.

— Гапир...— деди Содиқ.

— Муҳр ўшоқда,— деди Қудрат,— маҳалланинг идорасида. Уни обориб қўйганимдан бери ҳеч ким тегмаган бўлса керак.

— Хусусан қаерида?— сўради Сазонов.

— У ерда стол бор. Уша столни тепасидаги тахтани кўтарилса — тахтаси ҳатто михланмаган ҳам,— оёғидан биттасини тепасидаги чуқурчада муҳр, бошқа биттасида пўлат сандиқнинг калити турибди. Лекин бу калит энди тушмайди. Тожибеков қулфини ўзгартирган.

— Ҳа...— деб қўйди Сазонов.— Илгариги раисларинг қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Уларга калитни бермабди. Муҳрни ҳам бермаслиги турган гап эди. Ажойиб киши экан...

Бу сўзлар ҳеч кимни Қудратчалик қувонтирмади, чунки у шу кунларда куну тун, Маҳкам акани менинг касофатимга ўлдиришган бўлса-я, деб ўйлаб юрганди-да.

— Амаки, Маҳкам ака бизга вақти-соати келиб ер юзида сираям ёмон одамлар қолмайди, фақат яхшилар қолади, дердилар. Қачон бўлади бу?— деб сўради кичкина Раҳим.

Сазонов шешилмади.

— Аниғини айтолмайман, болалар. Ўйлайманки, тез орада бўлиб қолса керак бу.

— Яқин орадами ёки ҳали анча борми?— сўради Зокир.

— Эҳтимол, яқин орада бўлмас,— деди Толиб,— чунки ёмон одамлар ҳар ҳолда кўп ҳали. Лекин ишонинглар, муҳими ёмон одамларнинг борлигида эмас, муҳими — яхши одамлар ҳамиша бўлиб келган ва бўлади.

Бу суҳбат бораётганида Лера каттакон дастурхонни ёзиб, бир талай ликопчаларга қанд-қурс, печенье ва новот қўйди. Каттароқ тақсимчаларда сариғу қизил гилос, ўрик, шафтолилар. Самовар шақиллаб қайнаб турибди. Ҳаммалари ўтиришиб, мева-чевалардан олишиб, чой ичишди.

Толиб Фаргонадан қайтишида кўпроқ туришга, Уқчида болалар клубини астойдил ташкил қилишга, кейин Москвадан китоб юбориб туришга ваъда берди. Сазонов ўртоғи Иван фстотўгаракка раҳбарлик қилишга, болаларнинг бепул форма ва бутси бериладиган «Динамо» спорт жамиятига ёзилишларига ёрдам қилишга рози эканини айтди...

Раҳим бир чақмоқ қандни енгига яшириб, чаққонлик билан Доберманга ташлади. Доберман уни кусирлатмай еганида ҳеч ким ҳеч нимани пайқамасди-я, аммо ит ғажирлатиб чайнаганда ҳамма ўгирилиб қаради.

— Айтгандай,— деди Сазонов,— сал бўлмаса эсимдан чиқаёзибди. Қўлга олинганлардан бири, Саидмурод, мени қутурган ит қопди, дейди, унинг гапича ит сизларники эмиш, болалар. У қутуришга қарши эмлашларини талаб қиляпти.

— Мана ўша кучугимиз,— деди Зокир.— Нима, у қутурганга ўхшайдими?

— Уни бизга Иван амаки совға қилганлар,— деди Эсон,— ўзларидан сўрашингиз мумкин.

— Биласизларми нима,— бир оз ўйлаб туриб деди Сазонов,— модомики маҳбус томонидан шундай ариза тушган экан, итни текшириш керак. У игна санчишдан ўлгудек қўрқаркан, ит қутурган бўлса-я, деб ундан кўраям кўпроқ ўтакаси ёриляпти. Уни эртага текширтиргани олиб боринглар. Касьянов кўчасидаги эмлаш пунктини биласизларми?

— Билганда қандоқ!— деди Зокир.— Қўяверинг, боплаб нина тиқаверишсин ўшанга!

— Қаерига тиқишади нинани?— сўради Раҳим.

— Қайдам,— жавоб берди Сазонов.

— Одатда қутуришга қарши қориндан укол қилинади,— деди Лера.

Раҳимнинг афти бужмайди.

— Менга ҳечам нина тиқишмаган. Жудаям оғриса кераг-а. Кучукни эртагаёқ олиб бораман. Одамни раҳми келади унга.

Ҳаммалари Сазоновни кўчагача кузатиб чиқишди. Урта бўйли, хипча кифт, кўк галифе кийган, этигини чанг босган Сазонов кепкасини кўзларигача бостириб олганча кетиб борарди.

Содиқ унинг орқасидан тикилган кўйи Қудратга деди:

— Ҳар қалай ёлгон гапиришинг қолмабди ҳалиям.

— Нимага энди?— сўради униси.

— Бояги устидан шўрва қуйиб юборишган бола тўғрисидаги гапинг-чи? Тирик одам бунга сираям чидаёлмас.

— Ҳа-я,— деди Қудрат,— мен ҳам ўйлаб қолдим... Мен ўзим бўлганимда чидаёлмасдим. Хўш, сен-чи?

— Мен ҳам чидаёлмасдим,— деди Содиқ.

— Демак, ўша босмачи ёлгонни қотирган экан-да. Албатта алдаган. Мен энди, чин сўзим, ҳеч қачон...

Содиқ унга шубҳа билан қараб қўйди.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ КҮН	3
ИККИНЧИ КҮН	23
УЧИНЧИ КҮН	53
ТҶРТИНЧИ КҮН	65
БЕШИНЧИ КҮН	91
ОЛТИНЧИ КҮН	103
ЕТТИНЧИ КҮН	139
САҚКИЗИНЧИ КҮН	175

Икромов Комил.

Саккиз кунлик саргузашт. Қисса
(Русчадан Э. Миробидов тарж.)— Т.
«Ёш гвардия», 1980. 200 б.

**Икромов К. Круглая печать. По-
весть.**

Р2

На узбекском языке
КАМИЛ АКМАЛЕВИЧ ИКРАМОВ
КРУГЛАЯ ПЕЧАТЬ

Повесть

Перевод с издания «Ёш гвардия» — 1974 г.

Редактор Ш. Ҳамидов
Рассом А. Лигай
Расмлар редактори Э. Валиев
Техн. редактор Г. Аҳмаджонова
Корректор Ш. Аминова

ИБ № 639

Босмахонага берилди 25.06.1980 й. Босишга рухсат этилди 16.12.1980 й.
Формати 84×108^{1/32} № 1-босма қозоғга «Школьная» гарнитурада
юқори босма усулида босилди. Босма листи 6,25+0,125 вкл. Шартли
босма листи 10,5+0,21 вкл. Набр. листи 10,107+0,392 вкл. Тиражи 40 000.
Шартнома № 22—80. Буюртма 327. Баҳоси 85 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тош-
кент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича
давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш
бирлашмасининг 1-босмахонаси, Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21, 1980 йил.
Рангли зарварақлар офсет босма фабрикасида босилди.